



АСАРЛАР
VI ЖИЛДЛИК

ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ
НАШРИЁТИ

Тошкент — 1978

Мухаммад

Ризо

Мироб

рнийёзбек

ўғли

Отаҳий

АСАРЛАР

V ЖИЛД

ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАН
ПАРЧАЛАР

Уз
0—21

Нашрга тайёрловчи
СУБУТОЙ ДОЛИМОВ



Масъул муҳаррир
ҒУЛОМ КАРИМОВ

А $\frac{70303-235}{352 (06)-78}$ 142—78

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

ОГАҲИЙ-ТАРИХЧИ

Огаҳий шеърят ва бадий таржима соҳасидаги ажойиб асарлари билан бир қаторда Урта Осиё халқлари тарихига доир катта маҳорат билан ёзилган китоблар муаллифи ҳамдир. У XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб вафотига қадар (1874 йилгача) бешта мукамал тарихий асар яратди. Жумладан, Оллоқулихон ҳукмронлик қилган давр (1825—1843) воқеаларига бағишлаб «Риёзуд-давла», Раҳимқулихон подшолигининг дастлабки йилларида (1843—1846) «Зубдатут-таворих», Муҳаммадинхон завонаси «Жомеул-воқеоти султоний», Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган давр (1856—1865) тавсифида «Гулшани давлат», ниҳоят, Муҳаммад Раҳимхони соний тахтга ўтирган (1865—1910) даврда «Шоҳиди иқбол» каби тарихий асарларини яратди.

Мазкур асарларда Хива хонлиги территориясида яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ халқларининг ижтимоий ҳаётини, Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон билан бўлган муносабатларини, ўзаро урушларни, Россия билан бўлган савдо алоқаларини, хон ва беклар жабр-зулмига қарши кўтарилган халқ қўзғолонларини, халқларнинг урф-одатларини кенг миқёсда ёритиб берилган. Машҳур мустаҳрик В. В. Бартольд мазкур XIX аср ўзбек тарихчиларининг асарларига катта баҳо бериб ёзади: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарларнинг қанчалик камчиликлари бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиши ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихига доир бизгача етиб келган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради».¹

В. В. Бартольдининг бу фикрига кўра, Огаҳийнинг бешта тарихий асари, Шермуҳаммад Мунис тамомлай олмай қолдириб кетган «Фирдавсул-иқбол» асари (Огаҳий бу асарни давом эттириб, 1840 йили поёнига етказди) ўзбек, туркман, қozoқ ва қорақалпоқ халқларининг тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Урта Осиё республикаларининг тарихчилари ўз халқларининг XIX аср тарихини яратган вақтларида, албатта, Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарларига мурожаат қиладилар ва манба сифатида улардан фойдаланадилар.

¹ Академик В. В. Бартольд. Сочинения, том II, часть I. Издательство Восточной литературы, Москва, 1963, стр. 285—286.

Мунис ва Огаҳий сарой муаррихлари эдилар. Хоразм хонлари ҳақиқатни сўзлашга асло йўл қўймас, хонларнинг шаънига қарши сўзлаган ҳар қандай шахс қаттиқ жазоланар эди. Огаҳий доимо хавф-хатарда юради, шунинг учун у ўз асарининг «Дебоча»сида: «...гоҳо подшоҳ хизматининг тараддуди била кўнглумда минг ғам ва гоҳо ва-зир мулозаматининг тажассуси била жонимда юз алам», деб ёзади. Хон бошлиқ сарой амалдорлари Огаҳийни доимо таъқиб этганлар. Бу фикрни қувватлайдиган шоирнинг яна бир байти ҳам бор:

Солғуси гардун паришонлиғ банотун-наъшдек,
Тузса мажлис дўстлар ногоҳ агар Парвин киби.

Огаҳий тарихий ҳодисаларни, халқ бошидаги оғир мусибатларни ҳаққоний тасвирлайди. Масалан, қорақалпоқ халқининг қўзғолонини якунлар экан дейди: «...даврони инқилобнишон ичида кўп воқе бўлмушдурурким, оз душман иттифоқидин офати саҳим ва кичик ғаним ижмондин меҳнати азим пайдо бўлуб, набард арасида фарзидек кажхиромлик билан от суруб, улуғ шоҳларни пиёдалиғ мартабасига тушуруб мотлиғ сарҳадиға еткурубдурурлар».

Огаҳий халқ қўзғолонларининг моҳиятини улуғ муаррих сифатида китобхон кўзи олдида яққол гавдалантириб беради:

Агар жамъ ўлса учқун бир маконға,
Бўлур албатта оташгоҳ пайдо.
Ва гар ҳар соридин йиғнолса қатра,
Бўлур тадриж ила тўфон ҳувайдо.

Огаҳий халқ қўзғолонларининг учқунидан оташгоҳ, қатрасидан тўфон пайдо бўлишини яхши англай олган эди.

Шуниси таажжубки, гарчи тарихчи Огаҳий халқ қўзғолонларига ҳоким синф нуқтаи назардан қараб баён қилса ҳам, қўзғолоннинг сабабларини тўғри ёритади. Масалан, 1249(1827—1828) йилда Ой-дўстбий бошчилигидаги қўзғолоннинг асосий сабабини халқдан йиғиладиган солиқнинг оғирлигидан деб кўрсатади.

Туркманлардан Сориқ қабиласининг Соатқули сардорга қарши олиб борган 1243 (1827—1828) йилдаги қўзғолони яна ҳам характерлидир. Қўзғолончилар Соатқули сардорни ва уруғ-аймоқларини ўлдирдилар, қўзғолон хон кўшини томонидан бостирилади. Бу қўзғолоннинг сабабларини Огаҳий қўзғолончилар тилидан баён қилади: «...Соатқули сардор қатли учун қилгон шанёв журъатимизга сабаб улдурким, ул дойим... бизларнинг қалъ ва тавдиримизга роғиб ва акобирларимизнинг халъ ва таҳқирига толиб эрди ва яна баъзи номашруъ ишларга қиём ва зулми сариҳ мубодаратиға иқдом кўргузур эрди...»

Бу фикрлар Огаҳийнинг аркони давлат ҳаракатиға бўлган муносабатини ҳам кўрсатади.

Огаҳий ўз тарихий асарларида қўзғолончиларнинг Россиядан ўзларига мадад тилаганини, улардан кўмак кутганини, халқнинг Хива хонидан тамом юз ўгирганини баён қилади. Масалан, Муҳаммад Аминхон 1855 йилда туркман қўзғолончилари томонидан ўлдирилгандан сўнг, тахтга Абдуллахон, кейин Қутлуғ Муродхонлар ўлтирди. Буларнинг ҳар иккови оз вақт ҳукмронлик қилгонларидан сўнг, баъзи бир қабилалар томонидан ўлдириладилар.

Саййид Муҳаммадхон ҳукмронлик қилган давр (1856—1864) да қўнғирот қабиласи билан ёвмут қабиласи бирлашиб, хоннинг жабру зулмига қарши қўзғолон кўтардилар. Қўзғолонга Муҳаммад Паноҳ номли бир деҳқон бошчилик қилади. Оғаҳийнинг айтишича, қўзғолончилар рус халқидан ёрдам сўрайдилар: «...Муҳаммад Паноҳхон бошлиқ барча ўзбеки ва ёвмутия акобери ҳамула хатга муҳрларин босиб, они Сирдарёнинг аёғи ва Хоразм тенгизининг қирғоғидаги қалъа солиб, маскан тутуб ўлтургон Русия тойифасига йибормиш эрконлар. Хат мазмуни бу эрмишким, «Бизлар ўз подшоҳимиз итоатидин юз эвуруб, мундоқ улуғ ишга мутасаддий бўлдуқ, аммо бу иш ўҳдасидин чиқа олгудек қудратимиз ва Хивақ лашкарининг дафъа-дафъа келган чаповулчиларига муқобил бўлгудек қувватимиз йўқтур. Ушбу ҳол била қўнғирот диеёрида фориғбол ўлтурмоқимиз асло мумкин эмас-тур. Муддаомиз улким, Русия халқидин бир оз лашкар келиб бизнинг қалъамизда бўлса ва бизлар ихтиёримиз инонин аларнинг иқтидори қўлига топшурсоқ... Эмди агар бизларнинг илтимосимизни қабул қилсаар, бу кунни тонглаға қўймай тездин етишсунлар...»

Маълумки, XIX асрдан бошлаб Ўрта Осиё хонликлари, шу жумладан, Хива хонлиги билан Россиянинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари анчагина яхшиланади ва маълум тартибга тушади. Шу муносабат билан Россия Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий вазиятини синчиклаб ўрганишга қаттиқ киришади. Жумладан, 1848 йилда А. И. Бутаков бошчилигидаги экспедиция икки йил (1848—1849) давомида Орол денгизини ўрганади ва унинг картасини тузади¹.

Шу билан бирга, Хива хонлари Россия элчиларини самимият билан қабул қила бошладилар. Икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, савдо ва иқтисодий муносабатларни яхшилаш ҳақида шартномалар тузилади. Айни замонда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус қўшинлари Ўрта Осиёга кириб кела бошлайдилар, Сирдарё атрофида истеҳкомлар қурадилар, Орол денгизида пароходлар юргизадилар, бирин-кетин хонликларнинг шаҳарларини қўлга киритадилар. Шу муносабат билан Хива, Бухоро, Қўқон хонликларининг фуқаролари рус халқига эътиқод била қарайдилар ва рус халқи туфайли хонларнинг жабру зулмидан озод бўлишни умид қиладилар.

Оғаҳий ўзининг тарихий асарларида ҳар бир халқ қўзғолонининг сабабларини кўрсатиб берганидек, Муҳаммад Паноҳ бошчилигидаги қўнғирот халқи қўзғолонининг сабабларини ҳам ёзган.

Хива хонлигидаги бундай аҳвол, халқ бошига тушган оғир муносибатлар рус олимларининг диққат марказида турди. Шарқшунос олим В. Вельяминов-Зернов шундай ёзади: «1856 йилда даҳшатли очарчилик пайдо бўлди. Бир рўйхат бўйича Қўнғиротда 863 киши очликдан ўлган. Хўжайли ва Қўнғирот атрофида яшовчи қорақалпоқлар кўпроқ очарчиликни бошларидан кечирганлар»².

Оқлик ҳукм суриб турганда солиқ тўлашга халқнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун ҳам Оғаҳийнинг ёзишича Қўнғирот халқидан солиқ йиққани келган хоннинг амалдорларидан Қутлуғ Муродбийни ва бошқа солиқ йиғувчи амалдорларни Қўнғирот халқи ўлдирди.

¹ А. С. Берг, Очерки по истории русских географических открытий, Издательство АН СССР, М. Л., 1949 г., стр. 200—212.

² Мснети Бухарские и Хивинские, Сочинение В. Вельяминова-Зернова, Санкт Петербург, 1859, стр. 440.

Амалдорларнинг халқдан пора олишларида ташқари солиқларнинг тури ҳаддан ташқари кўп эди. Жумладан профессор Яҳё Ғуломовнинг фикрича, Хива хонлигида ўн олти хил солиқ бор эди: солғут, олғут, милтиқ пули, чопар пули, тароз ҳақи, дарбозабон пули, ипак моли (ипакчилик даромадини қирқдан бир қисмини олиш), мир тумон ҳақи (маҳаллий ҳоким ҳақи), шиговул пули, қоровул пули, хазиначи солиғи, қўрубон пули (дароҳт ёки яйлов назоратчиси пули), мушрифона, афанак пули, чивик пули, руҳонийлар пули ва бошқалар¹. Бу солиқларни фақат камбағал деҳқонлар, фуқаролар, қосибларгина тўлаганлар, ҳоким табақалар, хоннинг қариндош-уруғлари, юқори табақа руҳонийлар солиқдан озод эдилар. Камбағал, оч-яланғоч халқнинг бошига тушган бу оғир солиқлар халқ қўзғолонига сабабчи бўлади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, қўзғолонни бостириш учун Хива хони истаган чорасини кўради: қўшин тортиб бориб қўзғолончиларни қириб ташлайди, бола-чақаларини асир қилади, мол-мулкни талайди, қўзғолон бошлиқларини ўлим жазосига ҳукм қилади. Бундай зулмдан ташқари хоннинг фармони билан қўзғолончиларга қарши турли хил оғир иқтисодий жазолар берадилар. Жумладан, ўришга тайёр турган буғдой, арпаларга ўт қўйиб юборадилар ёки пайхон қиладилар; қўзғолончилар қароргоҳига борадиган сув йўлларини, арна ва ёпларни кўмдириб юборадилар; тўгонларни бузадилар; хоннинг фармони билан қўзғолон кўтарган халқ бозорлардан олиқ олгани кирсалар, хоннинг амалдорлари, миршаблар уриб ўлдирадилар ёки ҳайдаб юборадилар. Масалан, хоннинг фармони билан: «Мамолики маҳруса бозорларига фасод аҳлидин киши келтирмагайлар ва аларга галла ва ўзга... байъу шаросидин нафъ еткурмагайлар. Фармони олий мўжиби била барча билод ва амсор бозорларида аҳли инод била савдо ва сотиғ расмин қатъ эттилар. Балки келгонин гораг ва торож қилиб, қатлағ еткурдилар ва яна ишорати воло муқтазоси била арнасин Ғозиобод қалъаси ёвуқидан банд қилиб, ёвмутнинг мазрааларига сув ўткормай, умидлари зироатин маҳрумлик барқидин қурутти. Бу воқеадин сўнғ оз фурсатда ул тоифа... орасида галла нархи андоқ гаронлиғ топдиким, нон ҳасратида жон бермак оғоз қилиб, буғдой орзусида сийналарин маҳмаса илки била чок этиб... туфроқига йиқиблиб, ҳалок бўлурға юз қўйдилар»².

Қўзғолончиларга нисбатан бундай оғир жазони ҳамма Хива хонлари амалга оширади. Масалан, 1293 (1866—1867) йилда ёвмут қабиласи Муҳаммад Раҳимхони соний ва унинг амир, амалдорларнинг жабру зулмига қарши қўзғолон кўтарадилар. Бу қўзғолоннинг боиси шундан иборатки, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг айтишича, хоннинг маҳрамларидан «...Муҳаммад Яъқуб маҳрам Ҳилолий атрофидаги ёвмутлар орасида тараддуд ва ташаддуд кўргузуб мол ва асир жустжунига машғул бўлди»³. Аммо ёвмутлар норозлик билдирадилар. Муҳаммад Яъқуб маҳрам истаганча ҳаракат қилади, қўлга кирган мол ва асирларни олиб кетади. Ёвмутлар хондан раҳму

¹ Я. Ғ. Ғуломов, Хоразмнинг суғорилиш тарихи, ЎзФАН нашриёти, Т., 1959, 246—247-бетлар.

² Жулуси Сайид Муҳаммадхон Хоразмий, «Гулшани давлат», Муҳаммад Ризо мироб мутахаллиси Огоҳий, ЎзФА, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма.

³ Шоҳиди иқбол, Тарихи Муҳаммад Ризо мироб Огаҳий, қўлёзма, ~~ЎзФА~~ ФА, ШИ, С — 572, 72-бет.

шафқат сўраб ўз вакиллари юборсалар ҳам, хон ёвмут вакиллари «новмид қайтаради». Шу воқеадан сўнг ёвмутлар хондан газабланиб, катта қўзғолон кўтардилар. Бу қўзғолон натижасида ёвмутлар хонлигининг пойтахти Хива атрофидаги Рафинак, Каттабоғ, Тошоёқ каби қишлоқларни эгалладилар; Хивага бостириб кирмоқчи бўладилар. Аммо Муҳаммад Раҳимхон қўшинлари ёвмут қўзғолончиларига қарши даҳшатли уруш очди, хон қўшинлари қўзғолончиларни енгади, Муҳаммад Раҳимхон соний қўзғолончиларга шундай жазо бериш билан қаноатланмасдан, сув йўллари вайрон қилади: «...Ғозиобод оригининг сувин Ғозиобод қалъасининг остидан боғлатиб, у жамоанин (ёвмутларнинг) мазрааларига сув ўткармай, умидлари зироатин ҳирмон самуми била қурутди ва ул атрофдаги элтонинг қалъаларига фавж-фавж лашкарни қаровуллиқ йўсуни била муҳофазат учун қўйди»¹.

Муҳаммад Раҳимхон соний бу билан ҳам чекланмайди, ёвмутлардан ўч олишни кўчайтириш мақсадида уларни ва бола-чақаларини оч қолдиради: «Хукми олий мужиби била... вилоятдаги бозорларга келиб, ғалла, либос ва ўзга кераклик нимарсаларни ола олмас эрдилар. Ораларида егудек ғалла ва кийгудек жома топилмади... Лоҷарам ул жамоанин аксари оч-яланғоч бўдилар, андоқким, баъзи фақир ва бенаволари очлиғ дарди шиддатидин ўдилар»².

Огаҳий ўзининг бешта тарихий асарида Хива хонлигидаги халқ қўзғолонларини ёритиб бериш билан бирга мамлакатдаги ўзаро урушларни ва бу урушларнинг оқибатини ҳам кенг миқёсда баён қилади.

Тарихчи Огаҳий ўз асарларида икки хил урушни тасвирлайди: чет мамлакатлар билан урушлар (Эрон ва Афғонистон), Урта Осиё хонликлари билан урушлар (Бухоро хонлиги). Биринчиси диний характерга эга эди, иккинчиси бир-бирининг мамлакатини талаш ва босиб олиш ниятида қилинар эди. Ҳар иккала хил уруш талон-торож, халқни қул қилиб сотишга, ғанимат, ўлжа топишга асосланарди.

Бу хилдаги урушлар, талон-торожлар мамлакат иқтисодига катта фурт еткази, халқнинг аҳволи, ҳаёти янада оғирлашади, сунъий сугориш иншоотлари нздан чиқади; Хива хонлигида аҳолининг сони кмаяди, халқ турли мамлакатларга кўча бошлайди.

Бу даврда ислом дини мазҳаблари орасидаги низо кескин тус олади. Хусусан, шайхулислом шиаларга қарши ғазотни тарғиб қилади, уларни қириб ташлаш ёки қул қилиб сотиш учун фатво беради. Шу муносабат билан Хива хони Оллоқули бир йилнинг ўзиде 4—5 марта Эрон мамлакатига ҳужум қилиб, тинч яшаётган халқни хонавайрон қилади, мол-мулкни талайди, ўзларни асир олади. Бу воқеани Огаҳий «Риёзуд-давла» асарида қуйидагича тасвирлайди: «...маъмур бўлгон оломон малаҳ сипоҳидек ҳужумовар бўлуб, барча ёкинларни марокиб ва мавошийсига едуруб, иморатларин вайрон ва мақмуъул-бунён қилдилар. Ишорати воло мўжиби билан низоумулук Муҳаммадосуф меҳтар ва Ғадойниёз маҳрам сипоҳи нусрат дастгоҳни бошлаб бориб, қалъанин атроф-жавонибин... иҳота қилиб, тўрт ёнидин раъдошуб ва душманкуб тўпларни, бало масаллик шамхолларни ва барқоҳанг тўфангларни пайдарпай отдуруб, кулула зуруби била қалъа ҳойиталари асосин вайрон ва сокинлари ақл-ҳушин ҳай-

¹ Уша китоб, 63-бет.

² Уша китоб, 79-бет.

ронлиг майдонида саргардон қилиб, то кечгача мазийқи зиндонида ул беимонларнинг абдони шақоват тавъамонларин маҳбус ва пимҳон қилдилар, чун ул сафоҳатнинг зироат ва боғоти хароб ва мунқадам бўлуб нишон ва асорати қолмади»¹.

Бухоро хонлиги билан Хива хонлиги ўртасида ҳам уруш-талашлар тинимсиз давом этди. Хива хони Бухоро хонлигига қарашли бўлган Чоржўй шаҳрини талайди, вайрон қилади. Шуниси таажжубки, Бухоро қўшини енгилгандан сўнг, икки ўртада сулҳ тузилган бўлса ҳам, Хива хони ўз қўшинларини етти марта Бухоро ва унинг қишлоқларига ҳужум қилишга рухсат беради².

Хива хонлиги билан Бухоро хонлиги орасидаги талон-торожга асосланган уруш жиддий тус олади. Амир Насрулло бутун қўшинлари билан Хива хонлигига бостириб киради. П. П. Ивановнинг маълумотига қараганда, амир Ҳайдарнинг отаси Шоҳмурод замонида Марв вилояти Бухоро амирлигига қарашли ўлка эди. Шоҳмурод вафот қилгандан сўнг, марв туркманлари амирликка қарши кўзғолон кўтардилар. Марв туркманларининг ҳокими амир Ҳайдарнинг укаси Дин Насирбек эса Эронга қочади³. 1822 йилда туркманларнинг маркази бўлган Марв Хива хонлиги қўлига ўтади⁴.

Марв вилоятини ўз қўлига ўтказиб олиш учун амир Насрулло Марвнинг ҳокимларига ўзининг вэлчиларини юборади. Шу муносабат билан амир Насрулло Хива хони Раҳимқулига қарши уруш бошлайди. Урушлар тафсилотини Огаҳий «Зубдатут-таворих»да баён қилади. Бу уруш натижасида амир Насрулло қўшинлари Ҳазорасб мавзени егаллайдилар; кўплаб кишиларни асир оладилар. Аммо Бухоро амира Насрулло енгилади.

Огаҳий ўзининг тарихий асарларида ўзаро урушларнинг халқ бошига олиб келган мусибат ва фожиаларини очиқ-равшан баён қилиб, бу урушлар натижасида шаҳарлар (қалъалар) нинг вайрон бўлишини, халқнинг, болаларнинг қирилишини зўр қайғу билан тасвирлайди⁵.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, амир Насруллонинг Хива хонлигига қарши уруш бошлаши муносабати билан амирнинг гайринисоний қилиқларини фош қилиш мақсадида Огаҳий унинг Кўқон хонлигига қилган ваҳшиёна ҳужумини ҳам таъкидлаб ўтади.

XIX асрда Ўрта Осиё хонликларида, шу жумладан Хива хонлигида, бир томондан, халқ кўзғолонлари, иккинчи томондан, ўзаро урушлар, учинчидан, қаҳатчилик ва очарчиликлар халқ ҳаётини даҳшатли аҳволга солиб қўйган эди.

XIX аср феодал жамиятининг таназули кескин тус олган бўлса ҳам, Хива ва бошқа хонликларда савдо алоқалари тўхтамади, айниқса, Россия билан бўлган савдо алоқаси Ўрта Осиё хонликлари тарихида муҳим роль ўйнади.

¹ Муҳаммад Ризо Огаҳий, Риёзуд-давла, факсимиле, 336-бет.

² Огаҳий, Зубдатут-таворих, факсимиле, 414 б, 416-бетлар.

³ П. П. Иванов Очерки по истории Средней Азии (XVI середина XIX в). Издательство Восточной литературы, М., 1958, стр. 133.

⁴ Уша китоб, 160-бет.

⁵ Огаҳий, Зубдатут-таворих, факсимиле, 414-бет.

Бу йиллари Хива хонлигида Россия молларига бўлган эҳтиёж сезиларли даражада кучайган эди. Бу тўғрида хиваликлардан бири шундай деган эди: «Ҳозирда хиваликлар Россияга жуда боғлиқ қолган. Уларнинг кундалик турмушида темир ва чўян муҳим ўринни эгаллайди, булардан бел, омоқ, пичоқ, болта, ўроқ, қурол-аслаҳалар, арра, уй асбоблари тайёрланади. Шунингдек, хиваликлар чарм ва бошқа зарур молларни ҳам Россиядан оладилар»¹. Бу моллардан ташқари рус савдогарлари Хивага мануфактура, олтин (пуллар), ту누ка, пўлат, рангли мовут, чит, симоб, қанд каби молларни келтирар эдилар. Хива хонлигидан Россияга пахта, бўз, хом сурп, дока, гулдор газлама, олача, ипак, ипак аралаш газлама, тўнлар, белбоғлар, қалава ип, қоракўллар, тулки мўйнаси каби моллар юборилар эди. Россия саноатининг тараққий этиши натижасида пахтага бўлган эҳтиёж кучли эди. Шунинг учун Хива хонлигида пахтани экишга алоҳида эътибор берилди.

1836 йилда Оренбург аскарлари волийси генерал-адъютант Перовский Хива хонлиги билан муносабатни яхшилаш мақсадида Оллоқулихон зиммасига бир неча вазифаларни қўйди: «1) рус асирларини бўшатиш, 2) рус савдогарларига шароит яратиб бериш, 3) қирғиз ва қайсақларнинг ички ишларига аралашмаслик»².

Бу фикрларни бошқа манбалар, жумладан, С. В. Жуковскийнинг «Бухоро, Хива ва Русиянинг муносабат тарихиялари», Н. А. Халфининг «Россия и ханства Средней Азии» китоблари ҳам тасдиқлайди. Аммо Оллоқулихон бу талабларни бажармайди. Натижада, Хива савдогарлари ўз молларини бошқа мамлакатларга олиб бориб сотолмайдилар, чунки Хивадан чиқадиган моллар Бухоро, Қўқон ва бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам мавжуд эди. Шунинг учун Ўрта Осиё халқларининг моллари касод бўлиб қолади. Оллоқулихон 1837 йилда 25 нафар рус асирини озод қилиб ўз ватанига жўнатади ва турли ҳадялар юборади. Лекин Россия аёнлари бу билан қаноатланмайдилар, асирларни олиб қоладилар, ҳадяларни қабул қилмайдилар, рус аёнлари томонидан ушланиб қолинган Хива савдогарлари ўз юртларига қайтариб юборилмайди. Россия ҳукумати аввалги талабларини қаттиқроқ қўяди.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Россия билан савдо ва дипломатик муносабатларнинг заифлашуви натижасида Хива бозорларида савдо ишлари заифлашади; Хива хонлиги иқтисодий томондан анча кучсизланади; бозор нархи кўтарилади, халқнинг аҳволи кун сайин ёмонлашади; феодаллар, савдогарлар орасида давлат аёнларига қарши норозилик туғила бошлайди. Хива хонлигининг иқтисодий томондан заифлашиб бориши сезила бошлагандан сўнг, хон ва аркони давлат Россия талабларини жорий қилишга киришадилар. Улар Россиянинг Ўрта Осиёга қарбий юриш бошлашидан ҳам таҳликага тушадилар.

Хива хонлигининг Россия билан бўлган муносабатларини Огаҳий ўзининг тарихий асарларида кенг ёритади.

У бир томондан, Россия билан бўлган дўстона алоқанинг бузилиб боришини тасвирласа, иккинчи томонидан, Хива хонлигининг Россия билан бўлган дўстона муносабатларнинг тикланиб боришини ҳам тасвирлайди. Тарихий маълумотларга қараганда 1840 (1256

¹ Ҳ. Зияев, Ўрта Осиё ва Волга бўйлари, Ўзбекистон «Фан» нашриёти, Т., 1965 йил, 129-бет.

² Уша жойда, 128-бет.

ҳижрий) йилда Перовский алоҳида 4000 кишилик ҳарбий қўшин ва 12 тўпдан иборат бир экспедиция уюштиради. Бу экспедиция Уст Юрт орқали Хива хонлигига боришни мўлжаллаган эди. Аммо қиш фасли бўлгани учун, қўшин орасида анча талафот юз беради. Хусусан, Чўчқакўлга келганда, юк ҳайвонларидан 5000 таси ўлади. йўл қалин қор билан қоплангани сабабли юришга имкон бўлмайди.

Оллоқулихон Россиянинг бу экспедициясига қарши ўз қўшинини юборади. Аммо хоннинг вакиллари рус қўшинларини учрата олмайдилар. Огаҳий «Риёзуд-давла» тарихий асарида бу воқеага батафсил тўхтаб ўтади. Шу муносабат билан у мазкур икки ҳукумат орасидаги сиёсий алоқанинг кескинлашиб боришини ҳам изоҳлаб беради.

Ҳар иккала давлат (Хива хонлиги ва Россия), сиёсий ва иқтисодий манфаатлари нуқтани назарида ўзаро муносабатларини яхшилашга катта эътибор бердилар. 1840 йили Оллоқулихон рус қулларини озод қилади.

Оллоқулихон, Жуковскийнинг фикрича, 418 та рус асирини ўз ватанига жўнатади ва хон ўз фуқароларига қарата қуйидагича фармон беради: «...ўзларининг шонли ҳаракатлари билан мамлакатимизда касб имтиёз этган зотларга амр этамизки, ...биз буюк Урусия давлатининг олий дўстликни қозонув нияти қатъиясила онинг билла суҳў йўлини кирдик. Бундан сўнг ҳеч ким рус мамлакатина тажовуз этмасга ва рус асирлари сотиб олмасга тиюш. Агар кимда бўлса, биров бизнинг ушбу фармони олиймизга муҳолиф ўлароқ рус ерина, тажовуз этса ёхуд рус асири сотиб олса, ул бизнинг ғазаби шоҳонамизга дучор бўлуб, мустаҳқиқ жазосини кўрувдин қутулачоқ дагилдир. Ушбу ҳақда камоли марҳамат билан амри ҳумоюнмиза содир буюрила. Сана 1256 (1840)»¹.

Бундай муносабатлар шуни кўрсатадики, Урта Осиё билан Россиянинг орасидаги дўстона муносабатлар XIX асрнинг биринчи ярмида шошланган эди деб қараш лозим. Айниқса, рус асирларининг озод этилиши натижасида рус «ҳукмдори Хивага қарши салоҳ истеъмолини тиламади»².

Шу йиллари Хива билан Россиянинг дипломатик алоқалари анча яхши йўлга қўйилди. Россия алоқани яхшилаш мақсадида тез-тез элчилар юбориб туради. Шу элчилардан 1841 йилда юборилган капитан Никифоровнинг элчилик сиёсати диққатга сазовордир. У хорижий назоратининг тошпиригига кўра Россия манфаатини кўзда тутиб Оллоқулихон олдига жиддий талаблар қўяди: русларни қул қилиб сотмаслик, шахсий ва мулкий ҳуқуқларини таъмин этиш; Россия табаасига кирган кўчманчи қабилаларга Хива хонлиги ҳукмронлик қилмасин; Россиянинг Хива ва унинг қўшни мамлакатлари билан бўладиган савдо муносабатларини таъминлаш; кўчманчи халқларнинг яғмо ва ғорат қилишлари учун Хива хонлигининг масбул бўлиши; рус савдогарларини хонлиқнинг шаҳар ва қишлоқларида савдо қилиш ҳуқуқига эга қилиш. Хон уларнинг ҳуқуқини ва мулкани ҳимоя қилиши лозим; рус савдогарларидан пошлина маҳаллий халқ савдогар-

¹ С. В. Жуковский. Бухоро, Хива ва Русиянинг муносабати тарихиялари, Мароиф назорати ҳузуридаги нашриёти шуъбанинг биринчи матбааси, Бухоро, 1923 (1342), 187-бет.

² Уша жойда.

лари билан бир хилда олинсин; Хива хонлигида доимий рус агенти бўлсин. Сирдарёнинг шимол томонида кўчманчи қирғизлардан солиқ тўпламоқчи бўлган Хива табааси ўлимга ҳукм қилинади: Россия табаасига кирган қирғизлардан солиқ тўловчи ўлимга ҳукм қилинади.

Агар бу моддаларни хон қабул қилмаса, Никифоров музокара бошламасдан Россияга қайтиб кетишини таъкидлади.

Оллоқулихон П. Никифоровнинг қўйган таклифларини рад этади. Оллоқулихон Никифоров билан бирга Петербургга ўз элчиларини юборади.

Оллоқулихон ўрнига Раҳимқўли хон бўлди «Данилевский тарафиндин тузалиб, Хива ҳукуматининг таклиф этилган муоҳадасини хон ўзгаришсиз қабул ва тасдиқ этиб, 27 декабрда (1842 йил) ўзининг муҳрини босди»¹.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, Россия Хива хонлиги билан муносабатни яхшилаш ва Хива хонининг диққатини ўзига жалб этиш мақсадида турли совғалар юборди.

Рус подшоҳи ва давлат маъмурлари томонидан юборилган элчилар савдо алоқаларини яхшилаш юзасидан Хива хонлигининг топографияк томонлари, этнографияк хусусиятларини, географиясини, қишлоқ хўжалигини ва аскарий кучини диққат билан ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси чор Россиясининг Урта Осиёни фатҳ этиш учун замин ҳозирлаши эди.

ХИХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чор Россияси Урта Осиё хонликларини бирин-кетин ўзига қарам қилиб олади. Бу ҳаракатни Огаҳий ўзининг «Шоҳиди иқбол» асарида баён қилади. Аммо Огаҳий чор Россиясининг Урта Осиёга кириб келишини охирига қадар ҳикоя қила олмайди, чунки у ўз асарини тугата олмай 1874 йилда вафот этади.

Огаҳий «Шоҳиди иқбол» асарида дастлаб чор Россияси қўшинларининг Қўқон хонлигига тегишли бўлган шаҳарларни истило қилганини ва Қўқон хонлигининг Хива хонлигидан ёрдам сўраганини баён қилади.

Огаҳий «Шоҳиди иқбол»нинг иккинчи бир ўрнида рус қўшинларининг Бухоро амирилиги билан олиб борган урушларини тасвирлайди. Аммо Огаҳий чор Россиясининг Хива ва бошқа хонликлар билан иқтисодий-сиёсий алоқаларининг сабабларини, мустамлакачилик сиёсатининг қандай амалга оширилганини англаб етмайди.

Бухоро амирилигининг таслим бўлишини батафсил баён қилиб бўлгач, Огаҳий амир Музаффарнинг ўғли Абдулмалик тўранинг воқеасини шарҳлашга ўтади: «...Абдулмалик тўрага отасининг ўрус билан мусолаҳа қилиб, мутобаат кўргузгони маъқул тушмай, хизматидаги аҳли сипоҳнинг умаросин ва ҳамул атрофдоғи жамеъ элот ва билднинг акобир ва кадхуросин хизматиға ундаб, отасининг ҳар ойда ўн икки минг тилло моҳона муқаррар қилиб, аскар аҳли илмни қатли ом этиб кофирға тобеъ бўлгони шикоят тариқаси била баён эти. Ҳама иттифоқ била Абдулмалик тўрага дедиларким, бизлар ҳам отангиздин безормиз... Эмди сиз бизларга бош бўлуб олдимизга тушинг, то аввал бориб отангиз била урушоли... Бухоро шаҳрини мусаххар қилсоқ, ондин сўнг сизни подшоҳ қилиб, ўрус куффорининг қасдиға юруш қилурмиз, Тўра... Қарши қалъасин олди... Ондин сўнг

¹ Уша жойда, 207-бет.

Бухоро жонибга юрди... Охируламр Музаффар... ўрусдин кўмак тилаб, кўб лашкар келтурди, ондин сўнг Абдулмалик тўра ожиз бўлуб Қаршини ташлаб қочди...»¹

Шундай қилиб, Огаҳий Россиянинг Урта Осиёни қўшиб олишини объектив равишда тасвирлайди, тарихий асарининг кўп обларарида Урта Осиё хонликларининг рус қўшинларидан енгилишини, рус қўшинларининг галабасини табиий бир ҳол деб тушунди. Чунки Огаҳий тарихий асарларининг айрим ўринларида хонларининг халққа қилган зулмидан норози бўлди. Баъзан хонларнинг жабру зулмини, уларнинг маишатпарастлигини, халқ аҳволидан беҳабарлигини, фақат ўзининг шахсий манфаатини ўйлашини қаттиқ фош қилади. Халқ руслар билан урушишни истамади, баъзи шаҳарларнинг дарвозаларини очиб берди, рус қўшинларини туз ва нон билан қарши олди. Аммо меҳнаткаш халқ чор Россиясига тобе бўлганда, иккиёқлама зулм остида қолишини, бошига оғир мусибатлар тушажагини мутлақо тушунмади.

Шундай қилиб, чор Россияси XIX асрнинг охирида Урта Осиё хонликларини ўзига тобеъ қилди, бу ўлкани мустамлакага айлантирди.

Огаҳий ўзининг тарихий асарларида Хива хонлигининг баъзи бир маданий, ижтимоий турмуши масалаларини жумладан, сунъий сугориш, ободончилик, қурилиш ишларини ҳам ёритади.

Маълумки, сунъий сугориш масалалари Урта Осиёда деҳқончиликни ривожлантиришда асосий омиллардан ҳисобланади. Бу масалага тарихшунос олимлар алоҳида эътибор билан қараганлар. Жумладан, Карл Маркс «Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги» номи машҳур асарида сунъий сугоришнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: «Иқлим ва тупроқ шароити, айниқса Саҳроий Кабирдан Арабистон, Эрон, Ҳиндистон, Татария ва Марказий Осиё орқали Осиё ясси тоғларининг теналаригача чўзилган ва жуда кўп ерларни ишғол қилган чўллар қаналлар ва сув иншоотлари ёрдами билан ерни сунъий сугориш системасини Шарқдаги деҳқончиликнинг асоси қилиб қўяди»². Шунга асосан Хива хонлигида сунъий сугориш масаласига алоҳида эътибор этилади ва тарихий асарларда муҳим ўринни эгаллади. Жумладан, Огаҳий, бешта тарихий китобида қазув, сув чиқариш ва янги каналлар бунёд қилиш масалаларини диққат билан ёритиб беради. Бу оғир меҳнатнинг ҳаммаси халқ бошига тушган. Масалан, халқ Тош соққа каналини қазиб, янгидан сув чиқаради: «...юрт манфаати ва хосу ом беҳбуди учун отланиб қутбил авлиё Паҳлавон ота наҳрининг саққосига бориб, ўтган йил (1259—1843. С. Д.) қирдин ёрдурғон саққониким, Тошсаққо дерлар, янгидан ҳашар била қоздуруб сув жорий қилди ва мамлакат мазрааларин сероб ва вилоят бўстонларин жаннат риёзидек саршор ва шодоб этиб мурожаат қилди...»

Қадимда вайрон бўлган сув йўллари Хоразм халқининг диққат марказидан четга қолмади. Муҳаммад Ризо мироб Огаҳийнинг раҳбарлигида (чунки профессор Яҳё Гуломовнинг айтишича, Шермуҳаммад Мунис ва Огаҳийлар саводли мироблардан бўлиб, ҳар бир канал ва сув чиқариш иншоотларини аниқ лойиҳалар асосида

¹ Огаҳий Шоҳиди иқбол, ~~...~~ ФА Шарқшунослик институти, Ленинград бўлими, инв. С—572. 175—179-варақ.

² Ўзбекистон ~~...~~ тарихи. Бир томлик. «Фан» нашр., 1961, 286—287-бетлар.

қурдирганлар) Чингизхон томонидан вайрон қилинган Кўҳна Урганж сув йўли — канали қайта тикланади ва янги каналлар очилади.

Бундай сув иншоотларини очишни Огаҳий фақат «Риёзуд-давла» асаридagina эмас, ҳатто «Фирдавсул-иқбол», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» каби асарларида ҳам баён қилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам қазув ишлари давом эттирилди. Масалан, 1281 (1864—65) йилда «Файзиота наҳрдин тортиб Хивақ ёфигача қаздурилди»¹.

Тарихий асарларнинг баъзи ўринларида чўллардаги қудуқларни тозалашга алоҳида эътибор берилганлиги ҳақида ҳам маълумот берилади. Баъзан дарё кўприклари тузатилди, янги мадрасалар ва янги бинолар бунёд қилинди. Жумладан, «1259 йилда... бир мадрасаи олий бино қилдурдиким, файз ва сафо кони, фазл ва илм аҳлининг маконидурур ва «Мадрасаи иморат»га мавсумдурур»².

Огаҳий ўз асарида баён қилган энг муҳим қурилишларидан бири **1258 ҳижрий (1842—1843 милодий)** йилида қад кўтарган **Хива шаҳри атрофини ўраб олган унинг деворидир**. Бу девор катта кучни талаб қилади, хоннинг фармони ва мутасаддийларнинг зулми билан халқ бу улуг деворни вужудга келтириш учун бор кучини сарф қилади. Йиллаб битадиган бу деворни умумий хашар билан бир ойда тугатилади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий бу ҳақда ўзининг «Риёзуд-давла» асарига батафсил маълумот беради:

Огаҳий тарихий жойлар ҳақида ҳам ёзади. Шундай тарихий жойлардан бири буюк мутафаккир Алишер Навоий қурдирган саройдир. Бу сарой ҳақида Огаҳий шундай дейди: «Қоратупадин кўчуруб, мурожаат жодасига атфи инон қилди ва ҳамул кун лой касрати ва йўл оғирлик жиҳатидин озроқ масофат қатъ этиб, Мирсаройи отлиғ мавзёниқим, султон Хусайнмирзонинг айёми салтанатида Мир Алишер Астробод мамоликнинг ҳокими ёрқонида ул манзилда бир саройи диакушо барпой қилдургон ёрқан, ул ҳазрат ҳамул ерга ворид бўлуб, лашкаргоҳ этди...»³.

Хива хонлиги территориясида турли халқлар, қабилалар яшаганлар. Масалан, туркманлардан човдар, ёвмут, така, есроли, кўклон, қародошлу, солур, соруқ, жамшиди, али эли, ўтамиш, тўқламиш; ўзбеклардан мангит, ўзбек, сарт, қипчоқ, кўнқирот, қиёт, найман, оймоқ қингли, чигатой, хитой, кенагас, юз, уйшун каби қабил ва этник гуруҳлар, қорақалпоқ, қозоқ халқлари ҳам шу хилда қабилаларга бўлинади. Огаҳий бу халқларнинг урф-одатларини, ҳаётларини ёритиб беради. Аммо бу халқларнинг урф одатларида маълум даражада муштаракликлар бор. Хива хонлигида тўй, улоқ, дор, кураш каби халқнинг урф-одатлариға мазкур хонлиқнинг қўл остидаги ҳамма халқлар иштирок этади.

¹ Огаҳий, Шоҳиди иқбол, ~~С. 572~~ ФА, Шарқшунослик институти, Ленинград бўлими, инв. С—572, 24-варақ.

² Огаҳий, Риёзуд-давла, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзма.

³ Огаҳий, Риёзуд-давла, Қўлёзма, Беруний номидаги Шарқшунослик институти.

Хоразм мамлакатида энг қадимги даврдан бошлаб деҳқончилик ривожланди, шунинг учун энг қадимги даврдан бошлаб сунъий суғориш тараққий этди ва ёғочдан ишланган ооч, сўқа, мола, дандана, ёрма, ўроқ, яна (паншаҳа), айгал (ўроқ), болта, тир (ғалвир), бел, лойкапча (канални тозалаш учун бел) каби деҳқончилик асбоблари энг қадимдан мавжуд. Сунъий суғориш ва экинларни сув билан таъминлаш учун Хоразмда деҳқончиликнинг қурооларидан бири чиғирдир.

Деҳқонлар эрта баҳорда (тахминан март ойларида) бутун топган-тутганларини йиғиштириб хонликнинг маркази Хивага тўпландилар. Одатда Хива деҳқонлари далага қўш чиқаришни хут ойдан бошлаганлар.

Огаҳий тарихий китобларида ҳарбий ҳаракат ва ҳарбий асбобларнинг истилоҳлари мавжуд.

Демак, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг тарихий асарлари фақат тарихий характергагина эга бўлмай, айни замонда XIX аср Хива хонлиги маданий ҳаётини ўрганишда ҳам асосий манбалардандир. Мазкур тарихий асарлар катта бадий дид ва услуб билан ёзилган. Шу жиҳатдан улар бадий-тарихий асар гарзиде қимматлидир.

Ғ. КАРИМОВ,
С. ДОЛИМОВ

„РИЁЗУД-ДАВЛА,, ДАН

ҲАЗРАТИ ҲАДИВИ БЕҲАМОЛНИНГ АТРОФДАҒИ ВИЛОЯТЛАРГА ТАҲНИЯТНОМА ИРСОЛ ҚИЛМОҒИ

Чун ул ҳазрат салтанат лавозими ва мамлакат завобити иштиғолидин, филжумла, фароғ ҳосил қилди, атроф ва акнофдоғи қилоъ ва билод ҳокимлариким, алад-давом бу хонадони давлатнишон нисбатида дами мусодақат уруб, муросалоти ихлос мазмун ва макотиботи муҳаббат мақрун ирсоли билан некхоқ ва дўстдорлиқ маросимин зуҳурға еткурур эрдилар, борчасиға жулуси ҳумоюнйнинг эъломи учун пайғом юбормакни лозим ва мутаҳаттим билиб, аларнинг ҳар бириға остони давлат ошиён мулозимларидин биркишини таҳниятнома била ирсол қилди. Андоғким ихлоскешлар сарвари, садоқатандишлар сардафтари ва хизматгузорлар афзали Мулла Муродали юзбошини Дашти Қипчоқ мамоликининг хони азимуш-шони, чингизия хонадонининг подшоҳи рафиул-макони шавкат ва иззатнишон султон Темирхонғаким, ўз хирожгузорларидин эрди, йиборди. Даргоҳи олампаноҳнинг жонсипор хизматкорларидин шижоат ва жалодаттавъам Ҳасанмурод маҳрамини Ҳирот вилоятининг подшоҳи жалолат дастгоҳи, соҳибулфармони шоҳ Комронғаким, барча авқот мусодиқат ва мувофиқат урватулвусқосиға хайрихоҳлиғ расмин илгари тутар эрди, ирсол қилди. Рикоби иззатмаоб худдомидин шижоат аҳлиға рожиҳ Муҳаммад Солиҳ шайхни Марв вилоятиға номзод қилди. Ва фатонат шиор, басолат осор Ниёзқилич сардорни Охалға ва ихлос нишон Муҳаммадраҳим паҳлавонни тажан била Сарахс юртиға азиматпаймо қилди. Ондин сўнг Бухородин келган элчиларким, бири Султонулорифин, бурҳонуссоликин ҳазрати Баҳоулҳақ ваддин қуддиса сирроҳу авлодидин донишнишон Султонхожа ва бири манқиғ бекларидин рифъатмакон Мусобек эрди, амир Ҳайдар подшоҳнинг мусолаҳа талаби била юборган сулҳномасин соҳибкирони жаннатмаконнинг ҳангоми вафотида келтуруб

эрдилар, аларни илтифоти бекарон ва иноети фаровон била кўрунушхонаи ҳумоюнға ундоб, келтурғон сулҳномаларин мулозимлар воситаси била назари анвори мутолааси ша-рафиға мушарраф қилиб, амир Ҳайдарнинг сулҳ талаби бобида қилғон илтимосин мабзул тутуб, элчиларни авоти-фи шоҳона ва хилои хисравона бахшиши била сарафроз қилиб, рухсат берди. Ва жаноби саодатмаоб ихлоскешлари-дин асолотшиор, нажобат осор Норбекни аларға масҳуб қилиб, муҳаббатнома ва таҳниятнома била Бухороға ирсол қилди. Амир Ҳайдарнинг қариндошларидин Ражаббек иноқнинг ўғли Эрдонобек ва хитой бекзодаларидин Фармонқулибекнинг ўғли Абдукаримбекким, аларни човдар халқи Бухоро лашкариға ғолиб бўлуб, асир этиб келтир-миш эрдилар ва тўрт йилдин бери асорат қайдиға гириф-тор эрдилар, аларни қайддин халос қилиб, яхши от ва заррин сарупой инъом қилиб, ўз вилоятлариға — амир Ҳайдар хизматиға борурға рухсат бериб йиборди. Ало ҳо-залқийс, чун ул ҳазратнинг жулуси давлат маънусининг хабари беҳжат асари ақтори оламға интишор топди. Атроф ва жавонибдаги вилоятлар волийларидин хони жаннат маконнинг вафоти фотиҳахонлиғи ва ҳазрат аъло ҳоқоннинг жулуси муборакбодлиғи учун туҳфоти лойиқ ва тансуқоти мувофиқ била излик-изидин элчилар келиб, иззати вофир ва шафқати мутақосир била баҳраманд ва аржуманд бўлуб, шодкомлиқ била муовадат қилдилар...

ҲАЗРАТИ СУЛТОН СОҲИБҚИРОННИНГ ЎЗ БИРОДАРИ АРЖУМАНДИ... ШАҲЗОДА РАҲМОНҚУЛИ ТУРАНИ ЭРОН МАМОЛИКИНИНГ КУФФОРИ ШАРОРАТМАОЛИНИНГ ҒАЗОТ ВА ГУШМОЛИҒА БУЮРМОҒИ...

Чобуксувор хомаи жалодатпардоз арсаи саҳойифда бу янглиг оғози таку тоз қилурким, чун... ҳазрат аъло ҳоқони гитиситон ул шаҳзодаи саодатнишонға алтофи подшоҳона ва аътофи хисравона била баҳраманд ва аржумандлиғ ет-куруб, ўз тарафидин вакил ва сипаҳсолор қилиб, куффори бадкирдор ғазотиға номзад қилди ва ганжи бегоят марҳа-мат кўргуздиким, ўз мулозими нусрат илтизомлариға са-фар асбобининг таҳияси учун инъом қилғай. Яна аснофи лашкариядин ўзбак, сорт, юрт ўғли, қорақалпоқ ва тароки-ма сипоҳидин ямут ва така, човдар ва ямроли ва қўклон ва қародошлу ва ғайриҳум черикиким, шижоат ва муборазат-да разм майдонин базм айвонидин афзал ва хасми жонси-

тон қонин роҳат гулшани алвонидин акмал фаҳм қилурлар
эрди, онинг ҳизматиға таъйин қилди.

Яна жаноби салтанатмаоб мулозими нусрат интисоб
ва сарҳанги зафар оҳангларидин зубдаи дудмони қипчоқ
Қутлуғ Муҳаммад иноқ ва Орол қўнғиротининг мумтоз
ва мунтахаби Муҳаммаднийезбий ва қиёт хонадонининг
саромади муборазатнишон Суюнбий ва манқит ақобиридидин
бабр савлат ва ҳизабр журъат Дўсимбий ва вазири осаф-
ҳунар Муҳаммадйусуф меҳтар наввара марқаданинг иниси
журъатнамой, шижоат-афзой Ниёзмуҳаммадбой ва муқар-
раби ҳазрати султоний, маҳрами боргоҳи соҳибқироний,
шижоат аҳлининг қўлдоши Муҳаммаднийез ясовулбоши ва
наймон нозимидин нажобат аҳлиға фойиқ Бобобек оталиқ
ва қипчоқ ақобиридидин Давлат мураббий, Хожа Ниёзбий
ва қароқалпоқия умдаларидин разм майдонининг қоплони
ҳарби мулла Давлат Назарбий ва яна бир неча сардори
соҳиб чашм ва сипоҳдори хуршид аламким, ҳар бири шижо-
ат кўҳсорининг паланги афхами ва жалолат корзорининг
Рустами ашжаи ва диловарлиғ русумининг огоҳи ва кун-
доварлиғ румузининг соҳиб интибоҳи ва хунафшонлиғ
осмонининг Баҳроми ва жонситонлиғ майдонининг зирғоми
эрдилар.

Назм:

Эди ҳар бири ул сифат зўрманд,
Ки солиб фалак шери бўйниға банд.

Кўрунмай шижоатда вақти масоф,
Алар қўзиға заррача Кўҳи Қоф.

Эмас қизса хангомаи корзор,
Бирининг ҳарифи юз Исфандиёр.

Ҳазрати соҳибқирони комкор бу мазкур бўлгон сарҳанг
ва сипоҳдорларни доғи шаҳзодаи воло таборнинг рикоби
давлат осори мулозаматиға махсус этиб, асбоб ва асосаи
сафар таҳияси учун аларға хазина эҳсонидин нуқуди фа-
ровон марҳамат кўргузуб, киссаи умидларин лабрез ва жай-
би мақсудларин ганжхез қилди.

Лашкари зафарпарвар ва сипоҳи қиёмат густар эҳзор
ва ижтимоъи учун атрофи мамолик ва акнофи масоликка
баҳромойин ясовуллар ва зирғомкин сурдовуллар ирсол
қилди. Чун оз фурсатда асбоби сафарни баважҳи дилхоҳ

муҳайё ва омода қилиб, лашкари нусратасар, даргоҳи давлатпарвар тарафиға атрофи жавонибдин азиматгустар ва хужумовар бўлуб, маҳшар издиҳомин падидор қилдилар. Маснавий:

Ул навъ йиғилди хайли лашкар
Ким, гўйи зуҳур қилди маҳшар.

Тўлди бори кенту дашту саҳро,
Етти униндин фалакка ғавго.

Анжумдин ўлуб ададда афзун,
Кунжойишидин танг ўлди ҳомун.

Чун жиҳод асбобининг саранжоми ва лашкар ижтимоининг эҳтимомидин фароғ ҳосил бўлди, шаҳзодаи фалак ошиён ҳазрати соҳибқирони мамоликситоннинг ишорати лозимул-башорати мужиби била амал қилиб, санаи ҳижрий минг икки юз қирқ бирда, товуқ йили рабиуссоний ойининг 28 да, ким аҳсани авқот ва асъади соот эрди, шавкати тамом ва садамати майманатанжом била давлат аёқин саодат рикобиға қўюб, ҳиммат якронига рукуб қилди. Алвияи шарофат таъбияни ўтрусида жилваға киргузуб, хуршиди жаҳоноро янглиғ азиматпаймо бўлуб, Қарокўл аёқиғаким, тўпхонаи зафарнишона ва ўрдўйи кайҳонпўй онда тушуб, хиргоҳи давлатпаноҳ ва хайёми саодатфаржом барпо қилилиб эрди, нузули майманат ва вусули қабули била муфаххари манозил қилди.

Шанба куни ул мавзеъдин кўчуб, жанубия жонибидағи қумким. Реги Хоразмга машҳурдурур ва ондоқ васеъдурурким, арзи тева юрушига ўн беш кунлик йўлдурур. Аммо тувли ҳудудидан ҳеч киши нишон бермайдурур. Ноҳамворлиги ул миқдордурким, маснавий:

Фарози юқори авжи самодин,
Нишеби пастроқ таҳтуссародин.

Анга гом урса рахши бодрафтор,
Ботиб то тизгача бўлғуси нокор.

Сабо пайки бўлуб қатъида ожиз,
Ета олмай йўли ҳаддиға ҳарғиз.

Не анда бир ичим сувдин нишона,
Вагар тепилса, оғудин нишона.

Ҳавоси дилгудозу ели жонсўз,
Икиси ҳам самумосо жаҳонсўз.

Не онда йўлу не манзил намоён,
Онинг қатъида дев ўлғой ҳаросон.

Бу ёнглиғ хатаросор ва ҳавлнамудор қумға тангри таоло ҳимоятига эътимод ва авлиёulloҳ арвоҳидин истимдод қилиб, давлат ва иқбол ҳамъинонлиғи била ҳиммат яқронин суруб. Дарвоза қири отлиғ марҳалани вуруди баҳор намуди файзидин боғи эрам ёнглиғ сабз ва хуррам қилди. Ул ҳавлноқ қумнинг нишебу фарозин боргоҳи фалак пойгоҳ ва саропардаи давлатпаноҳ ва хайёми саодатфаржом барполиғи била рашки шаҳристони Чин ва ғайрати фирдавсбарин қилди. Андин ливоафрози наҳзат бўлиб, якшанба кечаси шабгир қилиб, икки манзиллик масофатни қатъ этиб, Соғча қудуқи ҳаволасин муаскари асокири ферузий асар ва мавзеъи, сародиқоти зафарпарвар қилди. Онда бир кун мутаваққиф бўлуб, тонгласиким, душанба кун ирди, хуршиди жаҳонтоб чобуксувори фалаки рифъатмоаб мизмори сори инонтоб бўлди, у шаҳзодай жалолатинтисоб, доғи маҳрам ва муқарриблар ҳамрикоблиғида Соғча атрофидин отланиб, бодияпаймои азимат бўлуб, Йўл Ойриттига тушди. Сешанба кун ондин кўчуб, шукуҳи қиёматсутуҳ била Хон қудугиға етиб, қудуми шарофат лузуми файзидин ул қудуққа чашмаи ҳайвон ёнглиғ шодоб ва саршорлиғ, балки ҳавзи кавсар масаллик сероб ва хушгуворлиғ еткурди. Ул манзилда икки кеча маснади иззатда истироҳат кўргузуб, айшу ишрат додин берди.

Панжшанба кун ондин рукуб қилиб, сипоҳи нусратпаноҳ била қадам-фарсойи азимат бўлуб, Яккасўзон отлиғ мавзеъни лашкаргоҳ этди ва андин ҳаракат кўргузуб, жумъа оқшоми қамари сариус-сайрдек, суръати лозимулхайр била шабгир қилиб Хон уюқи отлиғ манзилга қадами саодат тавоми вусули била сарафрозлиғ еткурди.

Шанба кечаси доғи шабгир била қатъи масофат этиб, Чарла қудуқининг атрофин мухайями хайёми зафарпарвар ва мазраби эълони нусратпайкар қилди ва онда икки кун маснаднишин ва оромгузин бўлуб, сешанба кун Манозли

мавзеёга азимат маркабин суруб, нузули майманатшумули била сарбаландлиғ еткурди. Чаҳоршанба оқшоми шабгир қилиб Чигороқли қумин муаскар қилди. Панжшанба кечаси яна шабгир қилиб, Хонтўпаси отлиғ манзилга нузул этди. Жумъа куни ондин кўчуб Сайдали мавзеёин маскани роёти нусратоёт ва муаскари асокири зафармаосир қилди. Онда сипоҳи шижоатдастгоҳ осойиши учун уч кун таваққуф кўргузуб, сешанба куни ондин азимат якронин гарм жавлон қилиб Чунгулни мазраби хайёми давлат ва манзили саропардаи шавкат қилди. Онда икки кеча рағбат тамом била истироҳат қилиб, сархуш бодаи ишрат бўлди.

Панжшанба куни ондин наҳзат ливосин жилвага киргузуб, така маорифидин Маҳдибекнинг ўбасининг ёвуқиға издиҳоми тамом ва савлати молокалом била нузул қилди. Ул мавзеёда бир кун оромгузин бўлуб, тонгласиким, шанба эрди, Жувозли марҳаласи сипоҳи зафарпаноҳга оромгоҳ бўлди. Ул мавзеёда Тажан мутаваттинлариким, така ва ямроли эрдилар, юз навъ изтирор ва минг турлик инкисор била атабабўслўғ маросимин изҳор қилиб, шоҳзодайи комкор, карамшиордин гиря ва зорлиғлар била ўз гуноҳларин тиладилар.

Чун шоҳзодаи комкор бу сафари хайрият осорға отланурдин аввалроқ ул элнинг лусус ва ҳаромиларидин бир неча отлиғ бош қўшиб, бир кеча қароқчи йўсуниғ бир оз карвонни йўл асносида кўруб, молларин горат қилиб эрдилар. Ул жамоа бу хиёнат жиҳатидин ғазаби султонийдин мутаваҳҳим ва ҳаросон бўлуб, қилғон гуноҳлари шафоати учун афв умиди била жабҳасойи сумми сутур бўлдилар. Шоҳзодаи соҳибкарам, карами жибиллий муқтазоси била аларнинг жаройиб жаройимиға рақами афв чекиб, сиёсат бимидин омон ва ўлук баданлариға янгидан жон берди. Аларға зобит ясовуллор қўшуб, карвоннинг барча талатғон амволин истирдод қилиб, карвонийларнинг озурда кўнгулларин шод этди. Тажан черкин ҳам мулозими рикоб қилиб, якшанба куни Жувозли марҳаласидин кавкабаи тамом била наҳзат самандиға маҳмиз бериб, Қорри қалъа отлиғ манзилким, назихтарин манозил эрди, баҳори вусули била назорати тоза бағишлади. Ул мавзеёда икки кеча бистароройи фароват ва қадаҳ паймойи истироҳат бўлди... Ул ерда Марв вилоятининг ҳокими ихлосшиор, хизматгузор Соатқули сардорким, султони мағфур ва ҳоқони мабрур Муҳаммадраҳим баҳодирхони жаннат маконнинг марҳама-

ти подшоҳонасидин Марв ҳукумати мансабига етмиш эрди. Ул вилоятдаги така, солур ва соруқ черики билаким, ададда мўр ва малахдин зиёда эрди, остонбўслиғ шарафига фойиз бўлуб, ул жаноб мулозимларига лойиқ туҳфа ва пешкашлар чекти ва ўзга атрофдаги элдин ҳам гуруҳ-гуруҳ черик келиб, дарёи маввожга ҳар жонибдин сел майл кўргузгандек афвожи мансура ва сипоҳи қоҳирага мулҳақ бўдилар. Сешанба кунин Қорри қалъадин кўчуб, наҳзат аламин жилвагар қилиб, гуруҳи қиёмат шукуҳ ва лашкари маҳшарасар била тебраб, Ёғлитўпа мавзеин муаскари асокири мансур ва манзили мавокиби ғайри маҳсур қилди. Ул мавзеда Сарахс улусининг хонлариким, бири Одина қурт ва бири Холназар отлиғ эрди ва ул иккови ондоқ мувофиқ ва баробар эрдиларким, байт:

Ул юрт аро ул икки ягона,
Бир пистаю мағз анго дугона.

Барча солур ва оймоқ халқи билаким, ул диёрда мутамаккин эрдилар, шарафи андуз ва тақбили бисот бўдилар. Жаноби рифъатмаобга лойиқ зиёфатлар ва мувофиқ хизматлар маросимин жаҳди тамом ва кўшиши лоқалом била тақдимга еткуруб, шоҳона пешкашлар ва хисравона ҳадялар ўткордилар. Ул манзилда Қароҳон сипоҳи, така ва ямроли черики фавж-фавж келиб мавокиби ҳумоюнга қўшулдилар ва ул ҳаволига ул миқдор йиғин йиғнолдиким, ер аркониға зилзила ва фалак айвониға ғулғула солди ва ул ёнглиғ издиҳом била низоми сипоҳ тузолдиким, тамошо аҳлининг ҳушин олди, балки сипеҳри кўҳансайр юз минг кўз била ҳайрон қолди. Маснавий:

Уйла йиғилди сипаҳи бешумор,
Ким анга не ҳад эдию не канор.
Тутди Хуросон бори тоғу тузинь,
Дема Хуросонники, олам юзинь.

Ваҳми солиб ер таниға изтирор,
Бимидян афлок ўлубон беқарор.

Қилди келиб ҳар сори сонсиз гуруҳ.
Ер юзини сумми марокиб сутуҳ.

Гард тутуб арсан афлокни,
Уйлаки лашкар курраи хокни.

Ҳашрдин афзун ўлубон издиҳом,
Қолди сипаҳ остида олам тамом.

Дема сипаҳ, қулзуми заххор, де,
Мавжи муҳит айлади изҳор, де.

Ушбу сипаҳ ичраки ҳар паҳлавон,
Зўру шукуҳ ичра наҳанги даммон.

Барчаси аъдоға қирон солғучи,
Маъракаи разм аро қон солғучи.

Барчаси майдони ҳайжо Рустами,
Балки ваго бешасининг зайғами.

Чун ул мавзеъда лашкари қиёмат асар бу ёнглиғ издиҳоми тамом била ором тутуб, асбоби ҳарб ва олоти зарбга вҳтимоми тамом била саранжом бердилар, шоҳзодан комкори душманшикор сипаҳи нусрат шиорнинг жамъи ақобири номдорин боргоҳи сипеҳрмадорнинг остони саодат осориға ундаб, алтофи подшоҳона ва аътофи бекарона изҳоридин сўнг аларнинг ҳар бириға ва шоваруҳум фил-амр амрининг муқтазоси била машварат юзидин хитоб қилиб, гуҳарбор тилин бу ёнглиғ карамгуфтор қилдиким, мундоғ лашкари фаровон ва сипаҳи бекарон била бу тарафға атфи инон қилмоқдин муродимиз Машҳад куффорининг жиҳодидурур. Эмди ул вилоятға сипаҳи қиёмат дастгоҳни қайси тариқ била еткурмак ва қизилбоши бадмаош аҳшомиға не ёнглиғ чаповул урмоқдин ансаб ва авло кўрунур.

Байт:

На иш айламаклик сазовордурур,
Қою маслаҳат лойиқи кордур.

Чун умаройи садоқат интисоб жаноби аморатмаобдин мундоқ мулотифатосор хитобға мухотиб бўлдилар, маросими адаб била атабайи рифъатнамой туффроқиға жабинсой бўлуб, ихлос қўлин остини сидқдин чиқориб, маросими дуо ва лавозими сано адосидин сўнг дедиларким, эй баргузидаи олам, в-эй хулосаи авлоди одам! Қайси ишким, сизнинг

рой аломоройингизга марғуб ва қою равишким, хотири жаҳон кушойингизга матлубдурур, тариқи савоб ва муншоъи мурод улдурурким, биз онинг мутеъ ва мунқодидурурмиз.

Байт:

На ишга қилса майл арбоби давлат,
Ул ишда очилур абвоби давлат.

Шаҳзодаи муалломакон ул жамоага яна лутф ва эҳсон юзидин боқиб, бу навъ мутакаллум бўлдиким, назм:

Биров райиға айлабон иктифо,
Онинг бирла иш қилмоқ эрмиш хато.

На сўз кўнгулунгизга келур, айтингиз,
Қою ишгаким, нафъи кўб, қайтингиз.
Кибор машварати суннати Мустафо,
Керакдур они айламаклик адо.

Чун фармони олийшон бу навъ мукарраран судур топди, умаройи маъмур беибо ва беқусур ҳар фикрким, хотирлариға хутур қилди, зуҳурға еткурдилар. Ул жамоадин ямутия ақобиридин фатонат шиор ва роятосор Қоқа сардорким, тезхуш ва дурбинликда абнойи жинсининг мумтози эди, барча тарокима тавойифининг жонибидин дедиким: «Урдуйи кайҳонпўй ва аҳмолу асқолин Қизилқияда қўюб, яланг отлиғ бўлуб, куффори залолатшиор торожиға афвожи баҳри амвож била ҳаракат кўргузмак яхшироқ кўринур». Ўзбакия аснофидин фаросатогоҳ ва киёсат дастгоҳ Суюнбийким дурандеш ва донишкеш киши эрди, фикри соқиб ва ройи сойиб бодасининг соғаркашлигидин пурдил ва далирлик нашъасин топиб, мундоқ беғаш такаллум таронасиға мутараннум бўлдиким, «бу юрушдин мақсад чопмоқ ва қочмоқ эрмасдурур, балким, мурод юрт олмоқ ва мулк очмоқдурур. Бас, мадорижи ҳиммат ва маорижи ният бу янглиғ эрса, керакдурким, қайси тарафға азиматнамо бўлсоқ, ўрдуйи аъло ўзимиз била ҳамроҳ борғай...»

Чаҳоршанба куни Ёғлитўпа мавзеининг давлат кумайтуға рукуб қилиб, лашкари Сешумор ва сипаҳи жаррор била ҳаракат қилиб, Қизилқияни муаскари асокири мансур ва мухайями хайёми мавфур қилди. Ул мавзеъда Сарахс черики мусаллаҳ ва мукамал бўлуб, издиҳоми тамом била

келиб, остони фалак ошиён мулозиматиға фойиз бўдилар. Панжшанба куни Қизилқиедин ўрдуи аълони кўчуруб, сипаҳи бешумор ва афвожи қиемат осор била наҳзат маросимин зухурға еткуруб, Наврўзобод отлиғ мавзеъниким, Оқдарбандға қарийб тоғ этагида воқеъдурур, мазраби боргоҳи саодат илтизом ва маскани аълони майманатфаржом қилди.

Бу мухтасарни ўқуғучи дониш аҳлининг замоийри зибасойириға маъруф ва макшуф бўлсунким, ҳамул тоғ Тус қалъасининг шимолия жонибида воқеъдурур ва Нартав тоғиға машҳурдурур. Анинг ичиндаги жулганинг икки дарбанди бордурур. Кун ботар тарафдаги дарбанд оғзида бир қалъа бино қилиб, Оқдарбанд қалъасиға мавсум қилибдурурлар. Кун чиқар тарафдаги дарбанд даҳанасида бир қалъа барпо қилиб, Муздурон қалъасиға лақаб бермушлар. Ҳамул тоғдин то Тус шаҳриғачаким, Машҳадға иштиҳор топибдурур, саккиз фарсахлиғ масофатдурур. Аммо Оқдарбанд бир тор йўлдурким, Хуросон мамоликида бемисл ва бемонанддурур ва икки тарафидин икки баланд қие то авжи самоғача бош чекибдурур шиан шум ва куффори мазмум ул икки қие ўртасида ислом лашкари муруридин мутаваҳҳим бўлуб, деворе бино қилмишларким, ҳасонат ва матонатда Искандар саддиға баробарлиқ қилур эрди. Буржу боруларин ҳам ғоят истехком ва ниҳоят эҳтимом била чархи минудин ўткариб, корвон ўткудек бир йўл қўймишлар. Жулга ичиндаги қалъада мутаваддин бўлуб ўлтурғон қизилбошларким, давлат, сарват, асбоби ҳарб ва олоти зарб била ўзга куффордин мустасно ва мумтоз эрдилар, бир неча кишини мусаллаҳ ва мукамал қилиб, ўқ ва тош отмоқ учун буржу боруларға таъйин этмиш, токим, ногоҳ ёғийдин сипаҳ етишса, манъи роҳ қилғойлар. Маснавий:

Тушган ажаб вазъ ила дарбанд эрур,
Ким не анга мислу не монанд эрур.

Ўйла эрур тийраки пайки хаёл,
Неча тараддуд била ўтмак маҳол.

Икки каноридаги икки қаё,
Бош чекиб икки ёнидин то само.

Чиқмоқ анга истаса шахси назар,
Белига боғлар неча ерда камар.

Ҳар сори девори чекиб кўкка бош,
Буржлари кун юзин айлаб харош.

Анда тутуб неча қизилбош ўрун,
Жаҳл этибон ул дара ҳифзи учун.

Жамъ этибон тош ила ўқ беҳисоб,
Ўтса адув отмоқ учун чун шиҳоб.

Чун шаҳзодаи олий нажод жумъа куни Наврӯзобод мавзеининг ямролия тойифасининг саромадининг муборазатнишон, жалодат тавоман Одий Вакилни бир неча аҳли шужаъон била дарбанд устига буюрди, токим буржу борулардаги нигоҳбонларни жазога еткуруб, йўлни очгайлар. Маъмурлар фармони олийшон ва амри лозимул изъон мўжиби била шижоат якронин жалодат майдониға суруб, балойи мубрам ва қазойи муҳкам ёнглиғ суръати тамом била ўзларин дарбанд оғзига еткуруб таъйиди илоҳий ва иқболи номутаноҳий била дарбанд нигоҳбонларин қатли ом қилиб, рангин қонларин сел янглиғ тоғ жулгасига раван қилдилар. Икки одамисин асир қайдиға муқайяд қилиб, фатҳ ва ферузмандик била келиб, дарбори фалак миқдор мулозимлариға туҳфа қилдилар. Бу хабари беҳжат асар шоҳзодаи жаҳонпарварнинг самъи ҳумоюниға масмўъ бўлгач, шанба кечаси саҳар ҳангомида саманди хуш лижоми давлатға рукуб қилиб, дабдабайи Каёний ва кавкабайи Сулаймоний ва гуруҳи қиёмат шукуҳ ва афвожи маҳшаргулув била ливоафроси наҳзат бўлуб, ҳамул буржу бору ва деворларни йиқтуруб, онингдек тор йўлни васеъ ва ҳамвор қилдуруб, якшанба сабоҳиким, хуршиди дурахшоннинг чобуксувор заррин кулоҳи сипеҳр қургони ва анжум элоти тасхири учун мащриқ марҳаласидин ҳаракат кўргузуб, нур сипаҳин ҳаво майдониға сурди... Ва лашкари мавфура ва сипаҳи мансура фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ дарбанддин мурур қилиб, издиҳоми тамом ва ҳужуми маҳшарнизом била сайл ёнглиғ ҳамул қалъа сори майл кўргузуб, атроф ва жавонибин изҳори гирубор била паргор масаллик иҳота қилдилар ва шужаъойи шершукуҳ ва қуталойи жалодат пажуҳ тўшлуқ тўшидин сурон солиб, қалъакушойлиқ умурига иқдом кўргаздилар ва атрофдаги камаргоҳлардин қодири андоз шамхолчи ва жазойирчилар пайдарпай гулӯлаафшонлиғ маросимин зуҳурға еткуруб, куффори шайтанатшиорнинг мафориқи мазаллат осориға бавориқи офат

ёғдурдилар. Тўбандозлиғ русумининг саркорлари тўби раъдушубларни ондоқ мутаоқиб ва мутаволий отдиларким, қалъа аҳлининг жонига бало барқин уруб, дуд ҳуши фарсул сипеҳри кабуд юзин тутди...

Чун пешинғача куффори баддин рўбоҳи ҳазиндек инидин бош чиқара олмай мутаҳассин бўлдилар ва кўрдиларким, сипаҳи мансура ва афвожи қоҳира ҳамалоти мутавотир ва ғазоби мутақосир била майл кўргузуб, ул ҳисори чарх намудор деворин шижоат сайли била мунҳадам ва шиа аҳлининг нопок вужудин мунъадам қилғудекдурурлар... Ложарам Тоғихонким, ул қалъанинг соҳиб фармони эрди, қалъа ақобирининг олийшони Нури кадхудони талаби амон ва арзи ислом қилиб, қалъадин чиқариб, остони зафар посбон жабҳасолиқиға ирсол қилди. Чун Нури кадхудо инкисори тамом ва изтирори локалом била келиб, мулозими нусрат лозимлар воситаси била жабинсойи суми сутур ва борёби мавқеъи ҳузур бўлуб, Тоғихон бошлиғ қадъа аҳоли, маволи, асоғир ва ақобирининг талаби амон ва арзи исломин мавқифи арзға еткуруб, илтимос қилдиким, «Сарахс ўлкасининг ҳокими Одина Қуртхон бу бечора ва нотавонларнинг миннатин кўтариб, марҳамат ва шафқатингизни муждасин еткуруб, ул мужда обиҳаётининг ўлук танларига жон ва ажал чангидан амон берса. Тоқим, бу ёнглиғ карам бодасининг нашъасидин хурсанд ва хуррам бўлуб, форигбол ва осуда ҳоллиқ била қалъадин чиқиб атабаи фалакрифъат мулозиматиға мубодарат кўргузгайлар». Шоҳзодаи муаллоҳашам камоли карамдин онинг илтимос ва илтижосин мақбул ва мабзул тутуб, Одина Қуртхон била амон муждасин, балки ўлук баданларига руҳи равон ва жавҳари жон муждасин равон қилди. Чун бу хабари мусарратасар қалъа аҳлиға етти, Тоғихон бошлиғ ақобир ва асоғирға руҳ ва фараҳи беандоза етушуб, қафас қайдиға туш бўлгон қушға халослиқ етгандек шоду хандонлиқ била гуруҳ-гуруҳ қалъадин чиқиб, атабаи аъло туфроқиға жабҳасолиқ кўргузуб, арзи ислом қилиб, аҳли имон орасиға инсилоқ топдилар. Шоҳзодаи комрон аларға лутф ва эҳсон кўргузуб, хайётхонаи марҳаматидин хилоъи қимматбаҳо бахшиши била ғамгин кўнгуллариин шод ва ҳазин жонларин қайғу бандидин озод қилди ва аларни кўчуруб, солур халқининг ақобирига топшуруб Сарахс юртиға йиборди, тоқим бу азамға қайтмоқ жазм бўлса, ул элни Хоразмға олиб боргай.

ШАҲЗОДАИ ШИЖОАТНИШОННИНГ МАШҲАД ҚАСДИГА НАҲЗАТ ЯКРОНИН СУРМАГИ ВА АФВОЖИ САНГИН ҲАРАКАТИДИН ТОҒ АРКОНИГА ЗИЛЗИЛА ЕТКУРМАГИ ВА ТОҒИСТОН КУФФОРИНИНГ ХОНУМОНИН НАҲБУ ҒОРАТ ҚИЛИБ, ҒАНОЙИМИ ФАРОВОН БИЛА МУОВАДАТ ЖОНИБИГА АТФИ ИНОН ҚИЛҒОНИ ВА САРАХС УЛКАСИНИНГ НАВОҲИСИН ҚИШЛОҚ ҚИЛИБ, УЛ НАВОҲИДА МАКОН ТУТҒОНИ.

Чун шоҳзодаи муалло макон Оқдарбанд улусин кўчуруб, Сарахс жонибиға равон қилди ва ул эл ҳисоринким, бағоят ҳасин эрди, болта ва метин зарби била сипоҳ аҳлиға йиқтуруб... душанба куни сипоҳи бекарон ва афвожи бепоян била дарёи захҳор ва наҳанги хунхор ёнглиғ ҳаракатга кириб, Мулкобод отлиғ мавзеъниким, Муздуроннинг қибла тарафида воқеадурур, муаскари асокири мансур қилди. Сешанба куни ондин рукуб қилиб, Чоргумбазни мавзеъи боргоҳи ижлол қилиб нузул этди ва ул манзилда эҳмол ва асқол ва уғруқ ва партолни ва сипаҳи нусрат паноҳдин баъзи ярамас отлиғларни қўюб, аларнинг муҳорасат ва муҳофазати учун Муҳамадниёзбийниким, Карчак лақабиға машхурдурур, таъйин қилиб, чаҳоршанба кечаси издиҳоми тамом била рукуб қилиб, субҳи содиқ намоён бўлгон чоғда Қўрғон қалъасиға етиб, ямут, ямроли, така, солур, соруқ ва қарохон эли сипаҳин атроф-жавонибға буюрди, токим куффори нофаржомнинг элот ва аҳшомин пойкўби чаповул ва дастфарсуди татовул қилғайлар. Ўзи аларнинг изича сипоҳи нусратвуқуфнинг тавсиян суфуфиға иқдом кўргузуб, черикнинг майманаи маймун ва майсараи майсуринким, буронғор ва жувонғор дерлар, шужаойи кинагузор ва абтоли душманшикор била ороста ва пийроста қилиб, роёти зафароётни жилваға киргузуб, кавкабаи ҳайрат-афзо ва дабдабаи саодатинтимо била бодпойи бодияпаймоға маҳмиз бериб, азиматнамо бўлди...

Бу ёнглиғ сипоҳи сангин ва афвожи қиёматойин била Қорасув қанори ва Канафас ҳисори устидан ўтиб, пешин чоғи Канакуш қалъасин сипоҳи зафарнишон била муҳити бекарон ёнглиғ иҳота қилиб, ҳамул соат ул қалъа аҳлин мол ва ашёси била ҳийтаи тасарруфиға киргузди ва ул мавзеъни асокири мансура ва лашкари ғайри маҳсураға муаскар қилиб, оромгузин ва маснаднишин бўлди... Ул мавзеъда куффори фужорнинг наҳб ва ғорати учун атрофу жавонибға маъмур бўлгон ғозийларким, рўзгор шужаъосининг

сарафроз ва мумтози эрдилар, гуруҳ-гуруҳ ўз саркардаси била бир тарафга илғор қилиб эрдилар. Барчаси излик-изидин усаройи бешумор ва ғанойими бисёр била келиб, мулозамат шарафига фойиз бўлдилар. Аммо черик аҳлида киши оз эрдиким, қизилбоши бебошдин бир асир дастгир қилмогон бўлғай, балки аксар сипоҳ икки ва уч асир даст тасарруфига киргизмиш эрдилар. Ўзга ашёдин ҳар ким кўтара олгонча ўлжага мутасарриф бўлдилар...

Лекин Ҳасанали мирзоким, Машҳад шаҳрининг ҳокими фармонравоси эрди, сипоҳи исломнинг аъломи нусрат илтизомининг маҳчайи дурахшонин узоқдин мушоҳада этди ва кўси кўбрки, оҳангининг садойи сурнишонин сомиаий идрок била эшитди. Залолати зотий ва шарорати шиъий они қўймадиким, кавкабаи волоға истиқбол қилиб, қилодаи итоатга мутақаллид бўлғай. Ложарам ғоят саросима ва ҳаросонлиқдин қалъа ақобири била иттифоқ қилиб, дарвозаларни тош ва туфроқ била мадрус ва матмус қилдуруб, саъий вофир ва кўшиши мутақосир била қалъа ҳиросатиға қиём кўргузди. Не кечалар роҳат қилурга ором ва қарори бор ва не кундузлар фароғат топарга қувват мадори ва шаҳар аҳли ғалабаи хавфдин жон чекиб, ит ёнглиғ фарёду афғонин сипеҳри гардондин ошурдилар... Чун бу ёнглиғ ғавғои қиёматнамо ва алолоий ҳайратафзо била икки кун ўтди, жамеъи умаро ва сардорлар ва барча сархайл ва сипаҳдорлар иттифоқ била шаҳзодан олампаҳоқнинг боргоҳи сипеҳриштибоҳи атабасининг хокбўслиқиға мушарриф бўлуб, изҳори инкисор ва изтирор била арз қилдиларким, Машҳад шаҳрининг ҳисори баҳоят ҳасин ва улуси кофири бединдуруб ва осонлиғ била они фатҳ қилмоқлиғ йўқдуруб; нединким, ул жамоа неча йиллик ғалла ва ошлиқ била тўқдуруб. Сипоҳи мансура мутаваққиф бўлуб, ул қалъа муҳосирасиға иштиғол кўргузмак маҳол кўрунур. Нединким черик аҳли ичра моли ғиноийм бисёр ва усаройи куффор бешумор ва уларнинг забт ва ҳифзи душвор узра душвордуруб. Обрўки, бу даргоҳ мулозимлариға даст берди, ҳеч бир подшоҳга муяссар бўлмашишдуруб. Энди азимат инонин мурожаат майдониға маъруф этмак бағоят аҳамм ва авлодуруб...

Чун шаҳзодаи комкор кўрдиким, умаройи номдорнинг барча сўзлари ҳақ ва бошдин оёғи сидқи мутлақдуруб, аларнинг маслахатларин мақбул ва илтимосларин мабзул тутуб, панжшанба куни давлат ва иқбол била кумайти ижлолға рукуб қилиб, инони инсирофни муовадат тариқиға

мунсариф қилди ва лашкари селасар била наҳзат кўргузуб, кўргонни асокири зафарпарварга муаскар этди ва онинг иморати биноларин хароб ва вайрон қилиб, жумъа кун ондин кўчуб, Чоргумбазғаким, набиҳ ва ўғруқни анда кўймиш эрдилар, нузул тароват шумули файзидин бўстони эрамдек назорати тоза ва назокати беандоза еткурди. Шанба кун ондин ўрдуйи кайҳонпўй била кўчуб, Муздурон қалъаси жонибиға атфи инон қилди. Онинг эли жон хавфидин ғорларда пинҳон ва фирорий бўлмиш эрдилар. Ул ҳисорни йиқиб, ер била ҳамвор қилдуруб, ҳамул кеча онда истироҳат кўргузди. Якшанба кун ондин рукуб қилиб, издиҳом тамом била тоғдин чиқиб, Шўраҳон отлиғ мавзеъниким, они Шурук ҳам дерлар, маскани аъломи зафар парчам ва мухайями хайёми давлаттавом қилди.

Душанба кун кўчуб, Шўраҳоннинг ошоқроқида бир манзилға нузул этди. Сешанба кун ул мавзеъдин кўчуб, наҳзат шабдизига маҳмиз бериб, жуюши дарёхуруш била жўшға кириб, Тажан дарёсининг қибла соҳилин вуруди тароват намуди файзидин сероб ва саршор қилди. Ул мавзеъда тўрт кун мутаваққиф бўлуб, ҳангоми-таваққуфда мазкур дарёнинг орқа жонибидаким, Сарахс музофотиндурур, сипоҳи нусратпаноҳ кунжойишиға лойиқ арз ва умқи кўнгул хоҳишиға мувофиқ бир сангари вусъат асар ҳафр қилдурубдурур. Якшанба кун ҳамул сангарнинг оғуши умидин шоҳиди духули ва фазойи таманноси файзи нузули била мамлу ва машҳун қилди. Ул қишлоқда элик кун иқомат маснадида истироҳат кўргузди, токим лашкари нусрат асар осудалиғ, улуғ ва марокиб осойиш топгондин сўнг яна қизилбоши залолатинтимонинг қасдиға азиматнамо бўлғай.

АЙЕМИ ТАВАҚҚУФДА ЗУХУРҒА ЕТГАН БАЪЗИ ВОҚЕОТНИНГ ДОСТОНИ ВА ШОҲЗОДАИ КОМКОРНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛМОҚИНИНГ БАЕНИ.

Чун шоҳзодан нусрат қарин ҳамул қишлоқда оромгузин бўлди, усарои бепоён ғанойими бекароннинг хумс ва ғонийин мувофиқи шаръ аҳз қилиб, умаро ва саркардаларға инъом, шужао ва мутаҳаввирларға ҳамул инъомдин ком еткуруб, оти ўлгон ва захмдор бўлгон муборизларға доғи эҳсони фаровон ва бахшиши бекарон била баҳраманд ва аржумандлиғлар еткурди. Хусусан, Сарахс улусинким, шойиста хизматлар тақдимиға иқдом кўргузуб

эрдилар, амволи мавфур, инъом ва алтофи номақдур изҳори била ўзга лашкариядан мумтоз ва ўз ашбоҳи аросида сарафроз қилди. Чун бу қишлоқда кўб қазиялар рўй берди, ондин баъзини ижмол тариқи била рақам силкига чеккумдурур, иншооллоҳ. Ул жумладан бири улким Даригиз қўргонининг ҳокими олийшони Беклархонким, ул ҳаволийнинг марзбонидурур, итоат ва убудият изҳор қилиб, даргоҳи жаҳонпаноҳға лойиқ кўб туҳфа ва сурсот, бир неча яхши от ирсол қилди... Яна бири улким шоҳзодаи олийшон атроф ва акнофдаги мамоликнинг хавониниға элчийи кордон ва суфаройи бисёрдон марҳамат ва даъват юзидин ирсол этди. Ул жумладин улким, даргоҳ... мулозимларидин бир элчийи закокатнишонни Ҳирот мамлакатининг подшоҳи нофизилфармони шоҳ Комиронгаким, отаси шоҳ Маҳмуд анга тахту тожин топшуруб, ўзи шаҳри Рубаҳ ичида оромгузин ва гўшанишин бўлмиш эрди, йиборди. Чун элчи фармон мўжиби била қатъи манозил ва биёбон қилиб, шоҳи комронға пайғоми саодат интизомни еткурди. Мазомини давлатойиниға мутталеъ бўлғоч, ота ва ўғил олтун топғон қул ёнглиғ хурсанд ва хуррам бўлуб, қосидни таъзими тамом ва такрими локалом била баҳраманд қилиб, бир элчийи ҳушманд анга масҳуб этиб, туҳфоти кироманд била ирсол қилди ва бу мазмун била бир китобат йибордиким: «Биз жамоан абаананда ҳамул остоннинг ихлосгустари, балки ул хонадоннинг карампарваридурурмиз. Бу давлатким, тангру таоло бизга бермиш анга ул дудмоннинг имдод ва илтифоти сабаб эрмиш. Мақсудимиз ул яхшилиғ мукофотин адо қилмоқ ва ул жаноб хизматларин ўзимизга лозим билмақдурур. Агар бу юрушларида сипоҳи гарон ва ганжи фаровони ногаҳон ҳожат ва даркор бўлса, ишорати воло етишгач, беталлул ва бенбо равон ва яна қўлдан келган хизмат бўлса аён қилурмиз». Элчилар фараҳи тамом била келиб, атабаи аъло жабҳасолиқиға мушарраф бўлуб, келтургон пешкашларин ўткардилар. Яна улким. Турбат ҳокими Муҳаммадхон қаройи валади Исохон қаройиким, қаройи элининг сардор ва фармонравойи эрди, анга доғи бир кордон русули иноят юзидин равон қилди.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, Муҳаммадхон қаройи неча йилдин бурун отаси маснадин ўрун қилиб, обо ва аждоди русуми била гумроҳ бўлуб, мазҳаби ноҳақ аҳтимомида умрин ва авқотин табоҳ қилур эрди. Лекин, оқибат тангри таоло лутфу иноят юзидин анго туз йўл-

ни ҳидоят қилиб, бу тарихдин икки йил аввал сафойи-сыйнаси имон нуридин машъал топиб, дин шарбати лабин чучутуб, шиа мазҳабин тарк тутуб эрди. Ҳамул фурсатда бу сир инкишофи учун бир маҳрами хосини арзи ихлос қилиб, ҳазрати шаҳаншоҳи фалакжоҳнинг даргоҳи олам паноҳиға йибормиш эрдиким, «қизилбош аҳлининг дин ва ойинин тарк этиб, муслмонлиғ давлати иқболиға етқум-дурур». Чун, онинг кичик қариндошиким, куфру залолат кўчасининг авбоши эрди, бу воқеадин огоҳлиғ топиб, Машҳад диёридин бир неча куффори сияҳқор била илғор ва ўзиға онинг бекларин муттафиқи диёр қилиб, хабарсиз онинг бошиға етиб, мақру талбис била тутуб, маҳбус ва аёқиға банд солиб, тумон меҳнат била маънус этди. Ўзи онинг ўрниға ҳокими билистиқлол бўлуб, шиа русуми ривожига иштигол кўргузди. Бу ҳангомда шоҳзодаи фархунданомнинг Машҳад устиға келгонин ва қизилбошларға на ишлар қилгонин эшитгач, ул эл ақобирининг кўнгуллариға сиёсати подшоҳи ва ғазоби номутаноҳийдин ҳароси беқиёс муставлий бўлуб, ҳамул жулға аҳлининг бошдин аёқи муслмонлиқ изҳорида иттифоқ қилиб, Муҳаммадхон қаройини банддин ушотиб, ҳибсдин чиқориб мамлакатнинг инони ихтиёрин онинг қўлиға топшуруб, қилгон гуноҳларининг афви учун аёқиға бош урдилар. Инисининг қўл ва аёқин банд ва зиндони балиятда мустаманд этдилар. Чун шаҳзодаи комкорнинг расули дониш осори давлат ёнглиғ онинг сарвақтиға етти, беҳжати тамом била сари ифтихорин сипеҳри даввордин ўткарди ва элчининг бошиға нақди фаровон, балки жавҳари жонин сочиғ ва исор қилиб, бандалик ва хизматкорлиқ маросимин анвоъи тақрор била изҳор этди. Ўз аёнидин бир расули ихлоснишон қўшуб, қуллуқ изҳори била бир арзадошт ва яхши туҳфалар била атабаи фалак мисолға ирсол қилди. Бу тариқада ўзға хонлардин ҳам элчилар келиб, остонбўслиғ шарафин топиб, изҳори убудият қилиб, подшоҳлиқға пешкашлар чекиб, алтофи фаровон ва аътофи бекарон била сарафроз ва шодмон бўлуб қайтдилар. Байт:

Булар зикрини бир-бир этсам рақам,
Сўзи атноб сори чекар якқалам.

Яна улким, ҳазрати соҳибқирон, Сулаймон макон остони сипеҳр ошиён маҳрами хосларидин Гадоийниёз маҳрам

била хилоъи фаровон ва ганжи бекарон ва заррин камарлар ва тилла ханжарлар ва ўзга асбоб ва адавотким, сипаҳдорларга ҳожат ва аҳли сипоҳға заруратдурур, ва неча қатор уштури борбардорға бор қилиб, шоҳзодаи олий таборға ирсол қилди. Ўзга умаройи номдор ва ақобири соҳиб иқтидор, аркони давлат ва аъёни ҳазратдин ҳар ким ўз хуссиятига лойиқ тухфа ва ҳадялар йибордилар, токим шарафий қабул била бахраманд бўлғайлар. Мазкур маҳрам била икки саркарда номзод бўлди. Бири олийнажод Шоҳмуродбек ва бири гардунмаҳал Шағал юзбоши эрдилар. Чун алар қадами суръат била қатъи масофат қилиб, Сарахс ўлкасида мазкур бўлгон қишлоқда жаноби рифъатмаоб мулозаматиға етиб, ҳазрати султони соҳибқироннинг саломи саодатнизом ва пайғоми марҳамат фаржомин арз қилиб, барча келтурган ашъйи беинтиҳони назари анвари пешгоҳиға еткурдилар. Шоҳзодаи муҳтарам лутф ва қарам била аҳволпурсишлиқдин сўнг аларға навозишлар била сарафрозлиғ еткурди ва келтирган зар ва ўзга ашъининг тамомин сипоҳ аҳлиға инъоми ом қилди.

Яна улким ҳамул навоҳийнинг атроф ва акнофида мутаваттин ва мутамаккин бўлгон тароқима тавойфиким, агарчин мусулмон ва мусулмоннишон эрдилар ва лекин неча умрдин бери ўз ройлари била иш қилиб, шариат аҳкомидин баркарон эрдилар. Хусусан, закот фарзининг қарзин адо қилмай, балки не ёнглиғ адо қилмоқни билмай ҳаром ва ҳалолни назари эътиборға илмий, мол жамъиятиға иштиғол кўргузур эдилар. Ул жамоани мағфиратнишон Муҳаммадраҳим Баҳодирхондин ўзга ҳеч подшоҳи зўрдаст таҳаккум била бошин паст қилмаиш эрди ва лекин ул ҳазрат доғи ром қилмоқ учун закотин биттамам олмамш эрди. Чун шоҳзодаи беҳамол бу аҳволни кўрди, ул тонфаи золнинг амволин ҳалол қилмоқ учун Марв сарҳадидин то Оҳалғача қайси ерда арбоби мол бўлса ва шайху шобдин мол нақдида соҳиби нисоб топилса, закот аҳзи учун омилар ва ул амал улумиға комилар йибориб, оз чоғда ул элнинг закотин мувофиқи шаръ олдилар.

Яна улким қишлоқда сипоҳи нусратпаноҳ фавж-фавж бўлуб ҳар фавжи дарёйи заххордек мавжға кириб, атрофу жавонибдағи қизилбошға чаповул уруб, қатл ва гонат ва аҳзи ғанимат қилиб келур эрдилар. Ул жумладан бир гуруҳ Нишобур аҳлиға ғавго ва шўр солиб, ғанойими мавфур била келдилар. Яна бир бўлак Ғурёнға озим ва ба-

луж аҳлининг наҳб ва қатлига жозим бўлуб, ул диёр аҳлининг барча амволин дастгир ва хонининг аёл ва атфолин асир қилиб, фараҳи тамом била келдилар. Яна бир гуруҳ Хоф устига бориб ва ул мулк аро қўб ишлар бошқариб, ғанимати фаровонга мутасарриф бўлуб қайтдилар. Яна бир фавж Сабзавор тарафига илғор этиб ва ул диёр аҳлин то-ру мор қилиб, усаройи бешумор била ёндилар. Яна неча афвожи касирким, зикрини бир-бир рақам қилмоқда қалам изҳори тақсир қилур, ҳар фавже неча карат қизилбош аҳлин асир ва ғорат қилиб, барчаси хушқол бўлуб, ҳаддин афзун мол била келур эрдилар. Назм:

Биров қизлар оғушидин ком олиб,
Биров туғмалар хизматиға солиб.

Биров зар била комронлиғ топиб,
Биров мол ила шодмонлиғ топиб.
Қилиб лашкар аҳли саросар нишот,
Бу янглиғ эди неча кун инбисот.

Яна улким, бу ҳол асносида лашкари ферузий асардин жамъи дод талаб, балки шиа аҳлидин ёд талаб бўлуб, Машҳад атрофин тохту тоз қилиб, ғанойими беандоз била мурожаат қилдилар. Машҳад остига етганда ҳазм ва вҳтиёт сарриштасин қўлдин бериб бир мавзеъга нузул этдилар. Баъзи улус таом бишурмак асбобини тузуб, баъзи хайл уйқуга майл кўргуздилар. Бу ҳангомда қизилбош аҳли издиҳоми тамом била шаҳардин чиқиб, аҳли ислом устига қуюлдилар. Чун жиҳод аҳли бу ҳолдин огоҳлиғ топдилар, уйқу хайлига хайрбод қилиб, ғоятти чобукликдан отлариға сувор бўлуб, куффор корзориға мубодарат кўргуздилар. Бовужуди озлиғ қизилбош лашкаридин камлик чекмай, савош ва талош қилур эрдилар. Ногоҳ така хайли тарки ор қилиб, фирор ихтиёр этдилар. Бу ҳол вуқуъ топғоч, куффори бадкирдор черики ғалаба қилиб, аҳли исломдин бир неча шаҳсувор йигит шаҳодат топиб, беҳишти барин азиматин ихтиёр этдилар. Ул жумладин ямутия саромадидин шижоат ва муборизат фунунида якфан Отаниёз мерганким шери ғуррон ва бабри даррон ёнглиғ куффори беимонга ҳамла еткуруб, муқотала майдониди жавлон қилур эрди. Ногоҳ тақдири худо била оти йиқилиб, отдин жудо бўлди ва қизилбошдин бир гуруҳ

палид онинг устига ҳужум қилиб, шаҳид этдилар. Ондин ўзга бир неча киши ислом аҳлидин куффор черики қўлига асир бўлдилар. Чун ул хайл бу ёнглиғ ошутаҳоллиғ била даргоҳи фалак мисол мулозаматиға келдилар, шоҳзодаи беҳамолнинг нойираи газаби иштиғол топиб, черик жамъиятин ихтиёр этиб, тавобеъ сипоҳиға жор қилдурубдурур, токим сипоҳи бешумор ва лашкари кинагузор била Машҳад устига хиром кўргузуб, қизилбош аҳлидин интиқом тортғай. Бу аҳвол халолида Хоразми фирдавс базм жонибидин ҳазрати соҳибқирони гитистоннинг нишони олийшони етушди; бу мазмун билаким, шоҳзодаи комкор ёрлиғи муҳаббат осорни кўргач, бетаваққуф ва бедаранг мурожаат тариқи била оҳанг қилиб, даргоҳи фалакиштибоҳ зиёратиға мутаважжиҳ бўлсун. Нединким фироқ муддати зиёда узоқ ва иштиёқ ғами ҳаддин фузунроқ бўлубдурур, ва сипоҳ аҳли доғи фарсудалиғлар чекмишдурур. Келиб, ул жамоаға ҳам осудалиқлар еткурсун. Чун нишони саодат бунён шоҳзодаи воломаконға етушгач, давлат арконин ва лашкар аёнин боргоҳи сипеҳр дастгоҳға ундаб, ёрлиғ мазмунидин борчасин хабардор қилиб дедиким, байт:

Недур маслаҳат, ёмди нетмак керак,
Дсйингизким, қаён наҳзат ётмак керак?

Алар дедиларким, ҳазрати соҳибқироннинг фармони олийшони вожибдурур ва бу вожибни тутмоқлиғ муносиб. Агар тангри таоло санга Машҳад мулкининг фатҳин насиб қилса, яна келмаклик душвор ва ажиб эрмас. Шоҳзодаи давлатпаноҳ хадиви хуршид кулоҳнинг илтимосин пос тутуб, ёрлиғин қабул кўзиға суртуб, барча тарокима аҳлининг аёни ва мутеъ ўлғон элларнинг хониға сарупойи шоҳона ва навозиши хисравона бахшиши била сарбаланд ва аржумандлиғлар еткуруб, рухсат берди. Оқдарбанд ўлкасидин Хоразм эрам базм тарафиға кўчуруб, душанба куни ўзи кўч изича Сарахс ноҳиятидин давлат ва иқбол била кўчуб Худойберди ўлган отлиғ бир қумға нузул ётди. Ондин сешанба оқшоми кўчуб, шабгир қилиб, Тошработни муаскари асокири нусрат маосир қилди. Чаҳоршанба куни ондин наҳзат кўргузуб, Марв дарёсининг канори ва Ғариб ато алайҳир-раҳманинг жувориға низули шарофат вусули айнул-ҳаётининг фуюзотидин баҳрун-на-

жот ёнглиг сероб ва шодоблиг еткурди ва ул мавзеъда тўрт кун таваққуф қилиб, якшанба кун дарёдин убури этиб, Қоратўпани мазраби боргоҳи иқбол ва манзили саропардаи ижлол қилди. Анда уч кун истироҳат кўргузуб, панжшанба кун рукуб қилиб, сипоҳи нусратпаноҳ ва лашкари зафардастгоҳ била қумға кириб, қатъи манозил ва таййи мароҳилдин сўнг Тахт мавзеъин муаскар қилиб, қадами маймуни шарофатидин фалак тахтига баробар этди. Анда икки кун оромгузин бўлгондин сўнг ҳаракат кўргузуб, қадами масораат била қатъи масофат қилиб, Жайхун канориға чиқиб нузули ҳумоюнӣ боҳоридин Қабоқли мавзеъин беҳиштнамун қилди. Онда икки кун мутамаккин бўлуб, черик аҳлин қир йўлидин йибориб, ўзи махсус мулозимлар била заврақи тезрафторға миниб Жайхун савоҳилин сайру тамошо қилиб, манозили мутакассира қатъидин сўнг Ҳазорасб шаҳрида ўзининг тарабхонаи беҳишт нишонасиға файзи нузули била назорати беандоза еткурди. Ондин рукуб қилиб, издиҳоми тамом била Янгиариқ чўлиға нузул қилди. Тонгласи талиъаи субҳдин сўнг шавкати тамом ва савлати молокалом била бодпойи бодияпаймоға рукуб қилиб, ойини хисравона била рамазон ойининг учиди, душанба кун шаҳри Хиваға кириб файзи нузулидин арк ичин рашки Хаварнақ қилди... Бу сафари зафарпарварнинг имтидоди юз йигирма уч кун эрди ва ҳазрати подшоҳи карам дастгоҳ Оқдарбанд элига марҳамат ва шавқат кўргузуб, Зай диёрида ер бериб, барчасин ул мавзеъда мутамаккин қилди. Ҳоло бир улур эл бўлуб ўлтурубдурурлар.

Амири мазкури мағфурнинг иниси Бобобекнинг ўғли асолатпаноҳ, нажобат дастгоҳ Муҳаммад Соҳиббеккаким, даргоҳи фалак иштибоҳнинг махсус мулозимларидин эрди, ҳазрати аъло хоқон, карам нишон оталиқлиг мансаби олийсин марҳамат қилиб, ашбоҳ ва акфосидин мумтоз ва сарафроз қилди. Ҳамул йил мазкур оталиқ фавтидин сўнг манқид дудмонининг сарвари ва нурум бўйли хонадонининг сардафтари иморатпаноҳ, иззатдастгоҳ Аваз иноқ аморат ва иноқият мансабин ўз хоҳиши била тарк тутуб, гўшаншин ва узлатгузинлик ихтиёр қилди. Ҳазрати соҳибқироннинг илтифоти хисравонаси онинг валади аршади Бобобекнинг ҳолиға шомил бўлуб, иноқият мансабин онга арзоний тутди.

**ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ ИСКАНДАР НИШОННИНГ
ЖИҲОД ИРОДАСИ БИЛА ЭРОН САВОДИ ЖОНИБИҒА
АЗИМАТ ЯКРОНИН СУРМАКИ ВА КАВКАБАИ ВОЛОШОН
ВА СИПОҲИ БЕКАРОННИНГ ВУРУДИ ҚИЕМАТНАМУДИ
МАҲОБАТИДИН ХУРОСОН МАМОЛИКИ ТОҒИСТОНИҒА
ТАЗАЛЗУЛ ЕТКУРМАКИ ВА ЖУЮШИ ДАРЕХУРУШНИНГ
ЖУШИ ИЗДИҲОМИ БИЛА ЖОМ ЖУЛГАСИНИНГ БАҲР
ЕНҒЛИҒ ТУЛМОҒИ ВА ТАЪЙИДОТИ ИЛОҲИ БИЛА УМҒОН
ВА БОҒИ САНҒОН ҚҶРҒОНЛАРИНИНГ МУСАХХАР
БУЛМОҒИ**

Ҳикоят оламининг Сулаймони ва ривоят иқлимининг соҳибқирони, саҳифа арсасининг гарм жавлони ва воқиа маъракасининг марди-майдони, аъни қалами фасоҳаттавом сўз шоҳроҳиға бу навъ қадам қўярким, чун ҳазрати воҳибулатоё ва каримул-сахоё лутфи фаровон ва карами бекаронидин ҳазрати подшоҳи зиллиллоҳ ва шаҳаншоҳи исломпаноҳ, султони заррин алам, хоқони гардун ҳашам, шаҳриёри Искандар шавкат, тождори Сулаймон савлат, хадиви гардунвиқор, хисрави Фаридун иқтидор, зубдаи салотини олам, умдаи ҳавоқини муаззам, муртақийи мадорижи ислом, муртафеъи маорижи аҳком... Абулғози Оллоқули Муҳаммад баҳодирхон... салтанат маснадиға жулус қилғонидин сўнг... мамлакат хористониға боғи эрам гулистонидек таровати тоза ва адолат жўйборининг сероб ва саршорлиғидин ул гулистонға назорати беандоза еткуруб, халойиқ мақсадининг гулшаниға сарсабз ва райёнлиғ ва кўнгуллар ғунчасиға шукуфта ва хандонлиғ бағишлади...

Чун ул ҳазратнинг хотири кўзгусиға мамолик оройиши иштиғоли ва халойиқ осойиши истикмоли умурининг итмоми мисқалидин сафойи пофир ва жилойи мутақосир ҳосил бўлди, ул ойинайи жаҳоннамода бу сурат жилваоро бўлдиким, бу йил ўз нафиси била отланиб, жиҳод вужуби адоси учун Эрон сори озим ва ул лозим бўлгон азимат вучуиға жозим бўлғай. Чун бу амри шариф ул ҳазратнинг хотири латифида жойгир бўлиб, тасмим топди, муқарраби ҳазрати султоний, маҳрами боргоҳи соҳибқироний, садоратмаоб, визорат интисоб низомул-мулк ваддунё Муҳаммадризо қўшбегниға фармони вожибул-азъон ва амри қазо жараёни мавқиф жоҳи жалолдин бу навъ иззи исдор топдиким, ассадоқата турдалбалоа ва тазайюдул-умр муқтазосича, шаҳарнинг ичида ва ташқарисида осуда бўлгон авлиёларға нузурот ва масокин ва фуқароларға садақот бериб, дуойи

давлат олсун. Қўшбегийи мазкур ҳасабул-фармони олишон хазинаи омират абвобин ихлос калиди била очиб, нуқуди во-фирани ҳиммат этоки била фуқаро бошларига сочти ва жамъи бузрукворларнинг остони файз осорларида обу ош бериб, мужовир ва жорубкашларига назр расми била зарпошлиғлар кўргузуб, ул ҳазратнинг истидомати давлат ва истиқомат нусрати учун дуойи ижобат оят олди. Ва яна ҳукми воло мўжиби била амири мазкур сипоҳи мавфур ва лашкари ғайри махсурга олоти муҳораба ва адавоти муқотала ва асбоби сафар ва асосаи қўш ва чодир таҳия ва такмиласи учун ганжи моло-мол эшикин беранж ва бемалол очиб панжа-панжа зар, қабза-қабза сийм сочиб жиб ва домонларин ганжи шойгон ёнглиғ тўлдурди. Алалхусус, аҳли шужаъони аҳсони махсус била шодмон этди...

Чун черик асбобининг инзиботи ва йўл яроғининг иртиботидин фароғ ҳосил бўлди, сана минг икки юз қирқ иккигача етиб, ит йилининг мувофиқи ва офтоби оламтобнинг заррин ҳаданги қавс гўшасининг мутобиқи эрди, ва жумо-дилавалл ойининг йигирмасида чаҳоршанба куниким, ул ҳазрат рукуби учун узмоъи ҳукамо иттифоқи била таъйин топмиш эрди. Азимушшон умаролар ва гардунтавом кубаролар ва олиймакон сипаҳдорлар ва азимат нишон сардорларким, рифъат ва манзилатда гардуни рифъат намуни гарди ғуборча эътибор қилмас эрдилар, давлат ва ҳашаматда Жамшиду Афридуни кўзларига гадойи бемиқдорча илмас эрдилар... бу пасфлиғ умаро ва сипаҳдорлар атрофу жавонибдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ тилло маҳча ливолар ва заррин шуққа аламларни жилвагар қилиб, савлати тамом ва шавкати локалом била келиб, арк дарвозасининг пешгоҳида нузул этиб, боргоҳи гардун иштибоҳ остонаси тақбилига мушарраф бўлиб, ҳар ким ўз қадр ва манзалатига кўра саф тузуб ўлтурдилар...

Ҳазрати олиймакон умаролар ва гардун тавом кубаролар ва шижоатнишон сипаҳдорлар ва аркони давлат ва аъённи ҳазрат била мақсад тарафига озим бўлуб, дабдабаи тамом ва кавкабаи қиёмат издиҳом била доруссалтанаи Хивакдин чиқди...

Панжшанба куни сипоҳи нусратпаноҳ била рукуб қилиб, Янгиариқ мавзеъидаги работи файизил-нишотийнинг буружи интизорига жамоли оламоро анворидин камол авжининг офтобидек висол партавин солди... Жумъа куни Янгиариқдан ливо афроси наҳзат бўлуб, нузули саодат вусули шарафидин хитой ҳаволининг сари ифтихорин гар-

дунсой қилди. Шанба куни Хитой сарҳадидин бодпойи бодия паймоға рукуб қилиб, аъломи нусрат фаржомни жилваға киргузуб кавкабаи подшоҳий ва дабдабаи номутаноҳий била Ҳазорасб вилоятиға ворид бўлуб, ул вилоят аҳлининг дийдаи орзусин рахши сабо рафторининг тўтиёосо ғуборидин равшан ва мазраъи таманносин дийдори хўжаста осорининг назоҳатнамо баҳоридин гулшан қилди... Якшанба куни ул ҳазрат ливойи нусрат ҳавони Ҳазорасп мамлакатидин мутаҳаррик ва шуққакушо қилиб, учтўпа отлиғ марҳаланиким, Ҳазораспдин тўрт соат муддати масофатлиғ йўлдурур, мазраби боргоҳи иқбол, муаскари асокири нусратмаол қилиб, баҳор нузулининг равносо насимининг эҳтизозидин они рашки гулистон ва ғайрати боғи ризвон қилди... Душанба куни ул манзилдин кўчиб дорё қироғи била азиматнамо бўлуб Болиқли мавзеъида оромгузин бўлди... Ул манзилда Дашти Қипчоқ мамлакатининг хони ва борча қозоқ улусининг хукмрони азаматнишон Шерғозихонким, даргоҳи олам паноҳ мулозимларининг ионати воситаси била ул ҳазратнинг хотири хатириға мақбул ва инояти подшоҳонага машмул бўлуб, мазкур бўлгон улусининг ҳокими фармонравоси эрди. Онинг Йдика тўраким, аввалроқ отасининг тарафидин баъзи қозоқ улусининг саркашлари танбеҳи учун истимод кўргузуб, арзадошт келтуруб, қилгон илтимоси жаноби хилофатмаобға қабул тушмуш эрди, боргоҳи фалак иштибоҳ остониға ундаб, борча чокарлари била хилоъи зарандуд бахшишидин хушнуд қилиб, ўз вилояти муовадатига рухсат берди ва сешанба куни ул мавзеъдин ўрдуий кайҳонпўйни ҳаракатга киргузуб, Садвар ноҳиятин ва чаҳоршанба куни Даҳанишер бешасин ва панжшанба куни Бўрили марҳаласин мухайями хайёми давлат ва маскани аъломи шавкат қилди... Бу мавзеъда ул ҳазрат атабан сипеҳр мартаба мулозимларининг муътамадларидин садоқат интимо Сатторқули ақо била ихлос намойи Вайсбойни Шерғозихонға қилгон илтимосининг қабули башорати учун ёрлиғ бериб юборди. Жумъа куни ҳам ул ерда мутаваққиф бўлди ва шанба куни ул марҳаладин ҳаракат кўзгузуб Жигарбанд ота зиёратига мушарраф бўлуб, якшанба куниким, жумодуссоний ойининг ғурраи ғарросининг илҳомнишон имоси била ҳазрати хади-ви комкор, офгоби пуранвордек озим бўлуб, роёти нусратоётнинг моҳча ломеъин Кечқирон отлиғ марҳала машриқидин толеъ қилди. Ва ул мавзеъда боргоҳи сипеҳр иштибоҳнинг қуббаи дурахшонин офтоби оламтобнинг қамаи

тобонидан ўткарди. Ҳамул кун сайр асносида йўлдин чиқиб, қир устига озим ва сайдандозлиғ маросимиға жозим бўлуб, шунқори тезрафтор ва чарғи барқосор била ул муқдор оҳуйи бешуморни шикор қилдиким, шикори Жамшед афсонасиға хатти бутлон чекилди...

Хусусан, ямутия улусининг ақобир ва иозимидин Давли баҳши ва Холмуҳаммад вакил, ва Қоқа сардор ва Уроз Муҳаммад вакил ва Боғибек баҳодир ва Бердибек баҳодир ва Бердихон тотор ва Сори карнай сардорким, ҳар бир остони давлатнишон мулозаматида ихлос бошидин қадам қилиб, писандида хизматлар воситаси били маротиби ва маносиби ақсоға тараққий топиб эрдилар. Ямут черикидин гуруҳи андуҳ била келиб, жаноби давлатмаобнинг сандалосо туробиға жабҳасолиғ даражасин топиб, ул ҳазратнинг рухсори саодатосори мушоҳадасидин кўзлариға нур, кўнгуллариға беҳад фараҳ ва сурур ҳосил қилдилар. Қорақалпоқия тавойифининг номдор ва саромадидин садоқатнишон, шижоаттавомони иқбол, мураббийи манқит Мулла Давлатназарбий ва Тўрабий ва қўнғирот Қодирберганбий ва Қўшберганбий ва Одил юзбоши ва қиёт Тўрабек юзбоши ва қангли Тўлаган юзбошиким, даргоҳи давлат дастгоҳ мулозимларининг некхоҳи қадими ва жонсипори самими эрдилар, қорақалпоқ черики била келиб, дарбори фалак миқдор атабасининг хокабўслиқи шарафиға истисъод топдилар. Ямроли кадхудоларидин ихлоснишон Келдихон ва Одий вакил ва Арабсардор ва Надирбекким ҳар бири ҳайжо маъракасининг сафороси ва дағмайдонининг беҳамтоси эрдилар, жамиъи ямролининг шижоатшиор йигитлари била келиб, даргоҳи олампаҳо остонасининг тупроқиғаким, кимиёи давлати абадий ва тўтиёи иқболи сармадидурур, жабинсолиқ кўргуздилар. Така тойифасининг саромадларидин садоқаткеш, хайрият андиш Маҳдибек ва Хожаназарбек ва Мулла Ниёзмухаммад ва Холнафас оталиқ ва кўклон сардорларидин Уроз ўнбеги ва Қулмуҳаммад сардор ва қардошлу ақобирлари, жамиъи кўклон ва қародошлуниинг диловари мардафкан ва баҳодир сафшиканлари била келиб, сародики жоҳи жалолнинг суддаи сидра мисолининг хокбўслиқи шарафиға мушарраф бўлдилар.

Маснавий:

Бўлуб жамъ ул сифат аснофи лашкар,
Ки зоҳир қилди ҳар ён шўри маҳшар.

Келиб ҳар соридин юз ҳайли андуҳ,
Саросар тўлди борча водию кўҳ.

Тутуб Жайхун қироғин ҳам сипоҳи,
Онингдекким савоҳилни гиёҳи.

Неча хайл айлабон қир узра маскан,
Тўғой ичра неча афвожи маъман.

На афродиға онинг бор шумора,
На атрофиға онинг бор канора.

Етиб ғавғосидин оламға ошуб,
На олам, нилгун торамға ошуб.

Сешанба куни ул ҳазрат сипоҳи қиёмат садамаат ва афвожи сарсар ҳаракат била Оқработдин абраши нишот ва рахши инбисотға рукуб қилиб жодапаймойи азимат бўлуб, Дорғон ота зиёратиға истисъод топди. Ва ул остонаи фирдавс нишона мужовир ва жорубкашларин нузуроти мавфур ва садақоти номаҳсур бахшиши била ғаний ва дунёдин мустағний қилди. Ул мақоми саодат илтизомда Шайх Аҳмад Тойифотининг жавори файзосорида ўлтурғон солур халқининг кадхудоси Ниёзмұхаммадбек ва Сайидниёзбек ва Тенгизбек ва Марвада ўлтурумли така ақобиридин Вайс ва Хонмұхаммадбек ва соруқ аозимидин Раҳмонбердибой ва Суюнбой ва Мулла Ҳаққи ва Қуткелди сардор ва мулла Уразли ва уста Гулким, кўб муддатдин бери изҳори итоат ва аброри убудият қилиб, остонини саодат ошиён мулозимларининг рибқан маволифатин рақабай муҳаббатларига маҳкам қилиб, баъзи мунофақати ботин, мувофақати сурат элларнинг таъдиб ва танбеҳи учун кўмак тилаб келиб, ҳазрати аъло хоқоннинг хонни аҳсонидин ғайри мутаваққиа нематларининг зилласитони бўлуб эрдилар, барчасин кўрунуши олийға ундаб, албисаи фохира ва нуқуди вофира инъоми била шодком қилиб, ҳар қайсини ўз элидин муқаррар қиллғон черикни келтирмак учун руҳсат берди. Ул жамоанинг ҳар тийраси даргоҳи фалак иштибоҳнинг худдоми хўжаста анжомларидин бировни ясовул йўсунлиқ тилаб олдилар, токим черикини тезрак йиғнаб, мулозаматиға келтургайлар. Андоққим солур кадхудолари воломакон Абдураҳмон юз-

бошини ва соруқ ақобири ихлосшиор Соат сардорни ва така аҳли саодат вазифа Бекиш халифани тилаб, ўзлариға бош қилиб, юртлариға суръати тамом била озим бўлдилар. Чаҳоршанба куни ҳам жунуди номаъдудға Доргон ҳудудида таваққуъ воқеъ бўлуб, панжшанба куни фармони лозиммилимтином мўжиби била ўрдуйи кайҳонпўй ва кавкабаи сипеҳр дабдаба Кўгарчинли марҳаласида маскан тутди... Жумъа куни доғи ҳамул манзилда бистари фароғатда истироҳат кўргузуб, қадаҳпаймойи давлат ва фараҳафзойи нашъаишират бўлди. Шанба куниким, Жамшеди хуршед ливойи олтунин сипеҳр арсасида падида этди, ҳазрати соҳибқирони кишварситон доғи Кўгарчинлидин наҳзат кўргузуб, аъломи саодатнишоннинг моҳчайи дурахшонин Дояхотун работининг буржидин намоеън қилди ва кеча ул манзилда мажлиси беҳиштойин ва маҳфили равза тазйин тартиб бердурруб, аркони давлат ва аёни ҳазрат била талаб жомининг ошоми ва ишрат дилоромининг оғушидин ком олиб, мажлис аҳлиға сийму зар инъомидин шод комлиғлар еткурди... Якшанба куни ливойи азиматни ҳаракатфармо қилиб Ориз қалъасининг ҳаволисин муаскари асокири мансур ва манзили сипоҳи мавфур қилди. Душанба куни ҳам онда маснаднишин ва роҳатгузин бўлуб, сешанба куни шавкати шоҳона ва саодати жамшедона била Қабоқли мавзеъиға ворид бўлуб, кирёси давлат асос ва боргоҳи гардун мўмос манжуқин фарқи Аюкдин ўткарди.

Чаҳоршанба куни ҳам ул маконда мутамаккин бўлуб, нишот олотин ва инбисот адоватин ҳадду ғоятдин афзун муҳайё ва омада қилиб, жашни подшоҳона ва зиёфати хисравона тартибиға оройиш бериб, жамиъи черик аҳлиға матбаххона эҳсонидин аъимаи гуногун ва ўшрубай лаззатомунни ҳаддан афзун торттуруб, фавоқиҳи рангин ва чойи қандин ва ҳалвойи ширин талоззузотиндин таманнолари комин ҳаловат пайванд ва орзулари мазоқин лаззат писанд қилди...

Чун зиёфат адоси ва уклу шурб интиҳосидин сўнг Ҳафтреги Хоразмким, Қабоқли мавзеъидин то Марв ҳудудиғача яксар бўртоқ ва ноҳамвор қўмдурурким, бағоят муҳайб ва ҳавлосор ва қатъида хавфу хатар бисёр ва бешумордурур ва рифъатнамо пушталари остида арсаи афлок остида фазойи хокдек намоеън ва ҳайратафзо чуқурлари устида таҳтуссаро, таҳтуссаро устида қуллай жиболдек рифъатнишондурур ва йўлининг қотеъи, агар ғалабаи

ташналикдин муддати мадид сув жуштужу қилса, ашки ҳас-
ратдин ўзга бир қатра сув даст бермас ва агар кўнгул қаб-
зияти дафъи учун ҳавойи хуш талаб қилса, оҳи жигарсўз
самумидин бошқа ҳавое мавжуд эрмас. Маснавий:

Ажаб дашти васеъу ҳайратафзо,
Тўла ҳавлу ҳароратдин саропо.
Гузар қилса насими руҳпарвар,
Самуми жонгудоз ўлгай саросар.
Уқулган ақбаларким ҳар соридур,
Адошиб ўлган элнинг пайкаридур.
Хаёл оҳуси гар қатъиға оҳанг —
Қилур, аввал қадамда бўлгуси ланг,
Гияҳлар бошиниким, тебратур ел,
Ишоратдурки, ул ён борма, ёнғил.
Ниҳоятсиз йўлнда неча манзил,
Малол афзой жону қобизи дил.

Ҳазрати соҳибқирони давлатпосбон ул қумнинг бу ён-
лиғ мўжиби ҳалок ва хатарноклиғи била таваккал урва-
тулвусқосиға чанги эътисом уруб... ҳамул қум қатъи ази-
матиға жозим бўлуб, ўзидин бурун даргоҳи пойгоҳнинг
мўътамадун алайҳ мулозимларидин шижоат аҳлининг
қўлдоши Муҳаммадниёз ясовулбошини бош қилиб, ямутия
черикиға рухсат берди, токим дарёи Омудин сув кўта-
риб, қоровул йўсинлиқ қум қатъиға озим бўлдилар ва
аларнинг ақабидин Беги юзбоши фармони қазо жараён
мўжиби била ямролия тойифасиға сардор бўлуб, мақсад
тарафиға равон бўлдилар. Бу тариқада кўклон сипоҳи ва
қародошлу черики ва така йиғини ва қароқалпоқ хайли ва
қазоқ эли фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ ва тойифа-тойифа
ва жамоа-жамоа дафъа-дафъа ва излик-изидин ижозат
тилаб, ишорати лозимул-башорат мўжиби билан қумға
кириб қадами ҳиммат билан масофат қатъиға азимат кўр-
гуздилар, токим ҳар гуруҳ ва ҳар тойифа бир бошқа юруб
онингдек ҳавлноқ йўлни пайдарпай онсонлик била тай қил-
ғойлар. Ҳамул мавзеда тўпхонаи зафарнишона, барча
асбоб ва олоти била вазири аъзам дастури мукаррам, му-
шири мўътабар Муҳаммад Юсуф меҳтарға топшурулуб-
дурур, токим қум қатъида ҳиросат кўргузгай ва боргоҳи
ҳумоюн ва урдуйин маймун саранжоми иморатпаноҳ, визо-
рат дастгоҳ амири саодат интимо Муҳаммадризо қўшбе-

ги... га тафвиз топди. Корхонаи воло соркорлиғи маҳрами даргоҳи султоний ва муқарраби боргоҳи соҳибқироний, иззаттавом Гадоийнӣёз маҳрамға муфавваз булди. Буна ва ўғруқ эҳтимоми чиготой халқининг иззатпийроси Муҳаммадияқуб оқоға таъйин топди. Паншанба куни Ҳирот мамлакатининг ҳоқими Шоҳ Комронким, пайваста бу хонадони азимуш-шаъннинг домани иноятиға чанги истимдод уруб, Эрон мамоликининг подшоҳи фармонравоси Фатҳалишоҳ қочорким, Бобохон шоҳға машҳур эрди, ул жамоанинг душмани қадими эрди, онинг мудофааси учун кўмак тилаб газот ва жиҳод умуриға тарғиб ва таҳрис қилиб, русули расойил ирсол қилур эрди. Аммо онинг ул илтимоси... ҳанузгача вуқуъ топмаиш эрди. Эмди ул муддао шоҳиди юзидин борча мавоней ҳижоби рафъ бўлуб, минассаҳи зуҳурда жилава кўргузди. Мазкур подшоҳнинг барча таманноси ва қилгон илтимоси вуқуъи башорати учун даргоҳ мулозимларидин Ҳасанмурод маҳрам билан Мирзо Хусайн табиббошиниким, ҳамул подшоҳ тарафидин бир хизмат адоси учун атабаи аъло мулозаматиға келиб эрди, иноятнома била ул подшоҳға ирсол қилди. Турбат ҳоқими Муҳаммадхон сардор қаройиким, бу воқеатдин икки уч йил бурун шиан манианинг ботил мазҳабин тарк тутуб, аҳли ислом силкига инҳироф топиб эрди, бу даргоҳи исломпаҳо мулозимларининг домани муҳаббатига ихлос ва эътиқод қўлин тегуруб, мазҳаб ихтилофи учун қочор кофирлари била ёв бўлуб, монат ва имдод талаб қилиб муътамад кишилари била боргоҳи олампаҳоға борҳо аройизнома йиборур эрди. Онга қилгон орзуси ҳусули ахбори учун Содиқ шайх сардорға башаратнома бериб йиборилди. Жамшедий ва оймоқ ҳоқими Исломбекка ва Сарахсда ўлтургон солурларға Урозали баҳодир ирсол қилилди ва ҳамул кун фармони вожибил-изъон човдар аҳлиға содир бўлдиким, черик сўнгиға муҳорасат кўргузуб, изда юрсунлар ва жумъа куниким, ашрафи авқот ва алтафи соот эрди, бомдод намози адосидин сўнг ҳазрати соҳибқирон, Искандар нишон, умаройи Баҳром кирдор ва кубаройи газанфар намудор ва шужаййи ҳизабир ҳайбат ва асокири Миррих салобат била Қабоқли манзилидин саманди сарсар монандға рукуб қилиб, издиҳоми тамом била дарёйи мавжвардек Ҳафтреғи Хоразм қатъиға азиматгустар бўлди. Офтоби оламтоб ёнглиғ жамоли фойизул-анворидин ҳамул қумнинг пасту баландиға партавандоз бўлуб, кеч пешин чоғида бир пуштан қумни мазраби боргоҳи иқбол ва мавзеъи сародиқоти иж-

дол қилиб, баҳори нузулидин ул регистонни гулистон ён-глиғ сабз ва хўррам, балки жаннат риёзидек назоҳаттавом қилди...

Ҳамул мавзеъда ул кеча оромгузин бўлуб, шанба саҳари ондин кўчуб, уч соатлиғ муддат миқдорича масофат қатъига илғор қилиб, қадами шарофатафзой вусулидин Тахт отлиғ марҳаланинг фарқи ифтихорин гардунсой қилди. Тахт деган уч-тўрт баланд ва қизил пуштадурурким, Ҳафтреги Хоразм ўртасида воқедаурур. Бовужуд ул миқдор, ҳар пушта тубидин бир газ бўйи ҳафр қилилса чашмаи ҳайвон масаллик зилоли хушгувор, ғоят узубати ва нашъа қилиб, қум ҳароратидин ташналик сарҳадига етконларга сероб ва шодоблиғ еткурур...

Чун ҳамул кун сипоҳи нусратпаноҳ ва лашкари қиёмат дастгоҳ ҳамул пушталарнинг атрофу жавонибидин ҳайвон масаллик чашмалар қозиб, от ва теваларин сероб қилиб, саҳобуш-шон мешклар ва чашмасон митҳараларин тўлтуруб, йўл қатъига мустаидд ва ҳазрат азиматиға мунтазир бўлуб турдилар. Ва якшанба куни ул ҳазрат тахтдин давлат ва бахт ҳамъинонлиғи билан азимат кўргузуб, тўрт соатлиғ йўл юруб, бир баланд қумға қудуми шарофат лузуми масосидин сарафрозлиғ еткурди ва ул ҳаволида бир тўпа устида йўл маърифатининг нишонаси учун лашкарияға ўтун йиғнатиб, ўтундин бир баланд манора ҳайъатин барпо қилдиларким, они авом орасида уюк дерлар ва душанба куни ул манзилдин наҳзат қилиб, уч соат муддати йўл қатъ қилгондин сўнг, Сиртлонли қириға дохил бўлуб, ул қирни муаскари асокири мансур қилди. Сешанба куни офтоби ишроқ ва нусрати тумтароқ аламларнинг парчами саодаттавоми Ёндокли мавзеъининг фарқиға тамкин соясин солди. Ул ҳазрат аввалроқ черик манфаати учун Тенғиз халифаниким, маҳрамлик онинг вазифаси эрди, ҳамул мавзеъға қудуқ қоздурмоқ учун йибориб эрди ва мазкур халифа фармони мўжиби била тўққиз қудуқ қаздуруб муҳас қилмиш эрди. Ҳамул кун ҳукми воло муқтазоси билан визоратпаноҳ Муҳаммадюсуф меҳтар била иморатдастгоҳ Муҳаммадризо қўшбеги... қудуқлар устиға ҳозир бўлуб, эртангдин то оқшомғача абр мисол далвлар била сув чекдуруб, жуоши дарёхурушнинг борча мавоши ва матоёсин суғориб, шодоб ва сероб қилдилар. Ондин сўнг мешк ва митҳараларига сув олдуруб, йўл азиматиға мустаид ва омода этдилар. Ва чаҳоршанба куни ул ҳазрат Ёндоқлидин бодияпаймойи наҳзат бўлуб, тўрт ярим соатлиғ йўл юруб,

бир манзилга нузул қилиб, ул оқшом онда истироҳат кўргузди ва панжшанба куни олдин ҳаракат қилиб, офтоби оламтоб самтурраъсга етконда, ул дашт орасида бир улуг ғадирким, суйи кавсар зилолидек мусаффо ва жонфизо эрди, йироқдин ул ҳазратнинг назари анвари кўзгусида жилвагар бўлди. Лашкари ферузий асар била инони давлатнишонин ул тарафга маътуф этиб, ғадир ҳаволисин муаскари сипоҳи нусратпаноҳ ва манзили боргоҳ сипеҳр иштибоҳ қилди. Ва черик аҳлидин бир неча бетажриба одамларким, манзилни ёвуқ хаёл қилиб, мешкларидаги сувларин исроф била сарф этиб, ташналик ваҳимасининг ҳарорати жонлари уруқиға тоб солиб, баданларидин тоб олиб эрди, ҳазрати соҳибқироннинг қойди давлатининг далолати била ул сувға учраб, ҳаёти тоза ва масаррати беандоза топдилар...

Жумъа куни ул ҳазрат ғадир атрофидин ўрдуий ҳумоюнни кўчуруб... мақсад тарафиға азимат кўргузуб, уч ярим соатлиғ йўл қатъ қилиб эрди, асноий роҳда соруқ халқининг машоҳир ва маорифи муқаррар бўлгон навкарлари бирла истиқболға чиқиб, йироқдин таъзим қоматин инкисори тамом била букуб, ул ҳазратнинг тавсани тезрафторининг сурма кирдор ғуборидин кўзлариға нур етиб, илтифоти подшоҳонадин мубтаҳиж ва масрур бўлдилар. Ва ғоятти беҳжат ва ниҳоятти масарратдин ул жамоанинг чобукдаст йигитлари ва шижоатпараст баҳодирлари суфуфи вукуф пешгоҳида бодпойи бодияпаймоларни барқосо секротиб, ҳар тарафдин биров-бировга милтиғ отиб, шихоҳ ҳайъат найзалар ҳавола қилиб, тамошо учун уруш кавоидин ўюн сураида изҳор қилдилар. Ва туш чоғи бу ёнглиғ кавкабаи таҳсин тироз ва дабдабаи таажжуб пардоз била Марв дарёсининг канорида Қоратўпа отлиғ мавзеънинг марғзореким, хорлиқ вуҳшининг поймол ва хоксори эрди, қудуми тароватлузуми баҳоридин эрам гулзоридек хуррам ва вусули майманат шумули давлатидин иззаттавом қилиб, мухайями хайёми саодатанжом ва муаскори асокари нусрат илтизом этди...

Ва ул ҳаволида ўлтургон эл ул ҳазратнинг сояйи давлатиға паноҳ элтиб, ўрдуий аъло ва мутреси муаллонинг бир тарафида ўз манфаатлари учун бозор қилиб, биров-бировга кераклик ашёларни келтуруб, байъу шаро маросимин зуҳурға еткурдилар...

Чун лашкари бекарон ва сипоҳи гарон Марв дарёсининг убуридин мутаҳаййир ва муруридин мутааззир эрдилар, ул жиҳатдин соруқ улусининг кадхудоси Раҳмонбердибой бош

бўлуб, ишорати воло мўжиби била кўб яғоч йиғнаб, ҳамул дарёнинг устида камоли истехком била кўпрук солиб эрдилар. Ул кўприкнинг пайкари истиқомати черик издиҳоми сиқлидин мунҳаний ва музабзиб бўлуб, жамеъ мавокибнинг убурий юкин кўтара олғудек қувват ва таҳаммули йўқ эрди. Ложарам шанба куни амири сойиб тадбир ва вазири равшанзамир низомилмулк ваддунё Муҳаммад-ризо қўшбеги ижозат олиб, баъзи аҳли басират била суръат кургузуб, дарёнинг икки қироғин эҳтиёт кўзи билан назорат қилиб, сипоҳи бешумора осонлиғ била ўткудек ёсқа ва фурзалар топиб, кечроқ келиб, масомеъи аълога арз қилдилар ва оломон мурури учун ул фурзалар муқаррар бўлди. Якшанба куни жўюши дарёҳуруш ва афвожи баҳри амвожи заххордек шўриши бисёр била ҳамул дарёга юз уруб маржил-бахрайни ялтақиёна мазмунин олам аҳлига аён этдилар. Ҳамул кун эртонгдин оқшомғача мазкур маъбарлардин убур қилдилар ва тўпи душман кўбларни ҳам аробалар била издиҳоми тамом ва ҳужуми молакалом била зўр қилиб ўткардилар. Аммо тўпхонаи саодат нишонанинг асбоб ва адавотин бир-икки кема топиб ўткардилар. Ва ул ҳазратнинг ўзи ҳам аркони давлат била мазкур кемаларга миниб дабури эҳтизозий масаллик убур қилди ва дарёнинг туби от ва тева мурурининг касрати ва суми марокиб зарбати ва сув жараёни шиддатидин ковланиб, ул маъбарларнинг арзи назардин нопадид ва умақи асардин ноумид бўлди... Чун қолгон сипоҳи нусрат шиорнинг ўтмаки мумтанеъ ва душвор бўлди, баъзи савсбандеши маслаҳаткеш йигитлар дарё канорида бутган қамишлардин кема ва сол ясаб, барча ахмол ва асқол ва чодару партоллари дарёдин беранж ва бемалол ўтқариб, осудаҳол ва фориғбол бўлдилар. Душанба куни ул мавзеъдин кўчуб ҳамул дарёнинг яна бир шўбасидин ўтуб, Тирсак отлиғ наҳрининг канориға файзи нузули била сероб ва шодоблиғлар еткурди. Сешанба куни ул манзилда таваққуф кўргузуб, базми жамшедонаға оро бериб, жоми ишратдин бодапаймо бўлуб, споҳи қиёматойин ва ул атрофдағи навоҳий нишин халойиқға юз навъ иноят ва минг турлук зиёфатлар била хурсанд ва баҳрамандлиғлар еткурди. Ва соруқ халқининг пешкаш йўсинида келтурган бешумор қўйларин лашкари зафаршиорға ва яхши отларин шужъаойин номдорға бахшиш ва суюрғол қилиб, чаҳоршанба куни Тирсак яқосидин ливойи наҳзатни ҳаракатға киргузуб, мақсад жоинбиға азимат оҳангин тузуб, пешин ҳангомида

Тошработ отлиғ мавзееким, жаннатмакон Абдуллахоннинг мустаҳдасотиндурур, аҳли сафар осойиши учун дашт орасида бино қилиб эрди, мустақарри аъломи зафар фаржом ва муаскари сипоҳи нусрат интизом бўлди ва ул манзилда олийшони рафеъ макон хусусият тавом Хожаш маҳрамким, баъзи зарурий хизмат учун мавкаби ҳумоюндин тахаллуф қилиб, шаҳарда қолиб эрди ва ул хизматни буткориб бир бўлак мулозим ва хадами билан келиб, гаройибосор ва ажойиб намудор тухфалар ул ҳазратнинг назари анваридин ўтқориб, остонбўслиғ шарафи иқболига мушарраф бўлди. Ва панжшанба саҳари ҳазрати соҳибқирон давлатга ҳаминон рукуб қилиб, Кўчақуми отлиғ мавзеедин ўтуб, туш чоғи Ҳавзи хон ҳаволисида манзилгузин ва маснаднишин бўлди.

Маълум бўлсунким, Кўчақуми деган ондоқ ердурурким, қадим айёмда бир соҳиб қудрат подшоҳ Марв дарёсидин Сарахс жонибига сув жорий қилмоқ қасдида онингдек баланд қум ўртасидин бир манзиллик ерни кўчадек қоздуруб эрмишдурур. Аммо ул муддао ҳусули жўйборидин сероб ва саршорлик топмай, ташналаб қолмишдурур... Жумъа кечаси Ҳавзи хондин кўчуб, шабгир била қатъи масофат қилиб, ҳамул кун зуҳо ҳангомида Сарахс мутаваттинларидин солур жамоасининг иозим ва акобирлари жамеъи навкарларин шайлаб ва ихлос камарин белига бойлаб, тухфоти бисёр ва тансуқоти бешумор била келиб, остони давлат посбон туробиға жабҳандоз ва бу давлатдин муҳобот авжиға тараққий пардоз бўлдилар. Ва шанба кун ул ҳазрат гуруҳи нусрат пажухбила кўчуб ва шукуҳи қиёмат сутух била Тажан дарёсидин ўтуб, ҳазрати қутбуссоликин, Фахрулвосилин, шамсул-миллат вад-дин шайх Луқмон бинни Муҳаммад Парандаким, туркмон халқ таъзим юзидин ул жанобға Улуғ бобо дерлар, жавори фэйзосориға ёвуқроқ манзилким, Қизилқиеға машҳурдур, муаскари асокири мансур қилди. Ва ул остона мужовирлариға нузуроти бегоят йибориб, даъвати ижобат оят олди. Ул марҳалада Марв улусидин солур акобирлари ва Тажанда ўлтурумли така кадхудолари ҳар қайси ўзлариға тааллуқ топғон черик ва навкарлари била келиб ўрдуйн аълоға мулҳақ бўлдилар. Ва Калот вилоятининг ҳокими Сайидмуҳаммадхон аҳтиёт русумин маръий тутуб, Ўрозёгли сардор била бу мазмунда аризадошт йибориб эрдиким, «бу ғуломи ақидат фаржом, ихлос мақомида ўзларининг қадимий қуллари ва самимий чокарларидиндурур. Бан-

данавозлиқ юзидан қайси манзилда ижозат берсалар, ҳадя ва тухфаси била бориб остонбўслиғ шарафин топғусидир». Ул ҳазрат даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин Тенгиз халифа ва Келдихон сардорға ул ариза мазмуниға мувофиқ жавоб била иноятнома топшириб, Калотға ирсол қилди. Ва якшанба куни ямут сармадидин Коқа сардор бошлиғ Сарахсда ўлтурумли солур сардорлари ва така йўлчиларидин мулла Баканч иттифоқ била йўл бошлаб, Наврўзобод қалъасининг ҳаволисин лашкаргоҳ этдилар. Ул мовзеъда мазкур бўлгон сардорларким, йўлчилик асроридин огоҳ эрдилар, иттифоқ била даргоҳи рифъат дастгоҳнинг мулозими нусрат лозимларининг самъи шарифларига арз қилдиларким, Оқдарбанд ва Муздурон дарбандидин бу ёнглиғ лашкари бекарона убури ва тўпу тўпхона мурури бағоят маҳол ва мумтанеъилмисол кўрунур. Агар бу азиматдин муддаолари қизилбоши бадмаошнинг гўшмол ва истисоли бўлса, лашкари қиёмат асарнинг осойиши учун кавкабан воло мурурининг кунжойишиға лойиқ васеъ ва ҳамвор йўллардин юрмак муносиб ва ақлға мувофиқдур. Чун аларнинг бу маслаҳатиким, айни дурандешлик ва маҳзи садоқаткешликдин эрди, ул ҳазратнинг ройи олам-оройи жаҳон кушойиға мақбул ва мустаҳсан тушуб, душанба куниким, ражабул-муражжаб ойининг ҳилоли саодат маоли қомати наҳофат иштимол ва юзтурлук хижолат ва инфиол била жилвагар бўлуб, ул ҳазратнинг ливойи зафар пайкари маҳчасиға таъзим кўргузди. Ул ҳазрат роёти нусратоётни Наврўзоботдин ҳаракатга киргузуб, сипоҳи мансур ва афвожи мавфур била сабо ва дабурдек Тажан дарёсидин убур қилиб, Пули хотун дарбандининг фазойи дилкушосин мазраби сародиқоти иқбол ва мавзеъи саропардаи ижлол қилди.

Бу мухтасарни ўқигувчи дониш аҳлининг замири меҳр танвирлариға маълум бўлсунким, Пули хотун хишт ва қир ва гаждин таъмир топгон бир пурматин ва мустаҳкам кўпрукдурурким, Тажан дарёсининг тоғ орасидин чиқиб дашт, фазосиға жори бўлгон ерда воқеъдурур. Ва онинг тувли етмиш икки газ, арзи уч газдурур ва онда сув мурури учун беш улуғ равоқ ва беш кичик равоқ тузатмишлар, токим ул дарёнинг суйи ул равоқлардин жори бўлур.

Ҳазрати соҳибқирони Искандарнишон бир кеча ул манзили назҳатнишонда базми ишрат тузуб истироҳат кўргузди. Маснавий:

Ажаб манзилгаҳе ишратнишондур,
Сафойи хулд ҳар ёндин аёнду.
Эрур тоғ домани, дарё қироги,
Фараҳафзо келиб бошдин аёғи.
Наво ҳар сори тортиб кабку товус,
Юз оҳанг ила ул ёнглиғки қақнус.
Қилиб жилва қиёларда гизола,
Бутуб ҳарён камаргоҳларда лола.
Оқиб сарчашмалардин ҳар тараф сув,
Сафо ичра бўлуб андоғки кўзгу.
Эсиб ҳар ён ҳавойи руҳпарвар,
Бўлуб ул манзил ичра файзгустар.

Ҳамул кеча абри нилгун лашкари маҳшарнамун губо-
ридек ҳаво юзин тутуб, юз шўру ангиз била андоқ зам-
ҳариррезлик русумин зуҳурға еткурдиким, олам фазосин
кофуржўш ва ажзосин қоқумпўш қилди. Маснавий:

Булут фарроши фош айлаб таку пў,
Кетурди сидқ ила хизмат сори рў.
Саросар маҳв айлаб гарду туфроқ,
Тараддуд бирла қилди шаҳ йўлин оқ.

Сешанба кун и черик мурури учун Гармоб ва Даҳанайи
кўрк дарбандлари таъйин топиб, дониш шиор сардорларға
ўрдуи Кайҳонпўй ва лашкари қиёматасарни бошлатиб
йиборилди, токим дарбандлардин осонлиғ ва омонлиғ била
ўтуб ва Тажан дарёсидин убур қилиб, ҳамул дарёнинг қи-
роғида таъмир топгон Фарҳод қалъасининг жавонибига
нузул қилдилар. Ул ҳазратнинг ўзи ақобир ва ашроф била
сўнгроқ роёти офтоби ашроқни ҳаракатға киргузуб, Пули
хотун, дарбандидин саманди дабурсуръат била сабо монанд
убур қилиб, мазкур бўлгон қалъа ҳаволисидаким, боргоҳи
фалак иштибоҳ ва хайёми давлат фаржом барпо қилиб
эрди, нузули фарҳат шумули шарафи била мафхари ма-
нозил ва ашрафи мароҳил қилди. Ул мавзеъда Сайид
Фаҳр отлиғ бир дарवेशи риёзаткешким, тажаррут арсаси-
нинг яккатози эрди, Жом жулгасида Абдолобод қалъаси-
нинг ҳоқими Лутфалихоннинг аризадоштин келтурди ва
аср вақтида Бужнурд қўрғонининг хон Нажафалихоннинг
иниси Меҳроббекким, ақосининг ихтилофи била даҳри бу-

қаламун инқилобидин неча вақтлар мулку диёр, хешу таборидин ойрилиб меҳнат водисининг саргардони ва ишрат мажлисининг базлагарони эрди, иқбол ҳодиси онга раҳбарлик қилиб, ул ҳазратнинг боргоҳи олампаноҳинг остони давлатнишони туробифақим, ҳожот арбобининг маржаъ ва маобидурур, хизмат иктисоби учун жабинсо бўлуб, мулазимлар зумрасига интисоб топди. Ва ул ҳазрат марҳамати подшоҳона ва шафқати хисравонаға машмул қилиб, онга хизматкорлари била тўпчоқ от ва заррин либослар инъоми била сарафрозлиғ еткурди. Ва чаҳаршанба кунни ражаб ойининг учида Фарҳод қалъасидин тавсани девбод, пари ниҳодға рукуб қилиб, лашкари селасар била тебраб, тоғу водининг ажойибот ва ғаройиботин дийдаи ҳақиқатбин била тамошо қилиб, Искандар саддидек берк ақабалардин давлат бозусининг нируси била тўпхонаи зафарнишонанинг фалакмисол арабаларин осонлиғ била ўткариб, намози дигар вақтида зубдатул-орифин, умдатус-соликин Хожа Хисомуддин шаҳид мақбаралари жаворидаким, Рўзобод қалъаси суйининг саққосидурур, боргоҳи иқбол ва саропардаи ижлолни барпой қилдурур, нузули зилолидин сероб ва саршорлиғлар еткурди. Ва ул остони қудсийнишон побонларин нузуроти фаровон била баҳраманд этиб, дуойи хайрларин олиб, панжшанба кунни ондин кўчуб, шавкати тамом ва издиҳоми молакалом била наҳзат қилиб, намозшом вақтидаким, султони шаҳри рўз, яъни офтоби жаҳонафрўз мағриб кўҳсориди пинҳон бўлди, Бинийн ток отлиғ жулгагаким, икки тоғ орасида воқеъдурур, ворид бўлуб муаскар қилди. Ва атрофи жавонибға тушган ва изда қолгон черикни зобит тавочилар била йиғнаб, ўрду атрофиға тушурди. Ва тонгласи жумъа сабоҳиким, подшоҳи заррин ливой ховар машриҳ жулгасидин чиқиб, «Флок қўрғонлари фатҳиға азиматгустар бўлди, ҳазрати соҳибқиронни ситора сипоҳ ҳамул мовзеъда ўғроқ ва буна ва аҳвол ва асқолнинг муҳорасат ва муҳофазатиға кўнғуротия ақобиридин Муҳаммаднийезбиким, Карчак лақаби била иштиҳор топмиш эрди, баъзи лашкара била таъйин этди, токим ўрдуий ҳумоюнни сўнгроқ кўчурур, издин олиб боргай. Ва ул ҳазратнинг ўзи ямут ва ямроли ва човдар ва така ва солур ва соруқ ва кўклон ва қародошлу ва қазоқия ва қароқалпоқия ва ўзбекия тавойифининг бабрсавлат ва ҳизабр сатват ва Рустамкин ва Исфандиёройин баҳодирлари билаким, бу жамоанинг ижмови ҳанузғача ҳеч подшоҳи соҳиб шавкатга муяссар бўлмамиш эрди, ўрдуий аълодин ру-

куб қилиб, умаройи волошон ва кубаройи гардунтавоннинг ҳаминонлиги била майдони васеъ фазосиға чиқиб, аъломи нусрат пайкарнинг зилли давлатпарваридаким, ҳар бирининг маҳчаи анвари фатҳ ва зафар шоҳиди юзининг мазҳари эрди, сипаҳ қалбоғида сипеҳр қутбидек тамкини тамом била ором тутуб, сипоҳи нусратпаноҳнинг от ва яроғ, асбоби муҳораба ва адовати музорабасиға гоят аҳтимом била низом бериб, черикнинг буронғор ва жувонғорин шу жаъойи номдор ва қуталойи кинагузорнинг завооти зафароети била ораста ва пироста қилиб, монглай ва соқасин қодирандоз шамхолчиларнинг вужуди нусратнамуди била безаб Жом жулгаси жонибиға сели бепоёнде казимат, балки дарёйи бекарон ёнглиғ ҳаракат кўргузди...

Чун ҳазрати соҳибқирон, Искандар нишон бу навъ дабдабаи қиёмат жўш ва кавкабаи маҳшар хуруш била бориб, Жом жулгасининг қалъажотидин Умғон отлиғ қалъаким, қизилбош хайлининг маскани ва иртидод аҳлининг маъмаи эрди ва ҳисне эрдиким, ҳасонатда Искандар саддиға баробар ва рифъатда афлок буружиға ҳамсар, вусъат фазоси наззора аҳлин ҳайронлиғға еткурғувчи ва умқи хандақи хаёл кемасин ваҳм гирдобига чўмурғовчи. Маснавий:

Ажаб кўрғон эдиким, аҳли олам,
 Кўруб эрди онинг монандини кам.
 Бўлур рифъат аро гардунға ҳамсар,
 Ҳасин ул навъким, садди Скандар.
 Утуб буржи онинг авжи самодин
 Вале хандақ туби таҳтус-сародин.
 Фазоси ул сифат тушмишдурур кенг,
 Ки бордур арсаи олам билан тенг.
 Муҳайё онда ҳарб асбоби беҳад,
 Нечукким онда ҳарб арбоби беҳад.
 Қаболмиш онда сонсиз минг қизилбош,
 Ки ондин чиқмағайлар кетмайин бош.

Ҳамул қалъанинг атрофу жавонибин лашкари сел асар била муҳити мавжур ёнглиғ ихота қилиб, қабоб тушди ва қалъа аҳли ул ҳазрат ташрифидин хабардор бўлуб, юз минг изтироб ва изтирор била жон ҳавли жон югурушиб, қалъанинг махориж ва мадохилин мадрус ва матмус қилиб, буружу боруларға қодирандоз мерганларни чиқариб, барча муҳолифат бобида муттафиқ бўлуб ва мудофаа си-

парин юзлариға тутуб ва қўшиши болиғ зухурға еткуриб, қалъадорлиғ умурининг муболағасида дақиқае номаръи қўймадилар. Ул ҳангомда бир неча жонбоз диловарлар ва сарандоз кундоварлар ишорати воло мўжиби била қалъа хандақининг канориға боруб, ул гумроҳи залолат дастгоҳларни байъат ва итоат, имон ва иқон сори даъват ва далолат қилдилар. Аммо милтиқ оғзининг қаттиқ садосидин ўзга жавоб эшитмадилар. Ва ҳасабул-фармони олий ислом аҳли тарафидин доғи шамҳол садоси ва замбурак гулўласидин куффори шарорат шиорға нафрин ва сарзанишлар еткурдилар. Ва қалъанинг бир тарафидин рифъатмакон, саёдатнишон Муҳаммад Юсуф хожа нақиб ва Қутбиддин хожа шайхулислом ва Султонхон ва қипчоқ иозимидин Қутлуқ Муҳаммад иноқ ва кўнғирот сарафрозларидин Муҳаммад-ниёзбекким, ҳар бири макнат ва шижоатда мумтоз ва мустасно эрдилар, ғазот савобининг толиби ва ул талаб ҳусуланинг роғиби бўлуб бир фавжи сафшикан ва мардафкан ва жиҳодталаб муборизларни бошлаб, иртидод аҳли била муҳораба ва муқотала русуми изҳори учун ул ҳазратдин ижозат олиб, хандақ лабигача бориб, ҳар ким ўз муқобаласида муқотала амриға иштиғол кўргуздилар. Ва ул тойнифадин бир неча соҳиб таҳаввур йигитлар милтуқ ўқининг оташафшон ва жонситонлиғин кўзлариға илмай, сабо хайли дарё сатҳидин мурур этгандек қалъа хандақидин убур қилдилар. Чун қалъа девори бағоят баланд ва матонатда бемонанд эрди, буржу борусиға тадбир камандин ташлаёлмамай, таваққуфсиз мурожаат қилдилар. Ул аснода аҳли исломдин баъзи йигитларга куффори фуҷжор милтуқининг ўқи тегиб, шаҳодат шарбатин нўш қилиб, хулди барин гулшанида ҳуллапўш ва мақсад дароғуш бўлдилар... Ва бир тарафдин қиёт умаросининг саромади шижоатниқшон Олошбий ва жалодат тавъамон Суюнбий ва дастурини мауззамин Муҳаммадюсуф меҳтар ва Муҳаммадризо қўшбеги... бир жамоа чобуксувор ва Рустам осор муборизларға бош бўлуб, ул ҳазратдин фотиҳа олиб, ул фотиҳа имдоди била шижоат бозусиға ғайрат нирусин топиб, издиҳоми ҳайратафзо ва ҳужуми ғаробатнамо била ғулғулайи такбир ва валвалайи кўсу нафирни фалак авжидин ошуруб ва алолойи гирудорни жаҳон аҳли сомиасиға еткуруб, хандақ қирғоғигача бориб, тўфангандозлиғ маросимиға иштиғол кўргуздилар. Ва баҳодирларнинг сарсари ҳамолотидин оташи савош ва нойираи талош иштиол топиб, маъракаи қатолни танур мисол қизитдилар...

Ҳазрати соҳибқирони кишварситон мулозамат мавқеъида турғон ғозийлардин шижоат майдонининг яккатози Муҳаммадқули юзбошига ишорат қилди, токим бориб Ниёзмухаммадбой юзбоши ва Аҳмадбек юзбоши ва Вайсбой юзбоши ва Паноҳ сўфи юзбошиким, тўпхонайи ҳумоюн мулозимларининг саркори эрдилар, тўпи раъдошубларни қалъа қаршусига келтуруб отсунлар. Баҳром савлат ва Миррих салобат тўпчиларга ишорати воло тушгач, тўпхонайи давлатнишонани қалъа рўбарўйиға элитиб, атрофу жавонибдин аждардаҳан тўпларни садоға киргузуб гулўла андозлиқға иштиғол кўргуздилар. Ва ул қалъаниннг фалакмадор бурж ва қаҳқашонвор боруларига рахналар солиб, хайли офатға мадхал ва гуруҳи роҳатға махраж қилдилар. Ва садойи тўп ва адойи карной ва нафири кўс ва валвалаи кабурка ва ғулғулайи лашкар авжгир бўлуб, гумбази ахзар сокинларининг бунёни истиқоматиға зилзила солдилар. Ва қалъа аҳлининг сабру шикеби қулоғларининг пардесин йиртиб, димоғлари ошёнидин ақл ва ҳушининг қушларин учирдилар...

Вайсбой ва Қорли юзбоши ва Қутлуқмурод баҳодирким, шижоат ва муборазатда абнойи замонидан мумтоз эрдилар, фармони қазо жараён мўжиби била алам ва байдақларин кўтариб, Рустамосо ҳамлалар била от солиб хандаққа кирдилар. Ва қизилбош қодирандозлари қалъа устидин ҳар неча ким отқуладилар, аммо ул ҳазрат давлатининг ҳимоятиким, борча авқотда офот ўқларининг сипаридурур, арода ҳойил бўлуб, омон сақлади.

Чун хандақ девори бағоят баланд ва қалъа жониби бениҳоят малсо эрди, ул тарафга чиқа олмадилар. Ложарам хандақ деворин ўзлариға паноҳ қилиб, қоронғу тушгунча хандақ ичида бўлуб, хуфтан чоғи мақоми махофатдин сиҳат ва саломат чиқиб, мулозамат шарафиға еттилар ва ул ҳазратининг хайётхонайи эҳсонидин албисан фоҳира била малбас бўлуб, илтифоти подшоҳонадин нуқуди вофира била домани муродларин тўлтурдилар. Чун Жамшиди хуршид сипеҳр кўргони устидин рўйгардон бўлуб, мағриб боргоҳида ором тутди, ҳазрати хадиви Сулаймон шавкат қалъа устидин ражъат кўргузуб сангари саодат асар садрида манзилгузин ва мураббаъ нишин бўлди. Ва афвожи қоҳираким, атрофу жавонибға чоповуллаб бориб эрдилар, ҳар фавж бир тарафдин кўб асир ва мол ва мавоши ва от ва тева ва қўзи ва қўй ўлжа қилиб муаскари ҳумоюнға келтурдилар. Ва ул ҳазрат камоли карамдин

ғанойимни сангар аҳлиға баробар тақсим қилиб берди ва гозийларни сарупойи шоҳона ва навозиши хисравона била сарафроз қилди. Ва асокири мансурадин бир тойифа шу жаъбойи номдарким, ҳар бири Таҳамтани рўзгор эрди, таваккал зиреҳин энгинлариға кийиб, ғайрат қиличин Беллариға боғлаб, жалодат қолқонин юзлариға тутуб, шижоат якронига рукуб қилиб, ул ҳазратнинг давлати қоҳираси муованати била қувват топиб, куффори шароратшиори иртидодосорнинг қалъаларидин Боғисангон отлиг қалъаким, захойири мавфура била мамлу эрди, атрофу жавонибидин от солиб... ислом аҳли қизилбошларға ғалаба қилиб, ҳамул қалъани мусаххар этдилар. Ва қалъа аҳлин асорат қайдиға чекиб, мол ва мавошиси била мутреси муаллоға келтурдилар. Чун шанба сабоҳиким, офтоби оламтоб шаҳриёри ховар сангаридин ҳаракат кўргузуб, анвори лашкарининг имдоди била зулмат ҳисорининг асоси истиқоматин бузди, ўғруқ ва буна ва асқол ва партол била изда қолғон черик гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж Уштури Лоғар тоғи дарбандидин чиқиб, ишорати аъло била қалъанинг атрофида хайёми нусрат фаржом ва кирёси давлатасос ва боргоҳи сипеҳр иштибоҳни барпой ва қибоби ҳуршидтоб бошин гардунсой қилдилар...

Чун бу ҳангомда мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозимул имтисол визоратпаноҳ, аморатдастгоҳ Муҳаммадюсуф меҳтар била Муҳаммадризо қўшбегиға иззи асдор топдиким, лашкариға бош бўлуб, қалъанинг тўрт тарафидин саркўб кўтаргайлар. Дастурини мазкурин фармони олийшон муқтазоси била лашкари қиёмат асарни тўрт бўлуб, қалъанинг тўрт тарафидин жаввола кўтармакка амр қилдилар. Чун сипоҳи зафар фаржом издиҳоми тамом ва саъйи локалом била шиай шанианинг музореъ ва боғларида битган дарахтларин... кесиб, тўрт ёндин андоқ баланд саркўблар кўтардиларким, алар устига чиққан кишиға қалъа аҳли оёқ остида намоён бўлди... Устоди чобукдастлар баланд яғочлардин пайванд қилиб, қалъа деворига ета олгудек зангулар ясаб, муҳайё қилдилар. Ул чоғда боргоҳи фалак иштибоҳдин бу навъ ҳукм содир бўлдиким, ҳар кишиким, бахтиёрлиг ва иқболи мададкорлиг қилиб қалъа деворига бурун чиқса, хазинайи амираддин минг тилло бойроқ олсун. Бу навъ навозишлар била оломонни шодмон этуб, қалъаға югурмак рухсатин берди ва қодирандоз шамхолчилар, доғи булжорларға таъйин топиб, гуруҳ-гуруҳ, тойифа-тойифа бўлуб, қалъанинг атрофу жа-

вонибин ихота қилиб, издиҳоми тамом била сурон солиб,
ситез ва овиз маросимин зуҳурға еткурдилар. Ва баъзи
жонбоз ва сарандоз баҳодирлар ғоят чобукликдин пиёда-
лаб суронлар солиб, тўрт тарафдин ўзларин қалъа дево-
риға етурдилар. Тўпандозлиғ русумининг саркорлари тўпи
раъдошубларни тўрт тарафдин саркўблар устига чиқариб,
ул ёнглиғ оташборлиғ ва гулулаандозлиғ русумин жаҳди
тамом била оғоз қилдиларким, гўлулайи оташин зарби
била куффори фужжорнинг кўпраки жаҳаннам тангноида
оромгузин бўлди ва садойи саҳим ҳайбатидин ер аркониға
зилзила тушуб..., дуди қудуратогин гардун фазосин ту-
туб... қизилбош аҳлиға қиёмат кунин равшан ва падидор
қилди. Маснавий:

Сипаҳ аҳли бўлуб яқсар силаҳпўш,
Уруб ҳар соридин дарё киби жўш.

Бори бирдин қўюб юз қалъа сори,
Чиқиб гардун уза гарду ғубори.

Отиб ҳар сори тўпи адувкўб,
Солиб аъдоға рустохезу ошуб.

Бориб ўқ дам-бадам қўрғон сориға,
Шиҳоб ул навъким шайтон сориға.

Қиличларининг дамидин барқ ўлуб фош
Куюб ул барқдин хайли қизилбош.

Ғириви шўру ғавго кўкдин ошиб,
Бориб куфр аҳли хуши, ақли чошиб.

На ул қувват, ки қилғайлар ситези,
На топиб бир тараф роҳи гурези.

Қолиб ҳайрат мазиқи ичра яқсар,
Борин жон ваҳми қилди зору музтар.

Чун куффори нофаржом бу ғавғойи маҳшар низом ва
бу алолойи зафар илтизомни дийдаи ғамдидалари била
мушоҳада қилдилар... қалъа ҳокими Жаббор Бердибек ўз
ўғли бошлиғ ул элнинг ўн нафар номовар кадхудолари

била қалъадин чиқиб, бўюнлариға тиг ва энгинлариға кафан осиб юз навъ тазарруъ ва тахашшуъ ва минг турлук даҳшат ва истиконат била остони фалак ошиён тупроқиға... бандалик манглайн суртуб, ул ҳазратнинг домани марҳаматиға даста истимон уруб жаройими бекарон ва асоийми бепоёнлариға истеъфо қилдилар. Ул ҳазрат карами жибиллий ва шафқати азизий муқтазоси билаким, зоти хўжаста тийнатида мухаммардурур, ғазаби подшоҳий ва сўхти ному-таноҳийдин ул жамоаға омон бериб, «Хасанулафу индалқудрату» фаҳвоси била исёни қадима ва нуқсони жадидалари жаройидиға афв қаламин чекиб, марҳамати подшоҳона ва навозиши хисравона била ул нотавонларнинг ўлук абдониға тоза жон ва руҳи равон еткурди. Ва ҳар қайсиға зарафшон хилъатлар кийдуруб, аларға давлат арконининг умдаси Муҳаммад-юсуф Меҳтар ва ҳазрат аъёнининг зубдаси Муҳаммад ризо қўшбеги ва Гадоийнӣз маҳрам ва атабан аъло ходимларидин қуллар саркардаси Аваз юзбоши ва Исломбекни қўшуб қалъа аҳлиға йиборди. Чун мазкур умаролар фармон мўжиби била қалъа дарвозаси пешгоҳиға бориб тушуб, мазбур кадхудолар ичкари кириб, маҳсурларға ҳазрати соҳибқирони кишварситоннинг афв ва марҳамати башоратин еткуруб, борчасин ғам қайди ва меҳнат чангидин халос қилдилар... Қалъа аҳли бу муждани эшитгач, ҳар тарафдин таҳниятгўйлик ва муборакбодлиғ наво ва нафирин ғояти шодлиғдин сипеҳри асир зурвасидин ошуруб борчалари иттифоқ била бола-чоға, мол ва мавоший, асбобу ҳавошийсин олиб фароғболлиқ била кўчуб, ўрдуйи ҳумоюннинг бир тарафиға келиб маскан қилдилар...

Аммо қалъа фатҳидин аввалроқ даргоҳи аъло мулозимларидин иззат тироз Қиличнӣзбойни Турбат ҳокими Муҳаммадхон сардор қаройиға иноятнома била ирсол қилилди ва Жом жулгасининг Маҳмудобод отлиғ қалъасидин Арбоб шоҳ Ризо ва Шодибек ва Раҳим сардор бошлиғ ўн беш нафар кадхудо мубоеъат ва мутобеъат тавфин муволафат ва мувофақатлари бўйниға тақиб келиб, жаноби хилофатмаоб мулозимлариға арз қилдиларким, Баҳромбек ибн Бунёдхон сатвати хоқоний ва садамати соҳибқиронийдин мутаваҳҳим бўлуб, ғояти изтирор била сабру тоқат торин узуб махсулвор ва фирор ихтиёр қилиб, Шаҳри Нав қалъасиға борди. Аммо бу ихлоснишон қуллар ҳар ваҳж била фармонбардор ва ҳар сурат била бандаи жонсипордурурмиз дедилар... Даргоҳи олампаноҳ мулозимлари меҳ-

моннавозлик русуми била аларни бир неча кун сақлаб, хони эҳсон наволасидин комёб ва шодоб қилдилар. Ва якшанба куни Лутфалихон ҳазораким Абдолобод қалъасининг ҳокими соҳиб эътимодидурур, итоат ва инқиёд бобида ул ҳазратнинг хизматгузори қадими ва жонсипори самимийларидин эрди, бахт ва иқбол онга ёр ва мададкор бўлуб, ўз элотидин бир жамоа умаро ва мулозимлари била даргоҳи олампаноҳ остониғаким, мақсади аҳли жаҳон ва марсади салотини замондурур, жабҳасолиқ шарафин тотиб, ўз ҳолиға лойиқ туҳфа ва пешкаши била илтижо келтуруб, ҳамул атаба туроби тақбилидин сарафрозлиғ топди. Маҳмудобод қалъасининг кадхудолари остони давлаттирозға юз турлук ажзу ниёз била арз қилдиларким, Маҳмудобод қалъаси ўз мамолики хоссаларига мутааллиқдурур. Агар лутфи фаровонлари била Лутфалихонни бир жамоаға ва ҳокими фармонфармо қилсалар, бандапарвар ва шафқатгустарликларидин баъид ва ғариб эрмасдурур. Ул ҳазрат аларнинг илтимосин мабзул тутуб, барчасин мутреси муалло атабасига ундаб хилоъи хуршид шиоъ ва эҳсон ва истиъно била кўнгулларин хуррам ва хотирларин беғам қилиб, Лутфалихонни мазкур бўлгон кадхудоларға қўшуб, алардин Шодибек била Мустафо қозини сақлаб, ўзгасин Лутфалихон била Маҳмудобод қалъасиға йиборди. Аммо алар мазкур қалъаға бормасдин бурун Баҳромбек тарафидин Беғижонбек ва Аҳмадбек деган юз чоғлиқ отлиқ била ҳамул қалъаға кириб, буржу борусин муҳофазат қилиб, дарвозаларин масдуд этмиш эркан. Чун Лутфалихон намозшом вақти ўз жамоаси била қалъа шахрбандиға яқин бориб, Арбобшоҳ Ризони йибориб, ўз ҳолидан ахбор қилди. Аммо қалъа аҳли Арбобшоҳ Ризони тутуб сақлаб, ўзгаға қалъа духулидин мумонаат кўргуздилар. Ложарам Лутфалихон қалъа аҳлиға доҳил ва мазохим бўлмай, остонаи аъло мулозаматиға қайтиб келди. Чун ҳамул қалъа аҳли мусулмон ва аҳли имон эрди, бу жиҳатдин ул ҳазрат аларға ҳеч бир важҳ била мутаарриз бўлмай, газаби подшоҳанадин амон қолдилар.

Чун душанба куни Умгон қалъасиким, куфр ва залол аҳлининг макони эрди, буржу борусин вайрон, балки деворин ушотиб, ер била яксон қилдилар ва сешанба кечаси Сарахс ўлтурумли солур хизматкорларидин Хўжаназарбек ва Қурбонназар сардорға фатҳнома бериб башорат учун Муҳаммадхон сардор қаройи тарафиға ирсол қилди.

**ҲАЗРАТИ АЪЛО ҲОҚОН КИШВАРСИТОННИНГ ХУРОСОН
ТОҒИСТОНИ САРҲАДОТИДИН ХОРАЗМИ ЭРАМБАЗМ
ЖОНИБИҒА МУОВАДАТ МАРКАБИН СУРМАКИ ВА
ВУСУЛИ ШАРОФАТШУМУЛИ ФУЮЗОТИДИН
ДОРУССАЛТАНАИ ХИВАҚҒА БОҒИ ЭРАМ ЕНГЛИҒ
ТАРОВАТИ ТОЗА ЕТКУРМАКИ**

Ҳазрати хадиви беҳамоли ҳумоюнфол Хуросон мамуликнинг забту саранжоми ва ул ҳаволи улуси ҳолининг рабт ва интизомли иштиғолидин фароғболлиқ ва осуда ҳолиқ ҳосил қилди. Ражаб ойининг тўққузиди сешанба сабоҳи офтоб тулуидин сўнг Умғон қўрғонининг улусишким, шиа ва аҳли иртидод эрдилар, эҳмол ва асқоллари ҳамлиға лойиқ от ва тева бериб Хоразм сувбиға кўчурди ва Аваз юзбошини қуллар сипоҳи била оларға қўйди, токим юрмак ва тушмак амрида аҳволларидин хабардорлиқ қилгайлар ва ўзга ҳавойишлари саранжомиға қаробаттавом Гадойниёз маҳрам муқаррар бўлди ва алардин сўнг ул ҳазратнинг ўзи мурожаат аламин жилваға киргузуб, кавкабаи воло ва обрўйи беинтиҳо била Жом жулгасидин наҳзат кўргузуб, қуббатул-ислом Хоразм сори таважжуҳ маркабин сурди ва қудуми майманат лузуми губоридин тоғ орасида Тойманг мавзеъининг дийдаи интизорига сурмаи сулаймоний еткурди. Ҳамул кун амирул-умаро қудватул-кубаро Муҳаммадризо қўшбегини бош қилиб, Гадойниёз маҳрам ва Суюн баҳодир ва Мисрали сардор ва Сафарбой сардор била жамеъи човдар сипоҳин навозишоти хисравонадин шодком қилиб, черик сўнгидин юрмак учун аларға қаровуллиқ рутбасин тахсис тутди. Ва бу манзилдин камолуд-давла ваддунё Муҳаммадназар иноққим, Хиҷвақ шаҳрида наёбат тариқаси била қолиб эрди, анга ва шаҳзодаларға ва бекларға ва уламоларға башоратнома битиб, Чўломон сардор ва Уроз сардор била ирсол қилди. Ва чарҳоранба куниким, ражаб ойининг ўнлончиси эрди, қадами азимат била қатъи масофат қилиб, Рўзобод қалъаси суйининг саққосиғаким, Дарозобға машҳурдурур, нузул қилди ва панжшанба куни ондин ливоафроси наҳзат бўлуб, Мойлитўпа навоҳисин мазраби сародуқоти саодат мазоҳир ва муаскари асокири нусрат маосир қилди. Ул мавзеъда қизилбош усаросин човдар шужаъосиға қўшуб илгари йиборди. Ва сипоҳи қиёмат дастгоҳға Марв вилоятиға боргунча тўрт манзиллик чўл тадорики учун Тажан дарёсидин сув

олдуруб, жумъа куни суръати тамом била наҳзат кўргузуб, Ҳавзи хон ёвуқида бир манзилга нузул қилди. Шанба саҳари илғор била Тошработдин ўтиб бир мавзеъда оромгўзин бўлуб, якшанба куни Марв дарёсининг қироғида неча отлиғ маъбари файз вуруди била фирдавс боғидек тароватгустар бўлди.

Ул манзилда Марв улусидин солур халқининг қозиси қози Шоҳпазар ва Сайид Ниёзбек ва Ниёзмуҳаммадбек ва Тенгизбек ва Пайғамбарқулибойким, даргоҳи сардражойгоҳ қуллуғида жонларин нисор ва молларин исор қилиб, гойибона, ҳозирона итоат ва убудият умурида собитқадам ва росихдам эрдилар, марҳамати соҳибқироний олар аҳволига шомил бўлуб, қозийи мазкурға қозилиқ ва Сайид Ниёзбекка иноқлик ва Ниёзмуҳаммадбекга парвоначилиқ ва Тенгизбекка оталиқлиғ ва Пайғамбарқулибойға маҳрам ва мирохўрлиқ маносиб аълосин муносиб кўруб шафқат қилди. Ва ҳар бириға зардўзи либослар ва тилло пичоқлар ва тўпчоқ отлар инъом қилиб, ўзга муборизларға доғи бу тариқада сарупойи шоҳона кийдуруб, олар ичра Ёғмурбек ва Замонбек ва Муҳаммад Қурбонбекким, мунофақат тариқи била мувофақат кўргузур эрдилар, аҳли аёл ва атфоли била Хоразм мамолики жонибиға кўчуруб, Марв вилояти гулистонин аларнинг хор вужудларидин холи қилди. Қитъа:

Кишиким, ямонлиғ әрур шеvasи,
Келур ҳар нафас бошиға юз бало.
Жалойи ватап айлаб ани фалак,
Қилур гурбат андуҳиға мубтало.

Сешанба куни ул ҳазрат кечадин рукуб қилиб, салобаги тамом била азимат кўргузуб, Авлиёлитўпа отлиғ марҳалани мавзеъи боргоҳи иқбол ва муаскари асокири зафар ишти-мол қилди. Ул манзилда Раҳмонбердибой ва Суюнбой ва Қуркелди мирохур ва Мулла Авазли ва Муллаҳақи бошлиғ соруқ халқининг кадхудолариға сарупойи шоҳона била тилло пичоқ бериб, эшон қози Назарға доғи алоҳида хилъати заррин марҳамат қилди ва жамоанинғ муҳолифаткеш ва мунозаат андешларидин ўн кишини бола ва чоғаси била оқ уйлук йўсунлик пойтахти давлат сори кўчуриб, оларнинг шарридин улқавмни эмин ва мутманн қилди ва Чоҳорёрқулибой ва Бобобой бошлиғ Марвда ўлтургон така акобирларига хилоъи офтоб шиоъ инъоми била сарфарозлиғ еткурди. Садоқатосор, шижоатшиор Соатқули сар-

дорким, хизмати лойиқ воситаси била ўз ақронидин фойиқ бўлуб, ҳукмронлиғ рутбасиға тараққий топиб эрди, ул ҳазрат они Марв вилоятиға ўз жонибидин нойиб қилиб, аёлат нигинин онинг ангушти ихтиёриға солиб, ул вилоятнинг инон ихтиёрин қабзаи иқтидориға топшурди... Чаҳоршанба куни барча аркони давлат ва аёни ҳазрат бошлиғ ул ҳаволида ўлтурғон эл ва улусға зиёфати подшоҳона бериб, ул халқнинг борчасиға тархонлиғ ёрлигин каромат қилди. Ва фармони лозимул-изъон мўжиби била дастурини муаззамин Муҳаммадйосуф меҳтар ва Муҳаммадризо қўшбегги... лашкар аҳлининг боришда ва келишда зоеъ ва талаф бўлғон тевалари учун хазинаи омирадан тиллолар бериб, йўл ташовишидин жамеъи халойиқни форигбол қилдилар.

Ҳамул кун така муфсидларидин бир мунқалибул-аҳвол ва паришонҳол йигитким, гояти ифлос ва ниҳояти фалокатдин қизилбоши кифр маош тойифасидин хаффошвор пайкар, кўри бадкирдорким, имон қўёшининг зиёсидин қочиб, Даригиз харобасининг кунжида мухтафий эрди, ул кўри ботин хизматиға муздурлуқ қилиб, онинг тарафидин жосуслиқ равиясин ихтиёр қилиб лашкари ислом орасиға-ким, ҳамиша ҳимояти яздоний аларнинг нигоҳбонидурур, келиб ҳар гўшада ва ҳар канорада мавокиби ҳумоюн аҳволиға наззора қилиб, эҳмол интизорида бўлуб юрур эрди. Ногоҳ остони қудсийнишоннинг посбони иқбол тавомонлариға учраб, сиёсати подшоҳона учун ибратан лилозирин они ўқ ёнлиғ тўп ичига солиб, андоғ отдиларким, нуқуши ажзоси «кал-ихнун манфушу» ҳаво сатҳида мутафарриқ ва муталоши бўлди ва садойи ибратнамози истимоъидин борча кажандеш ва фасодкешлар адам вайронасининг хилватнишини ва оромгузини бўлуб, жамеъи фуқаро... ва раоё ул ҳазрат давлатининг канафида форигбол ва осудаҳоллиқ топдилар. Ва панжишанба куни мазкур манзилда подшоҳи жаннатмакон Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг валоди аршади ва қурратулайни сармади жалолатнишон, муалло макон... Раҳмонберди тўраким, ҳоло бийлик, яъни амирул-умаролиқ мансаби онинг гавҳари вужуди била музайян ва мўъатабардурур ҳазрати соҳибқирони кишварситоннинг ижозати била рикоби зафаринтисоб мулозаматида ибтидойи сафари учун шоҳона садоқ тўй бериб, жаноби хилофатмаобға лойиқ хилъати зарнигор ва асби тезрафтор ва жилвадор, зулфдори хуршид рухсор била туҳфа чекиб, жамеъи акобири сипоҳға ва ул навоҳий халойиқиға гуногун зиёфатлар бериб, бир кун ва бир кеча борча улусға нозу ниам

бахшиши била шодлиқ ва хуррамлиқлар еткурди. Ва жумъа куни ул ноҳиядин кўчуб, Қуёкли тўпаси ул ҳазратнинг нузули саодат вусулиға мустасъид бўлуб, фарқи ифтихорин гунбази даввордин ўткарди. Ҳамул кеча саодатнишон, нажобат макон, аъламул-уламо ҳазрати Эшонхожа муфти ва сафоқатандуз жалолатомуз акбарул-кубаро Давлат Қарокўз маҳрамким, кавкабан воло Хуросон жониби ҳаракатнамо бўлмасдин бурун жумодулаввал ойининг ўнланчи куни аларни Бухородин келган элчиларга қўшуб, ул вилоят ҳокими Баҳодирхонға иноятнома била ирсол қилиб эрдилар, давлат ва саодат янглиғ келиб, боргоҳи фалак жойгоҳ остониға юз қўюб, мазкур бўлгон хоннинг дуо ва саломин еткурдилар. Ва шанба куни ул ҳазрат асокири мансура ва афвожи қоҳира била мақсад тариқиға азимагнамо бўлуб, Яккапар қудуғидин ўтуб, бир қум пуштаси узра иқомат бисотин тўшатиб, фароғатгузин бўлди. Якшанба куни шабгир била илғор қилиб, душанба куни Сиртлонли қудуқидин ўтуб, бир мавзеъға нузул қилилди. Сешанба куни Тахт ақабалари авжиға қадами майманат тавом вурудидин сарбаландлиғ еткурди. Ва чаҳоршанба куниким, шаъбонул-муаззам ойининг гурраси эрди, Тахт мавзеъидин ливо афроси наҳзат бўлуб, пешин чоғи бир марҳалаға тушуб кеча анда истироҳат кўргузди. Чун ихлосшиор Чўломон сардор шаҳри фирдавсбахрдин хат ва хабар келтуруб, Тахтға тушган оқшом остонбўслиғ давлатин топиб эрди. Ва бу кеча доғи аминуд-давла Муҳаммадназар иноқнинг икки мулозими иноқ ва тўралар тарафидин ихлоснома олиб келиб, Чўломон сардор бошлиғ қосидларға сарупойи шоҳона инъом қилилди. Панжшанба куни ондин кўчуб, то Қабокли келгунча ул ҳазратнинг фарқи хумоюниға раҳмат саҳоби қатраафшон бўлуб, барча халойиқ мустағрақи оби раҳмат бўлдилар. Ва жумъа куни Кабоклидин Ориз қалъаси сори бодпойи бодияпаймо суруб, шанба куни Дояхотун работидин ўтуб, Кўгарчинли тавобеъида дарё қироғида боргоҳи сипеҳр иштибоҳни барпой қилдуруб, нузул этди. Моҳиялзалам ван-нифоқ амири кабири равшанзамир Муҳаммадназарбий иноқ бошлиғ умаройи жалолатосор ва уламоий фатонат шиор ва барча вазеъ ва шариф шаҳардин истиқболға чиқиб, дидаи интизорларин сумми сутур ғуборидан равшан ва қомати эътиборларин таъзим ҳалли била музайян қилдилар ва ул ҳазрат навозиши хисравона била барчасиға баҳрамандлиғлар еткуруб, аларнинг ҳаминоплиги била доруссалтанаи Хивақға нузул қилиб сарири хило-

Фатда маснаднишин ва мустақарри салтанатда оромгузин бўлди...

Ҳамул йил, яъни ит йилининг авойилида Бухоро волийси амир Ҳайдар подшоҳ вафот топиб, онинг ўрнига улуғ ўғли Мирҳусайн тўра маснади салтанатга жулус қилди. Ул тўрт ой ҳукумат суруб олами фонийдин жаҳони боқийга риҳлат кўсин урди. Онинг ўрнига иниси Умархон подшоҳлиқ саририда мутамаккии бўлди. Ул саккиз ой ва ё тўққуз ой ҳукмронлиғ қилди. Тўққуз ойдин сўнг онинг иниси Баҳодирхонким, Бухоро тумонотидин бир туманда ҳоким эрди, атрофиға лашкар жамъ қилиб ва Бухоро тавобеъотин доғи таҳти ҳукуматиға киргузуб, кўб черик била келиб, Бухоро шаҳрин қабоди. Охир галаба қилиб, қалъани олиб дасти тасарруфиға киргузди ва Умархонни юртдин ихрож қилиб, Хўқанд вилоятиға йиборди. Ул доғи йўл асносида вафот топди. Баҳодирхон дилжамълик била подшоҳлиғ маснадида истиқрор топиб, истиқбол била ҳукумат сурди.

Яна маълум бўлсунким, ҳамул йил ҳазрати соҳибқирон кишварситон мазкур бўлгон сафарким, куффори шарорат шиор ғазоти эрди, ҳимояти яздоний била ондин муовадат қилиб, сарири салтанатда ором тутди,

Наврўзи даҳқонким, қадимул-айёмда деҳқонлар ўз ройлари била ҳутнинг аввалғи кунчи наврўз атаб деҳқонатнинг баъзи ҳисобин онинг била мазбут қилур эрдилар ва Хоразм улуси оросида ҳам ҳамул наврўз шоеъ ва машҳурдурур эрди, ҳамул бежо расмни барҳам уриб, наврўзи султонийким, ҳамалнинг аввалғи кунига муқаррар эрди, халққа мунодий била эълон қилиб, Хоразм аҳли орасида ҳамул наврўзини шоеъ ва машҳур қилди. Ҳамул йил ул ҳазрат Алоуддин хожа, алайҳирраҳманинг жавори файз осорида обойи изом ва аждоди киромлари Муҳаммадамин иноқ ва Амир Аваз иноқнинг мақбаралари устида бир мадрасаи олий ва сангин бино қилдурдиким, файзу сафо кони, фазлу илм аҳлининг маконидурур ва Мадрасаи Амوراتға мавсумдурур. Ва ул иморат таъмирининг хизмати вазири аъзам низомул-мулк ваддунё Муҳаммадйусуф меҳтарнинг ройи ҳумоюниға муфавваз эрди.

Бу мажмуаи балоғат иншони ўқуғувчи арбоби маонийнинг замири офтоб танвирлариға равшан ва мубарҳан бўлсунким, чун мушкин рақамнинг саманди чобук қадами майдони саҳойифда гарм жавлон бўлуб, ниҳоят сайри бу ерга етушди: ҳазрати соҳибқирон мағрифатнишон абул-музаф-

фар алмансур Абулғози Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон... ҳасратхонаи жаҳондин риҳлат кўргузуб, беҳишти жовидон гулшанида ишрат базмин тузди. Ул жиҳатдин бу китоби майманат интисоб таълификим, ул ҳазратнинг фармони лозимул-изъониға мутааллиқ эрди, оз фурсат таъхир ва таътил топди. Чун ҳазрати султони салотин... Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон... салтанат саририда ором тутуб, халойиқ аҳволи интизомиға қиём кўргузди, илтифоти бекарона ва мароҳими подшоҳона била бу фақирри ҳақир, мазаллат тахмирға ҳазиси хорлиқдин авжи эътиборға тараққий бағишлаб, фармони вожибул-изъон ва амри лозимул-имтинон содир бўлдики: «бу китоби латифнинг таркиб ва таълифида тасоҳул жойиз тутмай, суръат қаламин сур ва тезрак ҳадди итмомиға еткур». Биноан алайҳ, хуррам ва хушҳол бўлуб, барча ишғолотдин ружуъ ва таълиф ишиға шуруъ қилдим.

**ОЙДУСТБИЙНИНГ АҲВОЛИ ҚАДИМАСИДИН ШАММАИ
НУКТА СУРМАК ВА ТУҒЕН ВА ИНОДИ ЖАРИМАСИНИ
ЛАҲЗА ЗУҲУРҒА ЕТКУРМАК ВА УЛ МУФСИДНИНГ
ИЗҲОРИ ИСЕН ВА АХБОРИ ФАСОДИ ҲАЗРАТИ
СОҲИБҚИРОНИ ЖАННАТМАКОННИНГ САМЪИ
ҲУМОЮНИҒА ОНИНГ ГУШМОЛ БАЛКИ ЭЪДОМИ
ИСТЕСОЛИ УЧУН ЛАШКАРИ НУСРАТ ОСОР БИЛА АМИРИ
РАВШАНЗАМИР МУҲАММАДНАЗАРБИЙ ИНОҚНИ
НОМЗАД ЭТМАК**

...Бу каломи ибрат низом мисдоқи Ойдўстбийнинг ҳайрат илтизом воқеасидурур. Ул воқеа тасвири ондоқ эрдиким, чун қароқалпоқия улуси авойил ҳолида Туркистон навоҳийсидин юз турлук ғам ва минг навъ алам чекиб, молу мавоший, аҳшому ҳавошийси била кўчуб, Хоразми эрам базм музофотининг хотиркушо обу ҳавосин ва роҳатифзо дашту саҳросин бағоят марғуб кўруб, ёйлоқ ва ўтлоқ қилмоқ таманно қилиб, ул жамоанинг кадхудо ва бийлари туҳфот ва тансуқот била Хивақға келиб амирул-умаро, умдатул-кубаро, муҳиббул-уламо, маржаъул-фузало, зеббахши маснади аморат, муртақийи маорижи адолат, иззатнишон, муалломакон, моҳиялзалам ваннифоқ амири кабир Муҳаммад-амин иноқ руҳуллоқ руҳанинг даргоҳи фалак иштибоҳида юз минг ажзу инкисорлиғлар била ушру закотларин бермакчи бўлуб, Хоразм мамоликининг бир тарафидин ер ва юрт тиладилар. Муҳаммадамин иноқ камо.

ли карам ва ғояти мурувватдин Кўкўзак наҳрининг орқасин то Хоразм тенгизигача ул жамоайи паришон ҳолға инъом ва суюрғол қилди. Ва ул эл ақобиридин қўнғирот улусининг қўли доғли тийрасидин султон ўғли Ойдўстбий ихлос василаси била хизматкорлиқ ва жонсипорлиқ давлатига ихтисос топиб, садоқат жодасида собитқадам ва убудият ваъдасида росихдам бўлуб, итоаткеш ходимлар ва ихлос андеш мулозимлар зумрасига дохил бўлуб, шойиста хизматлар қилиб юрур эрди. То ул жанобнинг офтоби марҳамати ул зарраи бемиқдорға анвори тарбият солиб, бийлик мансаби киромийси била ўз ақронидин мумтоз ва қароқалпоқ улуси ҳукумати рухсати била сарафроз қилди. Ва ул бу ёнглиғ илтифоти ғайри мутаваққеъа ва иноети ғайри мутараққиб ва имдод ва дастёрлиғи била жамеъ қароқалпоқия улуси, хусусан қўнғиротия тийрасининг ҳокими фармонраво ва амири ҳукуматинтимоси бўлуб, иззат айвонининг маснаднишини ва фахомат маснадининг оромгузини эрди ва ҳамул элга кордонлиғ ва ҳукмронлиғ тариқасида ўз ройи муқтазосича ҳар навъ даъво ва гавғолари бўлса сўруб, навъи ҳукумат сурар эрди ва ул жамоанинги ақобир ва асоғири Муҳаммадамин иноқ марҳаматининг риоясин қилиб, барчаси ўзларин фуқаро ва риеё қаторида санаб, онинг амридин бўюн тўлғамас эрдилар. Муҳаммадамини иноқ замонидин сўнг амири равшанзамир, сарвари аҳли офоқ Авазбий иноқнинг фархунда овонида ҳам тариқада кун-кундин маротиби баланд ва даражоти дилписандға мутараққий бўлур эрди. Чун хони беҳиштмакон, султони мағфиратнишон Абдилғози Муҳаммадраҳим Баҳодирхон... салтанат тахтида ўлтуруб, ҳукумат тожиге фарқи хумоюнӣ шарафидин баландпоялиғ еткурди. Ақобир ва асогир аҳволига тарбият ва марҳамат кўзи била назар қилиб, жамоатким хизмоти писандида зуҳурға еткуруб, аҳли замон имтиёз топмиш эрдилар, муносиби аъло ва мадорижи ақсо бахшиши ва атоёси била барчасига мумтозлиғ ва сарафрозлиғлар еткурди. Ул жумладин Ойдўстбийга сарупойи тиллобоф ва ханжари заррин ғилоф инъом қилиб, янгидан бийлик мансабининг ёрлиғи ва жамеъи қароқалпоқ улусининг ҳоким ва сардорлиғи била комкор ва баҳрабардор қилиб эрди. Чун ул замонда Қўнғирот қўрғонининг ҳокими Тўрамурод сўфи боғий бўлуб, боғигарлик қилур эрди, онинг бийму хавфидин келиб, ул ҳазрат мулозимларидин имдод ва кўмак тилаб эрди. Ул ҳазрат анга мурувватгустарлик, балки фуқаропарварлик юзидин Оқ-

ёқиш мавзеъида қалъаи муаззам бино қилдуруб, онга мусаллам тутди ва атроф ва жавонибдағи элотин ул ҳаволиға йиғнотиб, қалъа забти иштиғолиға таъйин этди. Неча йиллар ўз даргоҳи мулозимларидин илғор юбориб, ул қалъани муҳофазат қилур эрди.

Алқисса Ойдўстбий бу тариқада ҳазрати соҳибқирони фирдавсмаконнинг айёми фархунда фаржомъга келгунча иззати тамом ва обрўи молокалом била авқот ўтқариб, ул ҳазратға, доғи онинг хизмати мувофиқи таъб тушуб марҳамат кўргузур эрди. Ул доғи баъзи пинҳоний сирларниким, мулк маслаҳати ва фуқаро рафоҳиятига мутааллиқдурур, даргоҳи олампаҳоқ мулозаматиға келиб, махсус маҳрамлар дастурида борёби ҳузур бўлуб, арз қилур эрди ва ул ҳазратға онинг хизматкорлиғи мақбул ва барча сўзи маъмул бўлуб, қароқалпоқия улусининг ҳароми ва авбошларининг таъдиб ва гўшмолин ва фуқаро ва раъиятининг интизоми аҳволин онинг раъйиға тафвиз қилур эрди. Ва ҳар вақт атабаи давлат илтизом мулозамати эҳромин боғлаб саҳродин шаҳар сори келса эрди, кўрунуши олийға ундоб, илтифоти фаровон ва иноёти бекарон била истифсори аҳвол қилиб, Бийбобо хитобиға мухотаб қилур эрди. Ва қайтур чоғида хилоъи фохира ва нуқуди вофира инъоми била мухаллаъ ва муфтахар қилиб иззати тамом била қайтарур эрди.

Охируламр ул кўрнамаки бедавлат куфрони неъмат изҳор қилиб, бу ёнглиғ давлати азалий ва иззати беинтиҳони кўтара олмай, шайтони зорра залолати ва нафси амора далолати била туз йўлдин озиб... водийи туғёнга исён маркабин суриб, бемағз бошида юз хаёли хомни пишуруб, валинеъматлик ҳуқуқидин билкулл кўз юмуб, бир неча авбоши паришон маошларни атрофига жамъ этиб, муонадат майдонида муҳолифат аламин жилвагар қилди. Бу хабари ваҳшатнишон ҳазрати соҳибқирони фирдавсмаконнинг самъи шарифиға етушуб, ул муфсиди бадфаржомнинг мудофасиға лашқари нусратилтизом ирсол қилди.

Бу ижмол тафсили улким, бу воқеа зухуридин аввалроқ соҳибқирони мағфур даргоҳи олампаҳоқийнинг ходим ва давлатхоҳларидин соҳиби эъзоз Гадоийнёз маҳрамни қароқалпоқия тавойифининг закоти аҳзифаким, ул амр ажзоси дунё амволи баракати ва уқбо иқболи саодатининг мўжибидурур, йиборди. Мазкур маҳрам фармони қазожараён муқтазоси била қароқалпоқ орасиға бориб, закот лозим бўлган эллардин мувофиқи шаръа закот олиб, чун хитой

халқининг ҳоқими Бекпўлотбийнинг ҳашамига тушуб эрди, мазкур бўлгон хабарни баъзи раҳгузарийларнинг алсина ва афвоҳидин эшитиб, рост ва ёлгон эрконин била олмай мутаҳайир эрди. Аммо ул хабар сўнгроқ тавотир ҳаддиға етиб, рост эркони мутаҳаққиқ ва мутаяққин бўлди. Ложа-рам, маҳрамнинг хотириға андақ раъб ва ҳирос истило то-пиб, мазкур манзилдин мутобеъ ва мулозимлари била от-ланиб, қўнгирот улусининг сарвари Қўшберганбийни муво-фақат жодасининг собитқадами англаб, онинг манзилиға нузул қилди. Аммо гуфтугў асносида онинг жабини итти-фоқида чини нифоқ йўқ эрконин билиб отланиб, шаҳар сори юз қўйди. Чун Чўнгқарабийнинг ўғли Қобилбий ову-лиға етди, мазкур бий бола ва чоғаси била маҳрам истиқ-болиға қоршу чиқиб, тавалло ва илтижо муболағаси била ўз уйиға тушуруб, аснофи зиёфат ва анвоъи хизмат адо-сидин сўнг деди: «Бу бандаи хоксор, токим ул ҳазратнинг хизматкор ва ҳаводорлиқиға ихлос василасин изҳор қилиб-ман, ҳанузгача итоат сироти мустақимидин инҳироф жойиз тутуб, убудият қилодасидин бош чеккан эрмасман. Ва умиддурурким, мундин сўнгра доғи то бош кетмагунча қа-дамфарсойи водийи инод ва муҳарриқи салосили фасод бўл-мағайман. Эй маҳрам, нузулинг анворидин байтул-аҳзоним-ни равшан ва ҳузуринг баҳоридин хотири вайронимни гул-шан қилдинг. Фароғат маснадида истироҳат қилким, ул муониди фасодпеша, яъни Ойдўстбийи каяндеша, агар атроф ва акнофға галаба қилиб, бу жонибға келса, ул мани ҳалок қилсун, ондин сўнг қайси тарафға озим бўлсанг, ўз ихтиёринг ўзингдадурур».

Чун мазкур маҳрам Қобилбийнинг бу сўзин маҳзи сидқ ва айни дўстлиғ англаб, эътиқодиға эътимод қилди ва онинг манзилида бўлуб ўз муътамад кишиларидин Бобо ва Хожамберди ва Эштои Баҳодирға бу сўзни топшуруб, ос-тони фалак ошиён тарафиға равон қилди. Чун бу воқеа наввоби мустатоб воситаси била сана минг икки юз қирқ учда муҳаррам ойининг гурраси чаҳоршанба қуни масо-меъи аълоға масмуъ бўлди, нойираи ғазабӣ султоний, бу ҳодисанинг мирваҳа жунбонлиғидан андоқ иштиёол топ-диким, агар бир учқуни парвоз қилиб, қароқалпо-қия сори ҳароратандоз бўлса эрди, ул жамоанинг хирмани ҳаётидин бир хуша омон қолмоқ маҳол эрди. Ва лекин ка-моли тамкидин... ул ўтға сув уруб бир навъ таскин бер-ди. Аммо ул тийрабахтнинг офтоби давлатининг заволи ва ниҳоли ҳаётининг истесоли учун бир гүруҳ жуяши дарё

жўш ва жунуди маъшархурушким, ҳар бири замон шужаъо-сининг мумтози ва жаҳон қуталосининг сарафрои эрдилар. Бу янглиғ черикка аморат авжининг офтоби ва жалолат дуржининг гавҳари ноёби, муалло макон, азамат нишон, сарвари умаройи офоқ, амири асолат тахмир Муҳаммадназарбий иноқни... амири лашкар қилиб, давлат аркони ва ҳазрат аъёнидин қиёт халқининг иззатмадор акобиридин Қилич иноқ ва Олошбий ва Суюнбий ва кўклон халқининг ҳокими азимуш-шаъни Султонхон ва қипчоқ аҳлининг кордони Қутлуқмуҳаммад иноқ ва манқит жамоасининг ҳукмрони Дўсимбий ва Мулла Давлатназарбий ва даргоҳи давлатпаноҳнинг... мулозимларидин Муҳаммадни... ёз ясовулбоши ва Қурбонниёз ясовулбошини черик аҳволининг забти ва йўл асбобнининг рабти учун қўшуб, ул жамоага азимат рухсатин берди. Ва яна буюрдиким, ул итоат расмининг мужтаниби, яъни Ойдўстбийнинг ҳақиқат аҳволи маълум бўлгунча Хўжаэли қалъасининг ҳаволиси аларга қароргоҳ ва маскани сипоҳи нусратпаноҳ бўлсун. Чун маъмур бўлгон умаро мазкур бўлгон кунда ҳазрати подшоҳи раҳмат жойгоҳдин фотиҳа олиб, мақсад тарафига озим ва йўл азиматиға жозим бўлдилар ва якшанба куни вазоратпаноҳ Муҳаммадризо қўшбегини черик маслаҳати ва ўзга муҳим кифояти учун аларнинг ақабидин номзад қилди. Чун умаройи давлат асар ва сипоҳи нусратпарвар бир неча кун қадами суръат била қатъи масофат қилиб, Хўжаэли қалъасига етиб, ул атрофни муаскари асокири зафарфаржом ва маскани аъломи саодат илтизом қилдилар.

**ОЙДУСТБИЙНИНГ АТРОФИГА ҚАРОҚАЛПОҚИЯ
УЛУСНИНГ ЙИГИЛМОҚИ ВА ИККИ УҒЛИНИНГ БЕҲИСОБ
ЧЕРИК БИЛА ҚУНҒИРОТ ҚУРҒОНИН МУҲОСАРА
ҚИЛМОҚИ ВА ҚАЛЪА АҲЛИ ҚУЛИДАН МАҚТУЛ ВА
МАЪСУР БУЛУБ, МАҚХУРОНА ФИРОР ИХТИЕР ЭТГОНИ
ВА БУ ХАБАРИ БЕҲЖАТ АСАР ХОНИ МАҒФУРНИНГ
САМЪИ ҲУМОЮНИГА ЕТГАНИ**

Хомайи анбарин шамома бу ёнглиғ ҳангомаоролғ қилурким, чун Ойдўстбийнинг бошиға хаёли фосид ва таманнойи косид йўл топди, бесабру беором бўлуб, разм ҳангомаси маслаҳати учун Хоразм тенгизининг канорида Со-риотов отлиғ мавзеъда мухолафат амри мувофақат кўргуз-

ган фасод ва инод аҳлининг бий ва кадхудоларин йиғнаб, дедиким:

«Эй биродарлар, в-эй қотиг ишларда ёру ёварлар! Бу ёнглиғ амри азим майдониға ҳиммат маркабин сурубмиз ва бу навъ кори саҳим домониға ғайрат қўлин еткурубмиз, амди тараддуд умурида тасоҳул жойиз тутмоқ ва мақосид ҳусулида такоҳул кўргузмак ақл равишидин йироқ ва ҳушманд кишидин узоқдурур»,— деб барча аъвон ва ансорининг иттифоқи била атроф жавонибдағи қароқалпоқ овуллариға отлиғ чопдуруб буюрдиким: «Бизга қароғон улус эрта кунни кечга қўймай, молу мавоший, асбобу ҳавоший била бизга қараб кўчсун ва тезрак аёл ва атфолин жорбалжоримизга бошлаб еткурсунким, қатралар иттисолидин дарёйи мавжзан падидор ва доналар ижтимоъидин ҳар тарафда улуг хирмонлар ошкор бўлур. Ва агар ҳар кишиким, бизнинг маслаҳат ва иттифоқимиздан ибо ва имтиноъ кўргузса, ўз билгонидин қолмасунким, бизнинг душманимиз улдурур ва тангри таоло жабҳа аҳволиға на ёзгон бўлса, кўргусидурур.»

Бу сўзлар била барча қароқалпоқия элотин атрофиға жамъ этиб, чархи барин ҳиснидек бир маҳкам ва ҳасин жойда тўблаб, атрофиға бир ариз ва амиқ хандақ қоздуруб, ичкорисидин эҳтиёт ва истехком учун чот ва ароба бостурди. Мазкур ойда якшанба куни Ризо ва Тўра отлиғ икки ноҳалаф ўглин уч юз Миррих салобат ва Баҳром ҳайбат баҳодири номдорға супаҳдор қилиб, Қўнғирот қалъасининг тасхири ва ул қалъа ақобирининг тадмири учун ирсол қилди. Аларнинг ҳар қайси боди бурут бирла имон шамъин ўчуруб ва лофу газоф ғулғуласин сипеҳр атбоқиға еткуруб, такбири тамом, тажаббури молокалом била инопрез ва саропо ситез бўлуб, отлариға маҳмиз берди. Ва тоғ авжидин водий тарафиға жорий бўлгон селдек суръати тамом била Қўнғирот жонибиға майл кўргуздилар. Бир неча кун қатъи масофат қилиб, изҳори гирудор била келиб, Қўнғирот ҳисорин қабоб тушдилар. Бир неча забардаст ва таҳоввурпараст муборизлар беибо, бемуҳобо изҳори ситез қилиб, қалъа хокрезига ёпушдилар. Маснавий:

Чу қалпоқ аҳли изҳор айлабон кин,
Хужум айлаб падида андоғки Парвин.
Эди ҳар бири бир ғули биёбон,
Биёбон ғули йўқ, деви шитобон.

Чекиб наъра, бўлуб ҳар дам ғазабнок,
Унидин титрабон ажроми афлок.
Қўюб юз борча бирдин қалъа сори,
Тутуб олам юзин гарду ғубори.
Аён қилдилар андоқ шўру ғавго,
Ки афлок авжиға чиқди алоло.

Ва қалъа ичида ул давлатхоҳлиғ дастгоҳиға мутассариф Муҳаммад Яъқуб мушрифким, ҳазрати соҳибқирони жаннатмаконнинг илтифоти бекарон ва иноети хисравонаси онинг ҳолиға шомил бўлуб, ул қалъанинг ҳокими ҳукмрон ва волийи маслаҳатдони эрди, камоли сабр ва шикеболиғ бида аҳли иноднинг онингдек ҳужум ва ғавғосидин олдоромай, тамкин ва таанний бида қалъа аҳлиға корфармо бўлуб, дарвозаларни тамарруд аҳлининг юзига мадрус ва масдуд қилдурди. Ўзининг мулозими нусрат лозимлари бида қалъадорлиқ умуриға жаҳду жадол була иштиғол кўргузуб, буржу боруларға сарбоз ва қодирандоз ўқчилар ва атроф-жавонибиға найзабоз ва сарандоз мутаҳаввирлар таъйин этиб, ўқ зарбатининг шиддати ва найза нўки ҳиддатидин муфсидлар суфуфин бир навъ қалъа атрофидин рафъ ва мутамарридлар шаррин фуқаро устидин дафъ қилдилар. Аммо аснотий гирудор ва ҳангоми корзорда қалъа аҳлининг шижоаткеш ва муборазат-андеш баҳодиларидан бир киши шаҳодат топиб, хулди барин айвонида оромгузин ва тоғийлардин бирови ўқдин учуб, жаҳаннам майдонида зору ҳазин бўлди...

Чун пешинғача бу навъ кўшу фархош ва бу ёнглиғ савош ва талош воқеъ бўлди. Пешиндан сўнг қўнғирот акобирлариға фойиқ ва ихлос ваъдасида содиқ Қутлуқмурод оталиқ ва Ўрозбий ва Мулла Хўрозбийким, даргоҳи олампаноҳ мулозимларининг зубдаси ва шижоат-шиор муборизларнинг умдаси эрдилар, мазкур мушрифнинг ижозати ва бахт мулҳамининг ишорати бида ўз навкарларин бошлаб ва ваҳму ҳарос дағдағасин қўнгулларида ташлаб, аълоий давлатға рўбарў чиқиб, савош арсосида талош маъракасин таҳаввур ўти бида қиздуруб, муфсидлар қўнгуллариинг хирмониға ҳайрат барқин уруб, сабру саботларининг машъали бефуруғин ўчурдилар. Ва ҳар тарафдин шужаъойи зарғомсавлат ва қуталойи Баҳром сатват ва лашкари зафарпарвар ва сипоҳи шижоатгустар ҳайъати ижтимо бида ҳамлаовар бўлуб, сумми сутур ғуборидин ёғду кунда шаби тийра зулумотин ошкор ва барқфол шаъшаасидин ул

қоронғу тунда хуршиди анвар ламъаотин падидор қилдилар ва қиличлар дамдин аъдо қонин ҳадар қилмоқ била сероб ва найзалар нўкин хусамо бошин кўтармак била ком-ёб этдилар...

Чун муфсидларнинг гуруҳиким, азалда бахт алардин рўйгардон ва давлат шоҳиди баргарон эрди, нечаким жаҳду жадол, талошу қатол умурига иштиғол кўргуздилар, мақсад ҳусули иқболига иттисол топа олмадилар. Охираламр, шужаъойи нусратшиор ва қуталойи кинагузарнинг ҳамалоти сарсар мисол ва садамоти зафармаолига тоқати муқовамат келтура олмай, аксари қатлаға етиб, қолғони мағлуб ва манкуб бўлуб, роҳи хазлонга рўйгардон ва майдони фирорға афти инон қилиб паришонқоллиқ била сарсар йўлига тушган хошоки абтардек ҳар қайси бир тарафга қочиб, ҳар тариқ била ўзларин дарёға еткуриб, фано гирдобига ғариқ бўлдилар. Ва Ризобаҳодирким, шижоат ва шердилликда ва ўз ажносининг мумтози эрди, зўр бозусиға ғарра бўлуб, дарё қирғоғида тоғдек тамкин била қовғунчиларға садди роҳ бўлуб, фирор аҳлиға дастгирлик қилиб, ул маҳлакадин омон қутқориб, ўз маъмани сори ўткариб йиборур эрди. Ул аснода сипоҳи нусратпаноҳдин бир йигитким, корзор арсасининг Рустами ва гирудор бешасининг зайғами эрди, сайд жонибиға сунган лочин масаллик инонрезлик била бодпойи сарсар хиромға маҳмиз бериб, ул муфсиди некбатосор хабардор бўлғунча, шиҳобнишон учи била от орқасидин кўтариб дарё ўргасиға андоқ урдиким, вужуди сафинасин ҳалокат мавжи одам гирдбоди қаъриға чўкурди. Ва бу ҳол тамошосидин дўстлар таҳсин алоласин ва душманлар офарин ғавғосин афлок авжидин ошурдилар...

Аммо Ризобаҳодирнинг иниси Тўрабаҳодирким, фирор пару болини очиб, оташгоҳдин чиққан ёлиндек арсаи размдин чиқиб, изтирори тамом била қочиб борур эрди, Муҳаммад Яъқуб мушрифнинг навкарларидин қирқ чобуксувор ва кийнагузор йигит жаноҳи истеъжол била ақабидин етиб, асири бало ва дастгири ано қилиб, рибқаи итоатдан тўлғоғон бўйнин занжири меҳнат била муқайяд қилиб, зиндонни мазаллатда маҳбус ва нажот умидидин маъюс этдилар. Чун тангри таоло ионати маҳабидин... нусрат ели сипоҳи зарафшиорнинг ливойи давлат осори парчамиға эсиб, арбоби фасод ва асҳоми инодни гарду ғубор ёнглиғ маъракайн коризордин суриб, ул ҳаволини тароватда оинакирдор ва беҳишт намудор қилди.

Лашкари ферузий асар юзига фатҳ ва зафар эшиги очилди ва қалъа аҳли андоқ балойи нозила ва офати шомиланинг асар ва зараридин эмин мутмаин бўлдилар. Мушрифли мазкур Тўлабаҳодирни руфақо ва жуласоси била мағлул ва мақдур қилиб, ўз мўътамад кишиларидин Абдусаттор отлиғ сардорға топшуруб, бу муждан фараҳ афзо эълони учун Хивақ шаҳри жонибиға узатди. Ондокким, қосиди мазкур ҳамроҳлари билан шод ва масрур уч кечаю кундуз йўл юриб Хўжаэли қалъасида Муҳаммадназар иноқнинг хизматиға етушди. Ул жаноб ўз тарафидин Тўрабек қиётни қўшуб ҳазрати хадиви беҳамол мағфиратмаолнинг хизматиға йўллади. Чун Тўрабек йўлдошлари била масофат қаътида суръат русумин фош қилиб, якшанба куни дорулхилофайи Хивақға келиб, боргоҳи сипеҳр иштибоҳ остонасиға... ул муждаи лозимулибтиҳожни иртиғи тамом била еткурди. Филҳол мушири муътабар Муҳаммадюсуф меҳтар ул воқеаи беҳжат шомилани ҳазрати хони мағфурнинг самъи ҳумоюниға изҳори сурур била еткурди. Билфавр қосидлар алтофи-хисравонадин хильати шоҳона бахшиши била хурсандлиғ ва асирлар ғазаби подшоҳонадин зиндон банди ҳаволаси била мустамамдлиғ — топдилар. Ҳамул кун аср чоғидаким, офтоби оламтоб юзининг зиёси завол таъсиридин аҳли залолнинг чеҳраи заъфарнамосидек сарғайиб, мағриб сипаҳи ҳолиға гориб бўлғай, Гадойниёз маҳрамким, закот таҳсили учун бориб, қароқалпоқ орасида собит қадам эрди, онинг тарафидин доғи ҳамул эл ақобиридин Тангбий ва Жавлонбаҳодир ва Жумъақули баҳодир ва Муродбаҳодир келиб, бу хабари беҳжатасарни эълон қилиб, ҳар бири соҳибқирони беҳиштнишоннинг илтифоти жомахонасидин истеъдодиға кўра ва муродиға яраша хилофи хуршидшиноб кийиб, ул хильатлар дурахшандалиғидин меҳри мунирдек сарафроз ва фурузандалиғ топдилар...

Чун ҳазрати соҳибқирон мағфират асарға лашкари зафарпарварнинг нусрати хабари мутаҳаққиқ ва муқаррар бўлди, аъдойи давлат баргаштанинг танбеҳ ва гўшмоли, балки аъдом ва истесоли хотири хатириға ансоб ва аҳсан тушуб, даргоҳи сидра жойгоҳ маҳрами хосларидин ихлос аҳлидин мумтоз Бекниёз девонбеги била ходими жонбози қиёт Тўрабекни қўшуб, Муҳаммадназар иноқ ва Муҳаммадризо қўшбегиаким, лашкари нусратасар била Хўжаэли ҳаволисин муаскар қилиб ётмиш эрдилар, бу мазмун била иноятнома ирсол қилдиким, «Иноқ ва қўшбеги икковлари кенгошиб, иттифоқ била муфсидлар устиға черик йи-

бориб, истимонларин бегонмай ва аҳду паймонлариға инонмай, бий ва кадхудолариға... мутобаат рибқасидин тўлғон бўюнларин ағлоли гарон ва салосили печон била банд ва муқайяд қилиб, дарбори фалакмиқдор остонасиға йиборсунлар. Ва ўзлари ул муониди бадкорларға ҳар кимсаким мутобаат ва мувофақат изҳор қилғон бўлса, топдуруб, сиёсат тиги била жазоға ва жамеъи амвол ва ашёсин яғмоға еткурсунлар; нединким, даврони инқилобнишон ичида кўб воқеъ бўлмишдурурким, оз душман иттифоқидин офати сахим ва кичик ганим ижмоидин меҳнати азим пайдо бўллуб, набард арсаида фарзиндек кажхуромлиқ била от суруб, улуг шоҳларни пиёдалиғ мартабасиға тушуруб, мотлиғ сарҳадиға еткурубдурурлар.

**СИПАХДОРЛАРНИНГ ФАРМОНИ ВОЖИБУЛ-ИЗЪОН
МУЖИБИ БИЛА ОЙДУСТБИЙ ҚАСДИҒА САРМАТ
ЯҚРОНИН СУРМАГИ ВА ЙУЛ ҚАТЪИДА БАРҚИ
ХОТИФДЕК ИСТЕЪЖОЛ РУСУМИН ЗУХУРҒА ЕТКУРМАГИ
МУОНИДЛАРҒА ВАҲМУ ҲИРОС МУСТАВЛИ БУЛУБ,
СОРИҒОТОВ МАВЗЕЪИДА ТУРА ОЛМАЙ ОВОРАЛИҒ
ДОРУЛБАВОРИҒА ФИРОР ИХТИЕР ЭТКОНИ ВА СИПОҲИ
ЖАРРОРНИНГ САРСАРИ ТЕЗРАФТОР ЕНГЛИҒ ИЛҒОР
ҚИЛИБ, УЛ ГУРУҲИ ШАМОТАТОСОР АҚАБИДИН ЕТГАНИ
ВА АРБОБИ ЗАЛОЛАТНИНГ КУРОН ЯСАБ, АСҲОБИ
ДАВЛАТ БИЛАН МУҲОРАБА ҚИЛҒОНИ ВА
БАҲОДИРЛАРНИНГ ҲАМАЛОТИ САРСАР СИФОТ БИЛА
КУРОННИ БУЗУБ, АҲЛИ ФАСОДНИНГ АТБОЪ ВА АЪВОНИ
БИЛА ҚИРИЛҒОНИ**

Чун ҳазрати соҳибқирон, фирдавс маконнинг номий ва фармони киромийси амири равшанзамир Муҳаммадназар иноқ ва вазири беназир Муҳаммадризо қўшбегиға етушди, мазмуни ҳумоюнидин огоҳлиқ топғач, иккови ҳуррам ва ҳушҳоллиқ била аҳкоми ажзосиға мутасадди бўллуб, умаройи номдордин Олошбий ва Дўсумбий ва Муҳаммаднийез ясовулбоши ва Қурбоннийез ясовулбошиға ямут черикин ва човдар сипоҳин қўшуб, фасод аҳлининг тийраройи Ойдўстбий қасдиға йибордилар. Ул маъмур бўлғон умаро ва аҳли сипоҳ ҳамул кун иқбол кемасиға миниб, давлат маллоҳининг имдоди била дабур хайли муруридек дарё Жайхундин убур қилиб, Қирқнинг Қойри отлиғ марҳалаға

тушдилар. Ҳамул кеча ул ерда истироҳат кўргуздилар. Сўнгги кунким, қуёш шоҳи машриқ манзилидин чиқиб, шиёойи хайлин ҳировул қилиб, сипеҳр майдониға озим бўлди, мазкур бўлгон саркардалардин Суюнбий ва Қурбонийез ясавулбоши ва човдар оломонининг сардори Мисрали юзбоши ва Муҳаммадназар юзбоши ва итоат гузин қароқалпоқиянинг ўн тўрт уруғининг черики журъатпарвар Мулла Давлатназарбий бошлиғ ҳировул йўсунида сипоҳи нусратпаноҳдан илгари борур эрдиларким, йўл асносида матинуллоҳ Унғоч сўфи ва Қўнгиротниёз баҳодир аларға учраб Ойдўстбийнинг кирдори носавоб ва осори итобидин қўрқуб оворалиқлар кўргонин ва мақоми амн истаб бу тарафға кўчгонин расми тақрор била изҳор қилдилар. Мазкур бўлгон умаролар ул икковин иноқ ва қўшбеги мулозиматиға йибориб, ўзлари камоли истеъжол била сарсар мисол манозил қаътиға иштиғол кўргуздилар. Чун ул икки мухбири содиқ иноқ мулозаматиға ҳозир ва лоҳиқ бўлуб, муштоқона дуо ва мухлисона сано адосидин сўнг Ойдўстбийнинг воқеаи мазаллат нишонин ондоқ тақирр ва баён қилдиларким, чун Қўнгирот қалъасиға бориб қирилгон асқарясидин бир неча ажал етмаганлар баҳодирларнинг дастбурди чангидин тумон минг машаққат билан халослиқ топиб, шунқор ҳайли турктозидин қутулгон саъва гуруҳидек саросима ва нимжонлиғлар била Ойдўстбий олдиға бориб, барча саргузаштларин бир-бир баён бахти вожунлари шумлиғидин чеккан меҳнатларин бекаму кост аён этдилар. Ойдўстбий ул калимоти ваҳшотомиз ва ул воқеаи ҳасратингиз истимоъидин маълум қилдиким, чароғи давлати неқбат елидин ўчуб, муроди кошонасиға равшанлиғ бермайдурур ва шоҳиди мақсуди идбор пардасиға ёшунуб, таманноси канориға кирмайдурур. Ложарам, ҳасрат саҳбосин ноумидлиғ соқийси илкидин нўш қилиб, меҳнат мажлисида маҳрумлиғ салитаси била ҳамоғуш бўлди. Ва камоли бадмастликдин ақлу ҳуши қушларин боши ошиёнидин қочуруб, ғоят саросима ва ҳаросонлиғидин нимбисмил қуш ёнглиғ артофу жавонибға толпиниб жамоаеким, бедавлатлиғ аларға дамангир бўлуб, онинг ҳийтаи мутобеъатиға кирмиш эрдилар, барчасин ўз ҳашами била кўчуруб, Сориотов мавзеъидинким, маскани маълуфий эрди, тура олмай, оворалиғ майдониға маркаби хизлон суруб, Қалтатош йўли била озим бўлуб Бўричи сангари устидин ўтуб, манозилу мароҳилни тай қилиб, Тенгриёр бошидин сув кўтариб Яхши Қашқа йўлидин Тўқон жонибиға юз қўйди...

Чун амири сойиб тадбир Муҳаммадназар иноқ бу хабар масаррат асар нағмотин мухбирлар тақрири ўториддин эшитди, хотири отири ишрат оҳангидин наво топиб ва ул наво таъсири олам аҳлига беҳжат афзо бўлуб, алалфавр умаройи маъмурдин Олошбой ва Дўсимбой ва човдар Суюнбаҳодир ва Бойли юзбоши ва Сафарбой ва Қурбонкелди сардорғаким, ўзлари изда қолиб, Суюнбий ва Қурбонниёз ясовулбошини ҳировул қилиб илгари йибормиш эрдилар, киши йибордиким, ҳировулар ақабидин етиб, иттифоқ ва ижтимоъ била суръат ва жалолат русумин ўзга ёнглиг ибдоъ ва ихтироъ қилиб, фирор тариқин ихтиёр этган муфсиди тийра рўзгорларни қувват ва иқтидорлари борича таоқуб қилиб, мақсадларига еткурмай, яъни эл ва аҳшомин бу тарафга оширмай ақабидин етиб, асорат қайдиға муқайяд ва мағлул ва уқубат ханжари била мазбуҳ ва мақтул қилсунлар, нединким инод аҳлининг бақосидин фаноси мустаҳсан, вужудидин адами аҳамм ва аҳсан кўрунур. Чун мазкур бўлгон сипахдорларга Иноқбийнинг фармони етушти, белларига хизмат нитоқин боғлаб, иттифоқ била яроқланиб, саманди зарринлижоми шижоат ва бодпойи сарсар хироми жалолатни ғайрат жодасига суруб, манозили мутакассира қатъидин Тенгриёр бошиға еттилар. Ондин сув кўтариб Яхши Қашқа тарафига қараб масофат қатъига жозим бўлдилар, то Эркабой қудуқи деган мавзеъди Суюнбий ва Қурбонниёз ясовулбошининг изидин етиб, икки гуруҳ бир-бирига имтизож ва иттисол давлатидин бениҳоят ибтиҳож топдилар ва бир-бирини қувват ва муованати била қави ва мустазҳир бўлуб, иттифоқ била мақсад тарафига азимат маркабин суруб, тахминан икки юз фарсаҳлиқ чўлким, қатъи хаёлидин кўнгул ҳаросон ва хирад пайки ҳайрон эрди, инояти яздоний далолати била икки кечаю кундузда қатъ қилиб, Чурукработ отлиғ манзила ул фирорий бўлгон муонидларнинг ақабидин қазойи осмоний ва балойи ногаҳоний ёнглиғ етушуб, бирка ичида қолгон балиқдек атрофу жавонибин чарка игириб қободилар ва сапахдорлар улчаким инсоният лозимидурур, мурувват ва шафқат юзидин насойиҳи мушфиқона ва васоёйи муҳиббона била элчи йибордиларким, аларни инод ва фасод йўлидин қайтаруб, салоҳ ва садод сарманзилиға бошқарғай. Чун элчи Ойдўстбий қошиға бориб, саркардалар сўзинким, маҳзи муруввадин эрди, баён қилди. Ул мутакаббири давлат баргашта ва мағрури ғафлат сиришта бовужуди сипоҳи қиёмат дастгоҳнинг вусулин мушоҳада қилдилар ва муомалалари

ҳусулин билдилар, элчининг сўзиға қулоқ солмай, фарқи нахват ва қуввати анонияти мутаҳаррик ва мутаҳаттик бўлуб, тамарруд ва иноди такаббур ва фасоди исрорий изҳорида ўз аъвон ва ансори ва гуруҳи касофат пажуҳиға эътимод ва эътизод қилиб, ҳамул мавзеъда курон ясаб, ҳамул курони ҳисни ҳасин ва қалъаи матин соиниб, ул ғаддори бадкирдор жадал ва пайкор умуриға бел боғлаб, тўрт тарафиға қодирандоз мерганлар тайин этиб, милтуқ уни дин адам байъатин ахбор ва ул ахборни исрор тариқи била такрор қилди. Чун иқбол аҳли кўрдиларким, ул гуруҳи залолатмаолнинг дийдаи андешасиға нохунаи гурур пайдо бўлуб, бефуруғ ва бенур ва итоати роҳи ростидин юз манзилдурур, қилмишдурур. Насиҳат ва мулойимат аларға суд ва мутобаат майли алардин асло вужуд тутмоғусидурур...

Ложарам умаро роӣнул тойнфаи накбатосорнинг қалъ ва қамати ихтиёр қилиб, шужаъойи соҳиб иқтидор ва сипоҳи жалодатосорға буюрдилар, то муҳораба оҳангин тузуб, мужодала қонунин муонидларға кўргузгайлар. Чун жонбоз мужоҳидлар ва сарандоз муҳориблар, сипаҳдорлар ишоратиға мубодират кўргузуб, камоли ситез била отларига маҳмиз бериб, аъдойи давлатнинг тўрт тарафидин жилаврез ва қаҳр-омиз-от солишиб, мардона савошлар ва далирона талашлар русумин зуҳурға еткурур эрдилар. Ногоҳ ул ғавго ва алоло ҳангомасида лашкари шижоатасардин икки кишиға тақдир камондори шастидин қазо ўқи коргар тегиб, жинон гулшани жонибиға равон бўлуб, қасри амбарсиришт садрида макон тутди. Чун бу воқеаи ҳойила мушоҳадаси тундбодидин шужаъойи кинагузорнинг оташи жалодати ва нойираи саромати муштаъил ва мултаҳиб бўлуб, ҳамалоти далирона ва садамати шерона била ҳар тарафдин суронлар солиб, ғалабан тамом била аъдойи давлат баргашта куронлариға кириб, ғазаб тифининг суйидин ажал лабташнаси бўлгон муфсидларни сероб ва хонумонин хароб қилдилар ва вужуди касофат намудларин фано уқубатгоҳиға йибориб, бақо мулкидин нобуд ва ноёб этдилар. Ой дўстбийи шарорат тахмирни тутуб, ҳукми тақдир била пойибанди занжир этиб, жамеъи аёл ва атфолин асир ва борча ашъ ва амволин дастгир қилиб, мақсад ҳусули бодасидин маст ва мурод вусули гулчеҳрасиға пайваст бўлдилар. Ва тиги обдорлари дамидин ул гуруҳи шароратшиордин жондоре ва дайёре тирик қутула олмади. Магар уч кишиким бири қўли доғли тийрасидин Қувонч баҳодир ва икки-

си хандақли уругидин Нафас ва Душимқаро эрдилар, алар ул ошуб ҳангомасида ҳар қайси бир тарафга қочиб овора-лиғ зовиясида беному нишон бўлуб, ул маҳлакадин халос-лиқ топдилар.

Чун офтоби оламтоб шаҳсувори сипеҳр арсасидин зиё черикин суруб, мағриб марҳаласиға еткуруб, фароғатгузин бўлубдурур ва сипоҳи нусратпаноҳ ҳамул кеча ул манзилда истироҳат кўргузуб, беҳжат ва нишошат оҳангин туздилар. Чун субҳи содиқ аламдори меҳри мунир роятин кўтариб, маҳчай мусаффоси ламаётотидин тоғу туз фазосиға зиё еткурди ва саҳар муҳассили кавокиб асирларин сипеҳр маҳбасидин адам жодасиға сурди, умаройи олимқдор ва кубаройи соҳибихтиёр иттифоқ била мурожаат тариқиға оёқ қўюб, жамеъи усарони илгари сурдилар. Ва ул шаририн залолат тахмир, яъни Ойдўстбийи пуртазвирким, ҳавойи афсар ва орзуи сарир онинг бемағз бошиға йўл топиб, ул хаёли хом шамотидин мундоқ воқеаи ҳойилаға боис бўлуб, сипоҳ аҳли қўлида асир ва дастгир эрди, вужуди касофатпарварининг асари ўзга кишиға етмасун деб, ханжари буррон била бошини шам учидек кесиб, ҳаёти машъаласин ўчурдилар ва жисми қафасидин руҳи қушин учурдилар...

Чун умаройи зафардастгоҳ ул муфсиди чеҳрасиёҳнинг бошин даргоҳи олам паноҳ атабасиға туҳфа қилмоқ учун олиб, суръати тамом била қатъи масофат қилиб, иноқ ва қўшбегиға қўшулуб, тенгри таоло ҳимояти паноҳида солиман ва гониман етти кечау кундуз қатъи манозил қилиб, дорилхилофай Хивақға дохил бўлуб, ҳазрати соҳибқирони мағфиратнишоннинг остони давлат посбони мулозаматиға етиб, иштиёқрасида хотирларин дийдори хуршиди анвор висоли била комёб ва фиरोқдида дийдаларин рухсори файзосор иттисоли била шодоб қилдилар. Ва ул ҳазрат ҳамул кун камолли беҳжат ва гояти масарратдин гул ёнглиғ хандонлиғ кўргузуб, саховат тахтиға чиқиб, қарам папжасин абри найсондек ҳаракатға киргузуб, зарафшонлиғлар била амри беназир Муҳаммадназар иноқ ва Муҳаммадризо қўшбеги бошлиғ борча умаройи номдорни сипоҳи нусратшиор била назари анвар пешгоҳиға ундаб, муродлари этагин сийму зар кони ва мақсудлари яқосин дурру гавҳар макони қилди ва ҳар қайсиға подшоҳона отифатлар ва мулукона хилъатлар ва тилло пичоқлар ва сарсархиром тўпчоқлар ва шамшири обдорлар ва зарринкамар жилавдорлар инъоми била мумтоз ва сарафрозлиқлар бағишлади.

**СОРУҚ УЛУСИНИНГ ИЗҲОРИ ИНОД ҚИЛИБ, СОАТҚУЛИ
САРДОРНИ АТБОЪ ВА МУЛОЗИМЛАРИ БИЛА ҚАТЛҒА
ЕТКУРГАНИ ВА АБДУРАҲМОН ХАЛИФА БОШЛИҒ БАЪЗИ
ЭЛНИНГ УЛ МУФСИДИ БАДКЕШЛАРГА МУТОБЕЪАТ
КУРГУЗМАЙ, ҲАШАМЛАРИН АЛАР АТРОФИДИН ЙИРОҚ
СУРГАНИ ВА МАЗКУР ХАЛИФАНИНГ МАЗБУР ЭЛ
ЖОНИБИДИН ИЗҲОРИ СИДҚ ВА ИХЛОС ҚИЛИБ, ЭЛЧИ
ЙУСУНЛУҚ ҲАЗРАТИ ХОНИ МАҒФУРНИНГ ДАРҒОҲИ
ОЛАМПАНОҲИЙ ОСТОНАСИҒА ЕТКОНИ ВА УЛ
МУТАМАРРИДИ ШАРОРАТМАОЛЛАРНИНГ АФЪОЛИ
ЗАМИМА ВА ЭЪМОЛИ ҚАБИҲАСИН ТАФСИЛ БИЛА
ШАРҲ ЭТКОНИ**

Чун тарокима тавойифидин соруқ жамоасиким, диноати зотда мустасно ва разолати сифатда ангуштнамо ва номардлик сифати била мавсуф ва ҳаромийлиқда бани одам орасида машҳур ва маъруфдурурлар, ирқи шароратлари ҳаракатга кириб, ул жамоаи залолат маосирнинг кадхудо ва ақобиридин қонли бош Раҳмонбердибой ва бойрож Маҳмудбек ва Қурткелди ва Ибодулла ва Алишоҳ ва Устогул ва Саидбек ва қўйчи мулла Оллоберди ва Амин сардор ва Навбат баҳодир ва Жувонмард сардор ва Авазмурод сўфи ва бадонак Нурхожа ва Бардишбек ва қизил Сухбатбек ва сувуқти Аваз қаровулким, гурур ва наҳват жомидин масти такаббур ва накбат қайдиға побаст бўлиб, ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг қалодаи итоатидин бўюн тўлғоб, мухолафат яқосидин муонадат бошин чиқарибдурурлар ва ўзлариға бир неча авбоши бадмаош ва бебок саффоқниким, не зоҳирларида имон анворидин асар, не ботинларида ислом асроридин хабар, куфр алар қошида исломдин афзал ва ширк алар кўнглиға имондин акмал эрди, изҳори исён ва исрори куфрон қилмоқда муттафиқ ва ҳамдостон қилиб ва гуруҳи залолат пажух иттифоқи била қави ва мустазҳар бўлуб, Саотқули сардорким, хони жаннатмакон Муҳаммадраҳим баҳодирхоннинг айёмидин ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг замони саодатфаржомиғача ул ҳазратнинг алтофи подшоҳонаси онинг ҳолиға шомил бўлуб, наёбатан Марв вилоятининг ҳокими ҳукмрони ва ул вилоят улусининг барча офат ва балиётдин ҳорис ва посбони эрди, камоли адоватдин ул бегуноҳнинг қатлиға жозим бўлуб, ўз маҳзум ва валинеъматининг риояти ҳуқуқидин оқибатбинлик кўзин юмдилар ва вақоҳат қўлин шамотат остинидин чиқориб, ва қабоҳат қиличин разолат қинидан суғуруб, қазойи

ногаҳон ёнглиғ хабарсиз онинг устига қуюлуб, олти нафар навкари била қатлга еткуруб, ул бечоралар қонидин ул маконни арғувоннишон, балки ер юзин фазойи гулистон қилдилар. Андоқким фалаки асирнинг жаллоди бераҳми алар ҳолига риққат пайдо қилиб, энгнига мотам либосин кийди. Чун муонидларнинг бу ёнглиғ афъоли шаниъасининг ахбори малолатмаоликим, ул жамоанинг имсолидин матмуъ ва масмуъ эрмас эрди, соҳибқирони фирдавсмаконнинг самъи ҳумоҳнига етушди ва бу хабари вақоҳат асарнинг истимоидин ул ҳазратнинг силсилаи ғазоби мутаҳаррик ва арақи ҳамияти мутаҳаттик бўлуб, ул амрни иқтизо қилдиким, ўз нафси нафиси била риютафроси наҳзат ва қадамандози азимат бўлғай ва лашкари селасар вуруди била муфсидларни ғарқоби тўфони бало ва суюфи зафари жавҳар ишорати билан муонидларни маҳруқи нийрони фано қилғай, токим ул осийлар ҳоли одам хайлига мўжиби ибрат ва олам аҳлига сабаби ваҳшат бўлуб, то қиёмат қиёматгача ҳечким ўз ҳаддин тажовуз қилиб, муонадат жайбиндин мухолифат бошин чиқара олмағай. Аммо аввал ҳазратнинг ҳиммати олий наҳмати иқтизойи азиматиға домангир бўлуб қўймадиким, ул гуруҳи бемиқдорнинг тадмир ва истесоли учун ливоафроси азимат бўлуб, лашкари маҳшарасарни ҳаракатға киргузғай. Чун ул ҳаракатдин сукунатни ихтиёр қилиб, фуқаро адлу доди ва мамлакат муҳиммоти саранжомиға иштиғол кўргузмакни аҳамм ва авло кўруб, аркони давлат ва арбоби машваратға боқиб, каломи лутфомиз ва алфози шакаррез била бу навъ такаллум таронасин туздиким, ул жамоайи фасодангизнинг итоат ва иноди, балки вужуди адами ҳиммати саодат тавомимиз оллида баробардурур ва сипоҳи нусратпаноҳнинг тасдеъ ва тараддудиға арзимас. Ҳоло аларнинг ақли кўзи ғафлат уйқуси била маст ва идроклари аёқи накбат занжириға вобастдурур. Шоядким сўнгроқ бахтлари ёр ва толеълари мададкор бўлуб, ҳидоят саҳарининг насими аларни оғир уйқудин бедор ва надомати Хизрийнинг далолати ҳамул гирифтормлиғдин раҳо ва бекор қилғай, ва бу даргоҳи сипеҳр иштибоҳғаким, жаҳон аҳлининг малжо ва паноҳидурур, итоат ва убудият ҳабли матинин надомат ва пушаймонлиғ бўйниға маҳқам қилиб, қилғон гуноҳлариға афв талаб қилиб, охируламр эътизор ва инкисор тухфаси била келгусидурурлар. Ва лекин... вақтиға мавқуфдурур, деб камоли тамкин била қаҳру ғазаб шиддатиға таскин берди. Бу ҳол асносидаким, раббулавалл ойининг ғурраси эрди, Сулаймон мажлисиға

худхуд восил бўлгондек, ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг остони қудсий нишонига... Абдурахмон эшонким, ҳазрати шайхулисоми шаҳиднинг халифа ва нойиби маноби эрди ва Марв вилоятида хилватгузин ва сажходанишин бўлуб, толиблар иршодиға машғул эрди. Садоқатасар, некусияр қози Муҳаммадназар ва Мулла Ҳақиким, буларнинг ҳар бири ўзларига ул ҳазратнинг даргоҳи олампаҳоҳин барча офатдин омонсақларға ҳисори ҳасин соғиниб, тоатдорлиғ ва фармонбардорлиғ жодайи мустақимида собитқадам эрдилар. Алар инкисор ва умидворлиғлар бида келиб, шарафандузи тақбили бисот бўлдилар ва дуойи ижобатасар ва санойи сароят самар лавозими адосидин сўнг арбоби фасод ва асҳоби иноднинг воқеаи ҳолот ва афъоли шамотат симотларин бу ёнлиғ арз қилдиларким, чун Амин сардори ноустувор бошлиғ ул гуруҳи нобакорнинг аъвон ва ансори мухолафат амрида муттафиқ бўлуб, муонадат шамширин насиҳат ниёмидин чиқориб, футуввати шахсий қонин тўккандек ўз обрўйларин қаро туфроқға тўкуб, Сотқули сардор бошлиғ бир неча бегуноҳлар қатлиға иқдом ва шаҳодатларига аҳтимом кўргузуб, қонларин қаро ерга ҳадар ва жасадларин бесар қилдилар ва икки жаҳон юз қаролиғин бўюнларига олиб, бесабот ва бевасарлиғда барча олам оро Шемр бўлдилар...

Бас, иттифоқ бида ул гумроҳи шарорат интибоҳлар Марв қалъасин ҳаводис тирборонидин ўзларига паноҳ ва фитна тўфонидин ҳазрати Нуҳнинг пурфутуҳ киштисидек мақоми ами ва оромгоҳ хаёл қилиб, аёл ва атфол, ашё ва амволи бида роҳат саҳросидин кўчуб, ул қалъанинг пурмеҳнат тангносиға кирдилар. Ҳар тарафдин захойир ва нафақот тошиб аёл ва атфоллари тафаққудоти учун чоғдовул ва талоя чиқариб, кинайи қадимий этёниға ҳиммат ва адовати жибиллий изҳориға рағбат кўргузуб, қалъа истеҳкомиға аҳтимод қилиб, асбоби ҳарб таҳиясиға камоянбағи саъю кўшиш қилдилар. Ва ҳар фарду афроди ўзин шижоату муборазатда Рустами Достондин афзал ва Сому Наримондин акмал санаб, энгинларига жавшан ва қўлларига найза ва белларига қилич ҳамойил қилиб, ул қалъанинг ҳиросат ва инзи, ботиға якзабон ва якдил бўлдилар. Аммо хотири шақоват маосирларига руъб ва ҳарос истило топиб алхонину хояфун ҳадиси муқтазоси бида қилгон исён ва зуҳурға еткурган туғёнларидинким, подоши ҳазрати соҳибқирони Сулаймон маконнинг қаҳри қиличининг зарбати ва ғазаби ўтининг ҳиддатидирир, камоли изтирор ва изтироб бида залолат

кўчасининг кунжида мажмаъ тузуб, банотун-наъшдек паршонҳоллиқ била ҳар ким бир тарафдин келиб, Парвин масаллик ҳужум қилиб, иттифоқ била ўлтуруб кенгаштилар. Чун маслаҳатларининг муддати мадид ва тафаккурларининг аҳди баид бўлди. Охируламр тули амал ва фикри саропо халал баҳри амиқига чўмуб, муҳол хаёллар гирдобиди шиноварлик расми била тараддуд ва изтироб қилиб, чоран ҳол соҳилига ета олмай, нажот умиди била ҳар хасу хошокга қўл узатиб... иттифоқ била Бухоро волийси Баҳодирхоннинг давлатига эътимод қилиб, онинг мулозаматин ихтиёр қилмоқга қарор бердилар. Ул бадкеш муонидларнинг дурандеш ақобиридин Раҳмонбердибой ва Маҳмуд тўқсоба ва Устагул бошлиғ бу райин кудурат намойиға барча элни тарғиб ва таҳрис қилиб, иттифоқ била ўттуз нафар соруқи жаҳолат асарни элчи ясаб, пешкаш ва таҳойифларин ажноси латойиф ва ашён заройифдин муҳайё ва омода қилиб ва ўзларин бойирий навкар ва қадимий чокарлар қаторидин санаб, изҳори сидқу ихлос била бир арзадошт битиб, элчилар била ирсол қилдилар. Ва бу мазмунни адо қилдилар, ким: «Хоразм подшоҳининг авотифи бекарона ва аворифи бебаҳонасидин ўтуб, онинг фармонбардорлиқ ва хизматкорлиғи тариқидин қадам тортиб, ул ҳазратнинг имдод ва илтифотларига эътиқод ва эътимод қилиб, Марв вилоятининг ҳисни ҳасин, қалъаи матиниғаким, бағоят маҳкам ва мустаҳкамдурур, қаболибмиз. Энди то баданда қувват ва жонда қудрат боқийдурур, ному нанг русумин муҳмали ғайрат ва ҳамият қавоидин маътал қўймай, қўлимиздин келганча пайкор ва корзор маросимиға иқдом кўргузуб, мардона кўшишлар қавоидин зуҳурга еткургумиздурур». Бу мазмун била элчилар Марв ўлкасидин чиқиб, йўлчилар тариқасида Бухоро жонибиға юз қўйдилар ва манозили му-такассира ва мароҳили мутааддидани қадами иштиёқ била пайдарпай тай қилиб, Бухоро подшоҳи остониға нозил ва ул остон мулозимлари воситаси била ҳамул подшоҳ мулоқотиға восил бўлуб, олиб борғон пешкаш ва туҳфот, ҳадия ва савғотларин бир-бир назариға арз қилиб, кадхудоларининг пайгоми шамотат илтизомларин инкисори тамом била баёнға еткурдилар. Чун волийи мазкур ул майғомға қулоқ солиб, мазмуни кайфиятиға иттилоъ топғач, суфароға дилжўйлиғ ва ҳушгўлик саҳбосидин фараҳ ва хушдиллик бағишлаб, эъзоз ва икром била маскани хуш ва мақоми дилкашға йбориб, улфот ва марсумотларин тайин этди. Чун элчилар бир неча муддат ҳамул масканда тавақ-

қуф қилдилар, охируламр ёр ва диёрининг фироқи озори,
хавф ва изтирорининг хорхориға чидаслмай, волийи маз-
курға мукарратан арз қилиб, бу байт таронасиға мутаран-
нум бўлдиларким, байт:

Эй, ки топмишсен диёру кишваринг ичра фароғ,

Билмамишсен недурур маҳжурларга дарду доғ.

Подшоҳ мазкур аркони давлатға элчилар аҳволи кай-
фиятин тақрир қилиб, машварат йўсунида маслаҳат тилади
ва ул жамоанинг ҳар бири ўз фаҳмиға лойиқ бир сўзни
подшоҳ хитобиға мувофиқ жавоб англоб айтдилар. Аммо
ҳеч қайсининг сўзи подшоҳ ройиға мутобиқ тушмади; то
Ўткур қўшбегининг халафи номдори Ҳақимбий қўшбег-
ким, абаонан-жадд мазкур подшоҳға хизматкори комил ва
жонсипори яқдил эрди, мундоғ жавоби шофий ва маслаҳа-
ти вофий тақаллумиға мутақаллим бўлдиким: «Соруқ жа-
мъасиким, бевафолиқ аларға жибилий ва беҳаёлиқ аларға
аризидурур, Хоразм подшоҳидин бовужуди ниҳоятсиз бах-
шиш ва ато ва ғоятсиз қарам ва сахо кўруб, онинг подоши-
ға мунча хиёнат ва кўрнамакликлар фош қилибдурур.
Маълум бўлуркум, ҳеч кимга вафо қилмағусидурур. Ва
қўлларидин номардлик ва жафодин ўзга ҳеч иш келмагу-
сидурур. Ҳар ким аларнинг қудуратасар сўзларин бовар
қилиб, ул жамоаға ионат еткурса, куч била ўз бошиға офат
келтурмак ва дўстларни душман қилмоқнинг аломатидурур.
Маснавий:

Эътимод этма бевафо сўзига,

Дўстлиғ бирла боқмагил юзига.

Шум эрур ҳайъатию дийдори,

Майл кўргузмагил онинг сори.

Кимки майшумға назар қилгой,

Урса ҳар ишга қўл, зарар қилгай.

Соруқ халқининг ашрори шароратшиорининг ақволи
ноэътибор ва гуфтори касофат осориға аноният Хоразм
мамоликининг ҳукмрони Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон
бўйлаким неча йилдин бери ораларингизда дўстлиғ ва як-
жиҳатлик биноси мушайяд ва мустаҳкамдурур ва ул дўст-
лиғ кайфияти юмнидин жамеъи фуқаро ва бароё мураф-
фаҳулҳол ва форуғбол бўлуб, ҳузури тамом била маишат
қилурлар. Кудурат ва хусумат пайдо қилмоқ ақлдан бағоят
узоқ ва дурбинликдин йироқдурур...»

Чун Бухоро волийси Баҳодирхонга ҳамул вазири беназир, сойиб тадбирнинг сидқ осор сўзи мақбул ва мустаҳсан гушуб, элчиларга навъи мулоимат била сўзлар айтиб, кўнгуллари хуш ва қоматларин хилъатпўш қилиб рухсат берди. Аммо кўмак ва бадрақа йибормакга фурсат тилади. Чун соруқлар билдиларким, хаёллари ойинасига боғлонгон нақшларининг акси жилвагар бўлуб, муродлари шоҳиди нокомлиғ пардасида юз ёшурди. Лоилож Бухородин қайтиб, яъсу ҳирмон била арбоби хизлон орасига келиб, иқболларининг шамъи идбори сарсари шиддатидин бефуруғ бўлгонин билиб, иттифоқ била Марв ҳисориғаким, рифъатда ваҳм каманди онинг хокрези уружидин қосир ва ҳисонатда хаёл тўпи гулўласи онинг хандақининг канориға етмаслиғ пур зоҳир эрди, қаболиб, қалъа деворин ўзлариға барча офотдин паноҳ англаб, мухолафат ва муонадат байдокўн баланд кўтардилар...

Чун халифаи мазкур соруқлар аҳволидин бу навъ қиссахон бўлгондин сўнг, ўз ҳоли воқеотин мундоқ баён қилдиким: «Чун ул гуруҳи залолат нишон, фитна ва фасод хайлиға Марв қўргонин макон қилдилар ва остони сипеҳр-посбон мулозамати давлатидин кўз юмдилар. Аммо бу гуломи ақидатфаржомға шарият муҳаббати ёр ва тариқат шарофати мададкор бўлуб, арбоби залолатға мутобеат қўргузмай, бу даргоҳи олампаноҳнинг итоат ва убудиятида росихдам, собитқадам тургон элларга бош бўлуб, аёл ва атфол, ашё ва амволимизни алар орасидин айириб чиқордуқ ва ул муфсидлар шарорати касофатидин қўрқуб, така улусиким, итоат русуми алардин ҳувайдо ва садоқат қавонди алардин пайдодурур, ул эл аҳшомиким Авлиёли тўпада эрди, анга қарийб элителиб қўндурдуқ. Ул ерга жамъ бўлгон икки минг чоғлиқ элотдурурлар ва борчаси бу остонаи саодат нишона мулозаматиға бел боғлаб, амнияти жовидона давлатин топдилар. Чун ул офат ибтилосидин қутулуб, мунингдек роҳат фазосиға чиқдилар, бу давлат шукронаси учун изҳори сидқ ва ихлос қилиб, бу фақирни бу даргоҳ атабабўслиқиға ирсол қилдилар. Андоққим бу остони жабҳасолиқидин кўзимизга нур ва кўнглумизга сурур етушти».

Чун мазкур халифа воқеа арзи тақририн ва ҳодиса изҳори таҳририн ниҳоятга еткурди, таъзими тамом била ружуъил-қаҳқари муовадат қилди ва ишорати воло мўжиби била атабаи аъло ходимлари мазкур халифани ҳамроҳлари била меҳмонхонаи дилкушоға элтиб, мезбонлиғ маро-

симиға қиём кўргуздилар ва ҳамул ҳангомда Охалота атрофида мутамаққин бўлиб ўлтурғон така улуси акобиридин ихлосшиор Хонсоат сардор остонбўслиғ шарафиға мушарраф бўлиб, Хуросон мамоликининг баъзи ҳоқимларининг зиёдасарлик қилиб, навъи таадди еткурғонидин нурқа суруб, қасос ва подош илтимос қилди ва ул ҳазрат марҳаматидин фараҳи беқиёсга восил бўлди.

ШАҲЗОДА РАҲМОНҚУЛИ ТУРАНИНГ ХУРОСОН РАФЪАСИ ҚАСДИҒА ИККИЛАНЧИ НАВБАТ ЛАШКАРИ СЕЛАСАР БИЛА АЗИМАТ ЭТГАНИ ВА СОРУҚ МУОНИДЛАРИНИНГ ТАНБИҲ ВА ГУШМОЛИН ДОҒИ ИЛТИЗОМ ҚИЛИБ, КАВКАБАЙИ ТАМОМ БИЛА МАРВ ВИЛОЯТИҒА ЭТГАНИ

Чун, ҳазрати султон... фармони мўжиби била Жайҳун қироғида Чотли отлиғ бешаға ул миқдор сипоҳи нусратшиор ва лашкари зафаросар фавж-фавж атроф мамоликидин келиб ижтимоъ топдиларким, сумми сутур ғуборидин офтоби жаҳонтоб юзига пардаи қийргун ёпдилар. Ва ул масобада издиҳом кўргуздиларким, фалак фазасиға ғулла етқуриб, ер ажзосин зилзилаға киргуздилар.

Маснавий:

Жамъ ўлуб ондоқ сипоҳи бекарон,
Не ҳад онго заҳир ўзуб, не карон.

Ҳар бири бир Рустами Достон киби,
Ев кўйинда Сому Наримон киби,

Бори шужоъу бори эрди далер,
Арсаи разм ичра бори нарра шер.

Ҳар бири гар айласа заҳир ситез,
Ваҳмидин Элбурз бўлур рез-рез.

Топса боре размни майдон аро,
Базмдин афзал билур айвон аро.

Чун бу мазкур бўлғон черик мазбур бўлғон бешаға йиғнолдилар, ул ҳазрат умаройи давлатмаоб ва мулозими садоқат интисобларнинг ҳамрикоблиғи била доруссалтанан Хивақдин озим бўлди ва сайру шикор тариқаси била ман-

зил ба манзил тамошо қилиб, саропардайи муаллосиким, фармони мўжиби била аввалроқ мазкур бўлгон беша фазо-сида барпо қилилиб эрди, кавкабаи тамом била бориб маъво ва баҳори нузули била ҳамул бешани боғи эрамдек тароватафзо қилдилар. Йигнолгон черикдин бир гуруҳи анбуҳни қуллар саркардаси Аваз юзбошига қўшуб, Хонсоат сардорким, Хуросон хонлари тааддисидин шикоят қилиб, ул ҳазратдин кўмак тилаб келиб эрди, ва андоқким юқорироқ мазкур бўлди, онинг била ҳамроҳ қилиб Охалга йиборди.

Чун ҳамул йил, яъни тарихи ҳижрия минг икки юз қирқ учда тўнгуз йили рабиуливал ойининг салхида ул ҳазрат жамеъи мужтамеъ бўлгон сипоҳи нусратпаноҳ ва лашкари зафар дастгоҳга ўзининг биродари айни шаҳзода Раҳмонқули тўраниким нируйи шижоат, бозуи ҳиммат била ақтори оламга иштиҳор топмиш эрди, ўз тарафидин нойиб ва сипаҳсолар қилиб, куффори бадкирдор ғазотиға номзад қилиб, сориқ саркашлари насиҳатиға ҳам буюрди. Ва умаройи фалак рифъат ва шужаойи Баҳром Садамат гуруҳидин шифоат нишон зафар иқтирон Султонхон ва Олошбий ва Суюнбий ва Дўсимбий ва Муҳаммадниёз ясовулбоши ва Ниёзмуҳаммад юзбоши ва ямут акобиридин Қоқа сардор ва ямрали иозимидин Оди вакилни ўзлариға мутааллиқ навкарлари била шаҳзода мулозаматиға таъйин этди. Абдурахмон халифаким, соруқлар иноди хабарин келтуриб эрди, ондоқким собиқан мазкур бўлди, анга ул гуруҳи залолат интимо учун истимолатнома топшуриб, шаҳзода ҳамроҳлиғиға амр қилди. Чун рабиуссоний ойининг йигирма бешида чаҳоршанба куни шаҳзода бошлиғ умаройи маъмур ул ҳазратдин фотиҳа олиб, мақсад тарафиға озим ва йўл азиматиға жозим бўлиб, қатъи манозилдин сўнг жумъа куни Дорғонота алайҳирраҳманиннг жавориға ворид бўлди ва ул остони қудси нишон мужовирлариға нузуроти фаровон йибориб ва авлиё арвоҳиға садақот ўткориб, имдод ва истионат тилади. Якшанба куни ул мавзеъдин ливоафроси наҳзат бўлуб таййи мароҳилдин сўнг Қабоқли бешасиким, Тахт йўлининг муҳозисидур, муаскари асокири мансур қилиб, қудуми шарофат лузуми сирояти била гулшани тироз ва барча манозилдин мумтозлиғ бағишлади. Ул ҳазрат доғи шаҳзодалиғи била бориб, Дорғон атони зиёрат қилиб, сайдандозлиғ тариқаси била қайтди. Ва сешанба куни шаҳзодаи Жамшед базм Ҳафтреги Хоразм азимати асбобин тузуб,

панжшанба кунн Қабоқлидин наҳзат аламин жилваға киргузуб, бодпойн бодияпаймоға рукуб қилиб, ул биёбони бепоен қатъиға ҳиммат қадамин кўюб, жумъа кунн Тахт мавзеиға нузул қилиб, истироҳат кўргузди. Онда лашкари зафарпарвар ва сипоҳи қиёмат асарнинг жувонгор ва буронгор ва монглой ва соқаси йигнолсун деб, уч кун таваққуф кўргузуб, тўртланчи куниким, душанба эрди, масофат қатъиға саманди барқ суръат суруб, чаҳоршанба кунн Ёнтоқли мавзеиға афвожи баҳр амвож била нузул қилиб, қадами саодаттавом файзидин сероб ва комёблиқ еткурди. Ва ул манзилдин Абдураҳмон халифани ижозат бериб, сориқлар жонибиға йиборди ва ул манзилдин азиатпаймо ва мароҳилоро бўлуб, жумъа кунн хуршиди дурашхон машриқ марҳаласидин тобон бўлгондек лашкари бекарон била бориб Қаротўпа отлиғ манзилда макон тутди. Ондин аъломи нусратфаржомни ҳаракатға киргузуб, дабдабаи ҳайратафзо ва кавқабани ғаробат иншо била азиат оҳангин тузуб, душанба кунн сипоҳи маҳшар шукуҳ ва асокири зафарпажуқ ҳамъинонлиғи била Авлиёлитўпаниким, Марв дарёсининг шарқий жонибида воқеъдурур, ворид бўлиб муаскари асокири мавфур ва маскани аъломи мансур қилди. Ул манзили майманатнишонда шаҳзодаи муалломакон така жамоасидин Бобосори ва ямроли Оқтиш баҳодир ва оқ уйлук соруқлардин Жоналибек ва Оғаниёзбекни остони давлат посбониға ундаб, элчи йўсулиғ соруқ муонидлари орасиға ирсол қилди, токим мавоизи муқбилона ва насойиҳи мушфиқона, насойими пардаруболиқи била аларнинг кўнгуллари чеҳрасидин шарорат ва кудрат ниқобин кўтаргайлар ва зуҳурга еткургон саҳву исёнлари жаройидиға тағофил хати чекилиб, онинг баробарида афву эҳсон ваъдаси қилилмоқни идроклари қулоқиға лисони муволифатбаён била еткургайлар. Чун суфаройи комил ҳамул мазмунға ҳомил бўлиб, сафорат йўлиға азимат қилиб, соруқлар кўргониға яқин етдилар, қалъа аҳлининг кадхудо ва оқсоқоллари хуррам ва хушҳоллик била истиқболиға чиқиб, баҳор човушлари гул меҳмонин сабзанинг зумуррадгун бисоти узра тушургондек, нишоти тамом била иззат фарши устига тушуриб, шодмонлиғ била мезбонлиғ маросимиға иштиғол кўргузуб, аларнинг қудумин яхши ҳол нишонаси билдилар. Назм:

Агар меҳмон санго бўлса муяссар,
Анго жонинг уйини эт муқаррар.

Чу меҳмон дўстингдир, хоҳ душман,
Очуқ юзликнию иззатни қил фан.

Чун меҳмоннавозлик эъзози шуғлидин фориғ бўлдилар, ул жамоанинг улуғ ва кичиги ҳайъати ижтимоъ била ҳужум қилиб, бовужуд кина ва ниқор элчиларнинг бу навъ беваҳму беизтироп келгонларидин мундоқ истифсор қилдиларким, назм:

Эй гуруҳи хушманду муҳтарам,
Бу тарафга қўйдингиз невчун қадам?
Айтингиз ҳар на Ҳса гуфторингиз,
Зоҳир айланг мақсаду асрорингиз.
Бу келишда бор эрур сизга бир иш,
Ким бир ишдин холи эрмас бу келиш.

Элчилар шаҳзодаи гардун мақомнинг пайғоми хўжас-ти фаржоминким, бошдин аёқ марҳамат ва муволифат румумининг эҳтимоми эрди, бекаму кост ростлиғ тили била баён ва барча махфий румузин олар олдида аён қилдилар. Ондин сўнгра бу ёнглиғ насойиҳ такаллумига мутакаллим ва бу навъ мувоиз тараннумига мутаранним бўлдилар.

Маснавий:

Эй қавми жафошиори бадкеш,
Иблис сифату залолат андеш.

Нахват майи бирла маст ўлубсиз,
Йўқ мастки худпараст ўлубсиз.

Тарк айлангиз ушбу иддаони,
Куч бирла кетурмангиз балони,

Давлатга бор эрсангиз талабгор,
Тарк айлангиз орзуйи пайкор.

Билкулл қўюбон мухолифатни
Изҳор этингиз мутобаатни.

Йўқ бок агар ўлса сизда исён,
Инсон иши келди саҳву нисъён.

Шаҳзоданинг олдиға юрунлар,
Хоки қадамиға юз урунлар.

Ҳар журмки, сиздин ўлса содир,
Айланг онга узру тавба зоҳир.

Исён агар ўлса сизда юз лак,
Авф айлагуси борини бешак.

Балким қилиб истиноу эъвоз,
Олам аро айлағай сарафроз...

СОРУҚ УЛУСНИНГ УЗ-УЗИ БИЛА МУХОЛАФАТ КЎРГУЗМАГИНИНГ БАЕНИ ВА АЛАРНИНГ АФЪОЛИ КАСОФАТМАОЛИДИН ЗУҲУРҒА ЕТГАН БАЪЗИ ВАҚОЕЪНИНГ ДОСТОНИ

Чун шаҳзодаи волотабор Марв диёридин кўчуб Даригиз куффорининг элу аҳшомин ўз комича тор-мор қилиб, Хоразми жаннат базм жонибиға қайтди, ул воқеадин ўттуз кун инқизосидан сўнгким, шаъбон ойининг зиёси жаҳон фазосига партавандоз бўлуб эрди, қазо ҳукмининг муқтазоси билан Марв қалъасида ижтимоъ қилгон соруқларнинг риштаи мувофақати сарпанжаи мухолафатдан узулиб ва кошонаи жамъиятининг биноси паришонлиғ сели латмасидин бузулди. Бу мақол тавзеҳи улким, ул жамоадин сувукти халқининг акобиридин қози Илёс ва Муллаберди ва Мулла Мурод ва Бобо қарсончи ва Давлат Дурди ва бойрож эли иозимидин Маҳмуд тўқсоба ва қурт Келди ва Ибодиллабек ва Муродбек ва бадонак Нурхўжа ва Бардишбек ҳазрати соҳибқирони мағфиратнишоннинг қаҳру ғазаби салобатидинким, душман ҳайлиға жонгудоз ва инод аҳлиға хона барандоз эрди, ваҳму андеша қилиб, хусрони бешумор била тужжор суратида Бухоро волийси Баҳодирхон олдиға бориб, истимдод қилдилар. Ва Баҳодирхон қипчоқ Одина қаро отлиғ бир мулозиминким, онинг кўнгли сафҳасин лола яфроғидек қаро босмиш эрди, қирқ беш отлиғ била мазкур бўлгон жамоаға қўшуб, Марв вилоятиға йиборди. Чун соруқлар ҳамул қирқ беш отлиғ била Бухородин чиқиб, юз туман дағдаға овозаси била келиб, Марв дарвозасиға кирдилар,

заиф ўлгон ҳолда қавий ҳимоят топдук, деб эл орасида фахру фаҳомат бўркин ҳавоға отдилар. Бу воқеадин сўнг Абдураҳмон халифа ва қози Муҳаммадназар бошлиғ баъзи эл «Бухоро хони ҳукмиға инқиёд ва йиборган кишисиға эътимод қилмасмиз», деб иттифоқ била эл ва аҳшомларин кўчуруб, Сарахе юртиғаким, хони марҳумнинг қаламравидин эрди, кўндурдилар. Ва қалъа аҳлининг баъзиси маслаҳат қилиб, иттифоқ била ул ҳазратдин нусрат ва ёри тилаб, ва биз гумроҳларға бир мўътамад ва короғоқ кишиларин элчи қилиб йиборсун деб, Ёри шайх отлиғ мужовирни пойтахти давлат сари мусофир қилдилар.

Чун рамазонул-муборақ ойининг бешида панжшанба куниким, ҳамул кун наврўзи феруз ва сичқон йилининг гурраи фарроси ва саодат чеҳрасининг миръоти мусаффоси эрди, Ёри шайх дарбори фалакмадор атабабўслиқиға мушарраф бўлуб, нуввоби мустатоб воситаси била келтургон пайғомин масомеъи аълоға еткурди. Ул ҳазрат камоли покий тийнатидин муфсидларнинг рўйи илтимосиға дасти рад урмай, остони шаҳарнишоннинг мулозими ихлоскешларидин Бекиш халифани Ёри шайхға ёр ва Марв кишвари сори ижозат бериб, ул хизмати давлатидин баҳрабардор қилди.

Чун мазкур халифа фармони олийшон мўжиби била остони саодат нишондин чиқиб, камон шастидин чиқгон хаданги паррон ёнглиғ Ёри шайхнинг ҳамъионлиғи била манозили бепоён ва мароҳили ҳавлнишон қатъидин сўнг Марв вилоятиға бориб, сориқлар суҳбатига етти. Ул жамъи мунофақатпеша ва муонадат андишанинг мажлисида шамъдек равшан замириға аларнинг каломи фасодангиз ва маслаҳати инодомизларидин бу маъни партавафкан бўлдиким, ул гуруҳи залолат пажуҳнинг имон билан қилгон паймонларининг биноси беимонлар қавлидек суст ва муҳаббат изҳорида қилгон даъволари бошдин-оёқ нодурустдурур. Ложарам, ғайрат ўти халифа ботинидин забона тортиб, забони оташангиздин муонидлар орасида бу ёнглиғ шуъларез бўлдиким, маснавий:

Эй гуруҳи бад фиёлу кажниҳод,
Кўнглунгиздур маншан жаҳлу фасод.

Кибр ила нахват майидин мастсиз,
Риштаи ғафлат била побастсиз.

Тарк айланг беҳуда гуфторлиғ,
Касб этинг ихлос ила хушёрлиғ.

Токи қаҳри тигини Хоразмшоҳ,
Ҳолингизни қилмасун тортиб табаҳ.

Чун халифа насиҳат тариқасида тил синони била аларнинг дилу жониға захми кори еткурди, баъзи шақоватосор ва дурустгуфторлари гуфтордек ўзин маъракаоро ва суҳанпийро тутуб, халифа муқобаласида мужодала расмин тузуб, Одина қаро бошлиғ бир неча тожикни кўргузуб, дедиларким: «Инак Бухородин келган пушти паноҳимиз. Эмди ҳеч кимдин аҳтиёж ва хотирхоҳимиз йўқдурур. Назм:

Шоҳи Бухор шафқати бўлди паноҳимиз бизинг,
Энди бўла олурму ҳечким садди роҳимиз бизинг.
Шукрки, аҳтиёжимиз ҳеч кишига қолмади,
Бўлди фузун нужумдин хайлу сипоҳимиз бизинг».

Халифа муонидларнинг мақолидин не ҳол ва не хаёлда эрконларин маълум қилиб, девонавор ва ҳазлосор сўзларининг баробарида сарзанешлар била дашномомиз сўзлар айтиб, қайтмоқ ирода қилди. Баъзи оқибатандеш кадхудолари халифага муқобил бўлгонларни каломи хавфомиздурур боши била манъ қилиб, аларни девона ва ношийлиққа нисбат бериб, узрлар айтдилар ва халифа кўнглига бир навъ таскин бериб, юрт тарафиға узатдилар.

Чун халифа Марвдин чиқиб, давлат қонидининг далолати била суръат қадамин азимат жодасиға қўюб, манозили мутакассирани қатъ қилиб, атабабўслиғ шарафиға фойиз бўлуб, инод аҳлидин кўрган-эшитганларин нуввоби давлат интисоб самълариға еткурди, ул ҳазрат билдиким, тафаққудоти подшоҳона ва талаффуоти хисравона ул бедавлатларға суд қилмайдурур ва шамшири обдор суйидин ўзга шарбат ул дилхасталармасалиға фойда бермайдурур. Ложарам ул жамоайи шақоватмаолнинг танбеҳ ва гўшмолин, балки аъдом ва истесолин хотири саодаттавомиға мусаммам қилди ва раиятпарварлиқ ва мурувватгустарлик муқтазоси била Марвда ўлтурғон така улусининг ақобирларидин Чаҳорёр Қулибой ва Бобобой ва Ўрозёғликим, даргоҳи фалакмиқдорнинг жонсипор ва ихлосшиор мулозимларидин эрдилар, аларға бу мазмун била ёрлиғ йибордиким: «Агар бу даргоҳ мулозимлариға муҳаббат русумин фош

қилсангиз, соруқлар била убадешлиғ қондасин бузуб, ул бадбахтлардин мунофарат кўргузунг ва элу ҳашамингизни бир қироқға элтиб ўлтуртунг ва алар била бориш-келиш муносабатин тарк тутунг, токим ул муфсидлар шумлиғидин сиз халқнинг молингизга зарар ва жонингизга хатар етушмасун.»

Бу ёрлиғни Ашур отлиғ така била ирсол қилди.

Чун Бухоро ҳокимининг ул, нолюйиқ атвори ул ҳазратнинг замири футувватосориға мувофиқ тушмай, ул кирдори бухоридин ойинаи хотириға, филжумла ғубор етушуб онинг сидқу кизби таҳқиқи учун бу ҳангома била муҳаббатнома сабт қилдурдиким: «Хуллонул-вафо ихвонус-сафонинг хотири байзо маосириға махвий эрмасдурурким, бу тарафдин муҳаббат боғининг муволафатпарвар шажараси... истехком-густардурур ва мусодақат самарасидин якжиҳатлик мазоқи баҳравар. Бовужуди мундоқ тақарруб ва ихтисос изҳори ўзин дўстлиғ ташрифидин ори билса ва мухолафат афтин мувофақатроҳатидин таржиҳ қилса, ҳар наким ҳақ тақдиридурур, бу жонибдин доғи ғайиб ниҳонхонасини зуҳур оламида жилвагар бўлғусидурур, вассалом».

Ва ул мактубни атабаи давлатпарвар мулозимларидин садоқатҳамдам, хусусияттавом Гадоийнёз маҳрамга топшуруб дедиким: «Агар Бухоро хони зуҳурға еткурган кирдори нописандидасидин инкор қилса, айтғилким, Марвға илғор тариқасида йиборган навкарларидин қайтариб олсун. Йўқ эрса, уруш ва талош русуми фош бўлгон чоғда зоеъ ва талаф бўлса, гиламандлик ва навҳапайвандлик қилмасун».

Чун мазкур маҳрам бу навъ мардона ва далирона калимоти насойиҳсимот адосидин сўнг хуррам ва хушқол жаноҳи истеъжол билан Бухоро субиға юз урди ва ўзин ул вилоятга етқуриб, Баҳадирхоннинг кўринишиға дохил бўлуб, муҳаббатномани тил сўзи била анга топшурди. Чун ул нома мазмуниға матлаъ бўлғач, таъзими тамом ва тақрими молакалом била маҳрамни саройи олий ва жойи мутаолиға тушуруб, киши буюрди, токим анинг хизмат ва эҳтиромиға иқдом кўргузгайлар ва ўзи аркони давлат ва аъени ҳазрат ва аҳли ройни ундаб, машварат қилди. Аҳли машваратнинг иттифоқ ва маслаҳати била бир муҳаббатнома рақам қилдурубдурурким, мазмуни дўстлиқ биносининг истехкоми ва қилгон кирдорининг истеъфосиға мушъир эрди. Ул номани мазкур маҳрамға бериб ва яна кўб эъвоз ва дилнавозликлар қилиб, узр тариқасида дедиким: «Марв

вилоятига илғор йибормак бир неча зарурий ишлар жиҳотидин эрди. Гина ва кудурат тақозосидин эрмас эрди», деб, ул мазанна дафъи ва кудурат рафъи таъкиди учун соҳиб эътибор умароларидин қатаган Қандаҳор тўқсобани маҳрамга масҳуб қилиб, Хоразм сувбиға ирсол қилди. Гадойниёз маҳрам мазкур тўқсоба била қатъи манозил қилиб, даргоҳи олампаноҳ зиёратиға мушарраф бўлуб, Бухоро подшоҳининг муҳаббат мазмуни била йиборган номасин топшуруб, ул подшоҳдин эшитган сўзин ва фаҳм қилгон румузин масомеъи аълоға еткурди. Ашур сардорким, Марв такасиға ёрлиғ олиб кетиб эрди, ондоқким, собиқан мазкур бўлди, бу аснода келиб ул халқнинг ёрлиғ мазмуни қабул, аммо баъзи аҳкомидин нуқул этганларин арзга еткурди.

ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ МАҒФУР ВА СУЛТОНИ МАБРУРНИНГ ШИКОР ИРОДАСИ БИЛА ОТЛАНИБ, ДОРҒОНОТА ЖОНИБИҒА НАҲЗАТ МАРКАБИН СУРҒОНИ ВА УЛ САФАРДА СОРУҚ МУФСИДЛАРИНИНГ ЭЛ ВА АҲШОМИ ЯҒМОСИҒА САРОЕ БУЮРҒОНИ

...Чун ҳазрати соҳибқирони раҳматосор сайдандозлиғ ва душманшикорлиғ маросими иқдомиға жозим бўлиб, тарихи ҳижрия минг икки юз қирқ тўртда, рабиулаввал ойининг авойида сешанба куни умаройи баҳромсавлат ва шужаъойи зирғом ғайрат била доруссалтанаи Хивақдин ружуб қилиб ва аъломи нусрат интизомни ҳаракатға киргузуб, издиҳоми тамом ва ҳужуми локалом била масофат қатъиға суръат кўргузуб, ҳамул кун Ҳазорасп мамлакатин мавокиби гардун марокибға маскан ва баҳор нузули била ул вилоятнинг бошдин аёгин фирдавс боғидек гулшан қилди. Ва ул манзилда вилояти маҳфуфа ва мамолики маҳрусанин атроф ва акнофидин сипоҳи шижоатпарвар ва асокири нусратасар фавж-фавж ҳаракатгустар бўлиб, ливойи зафар ҳаво кўлакасиға андоқ мужтамеъ бўлдиларким, наззорасидин ақл кўзин ҳайрон ва шуморасидин фаҳм муҳосибин ҳаросон қилдилар. Ва ғайрат ва таҳаввурда ҳар бири корзор маъракасининг ҳизабри диловари ва гирудор бешасининг шери сафдари эрдилар ва аларға разм майдонининг гулгун қони базм гулистонининг гули хандонидин хўброқ ва рўзи масоф меҳнати, шаби зифоф лаззатидин маҳбуброқ эрди. Маснавий:

Ажаб лашкарким, ул келди ададсиз,
Ададсиз демаким, поёну ҳадсиз.

Юрарда кўк юзин гарди қарортиб,
Турарда сиқлидин ер ваҳми ортиб.

Ҳама рўйинтану пўлодпайкар,
Ҳама қаплонсифат, зўру диловар.

Ҳама развозмою чусту чолок,
Ҳама хунрезлик бирла тарабнок.

Ҳама рустамнабарду фили ниру,
Ҳама гардунситези зўрбозу.

Ҳама ургуси юз рағбат била рўй,
Уруш қой сори бўлса, англабон тўй.

Масоф ичра ўлумни давлат англаб,
Уйида кимса ётиб ўлса тонглаб.

Бирига юз қўшун бўлса ҳамовард,
Чиқорур барчасидин кўк уза гард.

Чопиб ул навъ рағбат бирла ёвға,
Ки чопгай шоҳбози тез овға.

Ул ҳазрат бу ёнглиғ сипоҳи бекарон ва афвожи шижоат-нишон била Ҳазорасб қўрғонидин давлат якронига рукуб қилиб, дабдабаи Каёний ва кавкаби соҳибқироний била мақсад йўлига озим бўлуб, ҳар кун қуш солмоқ тариқаси била дашту саҳро ажойибин тамошо ва ҳар кеча бир манзилда мажлисоро ва қадаҳпаймо бўлуб, панжшанба куни Садвар қалъасининг ёвуқроқида Жайҳун қироғин нузули шарофат вусули била дилдор дудоқидек музайян ва машҳун ва лашкари зафарпарвар вуруди била ул ҳаволини махшарнамун қилди. Назм:

Бўлуб Садвар асокирга муаскар,
Аён ўлди саросар шўри маҳшар.
Ҳаёҳуйи жаҳонга ларза солди,
Тамошоси фалак ҳушини олди.

Ул ҳазрат ҳамул мавзеи саодат нишонда ул ашрори фужжор, яъни сориқи бадкирдорларнинг бинойи жамъияти инҳидомин ва ҳузурин амнияти инҳидомин жазм қилиб, аларнинг молу ашёсин толон ва хонумонин вайрон қилмоқ учун умаройи олийшондин шужаъойи давроннинг мунтахаби жалодатнишон Олошбийни бош қилиб, саркардалардин Муҳаммадниёз ясавулбоши ва Қурбонниёз ясавулбоши ва ямутия маорифидин Давли Бахши ва Қоқа сардор ва Бердихон тотор ва Дурди Қилич ва Сори сардор ва Дўсти Паҳлавон ва ямролия сархайлидин Одий Вакил ва Араб сардор ва човдар сипахдорларидин Суюн Баҳодир ва Бойли юзбоши ва Қурбонкелди юзбоши ва Ҳасанниёзвали бошлиғ жамеи ямут ва ямроли ва човдар ва кўклон ва қародошлу ва қароқалпоқ ва ўзбек баҳодирларин соруқлар убаси чаповулиға номзад қилди

**ОЛОШБИЙ БОШЛИҒ БАЪЗИ САРКАРДАЛАРНИНГ СИПОҲИ
НУСРАТПАРВАРДА БИЛА БОРИБ, СОРУҚ УЛУСИ
АҲШОМИҒА ЧАПОВУЛ УРҒОНИ ВА АЛАРНИНГ
БАЪЗИСИҒА ЧАҲОРЕРҚУЛИБОЙ ҲОМИЙ БУЛУБ, БУ
ЖИХАТДИН ОНИНГ УБАСИН ҲАМ ҒОРАТ ҚИЛИБ,
МУРОЖААТ МАРКАБИН СУРҒОНИ**

Чун Олошбий бошлиғ мазкур бўлгон саркардалар чаповулға маъмур бўлгондин сўнг, оз чоғда от, яроғ ва асбоби сафарни баважҳи дилхоҳ муҳайё ва омода қилдилар. Ҳазрати султони мағфурдин рухсат ва фотиҳа олиб, сешанба куни Тахт йўли била қум қатъиға озим ва камоли истеъжол била сарсар ёнглиғ нишебу фароз азиматиға жозим бўлуб, тўрт кечау кундузлик масофат тай қилгондин сўнг, мазкур оининг ўн саккизида сешанба куни Марв диёриға восил ва қазойи осмоний ёнлиғ Қаротўпа атрофида ўлтурғон муфсидларнинг убаси устидин дохил бўлуб, шабихун урдилар ва барча аёл ва атфолин асорат қайдиги гирифтор қилиб, жамеи молу мавоши, асбобу ҳавошийсин ўлжалаб, дасти тасарруфиға киргузубдурурлар. Уруш тилаб чиққон шужоъ йигитларин атбои била тутуб, бало салосилиға муқайид қилиб, ул усрукларни сурук-сурук олдиға солиб, сурубдурлар. Така улусиким убаси соруқлар ҳашамиға ёвуқ эрди, ҳамсоялиғ ҳуқуқин риоя қилиб, балки жаҳолат зоти ва ҳасад жибилийси уруқи мутаҳаррик бўлуб, мутамарридлардин талош ҳангомасида қочғон баъ-

зи қочғунчиларга убасиға киргузуб, паноҳ бердилар ва ҳимоят қолқонин бошлариға тутуб, изидин боргон қовғунчиларнинг жониға ҳар тарафдин тил қиличи зарбидин дашном захмин еткурдилар. Ва яна камол ва жаҳл ва такаббурдин бепарҳизлик қилиб, мундоқ ваҳшатомиз сўзларга деб боргон оломонга мумониат кўргуздилар ва тўфанг овози тавотири била мудофаа оҳангини туздилар. Назм:

Кишиким, зинҳор истаб келибдур,
Паноҳ бошиға бизларни билибдур.

Бизинг пайкар аро то бор эрур жон,
Они сизларга бермаклик на имкон.

Чун саркардалар ва сипоҳдорлар бу воқеа ғавғосин ва ҳодиса алолосин эшитдилар, барча тааммул ва таанни била бориб, ул уба кадхудоси Чаҳорёрқулибойға мулойимат била насиҳат тариқасида дедиларким: «Бовужуди мувофақат кишида туруб ҳазрати Хоразмшоҳ фармони равишидин инҳироф жойиз тутмоқ ва муфсидлар тарафин тутуб, аларга ёрлуғ кўргузмак итоат биносиға раҳна солмоқ ва бўй-нунгга инод ва фасод бадномлигин олмоқдудур. Ва ул шумлар касофатидин санго асар ва молу жонингга зарар узра зарар етгусидурур. Қитъа:

Фасод аҳлиға ҳар ким бўлса ҳамдам,
Ўзи ўз жониға зулм айламакдур.

Агар ўғлунг эса бадному бадкеш,
Ҳам ондин аҳтироз этмак керакдур».

Аmmo бу гуфтуғў асносида тақдири илоҳий ўз ишин ошкора ва тадбири бандаи ночизлигин ҳувайдо қилди. Бу ижмол тафсили улким, ямролия жонсипорларидин Араб сардорға қаробатлик бир йигит ул қўзғолон ҳангомасида Чаҳорёрқулибой убасиға муфсидлардин бир қочғунчи ақабидин излаб бориб эрди. Ул уба аҳлидин биров камингоҳдин милтуқ била отиб, от устидин жонсиз тушурди. Бу ҳодиса мушоҳадасидин шужаъойи кинагузорнинг кўзи қаҳр ғуборидин тийра ва думоғи ғазаб шуъласи дудидин хира бўлуб, беихтиёр от солиб, Чаҳорёрқулибойнинг уй ва элининг атбоъ ва ашбоъи била талаб, жамъияти хурмонин горат сарсари била нобуд ва обрўйи гулшанин яғмо хазони тундбоди била номавжуд қилдилар.

Нукта: подшоҳи азимуш-шаън итоати хатидин бош чиқормоқ ўз бошин бало тиги била ёрмоқдурур. Ва онинг фармони ёрлигин саҳл кўрмак ўз молу жонига зарар еткурмакдурур...

Сипоҳи нусратшиордин агарчи ул воқеа беихтиёр воқеъ бўлди, аммо, дарҳақиқат, лойиқ ва сазовор эрди. Нединким, ул жамоанинг бошида ҳам соруқлар саркашлигин кўруб, андак гурур ва ҳаво пайдо бўлуб, кўнгуллариға баъзи хаёли фосид йўл топиб эрди. Чун сўнгги кун така акобиридин Маҳдибек келиб гоятсиз тавалло ва ниҳоятсиз узр ва илтижо била саркардаларнинг оёқлариға дафъадафъа бош уруб, ва этак-этак ёш тўкуб, Чаҳорёрқулибойнинг бола ва чоғасинким, талаб олиниб эрди, ёлбориб ва ёлиниб, оломон қўлидан талаб олди ва убасиға қайтарди.

Мазкур ойнинг йигирмасида панжшанба куни мазбур оломон ҳамул мавзеъдин мурожаат қилиб, ганойими фаровон ва усаройи бепоён била ойнинг йигирма олтисида чаҳоршанба куни Оқработ марҳаласида боргоҳи сипеҳр иштибоҳ атабаси мулозаматиға фойиз бўлуб, ҳазрати подшоҳи жаннат жойгоҳ мулоқоти давлатидин баҳрамандлиғ топдилар. Чун бу аснода Бухоро подшоҳи жонибидин мувофақат узра мувофақат русуми зуҳурға етиб, ондин мухолафат ва муғоярат асари пайдо бўлмади. Балки Қарокўл ва Элжикда ўлтурғон молдор тожиклар ул ҳаволийдин мавоши ва амволи била кўчуб, мамолики маҳруса тавобеъотидин Учўчоқ атрофин моллари ўтлоқи учун маскан ва борча офотдин маъман билиб, ўзаларин бойири ва ихлосшиор элот қаторидин санадилар. Ложарам шафқати хисравона муқтазоси била Дояхотун тўғойида бир неча сурук қўй ва қўзиким, шўбони хавотир била ташлаб, ул ҳазрат мулозимлари зинҳориға келиб, беша ичра ҳар тарафға доғилиб эрди. Дарбори фалак миқдор худдомидин Қорли махрамни буюруб, йиғнатиб, эгаларига топшуруб йиборди. Қандаҳор тўқсобаким, Бухородин элчи бўлиб келиб эрди, андоқким, собиқан мазкур бўлди, ул ҳазрат кўрунуши олийға ундаб, сарупойи подшоҳона ва навозиши хисравона атосидин баҳраманд қилиб, садоқатомиз сўзлар жавоҳиридин сомияси садафин лабрез этиб, Бухоро сари рухсат бериб, қайтарди. Бухоро улусидин баъзи бозаргонким, жаҳон изтироби ва замон инқилоби торожи ошубидин ҳавотир тортиб, ҳазм ва эҳтиёт корвонсаройида макон тутуб, йўл амниға мунтазир эрдилар. Аларға доғи киши буюруб келтуруб, барчасин кема била дарёдин ўтқариб, амон ва эсон уз юртлариға узатди.

Ва бу ҳол асносида ондоқ эшитилдиким, ул муфсид, фасодандеш, яъни сориқ бадкешларидин уч юз отлиғ камоли жаҳолатдин зиёда сарлик ва хуморшиканлик таманноси била Марв диёридин чиқиб, ўз ҳадларидин ташқари журъат қадамин қўюб, роҳзанлик тариқаси била Чашма гузаргоҳин тушуб, баъзи раҳгузарийларга таадди ва тасаллут илкин узатур эрмишлар. Чун бу хабари малолат асарнинг тундбоди тези ул ҳазратнинг оташи қаҳру ситезиға ондоқ иштиғол еткурдиким, агар бир учқуни зуҳур оламида жилвагар бўлса эрди, жаҳон аҳлин хасу хошокдек куйдурур эрди. Бу ёнлиғ қаҳри саҳим ва ғазаби фаҳим ташвири ул ҳазратнинг замири шарофат таъсириға тасмим топдиким, соруқларнинг элу аҳшомин нирони чаповул шуъласи била куйдургай ва хошоки ажсомин тундбоди татовул эҳтизози била жало ва паршонлиғ мағокиға сургай.

ҲАЗРАТИ ПОДШОҲИ МАҒФИРАТ КУЛОҲНИНГ ЖИҲОД САВОБИ ИРОДАСИ БИЛА ИККИЛОНЧИ МАРТАБА ЭРОН МАМОЛИКИГА ЛАШКАРИ БЕКАРОН ВА АФВОЖИ БЕПОЁН БИЛА ОТЛАНМОҚИ ВА ХУРОСОН НАВОҲИСИДА, СИПОҲИ НУСРАТПАНОҲ ИРОДАСИДА АЙНИЛ-КАМОЛ, БАЛКИМ ЭЗИДИ МУТАОЛ ХОҲИШИ БИЛА ВАБО ИЛЛАТИ ВА ТОУН ОФАТИ ШОЕЪ БУЛУБ, УЛ ИЛЛАТ ШИДДАТИДИН ФАСХИ АЗИМАТ ҚИЛИБ, ХОРАЗМ ЖОНИБИҒА ЕНМОҚИ

Саҳифа саҳросининг азиматгустари ва сутур жодасининг қадамовари, машаққат бодиясининг саргардони ва меҳнат ҳовиясининг оташи сўзони, яъни хомаи бадоеъосор мундоқ вақоеънигорлик қилурким, чун улҳазрат инояти раббоний ва ҳимояти яздоний била тўй ва зиёфат эҳтимомининг ғавғоси ва халойиқ издиҳомининг алолосидин филжумла фарағот ва андак истироҳат топди, тиладиким, лашкари жаррор ва сипоҳи кинагузор била куффори шароратшиор жиҳодиға... азимат қилғой... Бу аҳвол хилолида Даригиз мулҳақотидин Бовард қалъасининг мутаваттинларидин али эли халқиким, тарокима тавойифидиндурурлар, номдор ақобиридин Тоштемир арбоб тош бағридин сув ва темур кўнглидин тоб олғудек инкисорлиғлар била илтижонома келтуруб, бу навъ арзи ихлос била истимдод ва истижоза қилиб дедиким: Подшоҳо, олампаноҳо... замон тақозаси била қизилбошға бош қўшуб ул кофири фожирларға ҳамсоя

ва ҳамма ошдурурмиз. Баъзи худпараст, дунҳиммат ва султ
этиқод, паст фитрат... кадхудоларимиз куффор аҳлининг
талбис юзидин қилгон навозиш ва хушомадига илиқиб,
амрига тобеъ ва буйруқига мутеъ бўлбудурурлар ва ҳар
нечаким биз халқнинг ул иблис сифат куффорнинг талбис
ва васовасидин ўзимизни сақлай олгудек қувват ва қудра-
тимиз бордурур. Аммо қўрқадурурмизким, ассухбату муас-
сир муқтазоси била ўғлон-ушоқимизга куффор ихтилати-
дин асар ва кўнгуллариға куфр олойиши кудуратидин зарар
етгай. Магар бу бало гирдобидин ул вақт халослик топғай-
мизким, жаноби салтанат маоб илтифотиким афтодалар
мураббийси ва бедаступолар дастгиридурур, бу ҳалокат
бахри фарқобларининг аҳволи сафинасиға маллоҳлиқ кўргу-
зуб, нажот соҳилиға чиқарса. Йўқ эрса, то абадга еткарув
ўзимиз куффор аҳлиға хизматкор ва қутулмас балоға ги-
рифтор бўлурмиз ва авлод ва атолимиз ноҳақ мазҳабни
шиор қилиб, анга этиқод кўргузуб, куфр русумин ихтиёр
қилғувсидурурлар. Агар биз — афтодаларнинг тазаллумиға
беилтифотлиғ қилсангиз, тонгла тенгри таоло ҳазратида
сиздин тазаллум кўргузуб такаллум тузгумиздур.

Чун Тоштемир арбобнинг мундоқ арзи тазаллуми ул
ҳазратнинг силсиласи жамъиятиға ҳаракат бериб, Эрон са-
фари ва куффор жиҳоди азимати таъжилиға боис ва илова
бўлди ва саркори хизматгузор ва сипоҳи душман шикорлар-
ға мавқеъи жоҳу жаллолдин ҳукм лозимул имтисо содир
бўлдиким, сафар асбоби ва жиҳод яроғи таҳя ва саранжо-
миға иштиғол кўргузуб, тезроқ йўл ва чўл қатъи азиматиға
муҳайё ва омода бўлсунлар. Ҳамул баҳор вилоёти маҳруса
музореъи сув жиҳатидин андак танқислик чекди. Ул ҳазрат
хайрунносун мин янфаъуннос мазмуниға амал қилиб, юрт
манфаати ва хосу ом беҳбуди учун отланиб, ҳазрати қут-
бил-авлиё Паҳлавон ота наҳрининг саққосиға бориб, ўтган
йил қирдин ёрдургон саққониким, Тошсаққодерлар, янги-
дан ҳашар била қоздуруб, сув жорий қилди ва мамлакат
мазрааларин сероб ва вилоят бўстонларин жаннати риёзий-
дек саршор ва шодоб этиб, мурожаат қилди. Ва дилжамлик
била жиҳод асбоби тажҳизига эҳтимом кўргузуб лашкари
зафаросор истеҳзориға соҳиби салобат ва Баҳром маҳобат
тавочилар ирсол қилди... Мулозими рикоб ва шужаъойи
зафаринтисобларға саборафтор отлар ва борбардор тева-
лар ва ўзга аслаҳа ва яроғлар, ҳар йилқи қарори воқеъидин
зиёда инъом қилиб, аҳли сипоҳни хуррам ва шодком қилди.
Лашкария жамоасидин ташқари баъзи улуским... газот са-

вобиға роғиб ва шаҳодат даражасиға толиб эрдилар, ул жамоаға доғи... йўл мояҳтожи учун кўнгуллари истагандек лутфи ато ва карам ва саховат кўргузди. Тўп, тўпхона ва боргоҳ ва пешхонанинг асбоб ва адавотин ўзга ёнглиғ муҳайё ва омода қилдуруб, илгари йиборди, токим Қароқул аёқиға бориб хайма ва хиргоҳ ва шамёна ва боргоҳни барпо қилгайлар. Ул ҳазратнинг ўзи мазкур йил, яъни сана минг икки юз қирқ тўртда зулқаъда ойининг еттисида душанба куни доруссалтанан Хивақдин бодпойи давлатға рукуб қилиб, асокири зафар маосир ва сипоҳи мутақосир билаким, маснавий:

Адад ичра беҳаду гоят келиб,
Масоф ичра Баҳроми гайрат келиб.

Маҳобатда ҳар бири бир тоғдек,
Ва лекин сабукликда ёфроғдек.

Бўлуб фавж-фавж, гуруҳо гуруҳ,
Юрумакда айлаб заминни сутуҳ.

Губори чекиб авжи гардунға бош,
Юзига чекиб парда ондин қуёш.

Етиб не онинг бир канориға ақл,
Не бир фавжи ҳадду шумориға ақл.

Алар ўртасида шаҳи комрон,
Кавокиб ичида қуёшдин нишон.

Ливолар бўлуб ўтруда жилвагар,
Бўлуб мунфаил маҳчасидин қамар.

Юруб икки ёнида лашкар қатор,
Тутуб ер юзини ямину ясор.

Алоло чиқиб авжи афлокға,
Тушуб зилзила арсан хокға.

Бу ёнглиғ лашкари саҳмгин, кавкабаи салобат ойин била наҳзат қилиб Қароқул оёқиғаким, ўрдуийи хумоюн пешхонан маймун онда барпой қилилиб эрди, давлат нузулиға мушарраф қилди. Ул ҳазратнинг биродари дилбанд, саодатпайванди Жамолуддавла ваддин шаҳзода Раҳмонқули тўраким, ул манзилға мушояат расми била ҳамроҳ бориб эрди,

они доруссалтана саририда ўз тарафидин нойиб қилиб, мамлакат забти ва райят аҳволи рабти учун қайтарди.

Тонгласиким, сешанба куни эрди, Қарокўлдин ўрдуи аълони кўчуруб, илгари йибориб, ўзи доғи саманди ванддаватга рукуб қилиб, алвияйи наҳзатни ҳаракатга киргузуб, шужаъойи йусрат илтизом ва сипоҳи лашкар издиҳом била сабо хайлидек қум пушталариға таважжуқ марқабин суруб, манозил қатъийдин сўнг Соғча қудуқи ҳаволисифагим, қуми бағоят ноҳамвор ва ҳаво ҳароратидин томур ҳирқатининг таъсири онда ошкор эрди, файзи нузул ва баҳор вусулидин онингдек ҳовиянишон мавзъени беҳишти барин зовиясидек роҳатпарвар ва сафогустар қилди.

Назм:

Қудуми юмнидин қилди шаҳи дин,
Ҳамул мавзъени яксар хулд ойин.

Музайян хаймау хиргоҳлардин,
Етурди шаҳри Чиндек зебу тазйин.

Ва ул манзилда черик ижтимоъи учун бир кун ва бир кеча мутаваққиф бўлуб қудуқларни доғи эҳтиёт била қоздуруб, мой маин сарчашмасидек сероб ва саршор қилдурди. Жумъа куни ул марҳаладин жода паймойи азимат бўлуб, Хонқудуқи атрофин муҳайёми саодатфаржон ва мазраби боргоҳи сипеҳр эҳтишом қилиб, истироҳат кўргузди. Анда бир кеча мутамаккин бўлуб, тонгласи шанба сабоҳи ондин риҳлат кўсин садоға киргузуб, азимат оҳангин тузди ва истеъжоли тамом била қатъи манозил қилиб, душанба куни Чарла қудуқиға етиб, боргоҳи олампаноҳ... ул манзилда икки кун таваққуф қилиб, чаҳоршанба куни остони фалак нишон мулозимларининг сарафроси, садоқатнишон Муҳаммаднийез ясовулбошини ямутия сипоҳи била ва Беги юзбошини ямролия черики била ҳировул тариқасида излик-изидин илгари юборди. Ва алар ақабидин тўпхонаи хумоюн мулозимларининг сардори азаматшиорлари Ниёзмуҳаммадбой юзбоши ва Оллоберди юзбоши ва Ажамберди юзбошиға Қурбонқули юзбошиким, шижоат арсасининг Рустами ва саромат бешасининг зайғами эрди, ўзига мутааллиқ навқари била тўпхона кўмаки учун Йўлдош ва така Махтибекни аларға бош қилиб, ижозат берди, токим ул регзори ҳавлосордин тўпи аъдоқўбни осон ва амонлиғ била ўтқаргайлар. Ямут мулозимларидин донишосор Дурди сардор ва Динмуҳаммад қарочуқа ва Нурмуҳаммадни Ёнтоқли

ҳаволисидаги қудуқлар ва чўнгуллардин хабар олмоққа йиборди, токим мавокиби гардун марокиб нузул ва кун-жойишига муносиб марғзоре кўруб қайтгай. Панжшанба куни ул ҳазрат Чарла манзилидин сипоҳи анжумшавкат била руқуб қилиб, ливойи наҳзатни жилвага киргузуб, Манозли марҳаласин қудуми шароратлузуми вусулидин сарбаланд қилди. Ҳамул кеча ой сипаҳсолори анжум хайли била фалак водийсин қатъ қилгондек ул офтоби оламгир сипоҳи ситора назир била шабгир қилиб, масофатпаймо бўлди. То субҳи содиқ чоғи мағча туғи Еттиқизил отлиғ қум пуштаси авжидин меҳри дурахшон ёнлиғ тобон бўлди.

Шанба куни ул мақомдин тавсани сарсархиромни суруб, Тўққуз оширим отлиғ қум ақабасидин ўтуб, Уюқлибошғаким, кенг майдон ва ўтлоғи фаровон эрди, ташрифи ҳузур элтиб, сипоҳи қиёмат дастгоҳга оромгоҳ қилди. Ҳамул кун Дурди сардор бошлиғ мазкур бўлгон қаровуллар туш чоғи хиргоҳи фалак иштибоҳнинг атабаи олийсиға жабинсой бўлиб, Тажан тавобеъидин Сабадли мавзеъининг обу ҳавосин хуш ва ўтлоқ яйлоқин васеъ ва дилкаш кўруб, наввоби даргоҳ воситаси била самъи аълоға арз қилди. Ва ул ҳазрат ҳамул манзилдин кўчуб, Сабадли тарафиға инонтоб бўлуб, ул мавзеъға сояи вусул солиб, ашрафи манозил қилди. Ва бир кеча онда истироҳатгузин ва фароғатқарин бўлуб душанба куни Думонли — Чунгулининг канориға сипоҳи сабзашумор била нузул қилиб, баҳори вусулидин назоратосор, балким жаннат гулзоридин намудор қилди.

Назм:

Мақон этти Чунгул қироғини шаҳ,
Саросар они қилди чун гул назаҳ.

Канори назҳи жашатосо бўлуб,
Ўзи кавсаросо гуворо бўлуб...

Бу манзилда али эли халқи тарафидин Юсуф шайх ва Ниёзмұхаммад ўнбеги ва Менглиқулихон тоатдор ва хизматгузорлиғлари аломати учун икки яхши от пешкаш келтуруб, ожизлик ва хотиршикасталикларин остони фалак посбон мулозимлари васотати била мавқифи арзға ихлос суратида етуруб, ул ҳазрат истиқдоми учун юз қатла хайри мақдам замзамасин тузуб, минг мартаба убидият туфроқиға жабинсолиқ кўргуздилар. Ва бу васила билан ифтихори мубоҳот бошин фарқи Фарқадондин ўткардилар...

Чоҳоршанба куни ул ҳазрат Думонли манзилидин ўрдуйи кайҳонпўйи кўчуриб, Бовард тўпаси отлиғ мавзеъда боргоҳи жаҳонпаноҳ ва хиргоҳи гардуништибоҳни борпой қилдуруб, нузул этди. Ва ҳамул кун ул атрофда мутамаккин бўлуб ўлтургон туркмония жамоасининг бир савдогар савдодин суд ва байъу шародин беҳбуд истаб, бир неча сурук қўю қўзи ўрдуйи аълога келтуруб эрди. Иттифоқо, ямролия черикидин икки нафар авбоши бадмаош бош қўшуб, нафси шум ва шайтони маржумнинг тақозо ва васвасаси била ул галалардин икки қўйни ўғирлаб олдилар. Қўй эгаси кўруб, ҳар неча ким «қўй», деди, қўймадилар. Ложарам, даргоҳи адолатпаноҳ атабасиға бош қўюб бу можарони бекаму кост ростлиғ била мавқифи арзға еткурдилар. Филҳол зобит ясовулар ҳукм воло мўжиби била ул ўғриларни тутуб, ибратан лилозирин бурунларин тешиб, черикнинг атрофин айлантуруб, таёқ зарби билан бошдин аёқин мажруҳ қилдилар. Оташи ғазоби подшоҳий яна ул тийрабахтлар ҳаракати қабиҳаси сарсаридин иштиёол топиб, мавқифи жоҳи жаллолдин фармони лозимулимтисол содир бўлдиким: «Ўғриларнинг ажсоми қудурат илтизомин аждардаҳон ва барқафкан тўпларнинг оғзига ўқ масаллик солиб, жамъен аъзосин зарра ёнлиғ ҳаво нурида мутаффарриқ ва паришон қилсунлар, токим адолат ойиниға лойиқ ва сиёсат равиясиға мувофиқ бўлғой, ул ҳолда вакилуддавла ва яминус салтана, вазири садоқатинтимо Муҳаммадризо қўшбеги ул ҳазратнинг олдида таъзими тамом ва таксири локалом била жабинсо бўлуб, қаҳри ўтиға дуойи мухлисона суйи била таскин бериб, юз илтижо била ўғриларни тилаб олиб, ўлим чанголидин халос қилиб йиборди.

Жумъа куни ул ҳазрат Тоштемур арбоб бошлиғ али эли улусидин келган элчиларга бош-оёқ сарупой инъом қилиб, қалъасида қолгон кадхудолариға доғи навозишлар кўргузуб ва шавкат юзидин иноятнома рақам қилдуруб, даргоҳи олампаноҳнинг махсус мулозимларидин сафоратшиор Келдихон сардорға топшуруб, элчилар била ҳамроҳ йиборди. Ул ҳазратнинг ўзи аларнинг изидин шавкати хисравона ва савлати жамшидона била отланиб, Отқирғон отлиғ қир устиға тушуб, черикни жамъ ва асбобу яроғни кўнгул хоҳишича омода қилиб, сипоҳ аҳлин мусаллаҳ ва мукаммал этди ва ҳамул оқшом шабгир била илғор қилиб, тонгла пешин чоғи лашкари қиёматасар ясовин орасталиғ била ясаб, аъломи нусрат пайкар ёловин жилваға киргузуб, тамкинни салобат интимо ва ойини ҳайратафзо била Бовард қалъа-

синким, али эли халқининг маъмани эрди, айлана атрофин
гуруҳ-гуруҳ, фавж-фавж ва саф-саф қабоб туштилар. Ҳа-
мул кун Охал ва Тажан такасининг черики ва Марв диёри-
дин така ва солур ва сориқ сипоҳи доғи ўрдуйи аълога
мулҳаҳ бўлдилар. Лашкари бекарон ўртасида ул қалъа
қалқон қуббаси, балким дарёи уммон юзининг ҳубобидек
намоён бўлди. Маснавий.

Келиб хайли лашкар гуруҳо-гуруҳ,
Гуруҳо-гуруҳ демайин, кўҳ-кўҳ

Қилиб сафлар ораста фавж-фавж,
Тенгиздек уруб борча мавж узра мавж.

Юруб йўл равонлиг била хайл-хайл,
Онингдекки, саҳрову водийда сайл.

Олиб селдек қалъа даврин тамом,
Фузунроқ бўлуб ҳашрдин издиҳом.

Етиб бир ҳадди домани тоғга
Яна бир ҳадди зайли қумлоғга.

Уруб баҳри ахзар киби барча жўш,
Вале, еткуруб кўкка мавжи хуруш.

Бедавлар бўлуб сайр аро тунду тез,
Булутдек бўлуб чобуку барқрез.

Борининг келиб девдек пайкари,
Вале суврат ичра нечукким пари.

Миниб ҳар бири устига бир далер,
Онингдекки, тоғ қалъаси узра шер.

Олиб ҳар бири илкига бир синон,
Адув хайлига бўлғали жонситон.

Келиб ҳар синон нўки ул навъ тунд,
Қошида ажал нишидур усру кунд.

Бўлуб қўлларида қилич ламъапош,
Туғуб ҳар тарафдин неча минг қуёш.

Олиб нечаси қўлга рангин камон,
Латофатда қавси кўзахдин нишон,

Олиб неча қўлга шамхоллар,
Ки аъдоға солғай ямон ҳоллар.

Амуд олибон қўлга неча гуруҳ,
Кириб ҳайбатидин тазалзулга қўҳ.

Неча хайл олиб қўлга гурзу табар,
Ҳавода қилиб ҳар бирин жилвагар.

Туфанг олибон илкига неча хайл,
Қилиб дам-бадам куфр эли сори майл.

Ҳайё-ҳуйидин чарх ўлуб беқарор,
Такопўйидин ер тани хоксор.

Бу миқдор ойину ёсо била,
Бу ёнглиғ шукуҳу алоло била.

Олиб қалъа даврини паргорвор,
Тўшуб қўшларин бўлдилар барқарор.

Чун қалъа сокинлари бу ёнглиғ кавкабаи ҳайратосор
ва дабдабаи қиёмат намудорни мушоҳада қилдилар, баш-
ошати тамом била жамеъ кадхудо ва акобири сайл мав-
жидек қалъа авжидин камоли истеъжол била югуруб,
ҳазрати соҳибқирони ғуфрон нишоннинг рахши туйноқиға
жабинсолиқ кўргузуб, сарафрозлик топдилар. Ва филҳол
йигирма нафар уйлук санаб, аёлу атфол ва ую эли била
кўчуруб, сангари давлат асарга келтурдилар.

Чун ул жамоаким, давлатхоҳлик аламин хизматкорлиқ
майдонида барпо ва жонсипорлиқ қасмин ҳаводорлиқ
маъракасида ғойибона пайдо қилиб эрдилар, илтифоти
подшоҳона ва инояти бекарона алар аҳволиға шомил бў-
либ, мазкур бўлғон кадхудоларни зарандуд хильатлар би-
ла мухаллаъ ва бошдин-оёқ хуршиди оламтобдек мулам-
маъ қилди.

Карамии жибилий муқтазоси била ҳамул оқ уйлук-
ларға шафқат ва мурувват кўргузуб, бола ва чоғалари

била ўз ватанларига йиборди. Ва қалъа дарвозасига саркардалардин ихлоснишон Султонхон бошлиғ кўклон ва қародошлу черикин ҳирот ва посбонлиғга таъйин этди ва қалъа аҳлининг яхши отлиғ баҳодир йигитларидин икки юз отлиғни Даригиз тоғистони йўлин бошлатмоқ учун мунтахаб қилиб олди.

Якшанба куни ул қалъа устидин сипоҳи анжумшумор ва лашкари маҳшар намудор-била тебраб, Хисрав қалъа-сиким, куффори фужжорнинг маскани ва ҳаводис яғмосидин иртидод аҳлининг маъмани эрди, онинг атрофин мустақарри аъломи саодатосор ва муаскари асокири бешумор қилиб, оромгузин ва маснаднишин бўлди. Сўнги куни жунуди намаъдуд ва жуюши номаҳдудга ҳукми воло нуфуз топдиким, ул қалъа атрофидағи боғоту зироот ва нахила ашжорин беҳи бунёди била қўпориб, нобуд ва барча иморатин вайрон қилиб, деворлари асоратин мафқуд қилсунлар. Ҳасабулфармон маъмур бўлгон оломон малах сипоҳидек ҳужумовар бўлуб, борча экинларин марокиб ва мавошисига едуруб, иморатларин вайрону мақмуъул-бунёд қилдилар ва ишорати воло мўъжиби била низомулмулк вадавла Муҳаммадюсуф меҳтар наввара марқада ва муқарраби боргоҳи гардунҳашам Гадойниёз маҳрум сипоҳи нусрат дастгоҳни бошлаб бориб, қалъанинг атрофу жавонибин паргор масаллик ихота қилиб, тўрт ёнидин раъдошуб ва душманкўб тўпларни ва бало масаллик шамҳолларни ва барқоҳанг тўфанглари пайдарпай отдуруб, қулула заруби била қалъа ҳойитлари асосин вайрон ва сокинлари ақлу ҳушни ҳайронлиғ майдонида саргардон қилиб, то кечгача муҳосара мазиқи зиндонида ул беимонларнинг абдони шақоват таваъмонларин маҳбус ва пинҳон қилдилар. Чун ул сафаҳотнинг зироот ва боғоти ҳароб ва мунҳадам бўлуб, нишонун асорати қолмади. Ул ҳазрат роёти зафар оётларни аъдойи дин қасди учун қаҳру кин била жилвага киргузуб сешанба куни Чилгон қалъасига ёвуқроқ бир фазойи васеъга бориб, кирёси гардунасос манжуқин зирвайи Аюқдин ўткариб, нузул қилди. Чун ул аҳли ҳаракатнинг давлати вусул ва саодати нузулидин воқиф ва хабардор бўлдилар, филҳол итоат ва инқиёд маросимига дилшодлиғлар била иқдом кўргузуб, изҳори ислом қилиб, кадхудоларидин икки нафарни элчи қилиб зарравор ажзу изтирор била дарбору фалак миқдор хокбўслиқиға ирсол қилдилар.

Чун элчилар суддан сидра мисол зиёратига мушшар-

раф бўлуб, қалъа сукконининг тоатгузор ва ихлосшиорлигин ва қуллуқ арздоштин ройи оламоройға маъруз этдилар, ул ҳазрат элчиларға навозишлар кўргузуб, албисаи зарнигору хилоъи сиймин тор била малбасу мухаллаъ қилиб, даргоҳи сипеҳр пойгоҳ ходимларидин Азизқули девонбегини аларға қўшуб, истимолатнома била қалъа аҳлиға йиборди. Филҳол қалъа акобиридин Якронқули ва Қурбонқули Муллакоримқули ва Аббосқули бошлиғ ўн нафар кадхудо жаноб мураватмаоб туфроқиғаким аоли ва акорим хайлининг маржаъи футувват шавқат биҳорининг манбаидурур бошларидин қадам ва куфр занги қудуратин кўнгуллари кўзгусидин адам қилиб, таъзими тамом ва таслими локалом била убудият жабинин суртдилар. Ул ҳазрат ул жамоаға ҳайётхонаи эҳсонидин хилоъи фохира ва ганжинаи инъомидин нуқуди вофира бериб, хуррам ва хушҳол қилиб, қалъаға йиборди, токим қалъа аҳлиға омон муждасин еткуруб, кўчуруб чиқорғайлар. Чун кадхудолар бу муждани қалъа мутаваттинлариға еткурғач, борча иттифоқ била уй ва элларин кўчуруб мутриси муаллоғаким, ислом аҳлининг малжо ва паноҳидурур, келиб қўндилар. Чун Чилгон қўрғони улуси тавъани ва рағбаттаи итоат рибқасин убудият рибқасиға солиб, бойри раниятлар қаториға инсилोक топдилар, ул ҳазрат Лутфобод қалъасининг ҳокими Сулаймонхон бинни Беклархонғаким борҳо ўзин давлатхоҳ мулозимлар ва жонсипор ходимлар зумрасидин ҳисоб қилиб, эътиқоди том суратин эълон қилир эрди, дарбори сипеҳрмадор муътамадил-хосларидин Қиличниеъзбой ва Келдихон сардорға мувофақат ва мутобаат тарғиби мазмуни била иноятнома топшуруб, сафорат йўсуни била анга ирсол қилди. Чун мазкур суфаро Сулаймонхони беимонға ул номаи саодатнишонни еткурдилар, ул малъун балоҳат мақрун нома мазмунидин бўюн тўлғоб, элчиларнинг эъзоз ва икромии риюсида тасоҳул жоиз тутуб, ислом анвори била куфр зулмати зиддиятин аҳли оламға равшан ва ҳувайдо қилди... Чун элчилар Лутфободдин бенайли мурод қайтиб, Сулаймонхони бад эътиқоднинг мувофақат ва видодин муҳолафат ва инодға мубаддал қилиб, қилгон афъол ва деган ақволин мавқеъи арзға еткурдилар. Ул ҳазрат бу хабар истимоъидин мутағаййир ва ғазабнок бўлуб, дарҳол отланиб Лутфобод қалъаси атрофу жавонибин айланиб, муҳосара қилгудек ва черик аҳли тушгудек сувлуғ ва ўтлуғ ерларни кўруб, қўшға муовадат қилди. Бу хаёл билаким, тонгла таоло мувонаати

ер ва иқбол Хизри мададкор бўлса, куффори бадкирдор қилоъидин Бужнард ва Хиюшон ва Машҳад қизилбоши бадмаошларин то Нишобурғача ғорату поймол ва иртидод аҳли авзоъиға ихтилол еркуруб, мурожаат қилғай. Аммо... лашқари маҳшар ғулу орасида вабо иллати ва тоун офати шоеъ бўлуб, аксар черик аҳли бетоблиғ ва беқарорлиғ бистарига йиқилди. Ул касал ҳар кимсагаким, ориз бўлди, аломати қий ва исҳоли муфрит эрди. Оз чоғда ул офат андоқ иштидод ва истило топдиким, ҳар қўшдин беш ва ўн киши юз туман печутоб ва минг алвон изтироб била жаҳони фонийнинг тангно маконидин олами боқийнинг дилкушо бўстониға озим бўлуб... бетасбеъи муҳорабаи куффори шаҳодат даражаи аълосиға иртиқо топиб беҳишта жовидон садрида макон тутдилар...

Чун балойи нозила ва бу воқеаи ҳоила черик аҳлиға ом бўлуб ва борча ажсондин тоқату оромни олди. Ҳар кўнгулда аҳбоб мусибатидин ҳасрат ва жигарда ақрабо фурқати ғамидин доғи кулфат пайдо бўлуб, ҳар ғўшадин нолаи жигарсўз ва ҳар қўшдин оҳи дилдўз авжи гардунға бош чекиб, қиёмат кунининг ғавғойи дилхарошин фош қилди. Чун бу мансубаи жонкоҳи ифрот ҳаддидин тажовуз қилди, диёнатмаоб фақоҳат интисоб ҳазрати қози Шамсиддин эшон ва шариаатшиор, фазилатдисор раиси маони анис домла Абдулло мудаққиқ эшон баъзи умарон давлатхоҳнинг ҳамроҳлиғи била даргоҳи сипеҳр дастгоҳ мулозаматиға бориб, юз турлук тазарруъ ва тахашшуъ била дуо туҳфаси адосидин сўнгра арз қилдиларким, агар бу азиматдин ғараз ғазот савоби таҳсил ва жиҳод даражоти такмили эрса, алҳамдулиллоҳ, ул муддао ва ул тамонно тенгри таоло инояти била маҳсул ва мақбул бўлди ва черик аҳлининг кўпраки доғи поймоли ажал ва даст фарсуди касал бўлуб, ҳаракат қилгудек ҳол ва тебранурдек мажоли қолмайдурур ва кун-кундин беморлиқлари шиддати ва заифлиқлари суубати музоаф ва музоад бўладурур. Энди бир навъ сиҳҳат ва ҳаракат фурсатин ғанимат билиб, бегона юртдин ватани маълуф ва маскани маъруф сари мурожаат қонунин тузмак ва сипоҳи аҳволиға тараҳхум кўргузмак ва мамолики маҳрусанинғ фиरोқ дийда фуқаро ва иштиёқ кашаида риоёларининг ғамгин хотирларин жамоли оламоро вусули била хуррам ва ҳаводис-ташвишотидин беғам қилмоқ ва адлу алтоф била мамлакатга оройиш ва раиятға парвариш ва ожизларға навозиш кўргузмак бағоят ансаб ва аҳамм кўрунур.

Чун бу сўзни мазкур бўлгон уламо ва умаро самъи аълога еткурдилар. Чун барчо сўзлари филҳақиқат сидқоро ва кизб кудуратидин мубарро эрди. Ул ҳазрат аларга инояти хисравона била баҳрамандликлар еткуруб..., қилгон илтимосларин изъон қулоғи била истемоъ қилиб, Машҳад ва Нишобур азми орзусидин ўтди. Панжшанба куни ул мавзеъдин Хоразми эрамбазм жонибиға муовадат кўргузуб, ўрдуйи ҳумоюнни кўчуруб, али эли қалъасига ёвуқроқ бир мавзеъни мухайями ҳайёми иқбол ва мазраби шодурвони ижлол қилиб, нузул этди. Ул манзилдин садоқаткеш саркардаларнинг сарафрози Қурбонниёз ясовулбошини човдар черикига бош қилиб, Султонхонким, кўклон йиғини била ҳамул қалъа дарвозасин муҳофазат қилур эрди, онинг кўмакига йиборди. Ул қалъадин олингон навкарларким, ул ҳазратдин жавоб олиб, ҳамул кун қалъаларига бордилар, лашкари Ферузий асарга тоун марази торий бўлуб, черикнинг бир навъ қудрати кам бўлгонин билиб, шаронти жибилий муқтазоси била расми вифоқни қонуни нифоқға мубаддал қилиб, аср ҳангомида қалъа аҳлининг улуғдин кичиги иттифоқ била югуруб, ясовулбоши човдар хайлининг баъзиси била тутуб муқайяд ва хусрон биносин мушайяд қилдилар. Ул ҳангомада султонхон кўклон чериги била қочиб келиб, ул воқеани масомеъи аълога еткурди. Чун продаи яздоний ва машияти субҳоний била сипоҳи маҳшар дастгоҳ аҳволиға тоун иллати жиҳатидин тазалзул ва лазабзуб воқеъ бўлуб эрди, бу жиҳатдин ул ҳазрат ул мунофақатпеша ва мухолафат андеша боғийларнинг танбеҳ ва таъдибидин тағофул ва тасоҳул била ўтди. Жумъа куни Чилгон қўргони улусифагим, кўчурулуб эрди, беадад ва беандоза жаммозалар бериб, Хоразм йўли азмиға равона қилди. Ўзи доғи ул навоҳидин ўрдуйи муаллони кўчуруб, мавкаби кайҳонпўй била ҳаракат кўргузуб, Оқтўпа отлиғ манзилни лашкари нусрат-асарга муаскар ва алвияи зафар таъбияга мустақарр қилиб, нузул этди. Ҳамул кун али эли халқининг ҳароми ва авбоши қизилбошнинг баъзи тангмаош арзоли била бош қўшуб, иттифоқ била узоқроқдин сипоҳи шижатпаноҳға қаро кўрсатадилар. Чун ул ҳазратнинг аъломи майманат фаржомининг маҳчайи хуршид шиоъиға кўзлари тушди, хотири кудратосорларига ҳароси беқиёс мутаволий бўлуб, офтоб ҳузурида зарра хайлидек ноёблиғ топиб, мутаворий бўлдилар. Ҳамул кун ул ҳазрат жазми эҳтиёт риоясин маръи тутуб, йиғиннинг буронғору жувонғор ва

монглаю соқасин забардаст ва шижоатпараст баҳодирларнинг заводи хўжаста оёти била безаб, язак ва талоая чиқорди. Ул кун аср намози адосидин сўнг ул мавзеъдин наҳзат якронига рукуб қилиб, масофат қатъида суръат расмин аён этди ва шанба куни чоштгоҳида боргоҳи иқбол ва саропардан гардунмисолни Кол қиргоғида барпой қилдуруб, нузул этди. Ул манзилда Қурбонниёз ясовулбоши аҳли иртидоднинг ижозати била келиб, остонбўслиғ шарафидин комкорлик топиб, ул ҳазратнинг хилъат инояти била мухаллаъ бўлди ва ул манзилда мазкур иллат шиддатидин лашкар аҳлининг кўпраки ҳаёт вадиъатин қобизуларвоҳга тобиш уруб, тенгри таолога жон туҳфасин таслим қилдилар. Аксар қўшдин тўрт киши, беш киши ва кўпрак вафот топдилар. Эшитилдиким, баъзи қўшларда тирик киши қолмай, чодир ва саропардаси тутулгон жойида ўликлар устида қолмишдурур. Чун ул ҳазрат Кол каноридин азимат кўргузуб, манзил-баманзил йўл мурури оҳангин тузуб, ҳар манзилда беморларга аҳволпараст-ишлиқ билан навозишлар кўргузуб, онингдек пурҳавл чўл ичида сув, шарбат ва ўзга навъ даркор нимарса бўлса, муҳайё қилдуруб, бериб, ул бечораларнинг кўнгулларига қувват, балким баданлариға сиҳҳат еткурур эрди. Бу тариқа била савоби азим ҳосил қилур эрди. Чун бу йўсунда қатъи мароҳил қилиб, Чарла қудуқи атрофиға ворид бўлуб, истироҳат кўргузди. Қуёш ҳарорати ва ҳаво уфунати ул водийи жонгудозда андоқ ҳиддат ва шиддат пайдо қилдиким, барча бемор ва соғ элнинг жонлари ҳирқат ўтиға ёқилди ва бағирлари ул ўт таъсиридин сув бўлуб оқилди. Қум ҳароратидин ва касал шиддатидин ҳар манзил ва раҳгузарларда абдони нимжон ўтға тушган қил масаллик печутоби пуразоб била нолаи жонгудозларин фалак рифъатмаоб авжидин ошуруб, оҳи жигарсўзлари дуди била офтоби жаҳонтоб чеҳрасин ёшурур эрдилар...

Ул ҳазрат Чарла қудуқидин саҳихул-мизож ва салимул-аъзо мулозимларнинг ҳаминонлиғи била манзил-баманзил қатъи масофат қилиб ва черик аҳли беморлари аҳволидин хабардорлиқ кўргузуб, якшанба куни Хонқудуқиға ёвуқроқ Йўл Ойрити отлиғ мавзеъда истироҳатгузин ва мураббаънишин бўлуб, қадами тароват тавоми шарафидин ул манзилни беҳишти бариндек... макон қилди. Ул марҳалада шаҳзода Раҳмонқули тўранинг йиборган савгот ва тансуқотиким, неча бухтийи борбардорға юкланган кавсар зилолидек хушгувор сув ва тахта-тахта муз ва

харита-харита чакидаким, ташналик балияси ранжининг шифоси ва ҳаво ҳарорати иллатининг давоси эрди, етушди. Ул ҳазрат камоли карам ва хулқи шиям муқтазоси би-ла ашён мазкурани лашкар аҳлига баробар тақсим қилиб, изда қолган аҳли аташ ва жигарсўхталарга доғе улуш йибориб марҳамати подшоҳона шарбати била бемор кўнгуллариға сихатлиқ еткурди. Ул ҳазрат ул манзилдин азимат қилиб, Хонқудуқиға файзи ҳузури била саршорлиқ багишлаб, барча оломон мешк ва митҳаралариға сув олиб, от ва тевалариға сув бергунча таваққуф кўргузди ва шом намози адосидин сўнг саманди сарсар хиромға рукуб қилиб, сипоҳи майманат фаржомнинг ҳаминонлиғи била тонг отғунча шабгир этиб, ашроқ чоғи Согча қудуқиға ёвуқ боруб, бир мавзёда иқомат хиймасин барпой қилдуруб, фароғатгузин бўлди. Чун қуёш яккатози мағриб манзили сори қадам андоз бўлди, ҳазрати хони мағфур доғи якрони сарсар нишонин қум пушталари қатъида гарм жавлон қилиб, саҳар чоғи Дарвоза қири отлиғ баланд пушта қумнинг устиға нузул этди ва ул манзилда фажр намозин ҳузуви тамом ва хушуви молакалом била ўқуб, бодпойи бодия паймосиғаким, сабодин суръати сайрни истиора қилур эрди, рукуб қилиб масофа қатъиға саёйи балиғ кўргузуб, чун Қорақўл аёқиға ворид бўлубдуруб. Уламоий изом ва умаройи зулэхтишом бошлиғ балдан Хивақ атрофининг фуқаро ва риоёси истиқболға қаршув чиқиб, ул ҳазратнинг тўтиёгун ғуборидин кўзларин равшан ва баҳори дийдоридин кўнгуллариин гулшан қилдилар. Ул ҳазрат алар ҳамроҳлиғи била шаҳри фирдавсбаҳрга ворид бўлуб, аввал қудватул-орифин, зубдатус-соликин, қутбул-авлиё муршидул-атқие махсуси боргоҳи мулки вудуд ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қуддуса сироҳу остонаси зиёратиға мушарраф бўлуб, энгнидаги подшоҳона хилъати ва олтун рахтлиғ отиким, баҳо ва қиймати бир жаҳон хирожи эрди, нуқуди фаровон била ул остони қудсий ошиён мужовир ва жорубкашлариға туҳфа ва ҳадя ўткарди. Ул ҳазрат руҳи покидин мадад ва истионат топиб, туш чоғи ул остонадин муовадат қилиб... салтанат тахти поясин қадами муборағи масосидин соҳиби пироя этти ва хилофат муттақосиға ёстониб, ҳузури дил била истироҳат кўргузди...

Ўзбекия хонадонининг зубдаси, юз дудмонининг умдаси аморатмаоб, фазилат интисоб устоди киромий Мав-

лоно Мунис мироби мағфурий, наввараллоху марқада, доғи ҳамул сафарда вабо касали била фавт бўлди. Онинг вафоти тарихин нодиран замон, аъжубаи даврон, маликушшуаро, мажмаул-фузало Хуббиқули ҳожи ким, тахаллуси Диловардурур, мундоқ айтибдурур, тарих:

Бек Мунис гузашт дар гурбат,
Гашт тарих «фавти беки ғариб».

Баъзи воқеотиким, ул ҳазрат мустақарри хилофатда **оромгузин бўлгондин сўнг вуқуға етди**. Чун ҳазрати хони мағфур ҳамул сафари меҳнат асардин инояти илоҳий муҳофазатида давлат ва иқбол била келиб, салтанат саририда мутаммакин бўлди, хазойини эҳсонидин садақа тариқаси била фуқаро ва масокинға нуқуди вофир ва маблағи мутақосир инъом қилиб, борчасин ғаний ва дунё ҳожотидин мустағний қилди. Яна улким, салтанат умури эҳтимоми ва аҳли сипоҳ аҳволи интизомига партави илтифот солиб мазкур бўлгон сафарда нобуд бўлгон умаро ва уммолнинг ўғли ва инисин давлатхоҳлиғи ва қадимул-хизматлик ҳуқуқин риоя қилиб ва алтоғи хисравонаға машмул этиб, мансабларига мансуб қилди. Андоқким, Олошбийнинг ўрнига онинг аршад ва амжад авлоди Худоёрбекни, бовужуди сифари синн, бийлик амали била сарафроз қилди. Муҳаммад Сафо иноқнинг мансабиға онинг иниси Бобо оталиқни мансуб қилди ва Қутлуғ Муҳаммад иноқнинг ўрниға онинг валади аржуманди Эрназарбекни иноқлик мансаби киромийси била баҳраманд қилди; Абдураҳмон доруғанинг мансабиға ўз инисин насаб қилди ва Муҳаммад Ниёзбийнинг амалин ўғли Паҳлавонниёзбекка тафвуз этти; Бердибийнинг мансабин ўғли Қуллуқмуродбекка муфавваз қилди; Саидбийнинг ўрнига онинг фарзанди саодатманди Авазбекни бийлик мансаби дилписанди била мумтоз ва сарафроз қилди; Паҳлавонназар оталиқнинг мансабин онинг иниси Оллобердибекка арзоний тутди; Кўҳкан доруғанинг ўрниға иниси Бойназарбек/ни/ мансуб этди; Султонхоннинг ўғли Юсуфбекни отасиға қойим мақом қилди ва Юсуфбек ва Муҳаммад Ниёзбекнинг ўрниға аларнинг авлоди Тенгриқулибек ва Жонибек бекни маҳрамлик маносиби била сарбаланд қилди. Фазойилмаоб ва иморатинтисоб Мунис мироб...нинг ўрниға фақирким, онинг биродарзодаю дастпарвардасидурурман, инояти подшоҳонадин

мироблиғ мансаби киромиси била ашбоҳу ақроним ораси-
да мумтоз ва сарафроз қилди...

**ҲАЗРАТИ СУЛТОНИ ФИРДАВСМАҚОННИНГ УЧЛОНЧИ
ҚОТЛА ХУРОСОН ЖОНИБИҒА ЛАШКАРИ БЕКАРОН БИЛА
НАҲЗАТ КЎРГУЗМАКИ ВА УЛ МАМЛАКАТ БИЛОДИДИН
АЛИ ЭЛИ ҚАЛЪАСИНИ МУСАХХАР ҚИЛИБ, ТАҲТИ
ТАСАРРУФИҒА КИРГУЗМАКИ ВА УЛ ҚАЛЪА АҲЛИН
КУЧУРУБ, ХОРАЗМИ ЭРАМБАЗМ ТАРАФИҒА МУОВОДАТ
ОҲАНГИН ТУЗМАГИ**

Саҳифа арсасининг жилвасози,
Рақам майдонининг роятфарози.
Ки, яъни хоман ҳангомагустар,
Қилур сўз мулкини мундоқ мусаххар:

Чун, мазкур бўлгон сафарда кавкабаи воло садамаси-
дин мутаваҳҳим бўлуб али эли халқи тансуқот ва туҳафоти
била ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг истиқболига камоли
ажзу изтирор била пешвоз чиқиб, мутеъ ва фармонбардор-
лиғ русумин изҳор қиладилар. Ул ҳазрат аларға навозишо-
ти хисравона изҳоридин сўнг либосоти подшоҳона марҳа-
мат қилиб, қалъалариға йиборди, токим ул сафардин муо-
вадат қилгонда ул элни Хоразм мамоликига кўчургай ва ул
эл қалъаси муҳофазатиға умаройи номдордин Султонхон
била Қурбонниёз ясавулбошини номзад қилиб, ул ҳазрат
Машҳад ва Нишобур куффорининг қасдиға азимат марка-
бин сурди. Чун бу ҳол асносида лашкар аҳли орасида вабо
иллати шоеъ бўлуб, ул ҳазрат заруратан фасхи азимат қи-
либ, мурожаат этди. Али эли улусин кўрдиларким, черик
аҳли аҳволиға заъфу ожизлиқ муставлий бўлмишдурур,
ирқи шарорати ҳаракатга кириб, бағи ва ямрда оғоз қи-
либ, иттифоқ била Султонхон ва ясовулбошининг қўшини-
ға қуюлдилар. Султонхон чустдастлик қилиб, қочиб қутулди;
Ясовулбошини дастгир қилиб, қалъа ичига элтиб, дарвоза-
ларни масдуд ва мадрус қилиб, буржу боруларға мергон
чиқориб, қалъадорлиғ умуриға иқдом кўргуздилар. Ул ҳаз-
рат аларнинг танбеҳу таъдибин гўшаи хотирида асраб,
вақт муқтазоси била дохил ва музоҳим бўлмай, муовадат
жодасига суръат бодпосин сурди. Андоқким собиқан маз-

кур бўлди, ул ҳазрат ҳамул кинаву кудурат тақозоси била ул элнинг қалъу тадмирини ва ул ҳаволининг фатҳу тасхирин пешниҳоди хотири хатир қилиб, сафар асбоби таҳияси учун хазойин эшикларин очиб, лашкар аҳли бошига неча неча зар сочди. Маснавий:

Очиб инъом учун шоҳи ягона,
Калиди жуд ила боби хазона.

Улусга тўкди ондоқ сийм ила зар,
Кўтармакликда ожиз келди аксар.

Хусусан, аркони давлат ва аъёни ҳазратга атоёйи бепоян ва инъомоти фаровон била хурсанд ва барумандлиғлар еткуруб, амири равшан замир... Раҳмонқули иноқни... доруссалтанани Хивақда ниёбат маснадида мутамаккин қилиб, сўнгги йилким, тарихи ҳижрий минг икки юз қирқ бешда барс йили ва баҳор фасли эрди, шавволил-муаззамнинг еттисида ул ҳазрат давлат якронига рукуб қилиб, роёти зафар оётни жилваға киргузуб, дабдабаи жамшедона ва сипоҳи бекарона била хуршиди тобон ёнглиғ доруссалтанани Хивақдин чиқди... Бу ёнглиғ шавкати хисравона ва садамоти зафарнишона била қатъи масофат қилиб, Қароқўл аёқда Божбонхона мавзеёдаким ул ҳазратнинг фармони била пешхонаи давлатнишона хизматиға таъйин топғон ходимлар кирёси гардун асос манжуқин қуббаи Аюқдин ўткармиш эрдилар, нузул қилиб баҳори ҳузуридин чаманистони тазйин, балки рашки гулистони беҳишти барин қилди. Ул мавзеёда бир неча маснадоройи таваққуф бўлуб, тонгласиким, хуршиди олам оройининг Жамшеди жаҳонкушоси машриқ марҳаласидин ҳаракат кўргузуб, сипеҳр арсаси сари азимат оҳангин тузди, ул ҳазрат саманди нусратға рокиб бўлуб, таваккул жодасиға инони зафарнишонин маътуф этиб, Реги Хоразм ақабалари қатъиға юз қўйди ва уч манзиллик йўл юругондин сўнг Соғча қудуқи ҳаволисига етиб, мазраби саропардаи сипеҳр иштибоҳ ва муаскари давлат интибоқ қилди. Андин ўрдуий ҳумоюн мавкиби саодат мақрун била озим бўлуб, икки манзилда Хон қудуқи атрофиға ворид бўлуб, файзи нузули ва шарафи вусули била шодоб ва сероблиғ еткурди. Анда икки кеча маснади истироҳатда мутамаккин бўлуб, учинчи кун зуҳо ҳангомида отланиб, сипоҳи маҳшарнамун била қатъи ҳомун қилиб, шабгир била беш манзиллик йўл юруб, Чарла қудуқиға

етди ва онинг ҳаволисин сипоҳи нусратпаноҳға лашкаргоҳ
этди. Онда доғи икки кеча мутаваққиф бўлуб, учинчи кун
мавқаби кайҳонпўй била мақсад тариқиға суръат тавсанин
суруб, саккиз манзиллик масофат қатъ этиб, Бовард тўпа-
си отлиғ мавзеъда боргоҳи жаҳонпаноҳ ва сародиқи фалак
пойгоҳни барпой қилдуруб, нузул этди ва шарафи вусули
била ул тўпани сипеҳр ақабасиға баробар, балким Фарқа-
дон фарқиға ҳамсар қилди. Ул манзилда Марв тавобеъоти
ва Охал музофотининг навкари мулозаматға етиб, остон-
бўслиғ шарафиға истисъод топдилар. Али эли акобиридин
Ниёзқули юзбошининг бошиға ул ҳазратнинг қуллуқи ҳа-
воси тушуб, ақлу давлат раҳнамолиғи била ўз мутаалиқо-
тин олиб, қалъадин чиқиб ҳамул манзилда ўрдуи аълоға
келиб, шарафандузи тақбили бисот бўлди. Ул ҳазрат ул
мавзеъдин ўрдуи аълони кўчуруб, бодпойи бодияпаймо-
ға рукуб қилиб, аълони нусрат фаржомни жилваға киргу-
зуб ва суфуфи саодат вуқуфни ростлиғ била тузуб, черик-
нинг ўнг қўл ва сўл қўлин умаройи номдор ва шужаъойи
жалодатшиорнинг завоти зафароёт ва анфуси нусрат ало-
моти била безаб, манглай ва соқасин таҳаввурпараст йигит-
ларнинг вужуди сароматнамуди била ораста ва пироста
қилиб, ойини жамшедона ва тамкини хисравона била арбо-
би бағи ва асҳоби инод устига ҳаракатнамо ва жодапаймо
бўлди. Маснавий:

Тажаммул бирла ул шоҳи жаҳонжў,
Инод аҳли сори қилди такупў.

Тузуб саф, дашт узра қўзғоб сипаҳни,
Губоридин ёшурди меҳру маҳни.

Сипаҳ атрофиға топмай қарона
Қолиб ҳайратға афлоку замона.

Тутуб сафлар печукким қоз қаноти,
Мувофиқ борчанин сайру саботи...

Ёловлар очилиб ҳар сори гулгун,
Саросар рашки бўстон ўлди ҳомун.

Синонлар касратидин ул биёбон,
Найистон ҳайъатин қилди намоён.

Ҳамул лашкар сафининг ҳар далири,
Келиб ул найистоннинг нарра шери.

Бўлуб аяжум киби борча шитобон,
Шаҳ онда ул сифатким, моҳи тобон.

Сурубон чусту чобуклик била от,
Ки еттилар адув қўргониға бот.

Чун ул ҳазрат бу ёнглиғ сипоҳи шижоатнишон ва кавкабаи бекарон ила арбоби бағи ва асҳоби хизлоннинг ҳисор махофатосорининг шарқияйи жанубий тарафидаои мазорейга ворид бўлуб, шамёнаи иқбол ва саропардаи ижлолни барпой қилдуруб, баҳори нузули била ул ҳаволини гулистони назҳат, балким ғайрати жаннат қилди. Тамарруд аҳли қалъанинг жамеъи мадохилу махорижларин эҳтиётӣ тамом масдуду мадрус қилиб, тўфангандозлик умурига муҳайё ва омода бўлдилар. Ул ҳазрат ҳамул манзилда беш кун иқомат саририда мутамаккин бўлуб, ҳар кун сипоҳи нусратпаноҳ фавж-фавж ва даста-даста қилиб, ҳар фавжни бир амирға ва ҳар дастани бир саркардаға топшуруб ва ҳар гуруҳға булжор таъйин этиб, қалъа муҳосарасига номзад қилди. Афвожи қоҳира фармон мўжиби била қалъанинг атрофи жавонибин дарёйи мавжурдек иҳота қилиб, ҳар фавж ўз булжорида сурон солиб, қалъа муҳосарасига эҳтимоми тамом била қиём кўргуздилар. Учунчи кунким, умародин амир Қилич иноқ ва Дўсимбий ва Суюнбий ва Худоёрбий ва Бобо иноқ ва Тағой мироб ва фақир ва ғайриҳум қалъанинг ғарбия дарвозаси муҳофазатиға маъмур бўлуб эрдук, амри олий имтисоли била ҳамул дарвоза муқобаласига бориб, саф туздук ва аҳли иноддин доғи кўб мерган бироз отлиғ била дарвозадин чиқиб, қалъа ёвуқидаги мазраъаларнинг дарахту деворларин ўзлариға паноҳ қилиб, туфангандозлиғ русумиға иқдом кўргуздилар. Сипоҳи нусрат дастгоҳдин Тағой миробким, масоф маъракасининг далири ва корзор бешасининг гурранда шери эрди ва Бекмонбек валади Дўстимбийким, ҳоло отаси ўрниға бийлик мансаби киромийси била сарафроздурур, шижоатда Рустами дostonни мўри заифча эътибор қилмас ва муборазатда Сому Наримонни назари ҳимматиға илмас эрди, бир неча баҳодири шерафкан ва диловари сафшикан била жалодат ва муборазати жибилий ҳаракатидин барқи хотифдек ҳамул мерганлар устиға от солиб, девор касратидин

муонидларға синони жонситон нўкин еткура олмай, айла-
ниб қайтур чоғда Бекмонбек аъдо тўфанги ўқидин заҳм-
дор бўлуб чиқди. Карами султоний хазинасидин анга юз
тилло ва бир хилъати кимхо инъом бўлуб, марҳамати хо-
қоний дорущифосидин иъдат марҳами етиб, онинг муҳ-
лик захми илтиём топди...

Чун ҳазрати соҳибқирони мағфур манзили мазкурда
беш кун мутаваққиф бўлуб, олтиланчи куни кўчуб қалъа-
нинг кунботар тарафида нузул қилиб, кирёси фалак асос
манжуқин қуббаи Аюқға ҳамсар қилдурди, ҳамул кун лаш-
кари қиёматасар издиҳоми тамом ила баҳри мавжур ёнг-
лиғ жунбишға кириб, қалъа атрофин паргорвор иҳота қи-
либ тиладиларким, жаҳди тамом била қалъаға югургайлар,
токим мундоқ азми дуруст маёманидин шоҳиди фатҳи маъ-
рака умидларига чеҳракушо бўлғай. Ул ҳазрат камоли бурд-
борин аларға мумонаат кўргузуб, киши йибориб қайтарди
ва дедиким, агарчи сипоҳи нусратпаноҳ ғайрат ва жало-
дат била қалъакушойлиқ умуриға юз қўйса, аҳли ақлу ар-
боби тамиз оллида... қалъа фатҳиға даст топғайлар. Ва ле-
кин эҳтимоли борким, шужаёйи хўжаста сифотдин баъ-
зининг зоти шижоатсимотиға халале воқеа бўлғойким,
агар юз қалъа мафтўх бўлса, алардин бирининг нобуд бўл-
моқиға арзимас. Иншоолло таоло, бетасдеъ сипоҳға қалъа
тасхири муяссар ва мурод шоҳиди жилвагар бўлғусиду-
рур... Сўнгги кун фармони вожибул-изъон мўжиби била ва-
зири аъзам, дастури мукаррам, садоқат асар, низомулмулк
ваддунё Муҳаммадйусуф меҳтар, наввара марқада, лашкар
аҳлиға буюруб, муаскари ҳумоюннинг давриға андоқ васеъ
ва амиқ хандақ қоздурдиким, вусъати арсаи хаёлдин кенг
ва умқи чоҳи тафаккур қаъри била тенг. Маснавий:

Фазоси вусъатиким бекарондур,
Жаҳон ичра ҳувайдо бир жаҳондур.

Вале умқи етиб таҳтус-сароға,
Чиқиб сув, мавж уруб авжи самоға.

Бўлуб саҳни сипоҳу шаҳға маъман,
Кўк ўлғондек маҳу анжумға маскан.

Бўлуб одам била мамлу саросар,
Назири бўлмайин саҳройи маҳшар.

Чун лашкар аҳли хандақ ҳафридин фориғ бўлдилар, ҳазрати шаҳаншоҳи жаннат жойгоҳ жамеъ сархайлу саркарда ва сипаҳдорларни ўзларига тааллуқ топғон навкарлар билан гуруҳ-гуруҳ қилиб, ҳар гуруҳни қалъанинг бир тарафига буюрди, токим ҳар гуруҳ қалъа ёвуқиға боруб, бир саркуб бино қилғайлар. Чун маъмур бўлғон саркарда ва сипаҳдорлар фармони қазо жараён мўжиби билан амал қилиб, аснофи лашкарияга бел ва болта олдуруб, қалъанинг атрофиға ҳужуми тамом ва издиҳоми молокалом билан болиб, ҳар гуруҳ ўзиға муқаррар бўлғон тарафда камоянбағи савй ва кўшиш кўргузуб, аъдойи залолатинтимонинг боғот ва музореъидағи битган дарахтларни кесиб..., қалъанинг атрофида дарахт ва туфроқдин андоқ олиё саркублар барпо қилдиларким, аларнинг устига чиққан кишиға қалъанинг ичида мур тебранса ва ё пашша пар урса, бараъсилайин мушоҳада қилилди. Маснавий:

Бўлуб саркублар ҳар ён муҳайё,
Чекиб рифъат аро бош то Сурайё.

Вале ҳайъат аро як лахти кўҳи,
Ҳисор аҳлини лол айлаб шукуҳи.

Кўрунуб бағи элиға кўҳи офат,
Баҳодирларға лекин, авжи рифъат.

Чун асокири нусратмаосир эҳтимоми тамом ва камоли истехком билан саркубларни тузатиб, фориғ бўлдилар, фармони лозимулимтинон мўжиби билан қодирандоз шамхолчилар ва оташбоз тўпчилар ва жалодатпардоз жазойирчиларким, қаронғу кечада мўрчанинг кўзга илмас кўзин кўз етмас ердин урар эрдилар, саркубларнинг устига чиқиб андоқ гулӯлаандозлиқға иштиғол кўргуздиларким, агар қалъанинг ичида пашшае парпарвоз урса, қанотин ергатиктилар ва агар мўре тебронса, пайкарин гард-гард қилдилар; қалъа деворин ўқ зарби билан андоқ афғор қилдиларким, ғарбол ёнглиғ мушаббакосор бўлди ва дуди қийрандуд қуёш юзин ёпуб мутамарридлар кўзиға... қиёмат кунин намудор қилди ва шарори ҳиддатосор ҳар тарафға сочилиб муонидларға фаттабҳа шаҳобу соқиб муаддоси билан бало барқин ошкор этди. Назм:

Чу қўргон сори ҳарён отилиб тўп,
Тамарруд аҳли ичра солди ошуб.

Тўшуб деворни андоққи ғарбол,
Ҳисор аҳлига солди қотиг аҳвол.

Бировнинг жисмин этди ўйлаким гард,
Бировнинг бошин этди жисмидин фард.

Адувдин чиқти андоқ шўру ғавго,
Қиёмат бўлди гўё ошикоро.

Чун аъдойи залолатпеша ва мутамарридини фасод андеша тўпи раъдошуб ва шамхоли бало тимсол гулўласининг ғиреви мутавотир ва зуруби мутаволисига таҳаммулу тоқат қила олмай Шоҳмуҳаммад ўнбеги бошлиғ ул элнинг кадхудо ва акобири ўзларин қалъадин ташлаб, забони хилжолат нишонларин замзамаи «ал-омон»га мутаранним қилиб, инкисори бепеён ва изтирори бекарон била келиб, ҳазрати соҳибқирони мағфиратосор отининг аёқига истиғфор юзин суртуб, убудият туфроқиға истиксор бошин қўйдилар. Ул ҳазрат камоли мурувват ва иқтизойи ҳимматдин... ул тийра рўзгорларнинг уқубат қиличиға лойиқ бўлгон бошин карам бурки била ва ғазаб кафаниға муносиб бўлгон баданин эҳсон хилъати била музайян ва мухаллаъ қилиб ва ўлук абдониға янгиндин жон бериб, қилгон истиғфор ва эътизорларин қабул этди. Аларға даргоҳи фалак иштибоҳнинг муътаддун-биҳ мулозимларидин садоқатмаоб, хизмат интисоб Қурбонниёз ясовулбошини қўшуб, қалъаға йиборди, токим қалъа ичидаги элнинг аёлу атфол, асбобу амволиға лашкар аҳлин дахл қилдурмай кўчуруб, муаскари ҳумоюннинг бир тарафиға келтуруб қўндурғай. Ясовулбоши ҳасабул-фармон қалъаға бориб, аҳли сипоҳни ул элнинг молу мавошисига дахл қилдурмай, маъмур бўлгон хизматни бажо келтурди. Фармон мўжиби била лашкари зафарасар қалъа деворин йиқдилар... ва айёми таваққуфда Калот ҳокими Ёлонгтўшхоннинг иниси Сўфихон остони сипеҳрнишон мулозаматиға пешкаш ва тансуқоти била келиб, изҳори убудият қилди ва жонсипор мулозимлар зумрасиға дохил бўлди. Ассухбату муассир мазмуни била аҳли исломнинг писандида афъоли таъсир қилиб, онинг мироъти хотиридин куфру залолат зангин маҳв қилди ва ул сидқидил била мусулмон бўлуб, зумраи исломға қўшулди ва ул ҳазрат анга навозишлар кўргузуб, бегларбегилик мансаби ёрлиғи била сарафроз қилиб, ўз юртиға қайтарди.

Даригиздин Валихон ва Ҳасанали ақо доғи келиб, даргоҳи олампаноҳ мулозамати давлатидин муфорақат қилмоқни ўзларидин раво кўрмай, Хоразм вилоятига мавкиби ҳумоюн била ҳамроҳ борурга мураххас бўлдилар. Яна тоғ ичидаги қалъаларнинг ҳоқимлари ва баъзининг элчилари дарбори фалакмиқдор атабабўслиқиға фойиз бўлуб, изҳоринқиёд ва убудият қилдилар ва мароҳими подшоҳона ва навозиши хисравона била баҳраманд ва сарафроз бўлуб қайтдилар. Чун ул ҳазрат али элининг музореъ ва масокинларин така жамоасиға суюрғол қилиб, ул ҳаволидағи тобеъ эллар аҳволининг низому саранжомидин фориг бўлгондин сўнг, барча сипоҳ ва аҳли лашкарнинг йигирмасидин бир тева олуб, али эли халқининг аёлу атфол ва асбобин юклаб, Хоразм саводи сори кўчурди. Ўзи доғи ўрдуйи кайҳонпўйни кўчуруб, шодмонлиғ яркониға рукуб қилиб, музаффар ва мансур мурожаат тариқиға атфи инон қилди ва бир неча кун манзил баманзил қатъи масофат қилиб, Чарла қудуқи атрофиға ворид бўлди. Анда икки кеча истироҳат кўргузуб, ондин кўчуб, манозили мутакассира қатъидин сўнг Хонқудуқиға етиб, онинг ҳаволисин лашкаргоҳ этди ва ондин кўчуб, таййи мусораат била қатъи мароҳил қилиб, Соғча қудуқи устидин ўтуб, шабгир била наҳзат самандин суруб, аркони давлат ва аёни ҳазрат била Қарокўл аёқиға ворид бўлди. Ул мавзеъда шаҳардин Раҳмонқули тўраким, сўнгроқ иноқлиқ мансаби онинг зотиға мансуб бўлмоқ била муаззиз бўлиб эрди, жамеъ уламо ва кубаро била истиқболға чиқиб, ул ҳазратнинг дийдори саодатосори наззорасидин баҳрабардор бўлдилар. Ул ҳазрат ул жамоанинг ҳаминонлиғи била зулқаъда ойининг йигирма иккисида доруссалтанаи Хивақға кириб, салтанат маснадида мутамаккин бўлди. Бу сафари нусрат асарнинг имтидоди қирқ беш кун эрди.

Чун ҳазрати соҳибқирони ғуфроннишон мустақарри хилофотда ором ғузин ва тахтнишин бўлгондан сўнг, али эли халқиға навозиши хисравона кўргузуб, аларға Қиличниеъбой арнасининг аёқи ва Булдумсоз қалъасининг атрофидин ер бериб, маъво ва сукно таъйин этди. Ҳоло ҳамул мавзеъда боғот ва иморот қилиб, улуғ эл бўлуб ўлтурубдурурлар.

Бу нусхаи мухтасарни мутолаа қилғувчи дониш аҳлининг замойири фатонат мазоҳириға ҳувайдо ва жилвапийро бўлсинким, чун ҳазрати султони мағфиратнишон таъйидоти илоҳий ва тавфиқоти номутаноҳий муованати била

Хуросон ўлкасидин али эли халқин кўчуруб келиб, сарири хилофатда бир неча муддат ором ва истироҳат кўргузди. Муруввати жибиллий ва отифати фитрий муқтазоси била ҳамул йил, яъни барс йили, сана минг икки юз қирқ олтида ўз биродари аржуманди саодатпайванди заҳируддавлат ваддин муфхари аҳли офоқ шаҳзода Раҳмонқул иноқға иноқлиқ мансаби олийсин арзоний тутуб, сарафрозлиқ еткурди. Раҳмонбердибийга бийлик мансаби киромийсин марҳамат қилиб, баҳраманд этди. Ҳамул йил ул ҳазрат амири беназири хўжаста замир ҳодими бунёдил-зулм ваннифоқ Раҳмонқул иноқни Хуросон мамоликига номзод қилди, токим ул мамлакат улусининг аҳволот ва муҳиммотиға низом ва саранжом бериб қайтғой. Ул жаноб фармони лозимул-изъон мўжиби била оз чоғда асбоби сафар ва аснофи лашқарни муҳайё ва омода қилиб, ливойи нусратинтимони ҳаракатга киргузуб, худдоми рикоб ва сипоҳи зафар ингисоб ҳамъинонлиғи била азимат кўргузуб, Чарла қудуқи усти билан қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, Тажанга ворид бўлубдурур. Анда бир неча кун таваққуф қилиб, ул ҳаволидағи элнинг аҳволиға интизом бериб, тоғ этакига борди ва ул атрофдағи қилоъ ва билоднинг авбошу ҳаромийлариға танбеҳ ва гўшмол еткуруб, хирож ва закотларин олиб, мәнзул-баманзил кучуб, тоғу дашт ажойиботин сайру тамошо қилиб, Марв вилоятиға бориб нузул этди. Ва онда доғи бир неча кун фуқаро ва риоёнинг дод ва тазаллумиға етушуб, ул атрофдоғи халойиқ аҳволининг танзим ва танбиҳида дақиқан муҳмил ва номаръий қўймай, давлат ва иқболи беҳжат ва хушҳоллиқ била якрони сарсарнишонға рукуб қилиб, мурожаат тариқиға инон азиматин мунсариф қилди. Ва қадами суръат била қатъи масофат этиб, Тахт йўлидин Жайхун канориға чиқди ва дарё қироғи била кўчбакўч қатъи мароҳил қилиб, Ҳазорасб устидин ўтуб, доруссалтанаи Хивақға ворид бўлуб, ақоси Султони гуфроннишоннинг зиёратиға мушарраф бўлуб, дийдори саодатосори мушоҳадасидин дийдаи интизорин ёрутди. Ва ул ҳазратнинг илтифот ва навозишотидин баҳраманд сарафрозлиғлар топди.

Ҳамул йил амирзодаи воломакон Исмоилбек ва визоратпаноҳ Муҳаммадюсуф меҳтари марҳумнинг иниси Муҳаммадраҳимбой ва Муҳаммаджон маҳрам... зоиқатул-мавт соғарин ложуръа сипқориб... комёби жаннат ва мустағрақи раҳмати ҳазрати иззат бўлдилар.

Ҳамул йил Кўҳна Урганжким, Арабхон замонидин,

балким Чингизхон тасаллутидин бери хароб ва сув ноёблигидин лужжай сароб эрди. Ул ҳазрат они маъмур қилмоқға муқтазо бўлуб, онинг шарқий жонибидаги кўлким Лавдан ва яна неча шуъбалар дарёи Амудин ойрилиб, анга қуяр ва ондин ўтуб, Ойбукур қирининг шарқия жониби ва от йўлидин жорий бўлуб, оёқи тенгизга мунжар бўлур. Ул кўлдин бир ариз ва амиқ ориқ ёрдуруб, Шайх Нажмиддин Кубро алайҳиррахманинг равзаи мутабаррикасининг шимолия тарафидин ўткариб, ғарбия жонибдин аёкин икки-уч фарсахлиқ масофатға еткурди ва ҳоло ул ориқдин кўб ерлар сув ичиб ва кўб эллар манфаат олиб, жаннат бўстонидек обод ва кудурат хазони осебидин озодуруб.

Навваран оллоҳу таоло мароқидахум, иморатпаноҳ, иззатдастгоҳ амир Қилич иноқ доғи ҳамул йил олами фонийдин жаҳони жовидонийға рихлат кўргузди... Хони мағфурининг марҳамати била онинг амжад авлоди Шоҳмуродбек иноқлиқ мансаби олий била сарафрозлиғ топди.

**ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ ФИРДАВСМАКОННИНГ АҲЛИ
ИРТИДОД ГУШМОЛИ УЧУН ТҮРТИЛОНЧИ КАРАТ
АЪЛОМИ САОДАТ ФАРЖОМНИ ХУРОСОН МАМОЛИКИ
СОРИ ЖИЛВАГАР ҚИЛҒОНИ ВА СИПОҲИ НУСРАТ
ДАСТГОҲНИНГ МАРВ ВИЛОЯТИГА ВОРИД БУЛИБ,
ҒАВҒОИИ ОМ БИЛА МҮРУ МАЛАҲДЕК ЙИҒИЛҒОНИ ВА
УЛ ҲАЗРАТНИНГ ХУРОСОН МАМОЛИКИГА ИНТИДОМ
БЕРГАНДИН СУНГ ХОРАЗМ ЖОНИБИГА АТФИ ЛИЖОМ
ҚИЛҒОНИ**

Чун бу сафари фарҳунда асарга ҳазрати султони жаннатмаконнинг ўз нафси нафиси била азиматнамо бўлмоқига сабаб Эрон мамоликининг подшоҳи нофизиул-фармони Бобохон шоҳнинг ўғли Аббос мирзонинг жаҳонгирлик кўсин уруб, ғурури тамом ва такаббури молакалом била ниҳоятсиз черик йиғиб, Ироқи Ажамдин чиқиб, Хуросон сори наҳзат оҳангин тузуб, Машҳади муқаддасға келиб, фахомати мизробий била садаMAT ва шаҳомат созин баландовоза қилғони эрди. Бу ижмол тафсили улким, сана минг икки юз ўн иккида йилон йили Техрон дорулмулкининг ҳокими Оқо Муҳаммадхонким, Охтагонға иштиҳор топмиш эрди, бир неча муддат ҳукуMAT уруб оламға видоҳ қилди. Онинг ўрниға Бобохон шоҳ аёлат тахтида мутамаккин бўл-

ди ва ул ҳануз салтанат умурининг рабти ва мамлакат муҳиммотининг забтига фориғболлиқ била қиём кўргузмамиш эрди, қудрати илоҳий била ўрус подшоҳининг замирига Эрон мамлакати фатҳининг ҳавоси тушуб, азим лашкар тартиб бериб, тўпу тўпхона била Темур қопу йўлидин Эрон сори йиборди...

Аббос Мирзойи иртидоди ошно, эҳтироми билло интиҳо била Ўрус подшоҳ мулозаматиға бориб, маросими дуо ва лавозими санодин сўнг Хоразм юрти ўзбакиясидин Эрон мамолики улусиға етган ситам ва бедоддин қизилбошия иши изтироб бўлгонин ва тарокима тавойифининг турктозидин Хуросоннинг аксар қилоъ ва бидодининг вайрону хароб бўлгонин, фарёду афгон кўтариб тазаллум йўсунида арз қилди ва Хуросон вилоятлари забтининг саранжоми, хусусан Хоразм ва Бухоро мамолики фатҳининг эҳтимоми учунким, ҳамиша замири касофат тахмирининг орзу ва муддаоси эрди, кўмак тилади.

Чун Русия подшоҳи онинг таманноси заминида ўз беҳбудин ва савдоси беҳбудида ўз судин тахайюл қилиб, филҳол аёни давлатидин бир сипаҳдори коразмо ва сайрхайли шавкат ошнони бош қилиб, кўб черик ва тўпхона била онга мададкор ва йўлдош этди. Чун Аббос Мирзо Ўрус ҳонидин борча қилгон илтимосин раво ва хотири хоҳишин муҳайё топди, фаҳомати тамом ва ифтихори молокалом била ҳар аснофдин лашкаре ораста қилиб ва лашкар аҳлин асбоби муҳораба ва олоти мазораба била музайян ва пийроста этиб, кавкабаи тамом била Ўрус дорилмулҳидин ҳаракат кўргузуб, манозили мутанаввиъа ва мароҳили мутакассира қатъидин сўнг ражаб оий мазкур бўлгон санада Машҳад ҳисориға келиб, нишиман этди. Ул шаҳар атрофин черик аснофиға маскан қилди ва Хуросон атрофидағи билод ва вилоёт ҳокимлариға зоҳиран муованат ва зимнан мубойиат талаб қилиб, фасоҳатпарвар ва фусунгустар элчилар ирсол қилди. Андоқким, Хирот доруссалтанасининг ҳокими Шоҳ Комронғаким, афогана гуруҳининг шоҳи комрони эрди, Муҳаммадали отлиғ вазирин йиборди. Хаюшон ҳокими Ризоқулхон заъфаронлуға ва Турбат волийси Муҳаммадхон қаройиға Мирзо Абулқосим отлиғ қойиммақомин йўллади ва Калот ниғаҳбони Ёлонгтўш бошлиғ борча така ва солур ва соруқ ва мужовир ва сақар элотиға муътамад ва муътабар мулозимларин йибориб, ҳар қайсиға бир навъ нома арқомин сурди ва нома арқомида бу мазмунни эълон қилдиким: «Эй Хуросон халқи, билинг ва огоҳ бў-

лингларким, бу ёнглиг сипоҳи бекарон ва асосаи бепоён била масокину автон, ақрабоу ихвон муҳожиратининг меҳнатин ва йўл ранжи ва сафар машаққатининг шиддатин чеҳраи роҳатимға қоршу тутуб, Хуросон вилоятиға келмакимдин арз, сиз жамоанинг бошингизға зилли отифатимни мамдуд этмак ва юртингиздин бебок ва саффоқларнинг дасти таарруз ва татовулин кўтоҳ ва мафқуд қилмоқдурур. Йўқ эрса, шак йўқдурурким, ҳимматимнинг баландпарвоз ҳумоси Хоразм ва Бухоро вилоятлари тасхири ҳавосининг болкушосидурур. Нединким, ул вилоятларнинг халойиқи ўзларин қавонди дину миллат ва русуми шаръу сабаб ихёсида суннийи санавий ва мусулмони комил ва соҳиби яқин тутуб, бир жамоани кофири мутлақ ва мазҳабимизни мазҳаби ноҳақ эътиқод қилиб, биздан бир кимса оларнинг қўлиға тушса, хизматин ҳалол билиб, бандалик қайдиға чекар эрмишлар.

Ҳар ойна агар ўзбакия тойифаси масоф талаби била қоршу чиқса, уламои мунозара гуруҳ ва фузалои динпарварнинг каломи балоғат низоми эҳтимоми била илзомға еткурай ва далоили қотиъа зилолининг обрезлиги била эътиқодларининг оташ илтиҳоби Омудин ўчурай ва агар кўнгуллариға ваҳму ҳарос истило топиб, бу тарафға келмакдин обод имтиноъ кўргузсалар сипоҳи кинахоҳ била ман оларнинг устига бориб, ондоқ сафоролиқ русумида жаҳду эҳтимом кўргузайким, сипеҳри нилфом таҳсину офарин замзамасидин тўлсун ва ул ёнглиг масоф ва набардозмолиқ қавондин кўшиши молокалом била тузайким, қиёматға тегир ва бани одам мажолисида зарбулмасал бўлсун», деб, лофу газоф кўсининг валваласин такаббуру фаҳомат қўбининг зарбаси била гардунсою фалакфарсой қилди.

Чун Хуросон мамоликининг хонлари онинг мундоқ пайгоми нофаржом ва каломи батолат анжоми мазмунидин иттилоъ топдилар, барчалари фикрат андеш ва маслаҳаткеш бўлуб, ақли матин дастёрлиги била бу ройни савоб ва мустаҳсан топдиларким, ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг домани ҳимоятиға чанги эътисом ва урватулвусқо иноятиға дасти эҳтимом урғайлар. Нединким, ул ҳазратнинг қадами марҳаматпарварда ва самими намакхўрдаси эрдилар. Ложарам истимдод ва истифоса қилиб, Хирог волийси Шоҳ Камрон бошлиғ Маймана ҳокими Музробхон ва Андху сарвари Шоҳвалихон ва Шибиргон фармонфармоси Манучеҳрхон ва оймоқ ва ҳазора тавойифининг сархайли Шер-

муҳаммадхон ва Ризоқулихон Аббос Мирзонинг таадди ва шарридин паноҳ тилаб, ажзу ихлос изҳори била аризадешг битиб, фасихбаён, садоқат нишон элчилар била даргоҳи олампаноҳ мулозимларига ирсол қилдилар. Елонтўшхонким, остони давлат посбон худдомига макру ҳийла била мунофақат тариқида мувофақат кўргузуб, жабҳаи исён қаросин аён қилур эрди, ул доғи изҳори сидқ ва ихлос қилиб, Аббос мирзонинг ўн икки минг сарбоз ва ўттуз ароба тўп ва оташхона ва мунга лойиқ сипоҳи бекарона била Машҳадга келгонидин ямроли Мулла Субҳонназар отлиғ бир киши била дарбори фалакмиқдор наввобиға ахбор қилди.

Чун Аббос Мирзонинг далирона Хуросон мамлакатига келгони ва мутакаббирона сўзларга тил чеккони ва хиффат била ургон лофи ва ҳамоқат била зуҳурға еткургон газофининг хабари ҳадди тавотурға етиб, бешойибаи кизб масомеъи аълоға етушти, ул ҳазратнинг оташи таассубиға бу воқеа вуқуъи доманзан ва арақи ҳамиятиға ҳаракат афкан бўлуб, дарҳол ғазот асбобининг таҳияси ва сафар саранжомининг равиясиға иштиғол кўргузуб, ғазот иродаси эълони ва сафар тадорики эҳтимоми учун мамлакати маҳрусалашкариға тавочилар ирсол қилди ва атрофдаги вилоятлар волийларидин келган арзадошларға бу ибороти марҳамат оёт била жавоблар ёздиким, «Эй олий макон волийлар! В-эй, садоқатнишон ҳокимлар, мардоналиғ ва қавий диллик била нангу номус посдорлиғида саъйи болиғ зуҳурға еткуринг ва мамлакатингиз забтида камоянбағи дасту по урунғ ва дини мубаййин тарвижиға иштиғол кўргузуб, куффори фужжорнинг лоф ва газофидин хавфнок ва ҳаросманд бўлмай, фориғбол ва хушҳол бўлунгларким, иншооллоҳ, тенгри даоло карамидин ҳодисоти самовийдин масун ва балиёт арзидин маъмун бўлғунгиздурур ва тездурурким, кавкабаи воло ул ҳаволиға ҳаракатнамо ва алвияи нусрат таъбия бошингиз узра шиққакушо бўлур, дийдаи интизорингизни равшан ва мазраъи омолингизни гулшан қилғусидурур»,— деб жавобларни келган элчиларға топшуруб, шодком ва мақзиюлмаром юртларига қайтарибдурур. Ризоқулихондин келган элчига остони фалакнишон мулозимларидин шижоатнишон Муҳаммадамин юзбошини қўшуб, онинг изтирор ва изтиробии шиддатининг таскини учун йиборди. Ондин сўнг аъдойи дин ва куффори шарорат каминни масойили диния ва улуми яқиния дақойиқи мунозарасида илзому инҳизомға еткурмак учун уламои динпарвар ва фузалои диққатгустар зумрасидин бир гуруҳниким, боло-

гатда уламойи замондин мумтоз ва фасоҳатда фузалойи даврондин сарафроз эрди, мунтахаб қилиб бу сафарда ўз ҳамроҳу ҳамъинонлиғига таъйин этди.

Андоқким, ул жумладин, балогатосор, маърифатшиор умдаи уламои изом ва қудваи нуждабойи киром ақзал-қузвоти мутаолийи даражоти ҳидоятнишон қози Мусохожа эшон ва сарвари арбоби дин, муфтии диroyатойини олиймакон Низомиддин хожа эшон ва афзали аҳли эшон Саъдиддин махзум ва махзуми фатонатжалис Хожа Иброҳим раис ва русуми фақоҳатга росим эшон Саййид Қосимхожа раис ва фаҳму зако аҳлиға надим ва тадрис маҳфили садрида муқим домла Иброҳим ва ғайриҳум эрдилар. Ул жамоага сафар асбоби таҳияси учун хазинаи омирадин маблағи вофира инъом қилиб, борча мояҳтожларин муҳайё ва омода қилди.

Чун ҳазрати соҳибқиронӣ мағфират маол черик тартиби эҳтимоми ва сафар асбоби саранжоми иштиғолидин фароғболлиқ ҳосил қилди, шаҳар атрофидағи осуда бўлгон авлиёуллоқ остоналарига нузуроти вофир ва садақоти мутакосир йибориб, арвоҳи таййибаларидин истимдод қилиб, мужовирларидин дуойи хайр олди ва куффор ғазоти азиматин ирода қилиб, лув йили сана мунг икки юз қирқ саккизда зулҳижжа ойининг ўн бешида сешанба куни ул ҳазрат умаройи олиймиқдор ва сипоҳи бешумор ҳамриқоблиғи била роятафроси наҳзат бўлуб, кавкабаи тамом била доруссалтанаи Хивақдин чиқиб, душман қасди учун жода паймойи азимат бўлди. Ҳамул кун июноти азалий ҳидояти била йўл юруб, Қорақўл аёқидаким, боргоҳи иқбол барпо қилилиб эрди, нузули ижлоли шарафи била сипеҳр тимсол қилди. Сўнги куни... заҳируддавла Раҳмонқули иноқ ва салтанат гулистонининг гули, ҳукумат бўстонининг булбули шаҳзода Раҳимқули тўраниким, ҳоло хилофат тожининг гавҳари зоти била музайяндурур, мушоаят учун ул ҳазратга ҳамъинон чиқиб эрдилар, наёбат мансаби била сарафроз қилиб, мамлакат муҳиммоти саранжоми ва вилоят саранжоми эҳтимоми учун шаҳар сори қайтарди. Садоқатмаоб, давлат интисоб, муҳиббил-фуқаро, маржаъул-ғурабо, маишатуддавла ваддунё, вазири беназир Муҳаммадризо қўшбегини алар мулозаматиға таъйин этди. Шаҳардин узотиб чиққан уламо ва фузалонинг дуойи хайрларин олиб, шаҳарга қайтарди. Жумъа куни саратон аввалидаким, соатлар асъади ва вақтлар аршади эрди, Қорақўл аёқидин тўпу тўпхона, боргоҳу шамёнани ўрдуйи кайҳонпўй била

илгари кўчуруб бир соатдин сўнг ул ҳазратнинг ўзи лашкари қиёмат асар ва сипоҳи шижоатпарвар била аъломи нусрат пайкарин қуёшдек жилвагар қилиб, бодпойи бодияпаймоға маҳмиз бериб, мақсад тарафига инонрез бўлди ва икки кечаю кундуз шабгир била қум кесиб, Бол қудуқи отли марҳалани муаскари асокири фирузийасар ва мустақарри роёти зафаргустар қилди ва боргоҳи сипеҳр иштибоҳ қуббасин офтоби жаҳонтоб қамасидин ўткарди. Ҳамул мавзеда Шоҳ Комроннинг элчиси мирзо Абулқосим валади Ислом шайхким, ҳануз рухсат шарафига мушарраф бўла олмай, ўрдуйи ҳамоюнда ҳозир ва ижозат вуқуьига мунтазир эрди, они боргоҳи олампаҳоға ундаб, жоми умидин илтифоти хисравона саҳбосидин лабрес қилди. Шоҳ Комроннинг юборган номасига мувофиқ жавоб ёздуруб топширди ва барча қилғон илтимоси мақбул тушуб, кавкабаи волонинг Хуросон сори азиматнамо бўлғонин доғи ул марқум бўлғон нома арқомида эълон қилди.

Давлати абадмуддат хайрихоҳларидин садоқатлузум, фатонатоғоҳ Отажон махзум ва риқоби нусратинтисоб мулозимларидин ихлоставом қўрқмас Саййидниёз маҳрам ва Эрнийёз маҳрамни мазкур элчиға элчи йўсуллуқ масҳуб қилиб, аларға солур улусидин Хожаназар сардорни ажизчиликға таъйин этиб, зулҳижжа ойининг йигирма бешида чаҳоршанба куни Ҳирот сори йўллади. Ва жумъа куни мазкур манзилдин бунаҳу ўғруқ, тўпу тўпхона, хиргоҳу пешхонани кўчуруб, сипоҳи бешумор ва лашкари жалодатосорни бошлаб, мақсад жодасига суръат маркабин сурди.

Бу овонда ҳаво ҳароратининг шиддати ул масобаға еттиким, қум пушталарин томуғ оташгоҳидек қизитти ва қуёш тобиши ул миқдор ҳирқатангезлик кўргуздиким, аҳли сафар бошлари мағзин тафсондек жўшишға киргузбдурур...

Ул ҳазрат бовужуди мундоқ ҳаво ҳарорати ва йўл қатъи суубатидин ва ислом аҳлиға ҳимоят, куфру зуллому хайлиға ҳақорат ва батолат еткурмак учун ҳиммат тавсанин Ҳафтреги Хоразмнинг фалактимсол пуштлариға суруб, офтоби тобон ва моҳи дурахшон ёнглиғ кечаю кундуз шитобон бўлуб, манозили беҳад ва мароҳили беадад қатъидин сўнг Ёзи қудуқи атрофиға ворид бўлубдурур. Қудуқлар сувинким, лашкари қиёмат асар ҳужум қилиб, камлик жиҳатидин ҳеч бири ола олмас эрди, ул ҳазрат бир қудуқ бошиға амин кишилар буюриб, сипоҳ аҳлиға, алоқадри маротибуҳум, навбат била сув олдуруб, халқнинг

оташи аташига таскин ва галабан изтиробига тамкин берди. Ул қудуқ бошидин асокири зафар маосирни кўчуруб, азимат тариқиға суръат маркабин сурди ва манозили ҳавлосо ва ақабети фалакнамудор қатъидин сўнг Чашма отлиғ қудуқғаким, суйи бағоят вофир ва хушгувор эрди, етушуб, сародиқоти ижлол ва саропардаи иқболни барпсй қилдуруб, ул ҳаволини сипоҳи давлат дастгоҳга оромгоҳ этди. Аммо ул хазратнинг кейинрагидин келатурғон афвожи касираким, Очий қудуқидин кўҳнамудор тевааларга булуткирдор мешикларни тўлтуруб, юз аҳтиёт била юкланган сувлари ҳаво ҳарорати ва қум ҳирқати ва самум аҳтизози ғалаботидин куйган юраклари атшони таскиниға вафо қилмай, суубати тамом била нимжон ва афтону хезон Ёри қудуқиға етушдилар. Ҳар қудуқ бошиға нужум ёнглиғ ҳужум кўргузуб, шиҳобдек таноб бирла бадр мисол давларни қудуқға солиб, баъзи сув Юсуфи висолидин навъи ком олиб, аксари лашкар бир қатра сув била лабини тарқила олмадилар. Ложарам, сув ноёблиғи ҳасратидин ўтга тушган қил масаллик изтиробу топок кўргуздилар ва ҳаво ҳарорати шиддатидин қовурпоч ёнглиғ куюб, меҳнат сарпанжаси била яқоларин чок этиб, навҳа туздилар. Назм:

Изҳор этибон ҳаво шарорат.
Фош айлади ул қадар ҳарорат.

Ким ёнди улус танида жони,
Ҳам куйди ўтундек устикони.

Жонларға солиб ҳасрати ўт,
Танларға қуёш ҳарорати ўт.

Эл ҳар сори ўтлуғ оҳ тортиб,
Ул оҳ фалак юзни қарортиб.

Иш ўйла улусға саъб тушди,
Ким жонлари оғзиға етушди.

Бу ҳол асносида ҳазрати карими корсоз ва раҳими банданавоз, аҳли аташ аҳволиға тараҳҳум кўргузуб, июнат саҳобидин икки кечаю кундуз раҳмат ёмғурин ёғдуруб, ул жигарсўхталарнинг оташи атшон ва дили сўзониға филжумла таскин ва тамкин еткурди.

Чун Чашма мавзеида бу воқеа хабари даргоҳи сипеҳр иштибоҳ ва ҳиргоҳи давлатпаноҳ остони окифларининг самъиға раҳгузариёлар ассанву афвоҳидин тавотир расми била масмуъ бўлди, мавқифи жоҳу жалолдин фармони лозимил-имтисол аркони давлат ва аъёни ҳазратға мундоқ содир бўлдиким, изда қолғон черик олдиға сув йибориб, ташналик ранжидин халос қилсунлар. Филҳол фармон мўжиби била визоратпаноҳ, саодат дастгоҳ низомулмулк ваддунё, мушири муътабар Муҳаммадюсуф меҳтар ва Бекниёз девонбеги ўрдуйи аълодин ҳар кун икки минг тевага сув юклатиб Фўлод маҳрам ва Қорли маҳрамким, ҳар бири хизматкорлик тариқасида зобит ясоқчилар номовари ва чобук ясовуллар сарвари эрдилар, мазкур бўлғон теваларни аларға топшуруб, изда қолғон оломонға сув еткуруб, борчасин шодоб ва молу мавоший ва оболу ҳавошийлари сероб қилиб, борчасин омон-эсон, соғу саломат муаскари давлатасарға еткурдилар. Мундоқ беҳбуд ҳусули ва бу мақсуд вусули учун Чашма қудуқи атрофида ўн кун кавкабаи воло ва ўрдуйи аълоға таваққуф ва тамкин воқеъ бўлди. Ҳамул манзилда якшанба куни ул ҳазрат умаройи олийжоҳ ва акобири сипоҳни Ёлонгтўш бошлиғким, Аббос мирзо номасин келтуруб, ул мавзеъда остонбўсдиғ шарафиға етиб эрди, боргоҳи сипеҳр иктиноҳға ундаб келтуруб, сарири қуёш назир атрофида муносиб ва маротиблариға кўра ўлтурғузди. Шоҳона зиёфатлар тартиб берилиб, гуно-гуно таомлар излик изидин чекилди. Уклу шурб русуми инқизосидин сўнг мулукона хилъатлар ва хусравона саруполар инъом қилиб, борчасин сарафроз этди. Ёлонгтўшни сарупойи хосса атоси била абнойи жинсидин мумтоз қилди ва душанба куниким, муҳаррам ойининг ўн иккилончи куни эрди, Чашма атрофидин кўчуб, Марв дарёсининг қироғида Кийикли отлиғ манзилга нузули баҳоридин таровати тоза бағишлади.

Ул манзилда ул ҳазратнинг ҳиммати зоти муқтазоси била Хуросон сори мутаҳаввирона жалолат маркабин сургони ва кавкабаи воло азимати кўсининг авозаси ул тарафға етушуб, Аббос Мирзо дабдабасининг хавфу ҳаросидин осудалиғ топиб, барча қалъажот ҳокимларидин дўстлиғ ва якжиҳатлик қаваодининг истехкоми учун элчилар келиб, туҳфоту тансуқот ўткордилар. Ҳамул манзили шарофат нозилда олийжоҳи муалло жойгоҳ, шижоатнишон, ихлос тавъамон Дарвешқулихон Жамшидийким, кўб муддатдин бери тенгри таоло тақдири мўжиби била элу уругидин ой-

рилиб, усрат ва кулфат асносида бахтиёр ва толеи мададкор бўлур, остони фалақошиён қўлларига нисбати робитасин маҳкам ва давлатхоҳлиқ камарин хизмат белига мустаҳкам боғлаб, фармони қазо жараён мўжиби билан Йўлутан мавзеида ўлтуруб, мароҳими подшоҳона суфрасининг луқмахори ва авотифи хисравона вазифасининг баҳрабардори бўлуб эрди. Йўлутан мамлакатининг ҳукмрони Муҳаммадаминбек била ҳамъинон келиб, остонбўслиғ шарафига истисъод топди; ул ҳазрат отифати саҳбосидин нашъан беандозаға мушарраф бўлуб, димоғига жаннат боғидек тозалиғ етушди. Чаҳоршанба куни Аббос Мирзодин келгон муросилаға лойиқ жавоб амри муншийлар ҳақида содир бўлди. Ул муросила бу мазмунда иборотий эрдиким:

«Хукмронлиғ маснадининг зебандаси ва хоқонлик иклининг арзандаси аъло ҳасаб воло насаб, баланд ахтар, кироми гавҳар, Чингизия силсиласининг ифтихори ва Хоразм мамолиқининг шаҳриёри соҳиб ихтиёри, аъло оллоҳи таоло шона ҳамвора комёб ва комгорлиғ сарирининг оромгузини бўлғой. Баъда улким, ўтгон йилларда Хоразм халқи жонибидин қонда ва қонун хилофи ҳеч важҳ била зоҳир бўлмас эрди. Хусусан, Хуросон вилоятларигаким. Эрон давлатининг этокига рабту таалуқи бордурур ва Хоразм ҳамсоялиғи доғи оларға мўжиби ифтихордурур ва ҳоло неча йиллардурурким, бурунроқ ўтган йилларнинг хилофин илгари тутуб камоли номулойимлиқдин Хуросон улусининг муҳозими бўлур, онда ўлтургон мусулмонларға кўб озор еткуруб, банду асир қилиб, Хивақ ва Бухоро бозорларига элтиб сотиб, Эрон давлати дўстликни ўзларидин безор қилурлар. Бир тарафдин Русия халқиға атвори нолойиқ била озор еткурурлар. Эмди рус ва Эрон аҳли алардин кўб озурда бўлмишлар ва Рум подшоҳи доғи аларнинг ишин ва номувофиқ равешин мусулмонлиқ тариқасининг хилофи билибдурур. Бас, шариад ва ҳомият юзидин ул иш дафъи бу давлат зиммасиға вожиб бўлур, рус подшоҳи ҳам ул амр дафъин бизнинг тарафимиздин таваққуъ кўргузуб, ўз тарафидин мулукона ионатларға мутасадди ва мутааҳҳид бўлмиш. Бу сабаблардин бовужуди ҳаво бурудати ва қиш шиддати тўпу тўпхона ва асокири бекаронани бошлаб Хуросонға озим ва ражаб ойи Машҳади муқаддас вурудиға жозим бўлуб, барча тарафдин ҳимматимизни ул мақсуд таҳсилаға масруф қилибдурурмиким, андоқ фитна ва фасод ва қавондин рафъ ва ул вило-

ятларни маъмун қилиб, борча ташвишотин дафъ қилғоймиз.

Чун Машҳади муқаддас қароргоҳимиз бўлди, олийжоҳи рифъат жойгоҳ муждат ва жалолат ҳамроҳ, иродат ва ақидатогоҳ ва роятнишон Ёлонгтўшхон шарафи ҳузуримизга мушарраф бўлуб, ул атроф аҳволу авзоидин фасле арзга еткурди. Ва улув ҳимматимиз зиммасига лозим билиб ирода қилдуқким, ул муътамади махсусни ул ҳудудга йибориб, дину мусулмонлиғ ҳукмининг муқтазосича аҳволот тафсилин ул жалолат арбобининг сарварига макшуф қилғоймиз. Ул важҳдин олийжоҳи мазкурни сафорат расми била ирсол қилдуқ. Нома тамом вассалом».

Чун ҳазрати соҳибқирон, фирдавсмакон Аббос мирзонинг йиборган маволифатномасин мутолаа қилди, филҳол бу мазмун била жавоб рақам қилдурдиким: «Ул васиқаи муволифати намиқаиким, ул шойистайи сарири шавкату жалолат ва бойистаманди иморат ва аёлат, садаMAT ва шаҳоматнишон, зеббахши мамолики Эрон мувофақаторо Аббос мирзо рафъи оллоҳ таоло эъломи қудрат, ақидат огоҳ, шижоатнишон Ёлонгтўшхон била маслаҳатлар мулоҳазаси учун йибориб эрди, назаримиз мутолаасига восил ва нуқоти дақойиқсимоти ҳақойиқи ҳосил бўлди. Андоқким, ул сарвари олийғуҳар Хуросон аҳли ҳаққида фуқаропарварлик қилиб, деб эрканким, шиъалареким Хуросон ҳудудидадурурлар борчаси мусулмон ва аҳли дин ва рост мазҳаб ва соҳиби яқиндурурлар. Бас, ул жамоага озор еткурмак, бола ва чоғаларин ўлжаю асир қилмоқ подшоҳи исломдин нораво, балким, айни хатодурур. Билсун ва огоҳ бўлсунким, Хуросон аҳликим, ғуломи равофиздурурлар, аларга мусулмон деб от қўймоқ ва имон аҳлидин санамоқ индалшаръ ва индалақл дуруст эрмастурур. Нединким, Хуросон аҳли буғзу адоват юзидин ҳазрати Ҳотам-уланбиёнинг тариқаи суннатидин қадам тортиб, асҳобининг саббу ташайюбин ибодати шомила ва фаҳшу дашномин садоқати комила билурлар. Андоқким, бу сифати шаниъа ва хислати фазиҳалари олам аҳли орасида... машҳур ва мазкурдурур. Ҳомийюл-миллат ваддин имомул-муттақин асадуллоҳул-ғолиб Али ибн Абу Толиб разиёллоҳи анҳуни иқроҳғаким, азимат ва ихтиёр таркидурур ва тақияғаким, ҳаққи китмони ва манҳи амрлар иртиқобидурур..»

Ҳар наким тил сўзидурур, даргоҳи фалакосорий муътамадларидин Холмуҳаммадбой тақрир қилғусидурур. Нома тамом, вассалом».

Чун бу номаи номий ва нухаи кироми рақам топди, филҳол, ул некукорлиқ матлабининг жуъндаси ва хизматкорлиқ тариқининг пўяндаси, мулозими боргоҳи сипеҳр жойгоҳ Холмуҳаммадбойга топшуруб, солур Холназарбекким, абаонанжад бу хонадони азимушаъннинг хизматкори жонсипори эрди, бойи мазкурға қўшуб, сафорат учун Аббос мирзоға йиборди. Ёлонгтўшхоннинг чеҳраи масодиқатида мунофиқат рангининг асарин мушоҳида қилиб, қайтариб йибормай, ўрдуи ҳумоюнда сақлади. Ва муҳаррам ойининг ўн еттисида шанба куни Кийикли марҳаласидин отланиб, давлати саодат фуюзотидин ғоят комронлиғ ва камоли шодмонлиғ била йўл юруб, якшанба куни Панжамавзеъига сипоҳи нусратпаноҳ била ворид бўлуб, кирёси баланд асос манжуқин қуббаи Аюқға ҳамсар қилдуруб, авранги истироҳатда мутамаккин бўлди. Фармони ҳумоюн муқтазоси била ул атрофдағи ўлтургон улусу элот итоат Хизрининг далолати била ҳидоят маслағига убудият қадамин қўюб, сангари саодат асар ичига келиб, бозор қурдилар ва бениҳоят молу мавоший ва ғаллоту ҳавоши келтуруб, байъу шароъ қавоидин падидор қилдилар. Ва ул ҳазратнинг лутфу эҳсонидин шодком ва инъоми омийи неъматкадасидин шаҳдошом бўлдилар. Ул манзили муборақда Муҳаммадамин юзбоши, Хаюшон ҳокими Ризоқулихон заъфаронлунинг Курд отлиғ ўғликим, ҳусну латофатда ғайрати ҳури ризвону рашки моҳи Канъон эрди... Шарафхон отлиғ нойибининг ҳамъинонлиғи била бошлаб келтурди. Чун ул нодираи даврон остони сипеҳрнишон туробининг жабинсолиқиға фойиз бўлуб, даражайи аълоға тараққий топди ва отасининг кўмак тилаб йиборган аризадоштин тухфау пешкашлари била назари анвар пешгоҳидин ўтқариб, илтифоти хисравонадин баҳраи тамом топди. Чаҳоршанба кун вазири аъзам дастури мукаррам, низомулмулк ваддунё Муҳаммадйусуф меҳтар, соруқ Раҳмонбердибой ва Эшназар юзбоши ва мулла Авазмурод сардор била отланиб, фармони ҳумоюн муқтазосича бир қалъаи муаззам солғудек жой кўзлаб келдилар. Жумъа кун борча умаройи номдор ва уманойи олиймиқдор иттифоқ била отланиб, коршинос баннолар ва дароят иқтибос тарроҳлар ва жамеъ коргузору аҳли лашкарни элтиб, ҳужуми тамом ва ижтиҳоди молокалом била иморат ишига иштиғол кўргуздилар ва ўн кун муддатида андоқ рафеъ ва муаззам қалъа бино қилдиларким, саҳни вусъати жаҳон арсасиға

баробар, девори рифъати авжи гардунға ҳамсар эрди.
Назм:

Келиб вусъат аро мулки жаҳонча,
Вале рифъатда авжи осмонча.

Бўлуб амну фароғатнинг макони,
Зуҳал ҳар кеча онинг посбони.

Чун маъмур бўлгон саркорлару коргузорлар иморат ишидин фориг бўлуб, даргоҳи сидра жойгоҳ мулозиматиға етиб, авотифи бекарона била баҳраманд бўлдилар. Бу аснода Холмуҳаммадбой мазкур Аббос мирзонинг қўшуб йиборган элчисиким, Иброҳимхон Тифлисий эрди ҳамъинон келиб, шодурвони сипеҳришон ҳошияси тавфидин сарбаланд ва кўрунуши олий вусулидин аржуманд бўлуб, Аббос мирзонинг мувофақат бобида ул ҳазратға хитоб била йиборган жавобин арзга еткурдилар. Ул хитоб бу мазмунда эрдиким, дебдурур: «Эй, биродар, мамлакат ва вилоят боғи ул вақт ободлиғ топарким, икки подшоҳнинг мувофақати баҳорининг насими эҳтиозга кирса. Фуқаро ва райят ул замон фароғат ва шодлиғ топарким, икки хоннинг мунозаати тарки аларға амну амон хабарин берса. Бас, керакдурурким, икимиз ҳам кийна ва қудурат ғуборин хотиримиз ойинасидин маҳв этиб, оққўнгул била мувофақат ва муволафат тарҳин бунёд қилсак, токим бу равиш била фуқаро ва раёоё форигбол ва осудаҳол бўлғойлар».

Чун ул ҳазратнинг замири мунириким, маҳбити анвори ғайби ва мавриди илтифотлар райби эрди, ул калимот истимоъидин онинг мунофиқатин маълум қилди ва лекин изҳор қилмай, келган элчиларни муносиб жойға тушуриб, аларнинг хизмат ва рафоқатиға дониши иншо Мискин ақони таъйин этди. Чун сафар ойининг ҳилоли машриқ зуҳуридин жилвагар бўлди, Аббос мирзонинг элчилариға хилоъи хуршид шиоъ кийдуруб, киссаи муддаоларин нуқуди эҳсон била тўлтуруб, дўстком ва мақзиюл-маром руҳсат берди. Ёлонгтўшхонға ҳам олар била ҳамроҳ кетмакка ижозат берди. Ул иккиси тузоғ қайдидин қутулғон қушдек юз навъ парвоз била азиматандоз бўлдилар.

Чун шиа мухалифати азҳари минашшамс жилвагар бўлди, ул ҳазрат шужаойи зафарнишонни гуруҳ-гуруҳ қилиб аҳли куфр қўрғонлари сори чаповулға буюрди. Андоқким, мужовири Бобошайх ва Муҳаммадшайхни бош

қилиб борча сориқ ва солур баҳодирларин Машҳад яғмоси-
га намзод қилди. Туроббек ва Ҳразхон бошлиғ жамеъи
ямут ва така мужоҳидларин Ёлонгтўшхон элоти Калот то-
рожиға йиборди. Чун бу маъмур бўлгон жамоалар куффор
вилоятлариға чаповул уруб, куб молу ўлжа ва асир кел-
тирдилар, қилгон хизматлариға лойиқ навозишоти хисра-
вона ва сарупойи шоҳона била мумтоз бўлуб, яна хизмат
учун рухсат тиладилар. Бу навбат рикоби давлат интисоб
мулозимларидин барча ўзбек ва ямроли йигитлари алар
била қаройи куффорининг наҳбу ғорати учун фотиҳа олиб,
озим бўлдилар ва аксар шианинг хонумону хирмани жон-
лариға қилич суйидин ўт уруб, барча аёлу атфолин асир
ва асбобу амволин ўлжа қилиб келтирдилар ва илтифоти
бекарона била сарафроз бўлдилар. Булардин ўзга доғи
неча маротаба афвож буюрулуб, неча қатла шиа аҳлин то-
рож қилилди... Аббос Мирзо тўпу тўпхона, чодир шамё-
насин кўчуруб, Ризоқулихоннинг Муниробод отлиғ қалъа-
сиға боруб, атрофин қабоб тушуб эркан ва қалъа аҳли била
мужодала ва муқотала оҳангин тузуб эркан. Бу воқеа хабар
Машҳад атрофин чопиб келган ғозийлардин эшитилиб,
ҳадди тавотурға етиб зоҳир бўлди. Ул ҳазрат... Аваз юз
боши ва шижоат вазиға Бекиш халифаға така жамоасининг
барча таҳаввурнишон баҳодирларин топшируб, Ризоқули-
хон кўмаги учун Хаюшонға юборди...

Чун ҳаво ҳароратининг иштидоди даражаи аълоға ет-
ди ва черик зоди роҳиласи доғи ул биёбони бепоёнда та-
мом бўлурға етишди...

Чун ул тарафларнинг низому саранжоми эҳтимомидин
ул ҳазратнинг замири шарофат тахмири филжумла ором ва
фароғат топди, давлат ва иқбол била Марв навоҳисидин
кўчуб, Хоразм пойтахти сари юз қўйди ва Тахт йўли била
озим бўлуб Жайхун қанориға ворид бўлди. Дарё қаноридин
кўч-бақўч ҳаракат кўргузуб, рабиулаввал ойининг ўн уч-
лончи куни қудуми саодатлузуми фуюзотидин салтанат
тахтиға назорати тоза ва дийдори офтоби ламаётидин
вилоят аҳлининг дийдан интизориға таровати беандоза
еткурди... Ҳамул йил ул ҳазрат ҳамул сафардин юртға
ташрифи ҳузур келтургандин сўнг, Тошҳавли иморати-
ким, Хивақ шаҳрида, балки рубъи маскун билодида бена-
зиру мумтанеъулмисол ва анга соний тасаввур қилмоқлиғ
хаёли маҳолдурур, итмом даражасиға етушди... Ва ул имо-
рат тарҳининг корфармоси ул ҳазратнинг фармони саодат-
нишони мўжиби била вазири беназир, сойиб тадбир, жало-

латасар Муҳаммадюсуф меҳтар наввара марқаданинг ва-
лади аршади Муҳаммад Яъқуббой эрдиким, алон отаси
ўрнига визорат мансаби киромийси била сарафроздурур ва
ул иморат биносиға фузалойи даҳр ва булагойи аср кўп
тарихлар иншо қилибдурурлар. Ул жумладин, шоҳбози
маоний сайид Махзум Мирзо Жўнайд ул иморат ифтитоҳи
учун «муборак манзили Оллоқулихон» иборатин тарих то-
пибдур ва ихтитоми тарихин домла Мирзо Масиҳо «бе-
ҳишти мусаффойи рўйи замин» таҳрир қилибдурур. Фа-
қир доғи меҳтари мушорунилайҳнинг илтимоси била бир
тарих назм силкига чекиб эрдим. Ул тарих будурурким,
тастир топар. Тарих:

Аз баҳри шоҳи Ғозий таъмир шуд баравнақ,
Манзилғаҳи муборак бо зийнату низомий.
Чашми жаҳон надида монанди ин иморат,
Саҳну сарою айвон кошин шуда тамомий.
Даҳлезу манзари у, кунжинау дари у.
Ҳар як чу қасри Ширин доранд эҳтишоме.
Хам шуд чу абруйи ёр пур зеб тоқҳояш.
То шаҳ дарояд аз дар ҳар як кунад саломе.
Бар эҳтитоми ин жой тарих жустам аз ақл,
Пири хирад бигуфто: «ишратфазо мақоме!»

**БАЪЗИ ҲОДИСОТ ЗИКРИКИМ, ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ
МАҒФУР ХУРОСОН ВИЛОЯТИДИН ХОРАЗМ ЮРТИҒА
МУРОЖААТ КЎРГУЗГОНДИН СУНГ ҲАМУЛ ВИЛОЯТДА
ВУҚУЪГА ЕТТИ. УЛ ЖУМЛАДИН АББОС МИРЗОНИНГ
САРАХСИЛАР ҲИРСИ ҲАРАКАТИДИН ЛАШКАРИ СЕЛ
АСАР БИЛА МУТАВАЖЖУҲ БУЛУБ ХАЮШОН ВА САРАХС
ҚЎРҒОНЛАРИН МУСАҲХАР ҚИЛҒОНИ**

Қалами воқеанигор бу навъ қиссагузорлиғ кўргузу-
рим, чун ҳазрати соҳибқирони раҳмат нишон мазкур бўл-
ғон сафари Хуросондин Хоразм сори руқуб қилмасдин
бурун, Марв навоҳисида Панжа отлиғ мавзеъда жашни
хисравона тартиб бердуруб, Сарахс халқин боргоҳи дав-
лат иктиноҳ фазосиға ундаб, ул жамоанинг беҳбуди учун
муҳиббона ваъзу насиҳатлар гавҳари шаҳворидин қулоқ-
ларин гаронбор қилғондин сўнг, мундоқ давлатосор сўз-
ларга мутаранним бўлдиким: «Эй сардорлар, Сарахс қа-
лъасиким, маскани маълуф ва мавтани маъруфингиздурур,

агар онда хотиржамлик била таваққуф қила олгудек истеъ-
дод ва ўз қудратингизга эътимодингиз бўлса, ҳуббул-
ватан минал имон ҳадисининг мавдоси била онингдек
мавотини ҳўб ва масокини марғубингизга боринг ва муҳо-
жират сайли била бунёни иморатиға харобалиғ еткурманг.
Агар ногоҳ гайб ниҳонхонасидин нозилаи жойгоҳ жилва-
намо бўлса ва ҳодисаи муфрит зуҳурға етса, жодаи тавак-
кулда собит қадам ва устувор бўлуб, ҳарза дуди сабук-
сорлиғ кўргузмангларким, иншоолло эшитган замон ҳимо-
ятимиз мадади етиб, сиз халқни турлук меҳнат ва ҳадсиз
офатдин амон сақлагувсидурур... Ва агар юртингизга бо-
риб, қалъа муҳофазатиға вафо қила олгудек қуввату исти-
тоатингиз бўлмаса ва масокину мазруётингиз кофир
черикининг хароб ва поймоли бўлгудек эҳтимоли бўлса,
инак Марв вилоятининг атрофи ва Мохон асосининг акно-
фиким, қишу ёз чорва ва деҳқонларингизга маръо ва маз-
раа бўлғусидурур. Бетаваққуф молу мавоши ва асбобу ҳа-
вошиларингиз била кўчуб келинг ва қайси марҳалани исти-
тиқомат учун хушласангиз ва қайси мартаъани фароғат
гумон қилиб, ихтиёр этсангиз, ўз илкингиздадурур...»

Чун мундоғ такаллуми руҳафзо ва талаттуфи беинти-
ҳо адосидин сўнг мушири муътабар ва вазири осафсияр
Муҳаммадюсуф меҳтар фармони лозимул-изъон мўжиби
била жомахонаи ҳумоюн эшикни очиб, мазкур бўлгон жа-
моанинг барчасиға сарупойи заркор ва хилоъи хуршид на-
мудор кийдуруб, тиллопўш қилиб, қўшлариға узатди...

Аммо Сарахс улусиким, камолу хиссат ва дунҳиммат-
ликдинким, озорға жибиллийдурур, дунё музахрафоти
лаззатин уқбо даражотиға илгари тутиб, ҳирси мазмун ва
таманнойи шумға мубтало бўлмиш эрдилар. Ул насихат-
ларким, қулоқлариға дурри саминдин яхшироқ эрди, они
гўшаи самъларидин йироқ солиб, куффор мулозимати ан-
дешасин кўнгуллариға киргуздилар, токим бу савдойи
хом ва бу таманнойи касофатфаржомнинг раҳномалиғи
била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб Сарахсга
бордилар. Ҳазрати подшоҳи ғуфрон паноҳнинг хони кара-
мининг намакхўрда ва лаззатпарвардалигидин оқибатбин
лик кўзин юмуб атрофу жавонибдағи муътамад ва муъта-
бар кадхудоларин киши юбориб ундотдилар ва дунё асбоби
таҳсили учун ҳийла юзидин ҳар ким бир андеша қилиб,
охир иттифоқ била бу сўзга қарор бердиларким, зоҳиран
қизилбош мулозиматин ихтиёр қилғай. Токим бу равиш би-
ла куффор дастбурдидин амон қолғойлар, балким бу тадбир

била ҳаддин фузун инъому эҳсон нуқудин олғойлар. Чун бу ёнглиғ ҳирси тамом ва орзуйи молокалом била Машҳадимуқаддасга бориб Аббос мирзонинг кўрунишига ўзларин инкисори тамом била еткурдилар. Ҳазрати мағфиратпаноҳнинг Машҳад азимати таркин тутуб, Хоразм сори атфинон қилғонин беҳжатафзо иборатлар била баён қилдилар. Чун Аббос Мирзо бу хабар истимоъидин бағоят масрур ва соҳиби ҳузур бўлуб, нишот саҳбосин пайдарпай нўш ва ул саҳбо кайфиятидин жўшу хуруш кўргузуб, олтун топғон қул ва кўзи очилғон кўр ёнглиғ ғоят шодкомлиғдин ўзин тўхтата олмай такаллуфлар била оромгир бўлди ва ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг ул ҳаволидин мурожаат кўргузгонин мавоҳиби ғайри мутаваққиа била, шукргузорлиғ маросими била... ўз диниға мувофиқ кўб назрлар ўткорди. Сарахсийларни яна ҳузуриға ундоб, эҳтиромни тамом била мулоқот қилиб, навозишлар кўргузди ва Одинақуртхон ва Уста Замон ёнглиғ бир неча оқсоқол ва кадхудоларин ўзига қиёматлиғ ота ўқунди ва аларнинг итминони хотири учун Ризоқулихоннинг аҳволотидинким, бовужуди ҳазрати хони мағфур мулозимлариға анинг нисбати азҳару минашшамс ўзига равшан эрди, истифсор қилди ва аларнинг жавобин ўз муддаосиға мувофиқ ва таманносига мутобиқ топди. Филҳол сипоҳи залолатмаолнинг монглайн сарбоз тойифасининг заводи касофатсимоти била безаб, фаҳомати бепеён била қатъи биёбон қилиб, Хаюшон қалъасиға бориб, баҳри заххоридек жўшон ва хурушони муҳиткирдор атрофин ихота қилиб, қабоб тушди. Қалъа ҳокими Ризоқулихон доғи аёлу атфол муҳофазати эҳтимоми учун ҳарбу пайкор асбобин саранжом қилиб, ғавғойи ом ва ҳужуми тамом била сурон солди ва икки ёндин олоти ҳарбу адовоти таън ва зарбға қўл сунуб савош ва талош маросимиға қиём кўргузуб, тўпи раъдошуб садоси икки ёндин фалакфарсой ва гулўла тўп ғурунби жаҳон аҳлидин ҳушзидой бўлди. Охируламр Ироқи Ажам ва Табриз ва Нишобурнинг қодирандоз устозлари иттифоқ била қалъа фатҳи қўшишиға иқдом кўргузуб, гулўла оташининг зуруби мутаволийси била қалъанинг буржу боруларин вайрон қилиб, қалъа аҳлининг фарёду афғонин осмон авжиға еткурдилар. Оқибат Ризонқулихон улус нолиши ва тўп садоси сарзанишиға тоқат қила олмай, қалъа ақобири била куффор аҳлиға камоли ношодлиғ била инқиёд кўргузуб, омон талаб қилиб, снингдек ғаним ўтрусиға ниҳоятсиз бим-би-

ла қаршу чиқди ва қалъа ихтиёрининг калидин душманнинг дасти иқтидорига таслим қилди. Аббос Мирзо ул қалъадағи хазойину дафойн ва асбобу олотни таҳқиқлаб олдуруб, дасти тасарруфиға киргузди ва Ризоқулихонни бола-чоғаси била кўчуруб, ташқари чиқарди ва онинг ўрниға бир жаҳолатмаст ва залолатпараст кишисин ҳоким қилиб, они ўзи била Машҳадга олиб борди. Сарбоз тойифасиндин гуруҳи анбуҳни Турбат устига буюрди. Ул гуруҳ оташхонаи дўзахнишона била бориб, ул қалъани музофот ва тобеъоти била мусаххар қилиб, Муҳаммадхон қаройи валади Исохон қаройиким, онинг ҳокими эрди, асорат қайдиға муқайяд қилиб, Машҳадга келтурдилар. Чун Аббос Мирзо кўрдиким, Хуросоннинг аксар билоди андак тараддуд била мусаххар ва кўнглига кечмаган давлат саҳл тажассус била муяссар бўлди, ҳирсу томиаси уруқи аввалғидин кўпроқ ҳаракатга кириб, Қачанд ҳокими Нажафалихон ва калотли Ёлонгтўшхон ва даригизли Валихон ва родгонли Рустамхонким, аввалдин фармонбардору жонсипор чоқари эрдилар, борчасин шафқат била кўрунушиға ундоб келтуруб, Сарахс фатҳи учун пинҳоний маслаҳат қилди. Борчасининг иттифоқи била жумодулаввал ойининг авойилида черикининг асбобу яроғ ва зоди роҳиласин муҳайё қилиб, саранжому эҳтимом била Машҳаддин чиқиб Сарахс жонибиға азимат кўргузди. Бир кеча Машҳад дарвозасига ёвуқ қалъалардин Канафс ва Қўрғон ва Уланг ва Аштарак атрофу жавонибин лашкаргоҳ қилиб, оромгузин бўлди. Ҳамул кеча Одинақурт бошлиғ жамаъи ато ўқунғон Сарахс кадхудоларин хаймасиға ундаб келтуруб, шоҳона зиёфатлар қилди ва аларға башошати тамом била навозишлар ва каломи ҳийлиятнизом била ситойишлар сткурди. Бу тадбир маъжунин бериб аларни ҳушин олди ва эҳтиёт тариқасидин яроқ солди. Қитъа:

Ҳар киши душмани қадимийнинг,
 Илтифотиға гар кўнгул боғлар,
 Тездурким ебон пушаймонлиғ,
 Бағрини ҳасрат ўтиға доғлар.

Ва сўнгги куни ул сарҳайл аҳли залол лашкари касофатмаол била наҳзат якронига рукуб қилиб, Муздурон ва Оқдарбанддин дубур хайлидек убуру қилди ва тоғнинг шимолия тарафиға чиқиб, Қорасув ва Пулхотундин кечиб Қизилқиё тўшидин ҳам ўтуб Наврўзобод отлиғ мавзеъға

келиб нузул этди. Сарахслилар Аббосмирзонинг бу ёнглиг суръатнамо ва ваҳшатафзо юрушидин на хаёлда эрконин таҳқиқ билдилар, пушаймонлиг панжаси била юзларин юз ердин чок ва ҳасрат сиришки била кўзларин мотамзадалар кўзидек намнок қилдилар. Аммо не осифким, фурсат қўлдин бориб, дардлари давопазир эрмас эрди. Ложарам ҳеч ишга қўл узата олмай ва бир маслаҳат сарриштасин тута олмай, ўз аҳволларига ҳайрон бўлуб ўлтурдилар. Назм:

Чу қолдинг иш қилур вақтида ғофил,
Пушаймонлиг била эмди на ҳосил.
Чу ғарқ ўлдинг муҳити бекаронға,
Нажотинг йўқ юз урсанг ҳар қаёнға.

Чун ҳамул манзилда ул душмани дўстрўй, дамдўзи ширингўй, яъни Аббосмирзойи шароратиншо Сарахс кадхудоларин олдиға чақириб шафқатосор ва марҳамат намудор иборатлар била дедиким, «Эй кадхудолар, бизнинг била ному нанг қатолу жанг қўшишида якжиҳат ва якранг-дурурсизлар. Дўстлиг бунёдининг истехкоми ва мусолаҳа иршодининг эҳтимоми учун ҳар уруғнинг баҳодир ва номдор йигитларидин икки юз кишини от ва яроғи била шайлаб, мутреси муалло мулозаматиға еткуринг, то алар Марв юришида кавкабан волоға ҳамроҳ ва мададкор бўлсунлар. Токим бу хизмат юмнидин мароҳими бекарона ва авотифи подшоҳона била абнойи рўзгордин мумтоз ва сарафроз бўлғайсиз!»

Ул маъмур бўлгон кадхудолар ноилож мундоқ таклифи молюятоқни қабул қилиб, иттифоқ била куффор ўрдусидан чиқиб, малолатосор саросимавор ўз қалъасиға келиб, ул ғаними шум ва кофири мазмумнинг сиёсату таҳдиди хавфидин мутасадди бўлгон иш саранжоми ва навқар жамъ этмак эҳтимомиға жаҳли тамом била иштиғол кўргуздилар. Аммо Ёлонгтўш бошлиғ тамоми хуросонийлар Сарахс халқининг синони жонситонининг нешхўрдаси ва яғмову дастбурдининг озурдаси эрдилар, хусумати қадимий жиҳатидин барчалари иттифоқ била Аббосмирзонинг олдиға бориб, ғализроқ иборатлар била арз қилдиларким, «ул тойифа қадимулайёмдин ўт киби саркашликда жаҳон аҳлиға алам ва селдек удравий ва ҳарзадавликда тоғу дашт халқиға муттаҳамдурурлар. Паймонишиканлик ул жамоанинг дини макру ҳийлагарлик аларнинг ойинидурур. Агарчи мусолаҳа бобида ҳукми ҳумоюнингизни қабул қилиб ке-

тибдурурлар ва лекин ватанлариға борғоч, муонадат аламин барпо қилиб, қалъаси дарвозаларин беркитибдурурлар. Ул шумларға тараҳҳум кўргузмак ўзга фуқаро ва элотнинг бунёни истиқомат ва айвони рафоҳиятин зулму бедод селоби била бузмоқдурур».

Мундоғ такаллумлар мирваҳажунбонлиғидин Аббосмирзонинг оташи қаҳри илтиҳоб топиб, лашқари залолат интисобнинг ҳамрикоблиғ била азимат кўргузуб, балойи ногаҳоний, балки қазойи осмоний ёнглиғ ғавго ва алоло била қалъа устига бориб, тўрт тарафин қабоб тушдилар. Қалъа аҳли доғи ўзларин эҳтиёт била беркитиб, кину пайкор аслаҳасиға ёпуштилар ва қодирандоз тўфангчилар ва жонбоз йигитларни қалъанинг буржу боруларидида қуюб, мудофаа амриға иштиғол кўргуздилар. Ёлонгтўши иртидодкўш куффор сипоҳининг соқчиси бўлуб, қочор пиёдасин бошлаб келтуруб, қалъанинг атрофидин мақарри муқаррар этди ва ҳар на бор чўмиш, карк ва каркас ва гуржи ва черкас черикин хандаққа қоршув сурди. Урус йиғинин яқдил билиб, қалъа суриға таъин қилди. Бу низом била тўрт ёндин саркуб кўтариб, тўп гулўласин жола ёнглиғ қалъа устига ёғдурдилар ва қалъа аҳолисидин бир киши ўқ зарби била шаҳодат даражасиға мушарраф бўлди.

Чун бу воқеа мушоҳадасидин таҳаввуриор йигитлар ва жаҳолатосор ғозийларнинг қонуни сийнасиға номус ўти тушуб, шарор ёнглиғ чусту чобуклик изҳор қилиб, саҳар вақтида қалъанинг очуқ рахналаридин чиқиб, куффор гуруҳиға ўзларини еткуруб ва қилич барқи била хирмани жамъиятлариға ўт уруб, аксар кофирни адам танғнойи ва жаҳаннам уқубатгоҳиға йибордилар. Қизилбошнинг таъну сарзаниши нишининг жароҳатиға мундоғ ғайратлар била роҳат марҳамин ёқтилар ва бир неча кун мундоғ ситезў овиз маросимиға эҳтимом кўргуздилар.

Ҳамул айёми изтироб низомда ҳазрати соҳибқирони мағфиратнишон хизматкор ва вафодор қулларининг қўлдоши, манзалатнишон Мухаммадниёз ясовулбошиким, ул ҳазрат Хуросон ҳаволасидин мурожаат кўргузганда, они Марв вилоятида ўз тарафидин илғор қўюб келиб эрди, ул сардори номдор фармони лозимулизъон мўжиби била ямут ақобиридин Турдиқам сардор ва така иозимидин Туроббек ва Уроз парвоначи ва соруқ маорифидин Мулла Аваз сардор ва Маҳмуд тўқсоба ва мужовири машоҳирдин Бобошайх ва Мухаммадшайх ва Ёрийшайх ва ато синодидин Шермуҳаммад атоким, бу жамоанинг ҳар бири корзор май-

донининг зайгами, пайкор арсасининг Рустами эрдилар аларни бош қилиб ул атроф навқариясидин бир фавж диллари кундоварни Сарахс улусининг имдодиға ва баъзи туз йўлдин озиққонларининг панди иршодиға йиборди.

Андоққим таъйин топғон сипоҳ Марв пешгоҳидин камоли огоҳлиғ била... қатъи манозил қилиб, Сарахс навоҳисига етиб, сипоҳи нур шаби дайжур лашқарига шабихун урғондек билиттифоқ инонрезлик била кофир жамъиятиға қуюлдилар ва парвинвор ҳужумин банотуннаъшдек тормор қилдилар ва бу тариқада неча қотла тохту тоз қилиб, сарбоз гуруҳининг кўпрагин асиру дастгир этиб, синони жонситон шаъшаасининг барқафшонлиғидин арбоби залолнинг аксар навқариясининг хирмони эъмориға бекўрҳу бемалол оташборлиқ қилдилар. Лекин куффор жамъияти истиқомати бунёдиға ихтилол еткура олмай қайтдилар.

Чун тўққуз кечаю кундуз куффор лашқари ҳужуми талом била қалъани қабоб, атрофу жавонибдин сурон солиб наъра ва алоло унин фалак авжиға еткуруб, ҳар жонибдин тўпи дилкуб садоси ва қумбураи раъд ошуб овозаси жаҳонни тутуб, дуди кабуд ва шарори барқосор ва гуррин гулўлаи оташин тамошо аҳли ҳушин олди, балки жаҳон халойиқи ҳайратда қолди. Қалъа аҳли доғи ҳар неча ким ному нанг пайкор ва жанг маросимин муҳмал, кўшиш ва жўшеш қавоидин маътал қўймай, жалолат ва шижоат арсасида сулҳшўрлик русумин бажо келтурубдурурлар. Аммо кофир черики садамоту ҳамалотиға шайху шоб бехўру хоб тоқат келтура олмай, туну кун монанди гўйи такупўй ғайри мақдур касратидин топиб, охир қалъа муҳофазати тадорики саранжомин қўлларидин солдилар: Кофир сипоҳи алар аҳволидин хабар топиб, иттифоқ била ҳужумовар бўлуб, ҳар тарафдин сурон солиб, фидойивор югурдилар ва ул ҳамлада қалъа тасхирига даст топиб, борча молу асбобу ашёға мутассариф бўлубдурурлар ва аҳли аёл ва атфолни асир қайдиға чекиб ташқари чиқариб, Эрон сори йибормак учун саноб, муътамид кишиларга топшуруб, Аббосмирзо келган йўли била қайтиб Машҳад борди. Онда бисоти истиқоматни ёйиб маснадоройи иқомат бўлди

Басират аҳлининг замири саодат тахмирлариға маълум бўлсунким, Сарахс аҳлининг бошлариға мунча бало келганиға ва автону масокидин бола-чағоси била жало бўлганиға сабаб ул эрдиким, ҳазрати соҳибқирони фирдавсмаконнинг рибқан итоатидин бўюн тўлғоб ва мушфиқона

насиҳати фавойидин унутуб, дунё асбоби жамъияти учун қизилбош этагига қўл урдилар ва ул афъол зишти касофатидин кўрдилар. Улчаким кўрдилар. Танбеҳ: ҳар кишиким, ўз мунъимининг амри ва насиҳатин қабул қилмай, иноду саркашлик маросимиға қиём кўргузса, ҳасратега гирифтор бўлғайким, то қиёматгача надомат илики кўкрагидин кетмағай ва ҳар одамеким, душмани қадимийнинг фиребомиз сўзиға фирифта бўлуб, нафси аммора тақозосидин мутобаат бўйнин онинг доми тазвириға киргузса, меҳнатега дучор бўлғайким, то ўлгунча ул меҳнатдин халос бўлмоқ диди они хурсанд этмағай.

**АББОСМИРЗОНИНГ МУҲАММАДМИРЗО ВА
ҚАҲРАМОНМИРЗО ОТЛИҒ ИККИ УҒЛИН
ҲИРОТ МУҲОСАРАСИҒА БУЮРҒОНИ. ИСЛОМ
АҲЛИДИН БАЪЗИ АФВОЖИ ҚОҲИРАНИНГ ҲАЗРАТИ
СУЛТОНИ МАҒФУРНИНГ ФАРМОНИ БИЛА КУФФОР
ХАЙЛИҒА ДАСТБУРД ЕТКУРГАНИ. МИРЗОЛАРНИНГ...
МУҲОСАРА ТАРКИН ТУТУБ, МУРОЖААТ ЯКРОНИН
СУРЪАТ МАЙДОНИҒА СУРҒОНИ...**

Чун Аббосмирзо Сарахс улусин кўчуруб қайтиб бориб, Машҳад диёрин макон этди ва филжумла, тараддуд ва жустужў ташвишидин ором топди. Сарахс ҳисорининг бемунозаат ва бемузоҳамат фатҳ бўлуб, дасти тасарруфиға киргон жиҳатидин думоғиға тафаръун ва такаббур ели йўл топиб, ақлу ҳавос жамъиятин барбод қилди ва ўзидин ўзгани эътибор кўзига илмай, камоли беҳаёлиқдин Фиръавн масаллик... ано раббикумул-аъло газофиға тил очди ва ғояти анониятдин аркони давлатиға доғи машварат қилмай, Охал ва Тажан такаси бошлиқ Йўлўтан ёлури била Марв соруқлариға ваъда таъкиди ва ваид таҳлиди била истимолатнома йиборди. Ҳирот волийси Шоҳ Комрон ва Шермуҳаммадхонға доғи ўз итоатиға даъват қилиб ва ҳар йил муқаррар бўлгон хирожни бетараддуд ва белажож хазинаи омираға йиборсун, деб муътабар ва салобат асар элчилар йиборди.

Маълум бўлсунким, қизилбош элчиси Ҳирот вилоятиға борғоч, эшон Қутбиддинхожа шайхулислом ва Мурод доруғаким, ҳазрати шаҳаншоҳи ғуфронпаноҳ Марв диёридин қайтурда шаҳзода Искандарға ҳамроҳ қилиб элчилик тариқасида Ҳиротга йибориб эрди. Андоқким собиқан маздур бўлди Ҳиротдин сиҳат ва саломат қайтиб Йўлўтанга кел-

дилар. Муҳаммадаминбекким, марҳамати подшоҳона онинг аҳволига шомил бўлуб, кўб муддатдин бери Йўлўтан солурининг ҳокими билистиқлоли эрди ва солур халқи доғи куффор гуруҳининг овозаи садаматидин мутаваҳҳим бўлуб, баъзи кадхудоси Аббосмирзо олдиға бориб, бош индуруб, қизилбошдин бош-аёқ сарупой кийиб қайтиб қариндош ва элотиға доғи амоннома келтуруб, кофир итоатиға улуғу кичик майли мубодарат кўргуздилар. Беги мазкур ул жамоанинг аҳволиға мунча тағйир ва табдилни кўрди. Алар била бир ерда бўлмоқни ҳазм ва эҳтиёт рўясидин йироқ билиб, ул жамоанинг баъзи мувофақияткеш ва оқибатандешларин ундаб, кўнглидаги асрорин аларға изҳор қилиб, умиди уқдасиға ул қавм тадбир тирноғидин кушойиш истади ва бир неча якжиҳатлик аҳду паймонида содиқ ва роҳсдамлари била даргоҳи олампаноҳ тақбили азмиға бел боғладилар. Йўлўтандин эшон шайхулислом ҳамроҳлиқи била бодияпаймойи азимат бўлиб, инояти илоҳий раҳнамолиғи била қатъи мароҳил қилиб, хушу хуррамлиқ била атабаи осмон мартаба туроби тақбилининг шарафёби бўлдилар. Ниёзмухаммадбой доғи жумодулохир ойининг охирида соруқ кадхудолари била Марв ўлкасидин чиқиб, бир муҳим маслаҳате учун келиб, остони давлат собон хокбўслиқи шарафидин даражаи аъло ва рутбаи ақсоға тараққий тапдилар ва Сарахс халқининг воқеасин мусомеъи волоға адаб тили била бир-бир билганларича тақрир қилдилар. Чун ул овонда Ҳирот ҳокими Шоҳ Комрон доғи Аббосмирзонинг хироҷ талаб қилиб келган элчиларига хуш юз била жавоб бермай, итоб омизлар била талхком бенайли маром қайтарди... Чун қизилбош элчилари Шоҳ Комрон итоати хазонаси нақдидин дасти холи ва номуродлиғи ҳижолатидин ўлум ҳоли бўлуб қайтдилар. Аббосмирзонинг оташи таҳавури, сарсари тақаббури эҳтизозидин иштиғол топиб ул ўт ҳиққатиға сабру тоқат қилурға маҳол эҳтимоли қолмай, филфавр Муҳаммадмирзо ва Қаҳрамонмирзо отлиғ икки ўғлин ҳар на бор сипоҳ ва дастгоҳин топшуруб, оғир қўшун била Ҳирот муҳосарасиға йиборди ва ўзи онинг имдоди учун савош асбобининг эҳтимоми ва талош адавотининг саранжомига Машҳадда қолди:

Маълум бўлсунким, чун Ниёзмухаммадбой соруқ кадхудолари била Марв вилоятидин Сарахс аҳлининг ибратнамо ҳодисасин ва ул мусулмонларға аҳли иртидодининг қилғон шаноати воқеасин камокон ва беэиёди нуқсон ҳазрати соҳибқирони ризвон маконға хотирнишон қилдилар.

Эрса ул ҳазрат... номдор ва соҳиб эътибор сардорлардин олий мақом Қутбиддин хожа шайхулислом ва Муҳаммад-ниёз ясовулбоши ва ямут сипоҳидин Менгли сардор ва Сори сардор ва Дурди сардор ва али эли халқидин Шоҳмуҳаммад ўнбеги ва Ниёзқули юзбошиким бу жамоанинг ҳар бири Таҳамтани рўзғор ва буларға аскария гуруҳидин бир бўлак жонбоз ғозийларни қўшуб, Машҳад чаповулиға номзод қилди. Қози Шоҳназар ва Қароқош вакил ва Ниёзмуҳаммад парвоначи бошлиқ барча Йўлўтанда ўлтургон солур халқидин баъзи мужоҳид йигитларким, садоқат ва мувофақат тариқида собитқадам ва мутобаат ва якжиҳатликда устувор ва мустаҳкам эрдилар, шоҳ Комрон кўмакига ирсол қилиб тарафгирлик қаваидин бажой келтурди.

Маълум бўлсунким, Шайхулислом Машҳад сори ижозати воло шарафиға мушарраф бўлгон ғозийлар ғазот давлати вусулиға ниҳоятсиз иштиёқ кўргузуб, иттифоқ била мақсад азимати оҳангин туздилар ва сабо хайлидек такутоз била Ҳафтреги Хоразм ақаботидин ўтуб, Сарахс бордилар ва Сарахсдин Муздурон бориб, руҳи равон бадан бўстониға киргондек ул дарбанддин тоғ ичига кириб, Машҳаднинг бир тарафидин доҳил бўлдилар. Бовужуди қиллати душман касратин кўзлариға илмай ва вуфур дастгоҳин эътибор қилмай, шўхлар киприги суфуфининг хаёли ушшоқ кўнгли мулкиға турктоз қилгондек, тўрт тарафидин тўкулуб, бир неча кун фароғат била чаповул ва ғорат русумиға иқдом кўргузуб, иртидод аҳлидин усаройи фаровон ва асбобҳойи бекарон ўлжалаб, дасти тасарруфиға киргуздилар ва кўргондек кеча қалъажотнинг элотин кўчуруб, куфр бунёдиға инҳидом еткуруб, дин душманидин комлари-ча интиқом олиб, муовадат жодасиға суръат маркабин сурдилар ва солиман ва гониман даргоҳи давлатпайгоҳ мулозамати шарафиға истисъод топдилар. Алардин ямут Менгли Али сардор асири сарпанжаи тақдир бўлди ва Сори сардор шаҳодат даржаи олийсиға етушди.

Маълум бўлсунким, ул аснода Ҳирот устиға боргон мирзолар Ҳирот қалъасин қабаб муҳосара амирида жидду жадд кўргузур эрдилар ва афоғина ва аймоқия ва ҳазора жонбозлари доғи Шермуҳаммадхон бошлиғ ҳазрати Хоразмшоҳи жаннат жойгоҳ даргоҳидин ионат учун боргон солур сарандозларининг имдоди била субҳу шом мужодала ва муқотала амриға қиём кўргуздилар ва андоқ жаҳди марғуба ва жанги мағлуба қилдиларким, икки тарафдин ҳам қўб киши уруш маъракасида нобуд ва вужуд арсасидин

мафқуд бўлди. Охир ислом лашкари иттифоқ била яроқланиб ғайрати жалодат якронига рукуб қилиб, мутаваккалан ало оллоҳу фидойивор такупў била куффори бадкирдор ўрдусига бирдин тўкулдилар ва зўр даст ва такаббурмаст ва худпараст кофирларнинг низоми равиш ва жоми ошойишига шикасти фоҳиш еткурдилар ва кун аскаринин тун лашкари фирорий бўлгондек, куффор муборизлари ислом аҳлининг ҳизабрмисол ҳамалотиға тобу тоқат келтира олмай, сангаринин қочиб чиқиб, кейинрак сирилиб туштилар ва ғояти хавфу даҳшатдин изҳори мувофақат қилиб, муътабар ва забоновар кишиларинин арода элчилар юрутуб, яраш баҳонаси била уруш ва талаш таркин тутуб, Машҳад сори кўчдилар ва қолгон аскариясининг ҳамроҳлиғи била маҳзулвор ва малолат осор суръати тамом била илғор қилибдурлар. Жом жулгасига еткач. Хоразмдин Хуросон чаповулиға маъмур бўлгон бир фавж оломонға учраб кўб лашкар олдурдилар. Қолгон лашкарияси оломоннинг ҳарбу зарбиға тоқат қила олмай ҳар бири бир ёнға паришон бўлуб бутроштилар. Баъзи саркарда ва сипаҳдори ўзларин куч била тўхтатиб фаррош ва чодирчиларға йўл бошлатиб қолгон ва қочгон яраш ва ярамас мутажаннида била йўл қатъиға озим ва азимат ишиға суръати беандоза била жовим бўлдилар ва ғоят инфиол ва паришон ҳоллиқ била Аббосмирзо хизматиға етилар.

АББОСМИРЗОНИНГ МАШҲАДДИН ТЕҲРОН СОРИ АЗИМАТ ОҲАНГИН ТУЗҒОНИ ВА БОБОЖОНШОҲНИНГ ОХИРАТ УҚУБАТГОҲИГА РИҲЛАТ КУРГУЗҒОНИ ВА АББОСМИРЗОНИНГ ТЕҲРОНДИН МУРОЖААТ ҚИЛИБ ЯНА МАШҲАД ҚУРҒОНИГА ЕТГОНИ...

Бу достони таажжубафзо дақойиқининг таржимони ва бу воқеаи ҳайратнамо ҳақойиқининг қиссахони, аъни хомаи балоғат сарир мундоқ шодком тил била нола ва нафир қилурким, чун Муҳаммадмирзо ва Қаҳрамонмирзо Ҳиротдин бенайли мурод қайтиб, ниҳоятсиз уят била Машҳадга бордилар, бу аҳвол хилолида Бобоҳон шоҳнинг марази мавт ва маърази фавтда эрконин Аббосмирзо мунҳийлар ахбори била маълум қилиб, Қаҳрамон отлиғ ўғлини Машҳад тахтада ўлтуртуб ва ул вилоят мутаваддин ва фуқаросининг инон-ихтиёрин онинг дасти иқтидорига топшуруб, қаъа муҳофазати эҳтиёт учун насиҳат ва васият қилурда мубола-

галар кўргузди ва ўзи Муҳаммадмирзо деган ўгли била Теҳрон сори азиматандоз ва Бобохон мулозаматидин сарафроз бўлдилар. Бир неча муддатдин сўнг Бобохон шоҳ дунё ҳасратхонасидин юз навъ алъм ва минг турлук ғам ила қадам тортиб ком-ноком охират кошонасида ором тутди.

Аббосмирзо отаси васиятининг муқтазоси била Муҳаммадмирзони Теҳронда қўюб, ўзи жон ҳавли жон ва шитоби бепоён била Теҳрондин чиқиб, аҳли ислом қасдин илтизом қилиб, юз навъ тараддуд, тасдеъ била Хуросон сори озим бўлуб, Машҳад келди. Нийяти бу эрдиким, зўрдаст била мусулмонларни Хуросон мамоликидин нобуд ва дини ислом маросимин мафқуд қилғой. Онинг бу нияти ўз нафсиға авд этиб, мулки вадуд иноятидин анга ажал мавъуд этиб бунёни таманоси ноумидлиғ сайли била вайрон бўлуб, отаси изидин жаҳаннам зиндонига марг якронин миниб, шитобон бўлди. Чун Бобохон шоҳким, йилон йили тарихи ҳижрия минг икки юз ўн иккида ҳукумат саририға жулус қилиб эрди, йилқи йили сана минг икки юз элликда жаҳон ишратгоҳидин кўз юуб, адам кишварин оромгоҳ этди. Уттуз саккиз йил муддати Эрон мамолики атрофида мазҳаби ноҳақ аҳкомиға омил бўлуб, ўзга мазҳабни ўз хаёлиға билкул ботил эътиқод қилди... Чун Аббосмирзо Машҳадда вафот топди, Бобохоннинг умаро ва аркони давлати иттифоқ қилиб, Муҳаммадмирзони Теҳронда подшоҳлиқ тахтиға миндуруб, Қаҳрамонмирзони Машҳад мулкиға ҳукмрон қилдилар ва Бобохоннинг ўзга авлодин ҳукумат ва соҳиб ихтиёрлик давлатидин маҳрум ва новмид этдилар. Чун Қаҳрамонмирзо Машҳад тахтиға давлат рахтин тўшоб, истиқлол била жулус қилди ва иқбол шоҳидин ўзига маънус топди.

Ҳазрати султони беҳиштнишоннинг шукуҳи сатват ва сутуҳи садаматидин андешаманд ва ҳарос пайванд бўлуб, аркони давлатининг иттифоқи била Сарахс усаросининг аксарин йиборди ва бир нечасин баъзи мулоҳазалар учун сақлади. Менгли Али сардорким, шайхулислом била чаповулчилай Машҳад устига боргон сариядин тушуб қолиб, асорат қайдида муқайяд ва уқубат занжирида мушайяд эрди, Ани зиндондин чиқариб, ҳазрати хони мағфурнинг хотири риояси учун анга юз турлук узрлар қилиб, ўзининг махсус ва муътамад кишиларидин тифлисий Муҳаммад Хусайнбекни қўшуб, даргоҳи олампаноҳ остонбўслиқиға йиборди ва илтимос қилиб дедиким, агар ҳазрат меҳрибонлиғ

кўргузуб, Сарахс усаросининг қолғони била ислом аҳлига тушган сарбозларни мувозана қилсалар, иноятларидин баҳрабардор ва қиёматга тегру миннатдор бўлғумиздурур. Чун элчи атабаи гардунмартаба жабинсолиқиға мушарраф бўлуб, Қаҳрамонмирзонинг кўргузғон илтимосу илтижосин наввоби давлатмаоб васотати била масомеъи аълоға еткурди. Ул илтимос ҳазрати подшоҳи раҳмат дастгоҳининг хотири дарё муқотириға мақбулу мустаҳсан тушмай, дедиким: «Биз ҳанузғача банда бериб ҳур сотғун олғон эрмасмиз. Агар филнафсиламу, дўст ва ҳаводорлиқ ваъдасида содиқ ва бизнинг била ҳар навъ ишда мувофиқ бўлса, Сарахс усаросидин киши сақламай, куллан йиборсун, токим иноятимиз неъмотидин лаззатманд ва ҳимоятимиз асаротидин фароғатпайванд бўлғой, йўқса, ҳар неким олдиға ёзилмушдурур зуҳур кўзгусида чеҳра кўргузгусидурур, деб келган элчига жавоб берди. Дарбори фалакмиқдор оқиқларидин сўз румузиға воқиф уйшун Аваз юзбошини мазкур элчига қўшуб иноятнома била ирсол қилди. Чун Аваз юзбоши бир неча муддат манозили мутакассирани қатъ этиб, Машҳадга бориб сарорат йўсунида топшурулғон сўзларни Қаҳрамонмирзонинг оллида бекаму кост ростлиғ лисони била тақрир қилди. Қаҳрамонмирзоким, амакилари мухолафати ғавғосининг инъидоми ва ақоси давлатининг интизоми учун саёю кушиш умурининг саранжомиға машғул эрди. Паршонхотирлиқ била аҳли ақл оллида писанд тушгундек маъқул сўз топа олмай, ҳаддин зиёда узрлар қилиб, Аваз юз бошини қайтарди. Мазкур юзбоши... Хоразм сари азимат кўргузди ва саҳл фурсатда даргоҳи садра жойгоҳ мулозаматиға мушарраф бўлуб эшитган сўзин бир-бир ўткарди.

Ҳамул йил, яъни йилқи йили сана минг икки юз элликда шаҳзода Абулқосим валоди шаҳзода Ферузким, Аҳмадшоҳ коҳили афсарининг лаъли сероби ва афоғина тойифасининг дурри ноёби эрди, неча муддат эрдиким, замон носозлиғи ва даврони афсун тирозлиғи тақозосидин қизилбош мувофақатининг дилбастаси ва ул гуруҳи бадмоаш мулозиматининг пайвастаси эрди, тенгри таоло тавфиқи анга раҳнамо бўлуб, аҳли иртидод субҳатининг шақоватидин эҳтироз кўргузуб, ҳазрати хони мағфурнинг зилли давлатиға паноҳ истаб келди. Ул ҳазратнинг авотиғи бекаронидин шодмон ва комронлиғ ҳосил қилиб, жамеъи мутааллиқот ва мансуботи била ул ҳазратнинг қасри давлатида мутамаккин ва барча ташвишот тасдиотдин мутмаин бўлди ва ул

сўнгроқ вафот топиб, ҳоло онинг авлоду атбоъи доғи иноёти хисравона ва марсумоти подшоҳонадин баҳраманд ва ҳаловатпайванд бўлуб подшоҳона зиндагонлиғ қилурлар. Ҳамул йил вазири сойиб тадбир ва амири беназир, муалло макон, осафнишон, садоқат ойин... Муҳаммадризо қўшбеги... олам тангносидин жаннат фазосиға рихлат кўргузди ва онинг валади аршади Атомуродбек ҳазрати султони мағфиратнишонинг карами бекаронидин атоси ўрниға визорат мансабига мансуб бўлди. Иморатпаноҳ, иззат дастгоҳ Суюнбой доғи ҳамул йил вафот топди. Анинг ўрниға амжад авлоди Саййидназарбек илтифоти хисравонадин бийлик амали била сарафроз ва ўз ашбоҳидин мумтоз бўлди...

МУҲАММАДНИЕЗ ЯСОВУЛБОШИ ВА ХУДОЁРБИИ ВА БЕГИ ЮЗБОШИНИНГ ХУРОСОН КУФФОРИҒА ЧАПОВУЛ УРҒОНИ ВА КЎКЛОН ХАЛҚИ ДАРҒОҲИ ОЛАМПАНОҲҒА КЕЛИБ, ҚОРЛИ ЮЗБОШИНИ УЗЛАРИҒА АМИРИ ЛАШКАР ҚИЛИБ КЕТГОНИ

Чун ҳазрати султони мағфур ҳамул йил, яъни йилқи йили газот савоби таҳсила ирода қилиб ул савоб хусули учун ўз тарафидин ҳизабр нишон саркардаларидин Муҳаммадниёз ясовулбоши ва Худоёр ва Беги юзбошини ямут ва кўклон ва ямроли черики била Хуросон куффори чаповулиға ирсол қилди. Маъмурлар фармони мўжиби била барқи хотифдек озим бўлуб, Уртақудуқ устидин гузар қилиб, сел ёнлиғ тоғ дарбандларидин равон бўлуб, Бужнард қалъасининг атрофиға қазойи осмоний масаллик доҳил бўлуб, бениҳоят ўлжа асир дасти тасарруфлариға киргузуб, мурожаат қилиб, Қорри қалъада кўклон халқи орасидан юрибдурурлар. Кўклон жамоасининг доғи Яхши мерган бошлиғ кадхудолари ҳазрати хони мағфурдин ўзлариға ҳоким ва сараскар илтимос қилмоқ учун аларға қўшулиб, озим бўлдилар ва неча кун қатъи масофот қилиб, даргоҳи олампаноҳ мулозаматиға келиб, муддаосин арз қилдилар. Ул ҳазрат аларнинг илтимосин мабзул тутуб, остони давлатнишон ходимидин Қорли юзбошини ҳоким қилиб берди ва алар шодлиғ ва хурсандлиғлар била Қорли юзбошини олиб Қорри қалъаға азимат кўргуздилар...

ХОРАЗМ МАМОЛИКИДОҒИ УРУСЛАРНИНГ БАНДАЛИК ҚАЙДИДИН ҚУТУЛМОҒИ ВА УРУС ДИЕРИДОҒИ ТУЖОРНИНГ ТУТСОҚДИН ЧИҚИБ ШОДКОМ БУЛМОҒИ

Чун Русия халқи Хоразм конинким тахминан минг киши бор эрди, тутсоқ қилдилар, токим Хоразм мамлакатигаги ўруслар билан мубоеъа ва мавозаа қилғойлар. Бу мақсад била қарвон аҳлин мутлақилинон қилмай, кўб муддат муҳосара қилиб сақладилар. Оқибат ҳазрати шаҳаншоҳ жаннат жойгоҳ қарами зотий ва муруввати жибилий муқтазоси била раво кўрмадиким, мунча мусулмон амволи бепоён ва оқмашаи бекарон била кофир хайлига дастгиру зор ва асир бўлуб, балият қайдида қолғой. Ложарам Хоразм диеридаги ўз ихтиёри била кетмакка толиб бўлгон ўрусларни жамъ этиб, фазойилмаоб, камолот интисоб, фақоҳатнишон, иззатмакон Отажон охундни элчиликка таъйин этди ва Муҳаммадшариф нўғойни ҳибсдин чиқариб, шоҳона сарупойлар кийдуруб, Отажон охундга қўшуб ва ўрусларни доғи топшуруб мазкур йил, жумодуссоний ойининг тўртида душанба кунин рухсат берди ва инглиздин элчи бўлуб келган шахс бир соҳибким, ўрус юртига борурга майл кўргузуб, ижозат тилаб эрди..., ани ҳам ҳамул элчиларга ҳамроҳ қилиб йиборди. Қорли юзбошини доғи аларга қўшти, токим Тенгизга боргунча ўруслар аҳволидин хабардор бўлуб, учонга киргузуб қайтгай. Чун маъмурлар фармони вожибулизъон мўжиби била кўп муддат қатъи масофат қилиб, Тенгиз қанориға етушдилар. Қорли юзбоши ўрусларни ва элчиларни ўз назарида учонга солиб қайтди ва элчилар тенгиздин ўтуб, неча кунлар қатъи манозил қилиб, ўрус усаролари била ўрус вулоятига доҳил бўлдилар. Дарҳол ўрус подшоҳининг аркони давлати подшоҳдин жавоб олиб, қарвон аҳлига рухсат бериб, барча амвол ва ашёлари била Хоразми эрам базм сори узатдилар. Элчиларни подшоҳ хизматиға элтмак учун элчихонаи дилкушоға тушуруб, эъвоз ва икром кўргуздилар. Қарвон халқиким, ўрус юртидин чиқтилар, қайддин қутулгон қуш масаллик жаноҳи истеъжол била биёбони бепоён ва мароҳили фаровонни қатъ қилиб, рамазони муборак ойининг йигирмасида шанба кунин Хивақ шаҳриға доҳил ва аҳли авлодининг мулоқот муонақасиға восил бўлдилар.

Маълум бўлсунким ҳамул йил асолат осмонининг ахтари дурахшони ва нажобат уммонининг гавҳари тобони, шаҳомат қулласининг паланги, аморат дарёсининг наҳанги,

шавкат ва салобат аҳлининг мунтахаби, захиралмулк вад-
давла Раҳмонберди бий валади бузургвори жаннатмакон
Элгузар Муҳаммад Баҳодирхон марҳумийнинг ўз мавзеъ-
идаги солдурғон мадрасасиким, замон тасрифоти ва замин
рутуботи жиҳатидин қавойими аркони инҳидомпазир бўл-
миш эрди, ани йиқтуруб, ўрнида бир мадрасаи сангин бино
қилдурдиким..., ҳар ҳужраси илм нақдининг ганжинаси ва
ҳар равоқи таъзим ва тавозеъ аҳлининг ойинаси. Байт:

Илм ганжию фазойил махзани,
Жумла арбоби хунарнинг маскани...

Ва ҳамул йил шаъбон ойининг йигирма олтисида жумъа
куни Отаниёз маҳрамким, Муҳаммадшоҳнинг элчиси Мир-
зо Ризоға элчилик тариқасида масҳуб бўлуб, Техронға ке-
тиб эрди, Муҳаммадшоҳнинг қўшғон Шаҳсуворбек отлиғ
элчиси била келиб, остони саодатнишон мулозамати шара-
фиға фойиз бўлди. Ҳамул ошонда Муҳаммадшоҳи куфрши-
ор хони мағфур била қилғон аҳду паймонин бузуб, Олло-
ёрхон Осафнинг ўғли Муҳаммад Хусайнхон бошлиқ Кур-
дистон хонлариға буюрди ва Охал такасиким, мамолики
маҳруса фуқароси силкиға доҳил эрди, чопдурди. Ул ҳаз-
рат доғи куффор ғоратидин мамнў бўлғон оломонға рух-
сат бериб, аҳли куфрнинг чаповулида мухайяр қилди. Ҳа-
мул йил шаввол ойининг ўн олтисида чаҳоршанба кун
Яъқуббой Хонақоҳийким, Кобилға элчилик тариқаси била
кетиб эрди, андоқким сабиқан мазкур бўлди, ингилс элчи-
си била келди...

Маълум бўлсунким, фазойилмаоб, дониш интисоб Ота-
жон охундким, ўрус вилоятиға элчиликка кетиб эрди... бу
йил ражаб ойининг учиди шанба кун ўрус пойтахти Фетир-
бурх подшоҳи импиротур бинни Никулой Повлуфичнинг
қўшғон элчиси Прукуфий Андриич бинни Никиқируси-
нинг ҳамроҳлиғи била келиб, остон шарафиға мушарраф
бўлдилар ва ўрус подшоҳининг дўстлиғ ва якжиҳатлик бо-
бида йиборган ахдномасин ва тансуқот ва пешкашларин на-
зари анвор пешгоҳидин ўтқариб, алтофи подшоҳона ва
аътофи хисравона била баҳраманд бўлдилар. Шаъбон ойи-
нинг ўн иккисида душанба кун Марвда ўлтурғон соруқ
тойифасидин бир оз оломон Машҳад атрофиға чаповулчи-
лай бориб Муҳаммадшоҳнинг ақробосидин Оллоёрхон
Осафнинг куёви Муҳаммадвалихонни бир оз отлиғ била
Тоғистон навоҳисин сайр қилиб юрганида устидин дучор бў-
луб, қўб отлиғ била тутуб, атабаи аъло мулозиматиға кел-

турдилар. Рамазонил-муборак ойининг йигирма олтисида сешанба куни ул ҳазрат ўрус элчисига махсус мулозимлардин садоқатмаоб, хусусият интисоб Вайснийезбой ва Эшбойни сафорат расми била қўшуб ўрус юртига ирсол қилди ва олар хуррамлиғ била озим бўлдилар...

Бу мухтасари хўжастаасарнинг авроқиға назар қилғувчи маходими фатонатсиярнинг замойири дароят мазоҳириға равшан ва хувайдо мубарҳан ва жилвапийро бўлсунким, мазкур йил, яъни сана минг икки юз эллик еттида сиғир йили шавволил-муаззамнинг олтиси ва Хоразм қавсининг йигирма еттисида жумъа куни намози жумъа адосидин сўнг ҳазрати аъло ҳоқон... Абулғозий Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон... ҳазрати соҳибқирони мағфурнинг фармони қазожараён ва амри лозимул-имтинони мўжиби била дорилхилофаи Хивақдин отланиб, Марв вилоятиға бориб, бир неча муддат Хуросон мамоликининг авбоши ва ҳаромийларига гўшмол ва танбеҳ еткуруб, йигирма минг уйлик жамшидия тоифасин Хуросон худудидин кўчуруб, сана минг икки юз саккизда борс йили, сафар ойининг йигирма саккизида жумъа куни Хоразми эрамбазм диёрига келтурди. Иншоллоҳ, бу воқеани ул ҳазратнинг ўз таҳқияйи ҳолоти ва тазкирайи футухотиға шуруь қилғонда ўз мавридида тафсил била рақам қилғумдурур. Ҳамул йил ҳазрати соҳибқирони жаннатмаконининг ройи ихтироь оройи бу амрга муқтазо бўлдиким, Хивақ қалъасининг атрофин айлана бир ҳисори васеъ ва девори рафеъ бино ва барпо қилдирғой, токим юрт зийнати ва фуқаро амнияти музоиф ва мутазойид бўлғай. Чун бу ройи мустаҳсанани визоратпаноҳ, садоқат дастгоҳ ва донишасар Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва дастури мукаррам соҳибулсайф валқадам, мухлиси пок эътиқод Атомурод қўшбегига илтифоти тамом била эълон қилғоч, дастурин мазкурин ройи оламорой муқтазосига кўра филҳол бетааллил ва беэҳмол суръат ва истеъжол била атроф-жавонибдин ҳашарий ва коргузору устоди ширинкор ва баннойи жалодатшиорларни жамъ қилиб, ражаб сийнининг саккизида душанба куни қалъа таъмири умуриға саъйи тамом била шуруь қилдилар. Ва ўттуз кун муддатида ҳисоре бино қилдиларким, матонатда Искандар саддиға таъназан ва рифъатда фалак буржиға сояфкандурур. Маснавий:

Матонат ичра бош тортиб жидори,
Етурди рифъатин чарх авжи сори.

Утуб гардун фазосидин буружи,
Бўлуб чарх аҳлининг роҳи уружи,
Тутуб ер кўкрагида ой ила кун,
Қилурлар посбонлиқлар туну кун,
Кўрунмай хандаки умқи камоҳи,
Тутуб қаърида маскан говмоҳи.
Фазоси вусъат ичра бир жаҳонча,
Вале зийнатда гулзори жинонча.
Ичида наҳрлар оқиб саросар,
Тарабпарвар суйи андоққи кавсар.
Бўлур девори шакли сарбасар хўп,
Томоша аҳлининг кўнглига марғуб.
Хати паргордек даври саропо,
Анга аввалғи қалъа нуқтаосо.
Эрур балким бу бир жисми муаззам,
Ҳамула бу жисм аро жони мукаррам.
Ва ёҳуд бу эрур авсаъ сипеҳрий,
Келибдур ул мунго рахшанда меҳри,
Ва ё бу бир музайян хуққаи пур,
Бу хуққа ичра ул навъким дур.
Илоҳо бу хисори чархсони,
Ҳамеша айла амният макони.

Онга сайли ҳаводис сурма, ёраб,
Биносиға халал еткурма, ёраб!
Бори суккони кўнглин шодмон эт,
Шару шўри ҳаводисдин омон эт.
Ки то айшу тараб бирла ҳамеша,
Бори қилсун сенинг шукрингни пеша...

Ва фақир бу қалъаи беназир таъмирға бир тарих то-
пиб назм силкига чекиб эрдим. Ул тарих будурурким, мас-
бут бўлғусидурур

Тарих:

Шоҳи воло гавҳару гардун сариру меҳри тож,
Хисрави анжум сипоҳу бозилу дарё ато.
Бонию айвони дину ҳодими бунёни куфр,
Мазҳари сидқу, сафоу масдари жуду сахо.
Лутфи элга ом эрур ул навъким жон қадар,
Амри нофиздур жаҳонға ўйлаким ҳукми қазо.

Ҳокими мулки жаҳон Оллоҳқулихонким, эрур,
 Боргоҳи остониға салотин жабҳасо.
 Топди ҳукми бирла Хивақ шаҳрининг атрофида,
 Бир муаззам қалъаи вусъатасар олий бино.
 Вусъат ичра сочди дин арсаи олам кичек,
 Рифъат ичра хокрезидин қавий авжи само.
 Қаҳқашон эрмаски, ёрмиш кунгури кўк бағрини;
 Кавкаб эрмас, зурваси гардун юзин қилмиш яро.
 Вусъату рифъат била таъмир топмиш ўйлаким,
 Мумкин эрмас мислини онинг бино қилмоқ яно.
 Чун бино топмиш бу ёнглиғ зебу оройиш била,
 Шоҳи оламға муборак айласун они худо.
 Огаҳий пири хираддин қилди тарихин савол,
 Айлаб изҳори фараҳ деди: «Ҳисори хуш бино».

ҲАЗРАТИ ШАҲАНШОҲИ ҒУФРОН ДАСТГОҲ БИЛА БУХОРО ҲОКИМИ АМИР НАСРУЛЛОНИНГ ОРАСИҒА НИЗОЪ ТУШМАГИНИНГ КАЙФИЯТИ ВА МУВОФАҚАТ ОҶАНГИ ТУЗУЛМАГИНИНГ МАЪРИФАТИ

Чун таъйидоти илоҳий ва тавфиқоти номутаноҳий била ҳазрати соҳибқирони мағрифат нишоннинг шатшаайи офтоб давлати кун-кундин ламъону дурахшон бўлуб, ақтори оламни ёрутди ва овозай салобати йил-йилдин мутараққий ва мутазойид бўлуб, атрофи жаҳонни тутди. Баъзи бумтийнат ва хаффош фитрат, кўри ботин ва шўрбахтларнинг сийнаи пуркиналари конунида ҳақду ҳасад ўти илтиҳоб афруз ва мадоросўз бўлуб, кўнгуллариди ул ҳазрат давлати адоватин пайдо қилиб, махфиян муҳарриқи силсилаи фасод бўлдилар. Ул жумладин Бухоро волийси амир Насрулло валади мир Ҳайдар подшоҳким, Баҳодирхонға машҳурдурур, абоанжад бу хонадони давлатнишон хусуматида собитқадаму росихдам эрди. Аммо вақт муқтазоси била неча айёмдин бери мувосо ва мадуро василасидин сарири амният ва маснади рафоҳиятда мутамаккин бўлуб, бу жиҳатдин икки вилоятнинг фуқаро ва риюси форигбол ва осудаҳол эрдилар. Охир хабосат тийнат ва шарорат-фитрат тақососи билан рашку ҳасад неши хотири бадандешига хоркор солиб, баъзи афъоли қабойиҳ ва эъмоли фазойиҳ зуҳуриға иқдом кўргуздиким, мўжиби ваҳшату инқитоъ ва сабаби шўришу низоъ бўлди. Ул жумладин, баъзи зуҳурга еткурган афъоли замимасин рақам силкига чекмак

лозим кўрунди. Нединким, бу мухтасарни ўқуғувчи дониш аҳли билсунларким, ҳақ қайси тарафдаю фасод қайси жонибдадурур. Бири улким, карратан маррот урус подшоҳига ўзининг дўстлиғ ва якжиҳатлиғин изҳор қилиб, ҳазрати соҳибқироннинг буғзу адоватиға тарғиб ва таҳрис кўргузуб, муътамадун илайҳ кишилардин макотибот ва муросилот ирсол қилди. Хоразмия карвонинким, русия халқи туб эрдилар, андоқким, собиқан зикр топди, анга боис бўлубдурур, ул ҳазрат камоли тамкин ва виқордин ҳамул нуқсонига пардаи аъмоз чекиб, тағофил ва тасоҳил кўргузди. Яна бири улким, Техрон подшоҳи Муҳаммадшоҳга доғи ул ҳазратдин шиква ва шикоят кўргузуб, анвоъи далоийл била ҳукумат ва адоватиға тарғиб қилиб, хат йиборди. Ул хат била йиборган қосидни Муҳаммадшоҳга етмасдин бурун, ул ҳазрат мулозимлари Хуросон навоҳи-сида тутуб, хатни мавқифи арзга еткурдилар. Ул ҳазрат камол покни тийнат ва сафойи тавиятдин ул хат мазмуниға доғи илтифот кўргузмади, токим мундин зиёдроқ фасод ондин зуҳурга етқай.

Яна бири улким, чун Хўқанд вилоятининг ҳоқими Муҳаммадалихон валади Умархонким, кўб муддатдин бери зулму ситам ва афъоли фарзиҳани иртиқоб қилиб, зинокорлиғ ва жалаббозлиғ ва шаробхўрлиғга шуру этди ва жамеъи малоҳий ва номашрўъ ишларга ривож бериб, шарриятни хор тутди ва доимул-авқот арзол ва авбош била ҳамсухбат бўлуб, мамлакат низоми ва фуқаро ва раоё аҳволидин хабардор бўла олмади. Ложарам, аркони давлати Муҳаммадалихондин рўйгардон бўлуб, иттифоқ била анга байъат қилиб, келсун, юртни топшурурмиз, деб хат йибордилар. Ул бу жиҳатдин Хўқанд устига бориб, хат йиборган умаро ва акобирнинг саъйи била қалъага кириб, камоли номардлик ва ғояти бемурувваатликдин Муҳаммадалихонни Султонмаҳмудхон отлиғ иниси била тутуб ўлтурди ва Хўқанд ахлининг жамеъи молау мавоши, асбобу ҳавошинин наҳбу ғорат қилиб, бўрөсигача дасти тасарруфиға киргузди ва ул вилоятнинг жамеъи қилоъ ва билодиға ўзидин ҳоқим ва лашкар қуюб Бухороға қайтди. Бу жиҳатдан палид думоғига кибру нахват ели йўл топиб, фаҳомати тамом ва ғурури молакалом била Марв вилоятида ўлтургон така ва солур ва соруқ халқиға бу мазмун била хат йибордиким: «Марв вилояти бизнинг қадимий юртимиз ва сиз халқ абоанжад самимий хизматкоримиз эрдингизлар. Бу вақтгача замона муқтазоси била сизларнинг аҳволингиз-

дин хабардорлиғ қила олмадиқ. Алҳамдулиллоҳ валминна, эмди бозуйи қудрат ва нируйи қувватимиз аввалғи ҳолдин бадаражот зиёда бўлубдур. Жаҳду иродамиз буким, ул мамлакатдин Хоразм улусининг дасти тасарруфин кўтоҳ қилиб, сиз жамоанинг бошингизға отифат ва марҳаматамиз соясин солиб, замона ҳодисотидин форигбол ва мураффаҳулҳол қилғоймиз. Бас, эмди керакдурурким, устингиздаги ҳокимларингизким, Ниёзмухаммадбой ва Муҳаммадаминбекдурурлар, бошларин кесиб, назаримизга еткуруб инояти подшоҳонамизга сазовор бўлғайсиз».

Чун бу хат Йўлўтан солурининг орасиға етти, Муҳаммадаминбекким, ул элнинг ҳокими эрди, бу сирдин хабар топиб, замириға хавфу ҳарос муставлий бўлуб, Йўлўтонидин қочиб, Марвда Ниёзмухаммадбойнинг қошиға келиб, бу воқеани тақрир қилди. Ниёзмухаммадбой тафтиш ва тажассус қилиб, ҳамул хатни солур улуси орасидин топиб олиб, ҳазрати подшоҳи мағфират кулоҳнинг назари анвори пешгоҳиға йиборди. Ул ҳазрат ҳамул хат мазмунин мутолаа қилғоч, ложарам, ирқи ҳамияти мутаҳаррик бўлуб... адоват камарин ҳиммат белиға боғлаб, хусумат қиличин жалодат ниёмидин жилвагар қилди ва Бухоро азиматин пешниҳоди хотири отир қилиб, мамолики маҳруса атрофиға лашкар эҳзори учун Баҳром савлат тавочилар йибориб, сафар асбоби таҳиясиға иштиғол кўргузуб, рикоби ҳумоюн мулозимларига панжаи эҳсонидин зарпошлиғлар қилиб, сафар яроғи истеъжолиға тарғиб ва таҳрис кўргузди.

Маълум бўлсунким, чун амир Насрулло Қўқан вилоятин таҳти фармониға киргузуб, ўз тарафидин ҳоким ва лашкар қўюб қайтди. Қўқанд улуси бухорийларнинг зулм ва тааддийсиға тоқат қила олмай бир ойдин сўнг иттифоқ била ҳужум қилиб, ҳокимларни борча мулозим ва лашкарияси билан тутуб қатлға еткурдилар. Муҳаммадалихоннинг ақрабосидин Шералихонким, замон тақозоси ва вақт муқтазоси била қирғиз жамоасининг орасиға бориб, неча йилдан бери гўшанишин ва узлатгузинлик ихтиёр қилмиш эрди, они келтуруб, салтанат тахтиға миндуруб, мамлакат саранжомиға интизом бериб, Бухоро водийси амир Насрулонинг адоватиға жаҳди тамом била ғайрат белин маҳкам бөгладилар.

Бу воқеани эшитиб амир Насруллобек нашъасидин махмур бўлғон авбошлардек беҳудона Бухоро шаҳридин чи-

қиб, хуморшиканлик тариқаси била Хўқанд вилояти тарафига юз қўйди. Ҳазрати соҳибқирон, жаннатмакон доғи Хўқанд улусининг имдоди ва ўз адоватининг изҳори учун Бухоро юруши продасига истежол кўргузуб, навкар ижтимоъи учун сониян атрофи мамоликка киши буюруб, рукуб қилмоққа шитоб кўргузубдурур. Солур халқидинким, Баҳодирхоннинг йиборгон хати алар орасидин чиқиб эрди, сидқлариға кўб имтизож топган, гумон қилиб итминони хотир учун ул элдин оқ уйлук олиб келтурурға сипаҳдорлардин Исмонлбой валади дастури аъзам Муҳаммадюсуф меҳтар ва Авазхожа шайхулислом ва Беги юзбошини ямроли ато ва шайх ва қародошлу черики била Марв юртиға ирсол қилди.

**ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОН ФИРДАВС МАКОННИНГ
МАВКАБИ КАЙҲОНПУИ БИЛА ЧАҲОРЖУИ ЖОНИБИҒА
ҚУЗГАЛМОҚИ ВА ЛАШКАРИ БАҲР АСАР ВУРУДИНИНГ
САЛОБАТИДИН БУХОРО АҲЛИНИНГ ДАРЕИИ
МАВЖУРДЕК ШУРИШ ВА ИЗТИРОБДА ҚОЛМОҚИ ВА
СИПОҲИ НУСРАТПАНОҲНИНГ САЙЛ ЕНГЛИҒ ТАКУПУ
БИЛА ОМУЯ КАНОРИДАҒИ БОРЧА ҚИЛОЪ ВА БИЛОДНИ
МУСАХХАР ҚИЛИБ, ДАСТЫ ТАСАРРУФИҒА ОЛМОҚИ ВА
УЛ ҲАЗРАТНИНГ ЖАМЕЪИ ЛУБОБ УЛУСИН ХОРАЗМ
СУВБИҒА КУЧУРУБ, НАҲЗАТ ЯКРОНИН МУРОЖААТ
ТАРИҚИҒА СОЛМОҚИ.**

Варақ мизморининг чобуксувори,
Нутқ байдосининг жавлоншиори,
Ки, яъни хомаи аъжуба иншо,
Бу ёнглиғ бўлғуси ҳангомаор.

Чун сафар яроғи ва лашкар ижтимоъидин фароғ ҳосил бўлди, ҳазрати соҳибқирони ҳуропосбон мамолики маҳруса ҳаросати учун асолат айвонининг зийнату зайни, макрама ашхосининг қурратул айни.., аъни зубдатул-иозим, маржаъулакорим ҳодими бунёдил-зулм валнифоқ Муҳаммадамин иноқ муштаҳири бил Бобожон иноқни... доруссалтанаи Хивақда... наёбат саририда мутамаккин қилиб, барс йили сана минг икки юз эллик саккизда хуршеди жаҳонтоб сумбула буржидин жилвагар эрди, шаъбонилмуаззамнинг

тўққузида панжшанба куни саманди иқболга рукуб қилиб, алвияи зафар таъбияни ҳаракатга киргузуб, мақсад жонибига азимат кўргузди...

Чун ул ҳазрат дабдабаи мулукона ва кавкабаи хисравона била Янгиариқ қариясидаги ҳовлийи ҳумоюни шарофатнамунга шарафи нузулидин жаннат қасридек таровати тоза ва сафойи беандоза еткурди. Анда бир кеча мутаваққиф бўлуб, жумъа куни Осни мазраби боргоҳи иқбол қилди. Шанба куни Ҳазорасбга баҳори нузулидин гулшани эрамдек назорат бағишлади.. Ул ҳазратнинг валади амжади Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон... зиёфати хисравона ва жашни мулукона муҳайё қилдурди...

Ҳазрати хони мағфур якшанба куни Ҳазорасбдин ҳамул отга рукуб қилиб, ҳазрати аъло ҳоқонийни доғи ул сафарда ўзига ҳамроҳ этиб, ҳамул кун кечрак Фитнакдин ўтуб Сориҳожидин отлиғ бузругворнинг жавори фойизуланворидаким, боргоҳи сипеҳр иштибоҳ барпо қилилиб эрди, нузул қилди. Душанба куни шаъбон ойининг ўн учиди Сориҳожидин кўчуб шарафи вуруди била манозилга назорати тоза ва файзи вусули била мароҳилга таровати беандоза еткуруб, ўн беш кунда Қабоқли мавзеъига ворид бўлуб, асокири мансураға муаскар қилди. Ҳамул мавзеъда атроф мамолик ва анвоъи масоликдин фавж-фавж ва гуруҳ-гуруҳ тавойифи лашкария келиб, андоқ издиҳом бўлдиким, арсаи олам аснофи одам била тўлуб, ер жисмига ларза тушди ва фалак қулоғига гавго етушди.

Ҳар тарафдин етушти юз минг хайл,
Ўйлаким баҳри бекарон сори сайл.

Бўлди ул навъ издиҳоме аён,
Ки қиёматга синди шавкату шон.

Ҳаракат кўргузуб гуруҳ-гуруҳ,
Ер юзин сумми маркаб этди сутуҳ.

Чиқти етти кўк узра гулгула ҳам,
Тушти ер пайкарига зилзила ҳам.

Ул ҳазрат ҳамул манзилдин шаъбон ойининг салхида чаҳоршанба куни ҳазрати аъло ҳоқон, султони мамолик ситон, ҳадиви Сулаймон макон, хисрави Искандар нишон, фармондармөйи жаҳон, ани подшоҳи олиймакон абулму-

заффар валмансур Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон зайдуллоҳ умра ва шавкатани умаройи изом ва сархайли киромдин визоратпаноҳ Отамурод қўшбеги ва шужоуддавлат Худоёрбий ва Саййидназарбий ва Абдулла ясовулбоши ва Раҳматулла ясовулбоши ва Ятшимурод юзбоши ва аснофи лашкариядин ямут ва човдар ва кўк-лон ва тоза кўнгирот ва баъзи талабгор ўзбакия шужаъоси била Чоржўй устиға қир йўли била номзад қилди. Чун ул ҳазрати султони жаннат маконнинг фармони вожибулизъони мўжиби била ҳамул кун мазкур бўлгон саркарда ва лашкариянинг ҳамроҳлиғи била бир куну бир кеча илғор қилиб, сўнгги кунким жумъа эрди, Чоржўй қалъасиға офати самовий ёнглиг дохил бўлуб, муҳосара қилди ва атрофу жавонибдағи элотни тохту тоз қилдурди. Чаҳоржўйнинг шарқий жанибида Чолтут отлиғ қалъани зўр даст била олиб, қатли ом қилиб, моли мавошийсин ғорат қилиб, аҳли аёлу атфолин асорат қайдиға чекди.

Алқисса, ҳазрати хони мағфур боргунча ул навоҳийни наҳбу торож қилиб, Чаҳоржўй қалъаси муҳосарасиға иштиғол кўргузди. Иншооллоҳ, бу ижмолни ул ҳазратнинг ўз воқеоти шарҳиға шуруъ қилғонда тафсил била рақам қилғумиздурур. Чун ҳазрати хони мағфур ул ҳазратни Чаҳоржўй сори узотғондин сўнг, чаҳоршанба куни кўчуб, Тошоҳур мавзеъини қудуми шарофат лузуми вусулидин муфаххари манозил қилди. Ҳамул кеча даргоҳи олампаноҳ мулозими жонсипорларидин Муҳаммад Муродбой валади Қурбонниёз ясовулбошиким, машриқ жамоасининг саркардалиғи анга муқаррар эрди ва баъзи ўзбак йигитлари била дарёдин ўтқариб. Элжик ва Хожаканафси ва Усти қалъаларининг устиға номзад қилди, токим мазкур бўлгон қилоъ ва билоднинг улуси агар изҳори мутобеат қилсалар, кўчурсун ва агар тамарруд ва инод кўргузсалар, поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилсун. Мазкур бўлгон оломон фармони қазо жараён мўжиби била суръат кўргузуб, мақсад тарифиға озим бўлдилар. Ул ҳазрат рамазонул-муборак ойининг ғуррян ғаррасида панжшанба куни Тошоҳурдин сипоҳи маҳшар дастгоҳ ва лашкари зафар интибоҳ била ҳаракат кўргузуб, Исбор тўғойиға нузули майманат вусули файзидин гулшани эрам ёнглиғ таровати билло ғоят етқурди. Жумъа куни ондин кўчуб аъломи нусратфаржон ва роёти зафароётни жилваға киргузуб, сипоҳи муборазатпаноҳ ва афвожи шижоатдастгоҳни гуруҳ-гуруҳ саф тузуб, буронғор ва жувонғорни қоз қаноти ёнглиғ ясаб,

суфуфи лашкарни ораста ва пироста қилиб, дабабаи мулукона била наҳзат тариқиға равона бўлди. Йўл асносида Элжик қалъасининг муқобалағасиға етганда, Элжик ва Хожаканафси улусининг ақобиру аолисиким, Муҳаммад Муродбойнинг ўтрусига пешвоз чиқиб, изҳори итоат қилиб эрдилар, келиб ул ҳазратнинг сумми самандиға жабинсойлиқ кўргузуб, омон тиладилар. Ул ҳазрат аларға навзишлар изҳор қилиб, сарупойи шоҳона била сарафрозлиг еткурди ва аларға Яъқуббойни қўшуб йиборди, токим молу авошийларға аҳли сипоҳни даҳл қилдурмай, барча элу аҳшоми била кўчуруб, дарёдин ўткарғай ва даргоҳи гардун иштибоҳ мулозимларидин шижоат вазифа Бекиш халифани баъзи сипаҳдорлар била дарёдин ўткариб йиборди, токим Муҳаммад Муродбой била ҳамроҳ бориб, Усти ва Хирож қалъаларининг улусин кўчурғайлар.

Ул ҳазрат ҳамул кун Хожаканафси маъбарига бориб, дарё қироғин мазраби боргоҳи зафарнишона ва мустақарри сародиқот ва шамёна қилиб, баҳори нузули била Жайҳун канорин кавсар қироғи балки дилбар дудоғидек машҳун ва музаййин қилди. Ҳамул кун Усти ва Хирож улусининг кадхудолари остони давлат посбон тақбилиға мушарраф бўлуб, изҳори инқиёд ва убудият қилдилар. Шанба куни Дехнав ва Чакас ва Хожа қалъасининг улуси келиб, атабаи сипеҳр мартаба хокбўслиқи шарафиға фойиз бўлуб, изтирори тамом ва инкисори молокалом била мутобиъат ва мубояат кўргуздилар...

Чун ҳазрати соҳибқирони мағрифат асар мазкур бўлгон маъбардин гардунсурат кемалар ва ҳилол ҳайъат заврақлар била уч куну уч кеча Элжик ва Хожаканафси улусин амволу асбоби била дарёнинг жанубия тарафиға ўткарди. Мазкур бўлгон шанба куни ямутия саромадидин Хонак сардорнинг ўғли Қуллуқмурод сардорни ҳамул воқеаи фарҳат асар эъломи учун Хивақ сори ирсол қилди. Даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин хизматомода Абдурахмон Озодани Марв улусиға йиборди. Душанба куни Элжик ва Хожаканафси кўчин кемаға солиб, садоқатмаоб, диёнат интисоб Юсуфжон ва Вайснӣёз доруғанинг хиросати била Хоразм мамоликига йиборди. Ҳамул кун Вайснӣёзбойким, ўрус элчилигига кетиб эрди, андоқким юқорироқ мазкур бўлуб эрди, ўрусдин Данилевской отлиғ элчисин Хивақда қўюб келиб, остони давлат посбон мулозимати шарафиға фойиз бўлди. Ҳамул кун ҳазрати хони мағфур мавзеи мазкурдин ойини хисравона ва кавкабаи подшоҳона била

кўчуб, Усти қалъасининг муқобаласида дарё қанорига ворид бўлуб, мавзеъи боргоҳу мақарри лашқари нусратпаноҳ қилди. Сешанба куни усти халқининг кўчин кемаларга миндуруб, эътиқоднишон, ихлос товомон ходимларидин Иброҳим шиғовул ва Раҳматулло Қарокўзга топшуруб, Хоразм сари узатди. Ҳамул кеча Муҳаммад Муродбой атрофидаги лашқарияси била дарёнинг шимолия жонибидаги барча элотни кўчуруб, дарёдин ўтуб мулозамат шарафига етти. Чаҳоршанба куни Усти ёқишидин кўчуб наҳзат ливосин жилвагар қилиб, Хирож муқобаласида дарё қирогин нузули баҳорнишон ва вусули файз тавомони шарафидин беҳишт гулзори ва кавсар каноридек назоратгустар ва беҳжатасар қилди. Тонгласи панжшанба куни Хирож элотин кўчуруб, Вайсниёзбой била Хоразм жонибиға ирсол қилди. Жумъа куни ул манзилдин фатҳу нусрат ҳамъионлиғи била азимат якронин суруб, Тепак даҳасининг муқобаласиға тушди. Шанба куни ондин кўчуб, сипоҳи маҳшар издиҳом ва лашқари зафарфаржом била суръатнамо ва қадамфарсо бўлуб, Бўрёбоф отлиғ мавзеъға қадами саодаттавом вусулидин сарафрозлиғ еткурди. Ҳамул кун Хонсоат сардор ва Холнафас оталиқ бошлиғ Охал ва Қизилрабат такасининг ақобир ва ақорими хизматгузорлиғ ва жонсипорлиғ тариқаси била келиб, ўрдўйи аълоға мулҳақ бўлдилар ва остони сипеҳрнишон тақбилидин сарафрозлиғ шарофиға истисъод топдилар. Душанба куни Марв вилоятидин минг ботмон ун келиб, ул ҳазратнинг матбахи хосасиға доҳил бўлди. Ҳамул манзилда ул ҳазрат Қурбонниёз паҳлавон бошлиғ ямутия жамоасидин юз эллик отлиғни чаповулға номзад қилди. Маъмурлар фармони давлатнишон мўжиби била дабур хайлидек дарёдин убур қилиб ва риҳи Осаф ёнлиғ суръати тамом била бир кеча илғоб, тонг вақтида Наразимнинг Эмлиқ отлиқ қаровулининг устиға казойи мубрам ва балойи мўҳкам ёнлиғ қуюлуб, қирқ чоғлик кишисин тийғи бедариг дами била қатлға еткуруб, бошин ғазаб фитрокиға банд қилдилар.

Қитъа:

Бўлуб нобуд онингдек хайли аъдо,
 Ки бўлдилар жаҳонға келмагандек.
 Бир одам кўрмагандек бўлди бори,
 Демайким кўрмагандек, билмагандек.

Ўзгасин асорат қайдиға чекиб, музаффар ва мансур мурожаат қилдилар. Сешанба куни дарёдин ўтуб, атабаи осмон мартаба мулозаматиға етдилар. Ул ҳазрат аларға навозишот кўргузуб, ҳар бош учун хазонай эҳсонидин зарпошлиғ қилиб, беш тилло ва бир сарупой бериб, бодан отифатидин сероб ва шодоб қилди. Чаҳоршанба куни ул хазрат Бурёбофдин лашкари бекарон била ҳаракат кўргузуб, Чаҳоржўй қалъасининг муқобаласиға дарё канорига тушуб, мухайями хайёми давлат ва мазраби боргоҳи шавкат қилди. Ул манзилда уч кун роятафроси таваққуф бўлуб, истироҳат кўргузди. Тўртлончи кун ким шанба эрди, Марв вилоятининг Ниёзмухаммадбой ва Муҳаммадаминбек така ва солур ва соруқ тавойифидин уч минг нафар лашкари жаррори кийнагузорни бошлаб Қутном усти била келиб, дарбори фалак миқдор туроббўслиқидин комёблиғ топдилар. Ҳамул кун ул ҳазрат кемаларнинг муҳофазати учун умаройи шижоатойиндин Бекмонбекни ўз навқари била таъйин этиб, дарё каноридин ўрдуйи кайҳонпўйни кўчуруб, Чаҳоржўй қалъаси устига ливоафроси азимат бўлди. Туш чоғи қалъанинг атрофин айланиб, жанубия шарқида мутаваққиф бўлуб, тўпхонаи ҳумоюн саркорлариға амри олий судур топдиким, қалъа сориға тўпи раъдошубларни қаратиб, оташбозлиғ ва гулўландозлиғ кўргузгайлар.

Чун фармони лозимулимтинон мўжиби била қодирандоз тўпчилар андоқ гулўла афшонлиқға иштиғол кўргузди-ларким, қалъа деворин ғарболмисол қилиб, мутаҳассинларни нолаву фарёдға киргуздилар.

Маснавий:

Қилиб тўплар ўйла шўриш аён,
Ки бир қилди элга заминун замон.

Сууд айлабон кўкка ҳар сори дуд,
Қуёш юзини ёпди абри кабуд.

Тегиб гўлайи оташин тў-батў,
Адув жисмини поралаб мў-бамў.

Чиқарди фалак узра афгонларин,
Бадандин жудо айлади жонларин.

Чун ул ҳазрат пешингача ул қалъа аҳлига бу ёнглиғ растохезлар солиб, пешиндин сўнг инони азиматин мурожаат жодасига қайтариб, ўрдуи аъло ва боргоҳи муаллоким, қалъанинг шарқий жонибида тушуб барпо қилилиб эрди, шарафу нузулидин қуббаи боргоҳни қуммайи меҳру мохдин ўткарди. Ҳамул кун ул ҳазрат қулла ақобиридин Обиддин маҳрамни баъзи асирлар била Хивақга ирсол қилиб эрди. Ул ҳасабул-фармон ҳамул кун отин қир била йибориб, ўзи бир заврақга миниб дарё юзидин мақсад тарафига озим бўлуб эрди. Дарё ичида Хоразмдин мавкиби хумоюннга келатургон икки-уч кемани узоқдин мушоҳада қилиб, хотири хабосат музоҳирига ваҳмаи қавий истило топиб, жон ҳавл жон заврақдин чиқиб, тўғога кирди ва суръати тамом ва шитоби малокалом била пиёда қатъи масофат қилиб, ўлум ҳолига етканда Бекмонбийнинг қўшиғаким, кемалар ҳифзи учун дарё канорида эрди, келиб ондин бир от миниб, ул ҳазратнинг мулозаматиға етиб, арз қилдиким; «тожикдин икки юз отлиғ кема била дарёдин ўтуб, устумға келди ва ман аларни иккисин милтуқ била отиб ўлтурдим: ондин сўнг манга келиб ҳамла қила олмадилар ва омон қутулиб пиёда хизматингизга келдим».

Ул ҳазрат бу сўзни эшитгач, дарё лабига киши буюруб тафтиш қилдирди. Маълум бўлдиким, онинг айтгон ерида, балки дарёнинг жанубия тарафида душман аҳлидин дайёре ва мутанаффасе йўқдурур ва гоят жубинди замири даноат таҳмирига бийму ҳарос муставлий бўлуб, қочиб келибдурур. Ул ҳазрат онинг жубну кизби жиҳатидин ғазабнок бўлуб, от ва яроқ асбобин илкидин олиб ва ўздин борғунча таёқлатиб, бир оқшом совуқда мажруҳ бўлгон пайкарин яланғочлаб қўйдурди. Маснавий:

Кишиким, агар жубн қилса шиор,
Эл оллида дойим бўлур шармисор.

На ёлғуз халойиқга матруд бўлур,
Ҳақ оллида ҳам зору мардуд ўлур.

Топар бу жаҳон ичра бадномлиғ,
Ҳам ўлғуси уқбода нокомлиғ.

Киши жубиндин топса маъзуллиқ,
Топар халқу ҳам ҳақга мақбуллиқ.

Шак ӛрмасдурур икки олам аро,
Неким комидур тенгри қилғай раво.

Чул ул ҳазрат тонгласиким, якшанба куни ӛрди, ўрду-да мутаваққиф бўлуб аснофи лашкар ва анвоџи навқарияни сархайлу сипаҳдор бошлиғ қалъа атрофига буюрди, токим ҳар фавж ва ҳар гуруҳ бир тарафдин ўз булжорида саркуб кўтаргайлар. Ҳамул кун садоқат-афзойи ихлос намой Ниёзмуҳаммадбойни сақар халқиким, изҳори инқиџд қилиб ӛрди, кўчуруб келтирмакка буюрди ва бойи мазкур фармони қазожараџн мўжиби била ул ӛлни кучуруб, тонгласи душанба куни келтурди. Ул ҳазрат ул жамоани Хоразми ӛрам базмға кўчуруб, аларнинг муҳорасат ва муҳофазатиға Пўлод юзбошининг ўғли Муҳаммадниёз юзбошини махсус қилиб йиборди. Тонгласи сешанба сабоҳиким, офтоби оламтобнинг чобукдаст айџри шиоџи шуъласидин фалак саркубиға ўт урди, Чарҳоржўй қалъасидин икки йигит жалодат изҳори била чиқиб, човдар жамоасининг саркубин ўтлар чоғда ул жамоадин бир таҳоввурнишон баҳодир огоҳлиғ топиб, тийғи хунфишон зарби била ул икки қони тўлғон йигитнинг бошларин баданидин жудо қилиб, остони фалак нишон мулозимлариға келтуруб, марҳамати подшоҳийдин жулду учун йигирма тилло бахшиши била мумтозлиғ ва сарафрозлиғ топди. Ҳамул кун ул ҳазратнинг мизожи шарафиға касале ориз бўлуб, қалъа муҳосарасин тарк тутуб, туш чоғи муаскари хумоюндин ўрдуйи ӛлони кўчуруб, мурожаат йўлиға инони инсофни мунсариф қилиб, намозшом чоғи дарџ қироғин мазраби боргоҳи иқбол ва мустақарри сародиқоти ижлол қилиб нузул ӛтди.

Ҳамул кеча Бухоро волийси Баҳодирхон лашкари бегарон била келиб, дарџнинг шимолия канориға тушди. Чаҳоршанба куни ул ҳамул манзилда таваққуф кўргузубдурур. Ҳамул кун Бухоро черикининг баъзи чобукдаст, таҳаввурпараст баҳодирлари дарџнинг қойириға чиқиб ўз-ўзидин от ўйнатиб сурон солур ӛрди. Фармони вожибулаъон мўжиби била андозлиғ фунунининг моҳирлари тўпи душманкўбни ӛдо тарафиға отиб, ҳамул қойирдағи тожиклардин бир киши ва бир отни гўлайи оташин зарби била кан ихнул-манфуш ажзойи пайкари нуқушин парижон ва мафқудил-асар қилдилар ва ўзгалари қочиб ҳар тарафға мутафарриқ ва фирори бўлдилар. Панжшанба куни ул ҳазрат ҳамул мавзеъдин кўчуб, Типак муқобаласи-

ға тушди. Ҳамул кеча шужаъойи номдордин Айдак юзбошиким, сипоҳи нусратпаноҳниғ шабраву айёрпешаларининг сархайли эрди, олти нафар муборазатасар ва жалодатгустар йигит била ул ҳазратдин ижозат топиб, дарёдин сабо пайкидек убур қилиб, аъдо қўшунидин икки кишини қайди асоратға муқайяд қилиб, дарбори олий мулозаматиға келтуруб, авотифи хисравона ва сарупойи шоҳона била мумтоз ва сарафрозлиғ топди. Жумъа куни ул ҳазрат мазкур манзилдин роятафроси наҳзат бўлуб, Хирож қалъаси муқобаласин мустақирри аъломи зафарфаржом ва муаскари лашкари нусрат илтизом қилди. Шанба куни ондин ҳаракат кўргузуб, Усти муқобаласиға нузул этди. Якшанба куни Элжик махозисиға тушди. Ҳамул кун қазақ улуси Жонкент мавзеида Бобожон Урганжийни қабоб, муҳосира қилгон хабари келди. Мундин етти кун сўнг қазақия тавойифи Бобожон Урганжийни жамеъ аъвону ансори била олиб, Хожаниёзбийнинг қалъасин муҳосира қилгон хабари келди. Бу ижмол тафсили улким, қадимул-айёмдин бери Дашти Қипчоқ ҳудудидаги жамеъ қазақ тавойифи ҳазрати соҳибқирон мағфират нишоннинг хирожгузор ва хизматкори эрдилар. Ул ҳазратнинг амри олийси муқтазоси била умаройи эзомдин садоқатнишон шижоаттавомони иқболи мураббий Хўжаниёзбий қазақия тавойифидин чумакай халқининг оросиға бориб, Оқчўнгулнинг бир манзиллик юқорисида Қувонч дарёсининг жануби ва Мойли Узак наҳрининг шимолий канорида бир қалъайи муаззам бино қилиб, ул элнинг ҳиросат ва муҳофазатиға қиём кўргузуб, ҳукми шаръ била хирож ва закотин олур эрди. Ва фармони қазақжараён мўжиби била аркони давлат ва аъёни ҳазратдин ихлоснамой фаросатинтимои Вайсниёзбой олам халқининг орасиға бориб Жонкент мавзеида бир қўрғон барпой қилиб, ул жамоанинг ҳукумат ва посбонлиғиға иштигол кўргузуб, бож ва закотин мувофиқи шаръ олур эрди ва ёвуқда Вайсниёзбой Жонкентдин қайтиб, даргоҳи олампаноҳ мулозаматиға келиб онинг ўрниға остони саодатнишон мулозимларидин давлат арконининг руки аъзами Бекниёз девонбегининг биродари мукаррами Бобохон Урганжий Жонкент қалъасиға бориб, ул атрофдаги қазақия улусининг ҳукумат ва ҳиросатиға машғул ва мутассади эрди. Бу аҳвол асносида қазақия тавойифиға шарорати қазақият ирқи мутаҳаррик бўлуб, бесабаб зоҳири тамомий қазақия улуси иттифоқ била отлаиб тамарруд ва инод, такаббур ва фасод ливосин вақоҳат майдонида жилвагар

қилиб, хабарсиз Бобожон Урганжийнинг устига келиб, қалъани муҳосара қилдилар. Бир неча кундин сўнг қалъа ичидаги қазоқия улуси муҳосара тангнойига тура олмай, қалъани бузуб, тошқари чиқдилар. Бу жиҳатдин қазоқ черики муставлий бўлуб, қалъа тасхирига даст топдилар ва Бобожон Урганжийни борча ходиму мулозимлари била қатлаға еткурдилар. Андин сўнг ҳужуми тамом ва издиҳоми молокалом била Хожаниёзбийнинг қалъасининг атрофиға бориб бир неча кун муҳосара қилиб, савош ва талош қонуниға қиём кўргуздилар. Охирул-амр Хожаниёзбий атрофидаги мулозим ва лашкарияси била таваккул урватулвусқосига мутамассик бўлуб иттифоқ била қалъадин чиқиб, жалодати тамом била қазоқ лашкаргоҳига балойи ногаҳонийдек фидойивор тўкулуб, шамшири хунфишон ва синони жонситон зарби била аксар аъдони мақтул ва мажруҳ қилдилар ва ўзгаси юз машаққат ва минг суубат била ул маҳлакадин қутулуб, ҳар ким бир ён оворалиғ саҳросисига фирор ихтиёр қилдилар ва ондин сўнг журъат кўргузуб, қалъа устига кела олмадилар, балким замири хабосат тахмирлариға ҳароси беқиёс истило топиб, эл ва аҳшомин ул ҳаволидин кўчуруб, узоқ ерларга элтиб қўндурдилар. Хожаниёзбий форигболлиқ била қалъа аёлатиға иштиғол кўргузди.

Эмди сўз аслиға шуруъ қилурмиз. Маълум бўлсунким, ҳазрати соҳибқирони жаннатмакон рамазонил-муборак ойининг йигирма олтисида душанба куни Элжик муқобаласининг якрони давлатға рукуб қилиб, йўл асносида жайран шикориға иштиғол кўргузуб, Исбоз бешаси ва Ому қироғиға нузул қилди. Сешанба куни ул мавзеъдин аламфирори азимат бўлуб, шикорандозлиғ била Қабоқли тўғойиға ворид бўлиб, мазраби боргоҳи сипеҳриштибоҳ қилди ва чаҳоршанба куни ондин кўчуб, заврақи тезрафтор ва ҳилол намудорға миниб дарёйи заххорнинг ажойибот ва гаройиботин сайру тамошо қилиб, кечрак Дояхотун работиға келиб, шарафи нузулидин ашрафи манозил қилди. Ҳамул кеча жамеъ така ва солур ва соруқ черикининг ақобиру нозимиға сарупойи тиллобоф инъоми била сарафрозлиғ еткуруб ўз вилоятлариға муовадат қилмоқ рухсатни берди ва тонгласи панжшанба куни Ниёзмухаммадбой ва Мухаммадаминбекни ул жамоаға қўшуб, Марв вилоятиға ирсол қилди. Ҳамул кун Дояхотун работидин кўчуб, Кўгорчинли марҳаласиға ворид бўлуб, хайёми майманат фаржом ва кирёси гардунасосни барпой қилдуруб, нузул этди.

Ҳамул кун рамазон ойининг салхида эрди. Тонгласи жумъа куну ул мавзеъда ийд учун зиёфати шоҳона ва жашни хисравона муҳайё қилдуруб, жамеъ уламоий эзом ва умаройи киром ва акобири лашкарни боргоҳи олампаҳоға ундоб, хони аҳсондин баҳрбардор ва лаззатмадор қилди. Ҳамул кун Кўгорчинли мавзеъидин кўчуб, Доргонота жаворида дарё канориға тушуб, файзи нузулидин жаннат анҳоридек сероб ва хушгуворлиғ еткурди. Шанба куну Доргондин кўчуб, икки кун қатъи манозил қилиб, душанба куну Садвар тўғойиға келиб тушди. Тонгласи сешанба сабоҳи ул мавзеъда от ёриштуруб, байроқ учун маблағи мавфуринъом қилиб, отчопар тамошосидин ком олгондин сўнг, ул манзилдин ўрдўйи ҳумоюнни кўчуруб, ўзи заврақи тезрафторға миниб, дарё ичидин озим бўлуб, Яккачақир мавзеъидин чиқиб, саманди барқпоға рукуб қилиб, Ҳазорасбаға файзи нузулидин гулистони жаннатдек таровати беғоят бағишлади. Чаҳоршанба куну Ҳазорасбдин дабабаи тамом била ҳаракатнамо бўлди ва пешин чоғи Янгиариқ работиға нузул этиб, онинг буржи ифтихорин фалаки даввор авжидин ўткарди. Панжшанба куну шавволи муаззамнинг еттисида Ёнгиариқдин якрони иқболға рукуб қилиб, кавкабаи бетимсол била шаҳар сори азиматнамо бўлди. Йўл асносида шаҳардин уламо ва кубаро ва шаҳзодалар истиқболға чиқиб, ул ҳазратнинг партави дийдоридин умидлари кўзин равшан... қилдилар. Ул ҳазрат ул жамоанинг аҳволин дилдорлиғлар била истифсор қилиб, алар ҳамроҳлиғи била доруссалтанаи Хивақға келиб, маснади хилофатда мутаммакин бўлди ва баҳори адолатидин бўстони мамоликка боғи жинон ёнлиғ сарсабз ва райёнлиғлар еткурди...

БАЪЗИ ВОҚЕОТ ЗИКРИКИМ, ҲАЗРАТИ СОҲИБҚИРОНИ ҒАФРОНИШОН ЧАҲОРЖЎЙДИН ҚАЙТИБ МУСТАҚАРРИ САЛТАНАТДА МУТАМАККИН БЎЛГОНДИН СУНГ ЗУҲУРҒА ЕТТИ

Ул жумлади бири улким, чун ул ҳазрат Чаҳоржўй сафаридин келган кунининг тонгласиким, жумъа эрди, ўрус элчисиким, ул ҳазрат сафарда эрканда юртға келиб мутаваққиф бўлмиш эрди, андоқким собиқан таҳрир топди, илтифоти подшоҳонадин курунуши олийға мушарраф

бўлуб, келтургон туҳфоти беҳжатасар ва тансуқоти гайри мукаррарин назари саодат-асар пешгоҳидин ўткорди. Ул жумладин, бир тахтиравон отлиғ ароба эрдиким, борча ери мусайқал ва мурассаъ бўлуб, ҳаддан афзун олтун ва кумуш онинг асбобу тузуклариға харж бўлмиш эрди.

Яна бири улким, чун Бухоро ҳокими Баҳодирхон кўрдиким, Хоразм лашкари дастбурдидин Бухоро музофотидин аксар билод вайрон бўлди ва қолган элоти доғи хароб ва нобуд бўлғусидурур. Охируламр гафлат уйқусидин ойилди ва иш оқибатидин андеша қилди ва қудрати на чоғлиқ эрконин билди. Ложарам, Хоразмдин Шукруллоҳ ақо ва Ниёзқилич юзбоши элчи бўлуб бериб, неча муддатдин бери Бухорода эрдилар. Оларға Яхёхожа отлиғ бир элчи ҳамроҳ қилиб, бу мазмун била маъзиратнома топшуруб, ирсол қилдиким: «Борча зуҳурга еткурган афъоли ношойиста ва аъмоли нобойисталаримиздин нодим ва пушаймон бўлуб тавба қилдук. Тағомиз улуғлиқ қилиб қилгон гуноҳларимиз ва тақсиротимизни кечурсунлар. Икки юрт бир юртдурур ва икки тарафнинг амният ва осудалиғи доғи мувофақат сабаби ва якжиҳатлик жиҳатидиндурур. Бас дўстлиғ ва иттиҳодмандлик била бориш ва келиш қилмоқ иккимизга ҳам ансаб ва авлодурур.»

Бу элчилар мазкур бўлгон кун, яъни ул ҳазрат Чаҳоржўйдин мурожаат қилиб, сарири салтанатда ором тутгон кунининг тонгласи, жумъа кунни остонбўслиқ шарафиға етиб, мазкур бўлгон маъзиратномани назари олий мутолаасиға еткурдилар. Ул ҳазрат саккиз кундин сўнг, моҳи мазкурнинг ўн еттисида, якшанба кунни Бухоро элчисиға домла Муҳаммадрасулни бу мазмун била элчи қилиб қўшуб йибордиким, агар Баҳодирхон қилгон афъоли замимасидин нодим ва пушаймон бўлуб, айтгон сўзида собитқадам ва росихдам бўлса, биз доғи тарки мухолафат қилиб, мувофақат кўргумиздурур.

Яна бири улдурурким, Авазхожа шайхилислом ва Исмоилбой ўзларига муталлиқ навкарлари била Марвға оқ уйлук кўчурмакка кетиб эрдилар, андоқким собиқан мазкур бўлди, Марв вилояти музофотиға соруқ ва солур жамоасининг оқ уйлукларин кўчуруб, ҳамул кун, яъни Бухоро элчисига рухсат берилган якшанба кунни келиб, остони давлат посбон мулозиматиға еттилар. Яна бири улдурурким, Дашти Қипчоқ ҳудудида қазоқия тавойификим, ёғийгарлик оғоз қилиб, ўз ҳаддидин тошқари ишлар зуҳурға еткуруиб эрдилар, андоқким юқорида таҳрир топиб эрди,

ҳазрати хони мағфур ул жамоанинг таъдиб ва гўшмоли учун акобири номдордин шижоатмаоб, жалодатинтисоб Абдулла ясовулбоши ва Беги юзбошини човдар ва ямроли черики била номзад қилди.

Маъмурлар фармони лозимулимтисол мўжиби била масофат қатъида истеъжол кўргузуб, Дашти Қипчоқға аҳли қазоқ орасига боруб, тундбоди чаповул била аҳли иноднинг хирмани жамъиятин барбод қилиб ва бир неча муддат гўшмоли балиғ ва дастбурди азим еткуруб, ул жамоанинг рақабани инодин рибқани мутобаатға банд қилиб, аввалғидек хирожгузори фуқаро ва фармонбардори раёи силкага киргуздилар ва уч ой муддатида мурожаат қилиб, Хивақ доруссалтанасида ҳазрати аъло ҳоқонининг мулозаматиға мушарраф бўлуб, инояти хисравонадин сарафрозлиғ топибдурурлар.

„ЗУБДАТУТ-ТАВОРИХ,, ДАН

БУХОРО ВОЛИЙСИ АМИР НАСРУЛЛОНИНГ МУСОЛАҲА ВАЪДАСИН ҚИЛИБ, УЛ ВАЪДАДИН ЭЪРОЗ КИЛҒОНИ

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳазрати соҳибқирон мағфиратпаноҳ, ҳазрати зилли илоҳийнинг ҳамроҳлиғи била Бухоро вилоятига лашкар чекиб, жамеъ лубоб халқин кўчуруб, Қатном ва Парвардғача чаповул ва татовул тундбодин еткуруб қайтғондин сўнг Бухоро подшоҳи амир Насрулло зуҳурға еткурғон ношойиста афъол ва нобойиста аъмолидин нодим ва пушаймон бўлуб, мўътамадун-алайҳ мулозимларидин Яҳёхожаға маъзиратнома топшуруб, сулҳ талаби била йибориб эрди. Хони мағфур онинг илтимосин мақбул тутуб, дўстлиғ эъломи учун элчисига домла Муҳаммадрасулни қўшуб ирсол қилиб эрди. Амир Насрулло яна мукарраран мувофақат иртиқоби ва мухлифат ижтинобиға мушъир мактубот топшуруб, Сайид Ҳомидхожа отлиғ бир мўътабар кишисин домла Муҳаммадрасулға ҳамроҳ қилиб қайтариб эрди. Алар ҳазрати зилли илоҳийнинг жулуси майманат маънусидин тўрт кун сўнг шанба кунини дарборини фалакмиқдор атабабўслиқига фойиз бўлуб, келтирган мактубини жаноби мустатоб мулозимлари воситаси била мавқифи арзға еткурдилар. Мундин ўн уч кун сўнг зулқаъда ойининг ўн еттисида, сешанба кунини ҳазрати зилли илоҳий Бухоро элчисига аъламулуламоий олим, афзали фузалойи бани одам, фақоҳатнишон Муҳаммадмусо эшонини аълам ва домла Муҳаммадрасули мазкурни масхуб қилиб, бирисин хони мағфурнинг жанозаси ахбори ва бирин ўзининг жулуси саодат маънуси изҳори учун, хусусан, мусолаҳа биносининг истехкоми ва аҳду паймон вафосининг эҳтимоми учун ирсол этди. Чун мазкур бўлғон элчилар амри олий мўжиби била манозили мутақассирани қатъ этиб амир Насруллонинг кўрунушиға етиб ҳазрати зилли илоҳийнинг йиборган сулҳнома ва топширғон сўзларин арз

қилдилар. Амир камоли шамотат ва ғояти номардликдин мусолаҳа бобида қилгон ваъдаларидин яна эъроз кўргузуб, элчиларга адоватангиз ва мухолафатомиз сўзлар айтиб, хони мағфур вафотининг фотиҳахонлиғи учун бир киши ва ҳазрати зилли илоҳий жулусининг муборакбодлиғи учун бир киши ҳамроҳ қилиб йиборди...

Чун элчилар зулҳижжа ойининг йигирма иккисида сешанба куни даргоҳи давлатпаноҳ мулозимати шарафига мушарраф бўлуб, амирнинг мусолаҳа амрида қилгон ваъдаларининг беътиборлиғин ва анинг била қилгон муомала ва мунозараларин масомеъи аълоға еткурдилар ва ҳазрати зилли илоҳий доғи... амирнинг элчиларига адоватнома ва ваҳшатафзо сўзлар айтиб, даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларидин донишиншо Шукрулло ғани қўшуб, мазкур ойнинг салҳида сешанба куни Бухоро сувбиға ирсол қилди.

Яна маълум бўлсунким, ўрус вилоятининг подшоҳидин Данилевский отлиғ бир элчи ошнолиғ ва якжиҳатлик биносининг истехкоми учун келиб, хони мағфурнинг мулозмати шарафин топиб эрди. Ҳазрати зилли илоҳий анга навозишлар кўргузуб, жаноби гардунинтисобнинг мўътамадунилайҳ ходимларидин хусусиятойин Муҳаммадамин юзбошини қўшуб, зулҳижжа ойининг ўн бирида панжшанба куни мамлакатиға йиборди.

**ҲАЗРАТИ ЗИЛЛИ ИЛОҲИЙНИНГ ЖУЛУСИ ДАВЛАТ
МАЪНУСИНИНГ ИККИЛОНЧИ ЙИЛИНИНГ ВОҚЕЪОТ ВА
ҲОДИСОТИНИНГ ЗИКРИ. УЛ ЖУМЛАДИН УЛ
ҲАЗРАТНИНГ КҮНГЛИ ШАҲБОЗИ ШИКОРАНДОЗЛИҒ
ТАМОШОСИҒА БОЛАФШОНИ ҲАВОЙИ ШАВҚ БУЛУБ,
САЙДГОҲ ТАРАФИҒА ТАВАЖЖУҲ ЯКРОНИН СУРҒОНИ
ВА САЙДАНДОЗЛИҒ ТАМОШОСИ БИЛА КҮНГЛИН
ОВЛАБ, ИНОНИ ДАВЛАТНИШОНИН МУРОЖААТ
ЖОНИБИҒА УЮРҒОНИ**

Чун ҳазрати подшоҳи зиллилоҳ ва шаҳаншоҳи фалак дастгоҳ Абулғози Раҳимқули Баҳодирхон... шикор тамошоси мисқали била... шикоргоҳ азиматин жазм қилди... Бу жиҳатдин ул ҳазрат рикоби ҳумоюн ва жаноби саодат намун мулозаматидағи умаройи фалак иқтидор ва сипоҳи анжумшуморға сафар яроғи ва ишрат асбоби таҳияси учун хазонаи омирадин нуқуди вофира инъом қилиб, борчаға

хурсандлиғ ва шодкомлиғ еткурди. Санайи ҳижрия минг икки юз эллик тўққузда барс йилининг авохирида муҳаррамул-ҳиромнинг учлончи куниким, жумъа эрди, намози жумъа адосидин сўнг жамшидона савлатлар ва хуршедона шавкатлар била муборак оёқин давлат рикобиға қўюб, саодат якрониға рукуб қилди...

Чун ул ҳазрат мундоғ кавкабаи воло ва дабдабаи ғаробатнамо била доруссалтанаи Хивақ... дин нахзат кўргузди ва сумми сутур ғуборидин кавокиб кўзиға нур еткуруб, сипоҳи мавфур қадами масосидин ер аъвосиға ҳузур бағишлади. Хуфтан чоғиким, ой машъали сипеҳр шабистонин равшан ва нужум гуллари фалак айвонин гулшан қилмиш эрди. Янгиориқ қарясидағи ҳовлиға нузул қилиб, базмоғи махсус сайдиға ташрифи ҳузур еткурди. Ул мақоми саодат илтизомда бир кеча аркони давлат ва аъёни ҳазрат била саргарми бодаи ишрат ва нишотандузи соғари беҳжат бўлуб, тонгласи шанба сабоҳиким қуёш хоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдониға нур якронин сурди, мазкур ҳовлидин шукуҳи тамом била отланиб, масофат қатъиға хиром кўргузди ва пешин чоғи Ос мавзеъиға ворид бўлуб, кирёси баландасос қуббасин шараф вусули била гардун мўмос қилди. Анда доғи бир кеча комёби бодаи ишрат бўлуб, эртаси якшанба куни хуршиди жаҳонтоб самтур-раъсға етгонда ашҳаби фалаквашға рукуб қилиб, қуёш ёнлиғ гармрўлик била Ҳазорасб жонибоғи озим бўлди ва Пичоқчи ҳудудиға етканда... амири равшанзамир Муҳаммадамин иноқ... Ҳазорасб қўрғонидин чиқиб, истиқбол шарафиға фойиз бўлди. Ҳазрати зилли илоҳий ул жанобнинг ҳамроҳлиғи била пешин чоғи Ҳазорасб қалъасиға нузул қилиб, файзи қудуми била онинг буружи шарафин сипеҳр қўрғони зирвасиға ҳамсар қилди... Ва онда бир кеча аврангнишини истиқомат ва нашъагузини саҳбойи беҳжат бўлуб, душанба куни чоштгоҳ Ҳазорасбдин шавкати тамом ва савлати молакалом била ҳаракат кўргузуб, Чотли бешасиким, Ҳазорасб қалъасининг шимолий жонибида, дарё била ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд...нинг арнаси мобайниди воқеъдурур ва зиёда қолин марғзор ва ағлабан нахлистондурур ва онда ҳар навъ жонвар ва аснофи шикор фаровондурур... Чун ул ҳазрат йўл асносида ул бешага саманди сарсар хиромни рағбати тамом била суруб, сайдандозлиғ маросимиға иқдом кўргузди ва намози аср ҳангомигача шикор тамошосиға иштиғол кўргузуб, ўрдуйи аъло ва боргоҳи чархфарсоким, дарё соҳилида барпо қилилиб эрди,

ташрифи хузур элитиб, ҳамул кеча подшоҳона базму суҳбат тузуб, улчаким мумкин эрди, айшу ишрат додин берди. Тонгласи сешанба куниким, меҳри анвар исқандари баҳри ахзар сайдиға нур ва баҳоъ кемасин сурди, ҳазрати зилли илоҳи доғи Исқандарвор сипоҳи бешумор била ул дарёйи заххор сатҳининг қатъиға азимат кўргузди... Чун қуёш шоҳи шиоъи кемаси била фалаки ахзарнинг дарёйи мавжурин қатъ қилиб, уфқ соҳилиға чиқиб, мағриб хаймасида ором тутди, ҳазрати зилли илоҳий жуиуши баҳри хуруш била ҳилолвор заврақчалар ва фалак намудор сафиналардин дарёнинг шимолия гузориға чиқиб, боргоҳи гардун иштибоҳ куббасин меҳру моҳ қамасидин ўтқорди. Сипоҳи давлатпаноҳ доғи ул боргоҳ атрофида гуно-гун хаймалар ва файзнамун шамёналар қуруб хил-хил базму ишрат тузуб, тонг отғунча айшу тараб жомиға майл кўргузди...

Чун жумъа сабоҳиким, хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сари равона бўлди, ҳазрати зилли илоҳий шикорандозлиғ иродаси била мазкур бўлғон тарабхонадин отланиб, ҳаволийдаги музореъким, қарам аҳли кўнглидек вусъатнамо ва тараб хайли замиридек назоҳатафзо ва гуно-гун сайдлар била мамлу ва ранго-ранг шикорлар била машҳун эрди...

Чун офтоби оламтоб шаҳриёри сипеҳри рифъатмаоб марғзоридин инонтоб бўлуб, мағриб боргоҳиға юз қўйди, ҳазрати зилли илоҳий шикоргоҳдин фараҳи тамом била мурожаат кўргузуб, собиқан мазкур бўлғон ҳовлининг ғарби жонибидаги Чунгулни мухайями хайёми давлат ва мазраби сародиқоти савлат қилиб, баҳори нузулидин хулди барин ёнглиғ таровати тоза ва назорати беандоза етқурди. Бир кеча ҳамул манзили ишрат шомилда бистароройи истиқомат ва қадаҳпаймойи истироҳат бўлди ва шанба куниндин бодпойи сабохиромға рукуб қилиб, кавкабаи тамом била яна шикорандозлиғ маросимиға иқдом кўргузуб, кечрак дарё канорида Сориг Отов отлиғ мавзеъға ворид бўлуб, нузул этди. Тонгласи якшанба куниндин кўчуб, ҳамул кун доғи ободон қўшлаб, беҳжати фаровон била Кесик арнасининг қирғоғиға ётиб, файзи нузулидин беҳишт боғидек хушнамолиғ ва кавсар қироғидек мусаффолиғ бағишлади.

Кесик бир шуъбаедурур, дарёйи Жайхун шуъботидинким, Кўҳна Котнинг шарқий жонибидин дарёдин айрилиб, ғарбиға ўтқандин сўнг яна дарёға қуёр ва андин кўб мазрабалар сув ичадурур. Чун ул ҳазрат ул наҳри хуш баҳр лабида, бир тун саршори бодаи тараб бўлиб, тонгласи ду-

шанба куни ул манзилдин жамшидона савлатлар ва хуршидона шавкатлар била Бодой тўғойи сари таважжуҳ тавсанин сурди.

Бодой бир бешаедурурким, бағоят қалин ва зиёда ва сеъдурур... Доғи тоғ била дарё орасида воқеъдурур ва кун чиқари уйғур ери ва Андрой Чунгулиға ёвуқдурур ва кун ботар ҳадди қисноқдурур. Қисноқ андоқ ердурурким, ҳазрати шайх жалил тоғи била дарё ёндошиб, оралиғида бир тор сўқмоқ қолибдурур ва сув тугён қилгон вақтларда ондин машаққати тамом ва суубати молакалом била мурур қилурлар. Бу жиҳатдин ул мавзеъни Қисноқ дерлар. Ул бешан вусъатнишон... амири равшанзамир Раҳмонбердибий валади аршади Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг ҳийтайи тасарруфиға дохилдурур. Анда шикори анвобий ва сибёи аснофий кўб бўлур ...

ҲАЗРАТИ ЗИЛЛИ ИЛОҲИЙНИНГ БУХОРО ЧАПОВУЛИҒА АФВОЖ БУЮРМОҒИ

Чун ул ҳазрат кўрдиким, амир Насруллонинг риштаи адоватиға тийғи хусуматдин ўзга ҳеч нимарса қотей эрмас ва мулоямат бирла хусули муддао мақсуд қўлиға кирмас, ложарам ҳиммат белиға ғайрат камарин мўҳкам боғлаб, адоват майдонига журъат қадамин қўйди ва изроран лилмуфсидин аснофи лашкариядин баъзи шижоат шиор ва талабгор баҳодирларни фавж-фавж қилиб, ҳар фавжни излик-изидин Бухоро музофотининг дастбурдиға буюрди.

Андоқким, аввалги фавжнинг воқеаси. Чун жумодил-аввал ойининг авохирида човдар тавойифидин бир гуруҳи шижоатпажуҳ ҳазрати зилли илоҳийдин рухсат олиб, Бухоро сори озим бўлдилар ва манозили мутақассира қатъидин сўнг Бухоро тавобеъидин бир кент устига қазойи мубрамок дохил бўлуб, йигирма кишини асорат қайдига муқайяд қилиб ва тўрт бош кесиб ва бениҳоят амвол ва мавоший дасти тасарруфлариға киргузуб, мурожаат қилдилар. Жумодуссоний ойининг авоситида остони фалакнишон мулозаматиға етиб, инояти хисравонадин хилоъи фохира била мухаллаъ бўлдилар.

Иккилончи фавжнинг сонихаси. Олардин сўнг ямутия жамоасидин бир фавж гузида йигит ул ҳазратдин Бухоро чаповулиға ижозат олиб, азимат кўргузди. Жаноҳи истеъжол била қатъи мароҳил қилиб, Бухоро музофотидин бир қаряга чаповул уруб, усаройи бепоеън ва ғанойими фаро-

вонга мутасарриф бўлуб, қайтдилар. Мазкур бўлгон ойнинг авохирда мулозамат шарафига фойиз бўлуб, сарупойи шоҳона инъоми била мумтозлар топдилар.

Училончи фавжнинг тазкираси. Алардин сўнг яна човдар тавойифидин гуруҳи анбуҳ ул ҳазратдин мураххас бўлуб, суръат қонуни била азимат оҳангин туздилар, ва қатъи баводий ва таййи саҳорийдин сўнг Бухоро мамлакатининг қутби шимолий тарафидаги мутаваддин ва мутамаккин бўлуб ўлтургон қазоқия улусининг аҳшомига чаповул тундбодин еткуруб, ул жамоанинг хирмани жамъиятин тафриқа ҳавосига совуруб, ғоятсиз амволу ниҳоятсиз ашени ўлжа қилиб, муовадат этдилар ва ражаб ойнининг авоситида мулозиматга етиб, машмули мароҳими хисравона бўлдилар.

Тўртилончи фавжнинг таҳқияси. Алардин сўнг яна ямут шужаъосидин бир фавж жалодатосор баҳодир Қутлуғмурод сардор бошлиғ ҳазрати зилли илоҳийнинг рухсати била Бухоро турктозига озим бўлуб, Элжик била Қарокўл орасидин бир оз чўфон ва Бухоро шаҳрига тева била туз олиб боратургон кўб аргшичисин асири сарпанжаи тақдир қилиб, қайтиб, мулозамат шарафига мушарраф, авотифи подшоҳонадин сарафрозлиғ топдилар.

Бешилончи фавжнинг достони. Алардин сўнг яна ямут баҳодирларидин гуруҳи анбуҳ ул ҳазратнинг ижозати била Бухоро чаповулига илғор қилиб, мароҳили мутанаввиа қатъидин сўнг Вордонзи туманининг ҳаволисида тожикнинг ўттуз отлиғ қаровулининг устидин дохил бўлуб, камоли жалодатдин борчасин асорат қайдиға гирифтор қилиб, яна Вордонзининг атрофу жавонибиға тохтутоз еткуруб ва ниҳоясиз қўю тева ва йилқи ғанойимиға мутасарриф бўлуб, солим ва ғоним мурожаат қилдилар ва ражаб ойнининг салхида атабаи осмон мартаба хизматиға етиб, албисаи зарандуд била малбас бўлдилар.

Олтилончи фавжнинг баёни. Алардин сўнг остони давлат посбон мулозимларидин Худойберган юзбошиким, Урус лақабиға мулаққабдурур, уйғур Искандар баҳодир била ўн беш гузида йигитга бош бўлуб, ҳазрати зилли илоҳийдин Бухоро турктозига рухсат олиб, истеъжоли тамом била озим бўлдилар ва барқи ҳотифдек таййи мароҳил қилиб, балойи ногаҳоний ёнглиғ Бухоро шаҳрининг мулҳақотидин Чоргўша отлиғ мавзёга дохил бўлуб, муътабар кишилардин тўрт асир ва саккиз тева ўлжа қилиб, қайтиб, шаъбон ойнининг ўнида даргоҳи фалак иштибоҳ

мулозаматиға етиб, илтифоти шоҳона ва навозишоти бекарона била баҳрамандлиғ ва хурсандлиғ топибдурурлар.

Еттилончи фавжнинг зикри. Алардин сўнг мазкур оининг ўн еттисида сешанба куни ямролия тавойифидин бир гуруҳи соҳиби шукуҳ ҳазрати зилли илоҳийнинг ижозати била илғор қилиб, сарсар кирдор масофатнавардликдин сўнг Чаҳоржўй атрофида Чакас қалъасининг тубидин тожик қаровулидин ўн отлиғни дастгир қилиб, тўртовин тийғи тез дамидин ўтқариб, адам тангносиға йибордилар ва олтитасин от ва яроғи била атабаи алайҳ мулозаматиға келтуруб, хилъатхонаи карами султонийдин хилоъи офтоб шиоъ била мухаллаъ бўлуб, ашбоҳ ва ақронидин мумтозлиғ топдилар.

Маълум бўлсунким, ҳамул овонда ҳазрати зилли илоҳий Беги юзбошини саркардалиқдин маъзул этиб, онинг туғин ямролия навқари била олиб, Хожаш маҳрамға топшуруб, сипаҳбудлик мансабиға мансуб қилди.

ҲАЗРАТНИНГ... БУХОРО ҚАСДИҒА ТАВАЖЖУҲ КЎРГУЗГОНИ ВА АРКОНИ ДАВЛАТНИНГ ИЛТИМОСИ БИЛА ДАРЕДИН УБУР ҚИЛМАЙ, ЧАҲОРЖУЙ МУҲОСАРАСИ ОҲАНГИН ТУЗГОНИ...

Чун ҳазрати зиллуллоҳ, салтанатпаноҳий ўз нафси нафиси била амир Насруллонинг қасди учун Бухоро мамоликига сипоҳи нусратпаноҳ, шижоат дастгоҳ чекмакни замири саодат тавъамиға мусаммам ва мужаззам қилиб, жамеъи асокири мансураға ва афвожи қоҳираға асбоби сафар таҳияси учун хазойини омирадин нуқуди вофира инъом қилиб, мунодий била рукуби ҳумоюнӣ миъодин мамолики маҳруса ва билоди маҳфуфа халойиқига эълوم қилди. Хусусан, умаро ва кубаро ва шужаъо ва худамоға илоҳида панжаи эҳсон била зарпошлиғ кўргузуб, тажҳизи сафар ва такмили яроғ учун таъжил ва тарғиб қилди. Чун оламорийи роӣи давлатфазой муқтазоси била сипоҳи нусратпаноҳ асбоби юруш ва яроғи урушни баважҳи тайёр ва омода қилиб, миод вақтин чоғлаб, остони давлат посбон мулозамати азимотиға бел боғладилар ва соҳиби эҳтишом султонлар... ва гардунмаком қоонлар ва олий манзалат умаролар ва фалакрифъат уманолар ва соҳиби алам саркардалар ва анжум ҳашам сипоҳдорлар атрофи мамолик ва аснофи масоликдин фавж-фавж ва даста-даста заррин қуббау туғлар ва сиймин шиққа аламларин жилвагар қилиб, салобати тамом

ва маҳобати молокалом била келиб, ҳазрати хилофатмаобнинг ҳамрикоблиғи учун жаноби фалак интисоб мулозамати шарафига мушарраф бўлдилар...

Мазкур бўлгон йил сана минг икки юз эллик тўққузда мезон авохири, шаъбони муаззамнинг йигирма еттисида, жумъа кун и эрди намози жумъа адосидин сўнг, асбад соот ва аршад авқотда... Хивақдин чиқиб,.. хуфтан чоғи Янгиориқ ҳовлиғаким боргоҳ, сародиқ, буна ва ўғруқу тўпхона ва қурхона аввалроқ бориб барпо ва муҳайё қилилмиш эрди, ташрифи ҳузури лозимулсурури била муфаххари мавотин ва ашрафи масокин қилди. Тонгласи сешанба куниким, хисрави зарринкулоҳ ховари машриқ манзилгоҳидин чиқиб, шаҳар арсаси қатъиға таковар сурди, ул ҳазрат доғи мазкур манзилдин офтобвор аҳшаби фалакрафторға рукуб қилиб, сипоҳи анжумшумор била наҳзат кўргузуб, Ос мавзеъида кирёси баландасос қуббасин гардунмўмос қилдуруб, нузули майманат вусули шарафидин сарбаландлиғ еткурди. Якшанба кун и Осдин наҳзат қилиб, Ҳазорасб қалъасининг зурваи ифтихорин шарафи духул ва давлати вусулидин сипеҳри волоға баробар, балки арши аълоға ҳамсар қилди. Тонгласи душанба куниким, мазкур ойнинг салхи эрди,... амири беназир Муҳаммадамин иноқким, ул қалъанинг волийи ҳукмрони эрди, подшоҳона зиёфатлар тортиб бериб, жамеъ уламоий олийшон ва умаройи рафеъ маконни хони эҳсонидин маҳсуз ва баҳраманд қилди. Ақоси ҳазрати зилли илоҳийнинг хизматиға тозийнажд чекиб, бир хилъати гаронбаҳо кийдурдиким, хуршиди тобон масаллик дурашхон ва ламъон эрди. Ҳазрати зилли илоҳий ҳамул кун зиёфат маросими инқизосидин сўнг Ҳазорасб қўргонидин давлат якронига рукуб қилиб, Чотли бешасиға инонтоб бўлди. Ул бешани ўрдўйи соадатмоабға маскан ва мавкиби нусрат интисобға нишиман қилди. Иноқбек доғи ул ҳазратнинг рикоби ҳумоюни мулозамати учун ўзиға мутааллуқ сипоҳ била бу сафарда ҳамроҳлиғ кўргузди.

Ул ҳазрат ҳамул манзилда икки кун мутаваққиф бўлуб, аввалғи куниким, рамозони муборакнинг гурраси, сешанба кун и эрди, қароқалпоқия черикиким, дарёнинг шимолия жонубидин келмиш эрди, фалак мисол жунглар била дарёйи Омудин муаскари ҳумоюнға ўткарди. Сўнгги куниким, чаҳоршанба эрди, юз отлиғ гузида йигитга даргоҳи олампа ноҳ мулозимларидин хусуматтавом Эрниёз маҳрамни бош қилиб, дарёдин ўтқариб, Бухоро тавобеъидин тил тутуб

келтурмоқ учун ирсол қилди. Панжшанба куни ҳамул манзилдин кўчуб, афзалул-авлиё, акмалил атқиё ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд ота... арнаси саққосин... баҳори нузул ва файзи вусулидин жаннат боғидек тароватмаоб ва кавсар қироғидек сероб ва назорат интисоб қилди. Ҳамул кун Сарахс тақасининг ақобиридин Хожамшукур сардор ихлос ва эътиқод изҳори учун келиб, атабабўслиғ шарафиға мушарраф бўлди. Жумъа куни ҳамул мавзеъдин мавкиби ҳумоюн билан азимат қилиб, Фитнакнинг юқорисида дарё канори ва Тузёқиши отлиғ марҳалаға ворид бўлуб, шараф қудумидин сарафрозлиғ еткурди. Шанба куни ондин кўчуб, ўрдуий кайҳонпўйи дарё канори била Учтўпа отлиғ мавзеъға йибориб, ўзи мулозими рикоб ва хулосан сипоҳ била қир устиға чиқиб, жайрон шикориға иштиғол кўргузди... Ул ҳазрат ҳамул кун саҳро тафарружи ва сайдандозлиғ тамошоси била хотири хатири шоҳбозин шикорийвор овлаб, аср ҳангомида сайдгоҳдин мурожаат қилиб, Учтўпа мавзеъиғаким, боргоҳи фалак иштибоҳ ва сародиқи давлатпаноҳ онда барпо ва муҳайё қилилиб эрди, нузул этди. Якшанба куни ондин кўчуб, яна аввалғи дастурда сайдандозлиғ қилиб, Подаётоғи отлиғ марҳалаға шарафи қудумидин беҳишт боғидек мусаффолиғ еткурди. Душанба куни ондин ливойи азиматни жилвагар қилиб, яна дастури собиқ била шикорандозлиғ кўргузуб, Садвар отлиғ манзилға ворид бўлуб, муаскар қилди. Сешанба куни ондин наҳзат қилиб Судук тўғойиға тушди.

Ҳамул кун Ҳўқанд вилоятининг ҳокими Шералихондин Қаробош додхоҳ отлиғ бир муаззиз ва муътабар киши си элчи бўлуб келиб, онинг ихлосномасин остони олий мулозимларининг назари анвари мутолаасиға еткурди ва карами султоний онинг аҳволиға шомил бўлуб, осойиш таҳсили учун Хивақға йиборди. Чаҳоршанба куни Судукдин кўчуб, Даҳанишер бешасин муаскари асокири мансур ва мустаққари сариодикоти мавфур қилди. Панжшанба куни ул манзилда қир устиға чиқиб, жамеъ лашкарияни гуруҳгуруҳ, тойифа-тойифа ва даста-даста назари анвари пешгоҳидин ўтқуриб, от ва яроғларин кўруб, яна мазкур манзилда боргоҳи олампаноҳға нузул этди. Ҳамул кун Эрнийёз маҳрам Бухоро тавобеъидин Хайрратботға бориб, икки киши тутуб келтуруб, инояти хисравонадин сарафрозлиғ топди. Жумъа ва шанба куни доғи ҳамул манзилда таваққуф воқеъ бўлди. Якшанба кечаси қаровуллар Исбоз мавзеъида тожикнинг чаповулчисиға шикаст бериб, бир кишини дастгир қилиб келтурубдурлар.

Бу воқеа кайфияти андоғ эрдиким, Чаҳоржўй ҳокими йигирма отлиғни шайлаб ҳар қайсисига йигирма тилло, бойроқ ваъда қилиб Хивақ тавобеъидин тил тутмоқ учун ирсол қилиб эркан. Ул аснода сипоҳи нусратпаноҳдин доғи ўн нафар жалодатасар йигит хабаргирлик учун қаровул йўсунлиқ Чаҳоржўй тарафига озим эрдилар. Исбоз мавзеъига етганда тожикнинг йигирма отлисинким, мазкур бўлди, кўруб фидойивор ва барққирдор от солдилар. Ул гуруҳи шақоватпажуҳ бовужудиким, ададда баҳодирларга икки чандон эрди, тоқати муқобалат келтура олмай, суръати тамом била ҳазимат майдониға рўйгардон бўлдилар. Баҳодирлар истеъжоли молокалом била таоқиб қилиб, аъдойи давлатнинг бировин асорат қайдиға чекиб, атабаи аъло мулозаматиға етдилар ва авотифи хисравонадин баҳраманд бўлдилар. Якшанба сабоҳи ҳазрати зилли илоҳий шижоатнишон ва муборазат таваъмон саркардалардин Хожаш маҳрам ва Раҳматулла ясовулбошини ямутия ва ямролия черикидин минг чоғлиқ гузида отлиғ била дарёдин ўтқариб, Бухоро чаповулиға ирсол этди. Ҳамул кун мазкур манзилдин ўрдўйи аъло ва мавкаби волони кўчуруб, Бўрили бешасин сипоҳи маъшар дастгоҳға оромгоҳ қилиб, нузули ижлол фуюзотидин беҳишт мисол қилди. Ҳамул кун даргоҳи олампаноҳнинг жонсипор ва хусусият шиор мулозимларининг сарафрои Абдулла ясовулбошиким, човдар черикининг саркардарлиги онга муқаррардурур, они ул черик била лашкарнинг соқасида юрмакка таъйин этди. Сайид Назарбий била Муҳаммад Муродбойни тоза қўнғирот ва машриқ йиғини била муқаддимаи сипоҳ қилиб илгари буюрди. Душанба куни қирқ отлиғ мунтахаб ва баргузида йигитниким, човдар тавойифининг хулосаси эрди, Хожамуҳаммад юзбоши бошлиғ Чаҳоржўй чаповулиға номзод қилди. Ҳамул кун кавкабаи воло билан роятафрои наҳзат бўлуб, тўрт кунгача шарафи ҳузур ва файзи вурудидин мароҳили шабистонин равшан ва манозили хористонин гулшан қилиб панжшанба куни Оқрабат отлиғ мавзеъға шашшаайи офтоб вусулин партавафкан қилди. Ҳамул кун шаҳарда Абдуллабек халафи рашиди амир Саъид Қутлуқмурод иноқи марҳумийнинг хабари вафоти келиб, онинг фотиҳахонлиғи учун Иброҳимбек валади амири кабири мағфур Авазбий иноқни номзод қилди ва ҳамул кун Марв тавобеъидин Йўлўтан солурининг саромэидин Қароқош сардорниким, оқ уйлик тариқасида келиб, мулозимлар силкига инсиллоқ топиб эрди, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин

Абдурахмон озодага ҳамроҳ қилиб, элчи йўсулқуқ истимолатнома бериб, Марв вилоятининг ақобирига ирсол қилди. Жумъа куни Оқработдин наҳзат қилиб, шикорандозлиғ тариқаси била Дорғонота зиёратиға мушарраф бўлуб, онинг муқобаласида дарё канориғаким, ўрдуйи ҳумоюн ва боргоҳи рифъатнамун барпо бўлмиш эрди, нузул кўргузди. Шанба куни ондин кўчуб юқорида бир мавзеъи назоҳат асарни асокири зафар маосирға муаскар қилди. Ҳамул кун Сайид Маҳмуд тўра валади аршади Муҳаммад Раҳимхони жаннатмаконға қаробош туғ бериб, минг кишининг саркардалигин анга тафвиз этди ва ўз ақрону ажноси орасида қуёшдек сарафрозлиғ еткурди. Ҳамул кун Хожамуҳаммад сардор човдар оломони била Чаҳоржўй атрофиға чаповул уруб, тўрт кишини асир қилиб келтурубдурурлар ва алтофи подшоҳийдин баҳраманд бўлдилар. Якшанба куни ҳамул мавзеъда мутамаккин бўлуб, душанба куни Отхўр қирининг устига чиқиб, човдар ва тоза қўнгирот ва алиёли черикин санаб, назари кимиё асар пешгоҳидин ўткарди. Сешанба куни Хожаш маҳрам ва Раҳматулла ясовулбоши ва Тўрамурад оталиқ Бухоро чиповулидин келдилар.

Аларнинг воқеаси андоқдурурким, чун ҳазрати зилли илоҳийнинг рухсати била Учўжоқ тўшидин кема била дарёни убур қилиб, шимолия соҳилдин озим бўлуб, Кўгирдли мавзеъким, Бухоро йўлининг дарёдин айрилатурғон еридурур, бориб сув кўтариб, қадами истеъжол била қатъи манозил қилиб, Ишмадин бир манзил илгари ўтгандин сўнг, тева ва қўш ва эҳмол ва асқолларин яна Ишмага қайтардилар ва яланг отлиғ бўлуб, сарсар масаллик суръат била манзил-баманзил қатъи масофат қилиб, Бухоро шаҳрининг лавоҳиқидин Ҳайрработ туманининг бир тарафидин дохил бўлуб, Чангон отлиғ бир қалъани қабоб, югуруб олдилар ва юз бош кесиб, юз кишини асорат қайдиға чекдилар ва амволу ашёсин дасти тасарруфлариға олдилар. Яна атрофу жавонбиға тохтутоз еткуруб, муовадат қилдилар ва манозили мутанаввиа қатъидин сўнг Кўгирдлидин дарё канориға чиқиб, ўрдуйи аълоғаким, Кўгирдли муқобаласида эрди, келиб остони рафеъ бунён мулозаматиға фойиз бўлуб, сарупойи шоҳона ва навозиши хисравонадин хурсанд ва барумандлиғ топдилар. Ҳазрати зилли илоҳий барча усарони Қобулбой Урганжий била Хивақға йиборди. Ҳамул кун мавкиби гиҳонпўй била ул мавзеъдин дарёни кечмак ва Бухоро азиматин этмакни иртиқоб қилди ва бу бобда... умаройи эзомни даргоҳи давлат илтизомға ундоб, мажлисоройи

машварат бўлди. Ул жамоа Бухоро юрушин маслаҳат кўрмай, илтимос қилдиларким, кавкабаи воло Чаҳоржўй ва лубоб элоти сори ҳаракатнамо бўлғой. Ул ҳазрат камоли карамдин аларнинг мултамасин қабул этиб, чаҳоршанба куни Отхўрдин ливойи азиматни жилвагар қилиб, шикорандозлиғ маросими била Кўгарчинли марҳаласига ворид бўлуб нузул этди. Ҳамул кун Раҳматулла ясовулбошини ямутия черики била муқаддимаи сипоҳ қилиб, бир манзил илгари юрмакка буюрди, нединким ул халқнинг муқаррар бўлгон қадимий дастуридурур. Панжшанба куни ул ҳазрат Кўгарчинлидин кўчуб, тўрт кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, якшанба куни Исбоз бешасига нузул этди. Душанба куни ондин наҳзат аламин жилваға киргузуб, қир устида жамеъ лашкария била саф тузуб, ямину ясорни қоз қаноти ёнглиғ безаб, ўзга тариқа низом била мақсад жонибиға хиром кўргузди... Чун ҳазрати зилли илоҳий бу ёнглиғ савлати ҳайратафзо ва садамати ғаробатнамо била Усти қалъасининг муқобаласига етиб, дарё канорин мухайями хайёми давлат ва мазраби боргоҳи шавкат қилиб нузул этди. Ҳамул кун қаровуллар Чаҳоржўйдин бир асир ва икки калла олиб келиб, подшоҳидин сарбаландлиғ топдилар. Сешанба куни мазкур манзилдин кўчуб, йўл асносида аъдойи давлатнинг дарёдағи кемаларидин етти кемани олдуруб. Битик муқобаласига етиб, дарё қироғин асокири ферузий асарга муаскар қилди. Ҳамул кун аҳли фасоддин юз уйлук, Чаҳоржўй атрофида бир ҳовлиға мутаҳассин бўлмиш эркан, Ямутия сипоҳиким, муқаддимаи лашкар эрдилар, онинг устидин дохил бўлуб, қасд қилдиларким, дасти тасарруфиға киргузгайлар. Ул гуруҳи нақбатпажуҳ атрофу жавонибидағи мадохил ва махорижни масдуд ва мадрус қилиб, тўфангандозлиғ била мумониат ва муқобалат русумин кўргуздилар. Бу жиҳатдин шужаъойи кинагузорнинг нийрони ғайрати илтиҳоб топиб, атрофу жавонибидин сарсар хайлидек жалодатгустар ва ҳужум овар бўлуб, ажал хайли бадан мулкига йўл топгондек ул ҳовлиға ғалабаи тамом била кириб, инод аҳлининг барчасин асорат қайдиға чекиб, амволу асбобин ўлжа қилиб, даргоҳи фалак пойгоҳ мулозаматиға келтуруб, карами султонийдин шоду хуррамлиғ топдилар. Ул ҳазрат усарони инсоф шиор, диёнатосор Давлатназарбийга топшурди, токим аҳволидин хабардор бўлуб, кемага солғай.

Чаҳоршанба куниким, шаввол ойининг ғурраси эрди, мазкур манзилдин кўчуб, дарё канорида Бўриёбоф мавзеъ-

иким, Чаҳоржўй ҳисорига ёвуқдурур, муаскари асокири мансур ва мустақарри сародиқоти мавфур қилди ва панжшанба куни... Муҳаммадамин иноқ ва яминулмулк валмилла Раҳмонбердибий... бошлиғ иззатмакон ва шижоатнишон саркардалардин Авазхожа шайхулислам ва Шоҳмурод иноқ ва Худоёрбий ва Тўрамурод оталиқ ва Сайид Назарбий ва Абдулла ясовулбоши ва Раҳматулла ясовулбоши ва Муҳаммадjon хожа ва Дўстниёз қалмоқ ва шамхолчилар сархайлидин Беги юзбоши ва ғайриҳумни ўзларига тааллуқлиғ навкарлари била лубоб мутававваттинларининг торож ва горатиға ирсол қилди. Сипоҳи нусратпаноҳдин ҳар кун бир фавжни Чаҳоржўй қалъасининг муҳосарасиға тайин этди ва ҳамул кечаким, жумъа оқшоми эрди, ул ҳазрат Айдак юзбошиники, мавкиби ҳумоюн айёрпешаларининг сархайли эрди, эллик жалодатойин йигит била дарёнинг шимолия жонибиға буюрди, токим ул тарафдаги аҳли инод ва арбоби фасодға дастбурде еткургайлар. Чун маъмур бўлгон оломон фармони қазо жараён мўжиби била дарёдин ўтуб, Фороб қалъасининг атрофин тохту тоз қилиб, ўн беш кишини қайди асирға чекиб ва бир бош олиб, жумъа куни пешин чоғи дарёдин убур этиб, усарони даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозаматиға етуруб, инояти подшоҳонадин баҳрамандлиғлар топди. Шанба кечаси ул ҳазрат яна Айдак юзбоши ва Бекмонбийни хулосайи сипоҳдин юз киши била яна Фороб атрофининг чаповулиға номзод қилди. Алар фармон мўжиби била ҳамул кеча дарёдин кечиб, чоштгоҳ Фороб ҳаволийсиға турктоз етуруб уч асир ва беш калла олиб, шанба куни пешин чоғи дарёдин ўтуб, мулозаматға еттилар ва мароҳими султонийдин сарафрозлиғ топдилар. Якшанба кечаси ҳазрати зилли илоҳий қипчоқ Хожаниёзий ва Яъқуббек валади Фозилбекни бош қилиб, қипчоқ ва қароқалпоқнинг муборазатшиор йигитларин ва ўзга тавоифдин доғи баъзи талабгор баҳодирни дарёнинг шимолия жонибидаги элотдин Наразим турктозига буюрди. Мазкур бўлгон оломон ҳукми олийшон мўжиби била ҳамул кеча дарёдин ўтуб, офтоб тулуви чоғи Наразим атрофидаги кентларға чаповул тундбодин етуруб, рустохез солдилар ва юз кишини дастгир қилиб, юз бош олдилар ва бениҳоят ўлжага мутассариф бўлуб қайтиб, якшанба куни дарёдин кечиб, намозшом ҳангомида атабаи сипеҳрмартаба мулозаматиға фойиз бўлуб, алтофи подшоҳона ва аътофи хисравонадин баруманд ва аржуманлиғлар топдилар. Сешанба кечаси Яъқуббек ва Худойберганбек Котий ва жаноби султонийнинг мамлукаи

хосасидин муборизаттавом Муҳаммадниёз маҳрам икки юз чоғли киши била Фороб чаповули учун ҳазрати зилли илоҳийдин рухсат олиб, дарёдин ўтдилар ва талиъан субҳдин сўнг қир устидин Фороб қалъасига қараб озим бўлдилар. Иттифоқо, амир Насруллонинг ўғли оғир қўшун била Бухородин чиқиб ўзидин илгари кўп лашкари ҳировул йўсунлиг йибормиш эрди. Ҳамул лашкар ҳамул кеча Форобга келиб тушуб эрди. Баҳодирларнинг дарёдин ўтуб, Фороб устига илгор қилғонидин огоҳлиг топиб, барча бирдин иттифоқ била отланиб, ҳайъати ижтимоъ била баҳодирларнинг кемаси сори юз қўйдилар. Баҳодирлар озлиг жиҳатидин уришмоқни маслаҳат кўрмай, мурожаат қилиб, кемага минарга майл кўргуздилар ва ҳануз кемага миниб бўлмамиш эрди, изидин тожик черикидин афвожи касир стушуб, беш олти кишини олди. Муҳаммадниёз маҳрамким, шижоати жибиллий муқтазосидин оломоннинг изидин хабардор қилиб, тожик черикига ҳамла еткуруб келур эрди, ўзин дарё канориға еткуруб ҳануз кемага минмайдурур эрди, аҳли фасоддин биров анинг шонасига найза уруб, найзаси кор қилмай, тутуб, асири сарпанжаи тақдир қилди. Ўзга оломон омон ва эсон дарёдин ўтди. Панжшанба куни амир Насруллонинг ўғли тўпхона ва сипоҳи бекарона била келиб, ўрдуи аъло муқобаласига дарё соҳилиға тушди. Ҳамул кун чошгоҳдин пешинғача икки тарафдин тўб отишиб, дуди кабуд суудидин фалак жавфин тийра ва гулўлайи оташин шаъшаасидин қуёш кўзин хийра қилдилар. Фармони ҳумоюн била қодирандоз тўпчилар андоқ тўпандозлиг кўргуздиларким, аъдойи шаётинасар ижтимоъин буздилар. Жумъа куни мазкур ойнинг ўнида ул ҳазрат саккиз кемага мерган тўлтуруб йиборди, токим сув юзи била аъдо қўшунининг бир тарафидин боруб отқулаб қайтгайлар. Чун маъмурлар фармон мўжиби била кемага миниб, дарёдин ўтуб, тожик лашкаргоҳининг бир жонибидин тўфангандозлигга иштиғол кўргуздилар. Ул ҳолда аъдо черикидин жамеъ касир кўб мерган била ҳужумовар бўлуб, от солдилар ва бу мерганлар доғи камоли шижоат ва мардоналиғдин шамхол отмоқға машғул бўлуб, аҳли фасоднинг кўпрагин мақтул этиб, мунҳазам қилдилар. Ул гуруҳи шароратнажуҳ янгидин силк жамъиятин мунъақид қилиб, ҳужуми тамом била ўлган ва йитканига боқмай, фидойивор от солиб, дарё лабида мерган устига келдилар. Мерганлар озлиқ сабабидин душман ҳамласига тоби истиқомат келтира олмай, ўзларин

кема ичига олиб, сув сатҳига жорий бўлдилар. Ул чоғда тожик черики ҳужум қилиб, кемаларни сурмакка фурсат бермай, уч кемани тутдилар. Ложарам, кемадаги мерганлар ўзларин сувга солиб, шинаҳ ва дастёрлиғи била дарё ўрта-сида бир қойирға чиқдилар. Алардин Одинакул бошлиғ беш киши талаф бўлди ва ўзгаларин бу тарафдин кема бориб, омон ва эсон олиб келди. Ҳамул кун Иноқбек Парвард атрофин наҳбу горат қилиб келди.

Ул воқеа андоқдурурким, чун мазкур ойнинг иккисида панжшанба кун Иноқбек амри олий мўжиби била озим бўлуб, уч кунда Парвард қалъасига бориб яна уч кун муҳосара қилиб, атрофу жавонибидаги элотга чаповул селобидин вайрон ва хароблиғ еткурди ва училончи кун ҳазрати зилли илоҳийнинг фармони олийси мўжиби била муҳосара таркин тутуб қайтди; мазкур ойнинг тўққузиди, жумъа кун остони сипеҳрнишон мулозаматиға етди. Сўнги куним, шанба эрди, ул ҳазрат ўрдўйи аъло била Бўриёбофдин кўчуб, юқорироқ озим бўлуб, бир мавзеъни кавкабаи волога оромгоҳ қилди. Якшанба кун доғи ҳамул манзилда таваққуф воқеъ бўлди. Душанба кун мазкур ойнинг ўн учиди ул ҳазрат аркони давлат ва умаройи зийшавкатнинг савобдид ва маслаҳати била ҳамул мавзеъдин кўчуб, инони азиматни мурожаат тариқиға маътуф этиб, Битик муқобаласига бориб тушди.

Маълум бўлсунким, ҳамул кун ул ҳазрат мазкур манзилдин рукуб қилур асносида Чаҳоржўй атрофидаги қаровуллардин хабар келдиким, бугун қалъадин бениҳоят отлиғ чиқиб, бизларга истило топғудекдурур ва ўзга тарафдин лашкар келиб қалъаға дохил бўлмишдурур...

Бу воқеа андоқ эрдиким, чун амир Насрулло ҳазрати зилли илоҳийнинг лубоб элотин поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ул ҳаволийда мутаваққуф бўлгонин эшитиб, Қарши ўзбакиясидан лашкари бекарон тартиб бериб, Чаҳоржўй қалъасига ирсол қилмиш эрди, токим қалъадорлиғ умуриға жаҳди тамом била иқдом кўргузгайлар. Ул черик ҳамул кеча келиб қалъаға кириб, талиъан субҳидин сўнг ҳайъати ижтимоъ била отланиб, қаровулларға қасд қилдилар.

Чун бу хабар масомеъи аълоға етушгач, ул ҳазрат Иноқбек ва Раҳмонбердибий бошлиғ баъзи сипаҳдорни номзод қилди, токим аъдойи залолат интимоға танбеҳи азим ва гўшмоли балиғ еткургайлар. Маъмурлар фармони лозимул-изъон мўжиби била ғайрат яркони шижоат майдониға

суруб, барқу бод масаллик аҳли фасод устига азимат-густар ва ҳужумовар бўлдилар. Аъдойи гўризпой ҳазимат топиб, ўзларин қалъа остига етқуруб, ёфнинг жанубида саф тузуб, рошда мерган ётқуруб, тўфангандозлиғ била мудофаа амриға иштиғол кўргуздилар. Сипоҳи нусратпаноҳ доғи бу тарафдин аъдо муқобаласиға ёвуқ бориб, ясов ясади ва ул чоғда баъзи диловарларким маъракаи корзорни васли дилдордин афзал ва хуни ашрорни майи хушгвордин акмал билурлар эрди, сарсар масаллик майдон фафазосиға от суруб, аъдо суфуфига мутаоқиб ҳамларар етқурдилар. Ул чоғда аъдойи шароратангиз ясовидин доғи баъзи қони тўлған диловарларни нангу номус юзидин далирона масоф арсасиға чиқиб, чоштгоҳдин пешинғача икки тарафдин ҳамалоти мутаоқиб била от солишиб, қангомаи корзори гарм ва баҳодирлар икки тарафдин зам бўлдилар...

Чун бу урушда аъдойи давлат муборизлар саромадиндин бир шер ҳайъат ва бабрсавлат йигитким, маъракаи корзорда ҳаммадан илгари чиқиб, изҳори жалолат ва муборазат қилир эрди, сипоҳи нусратпаноҳдин бир шижоатманд ва саромад пайванд йигит тавсани сарсармонандиға маҳмиз бериб, қазойи мубрам ёнглиғ онинг сарвақтиға етиб синони жонситон зарби била отдин сарнигун йиқиб, ҳужуми тамом била бошин жасади палидидин жудо қилдилар. Аҳли фасод баҳодирларидин яна бировин милтиқ ўқи била ҳалокат сарҳадиға етқурдилар ва беҳисоб кишисин мажруҳ ва захмдор қилдилар. Аммо лашлари ферузий асардин амири садоқат тахмир Раҳмонбердибийнинг юзиға аъдо гуруҳи отғон ўқларидин бир ўқ тегиб, андак захм етқурди ва оммаи сипоҳдин доғи уч кишиға енгилрак захм етди. Чун аъдо сипоҳида қудрат ва ёро йўқ эрдиким, майдонға чиқиб шужаёйи нусратфаржом била масоф амриға қиём кўргузгай. Ложарам, ўзин берк ерларға тортиб арсаи корзордин сабот қадамин чекти. Иноқбек доғи ҳарбгоҳнинг ноқулай ва ноҳамворлиғи жиҳатидин баҳодирларни муҳораба майдонидин қайтариб фатҳ ва зафар била муовадат кўргузуб, пешиндин сўнгроқ муаскари ҳуюмонға мулҳақ бўлди.

Тонгласи сешанба куни ҳазрати илоҳий Битик муқобаласидин лашкари ферузий асар ва сипоҳи зафарпарвар била кўчуб, шикорандозлиқ тариқаси била Усти маҳозисиға келиб, нузул этди ва чаҳоршанба куниндин наҳзат аламин жилвагар қилиб, Элжик тўшиға тушди. Панж-

шанба куни андин қадамандози азимат бўлуб, Исбоз бешасиға вуруд этди. Ҳамул кун кўргон ямутийнинг навқари келиб остони фалакошиён мулозамати шарафиға мушарраф бўлди. Жумъа куни Исбоздин мавкаби ҳумоюн ва ўрдуи давлатнамун била кўчуб, Қабоқли тўғойнинг юқорисин мазраби сародиқоти фархунда фаржом ва мустақарри роёти зафар илтизом қилди. Шанба куни ондин якронни азиматни гарми жавлон қилиб, Қабоқли бешасининг ошоқида Қиз қалъасининг муқобаласиға етиб, дарё соҳилин ашрафи мароҳил қилди. Якшанба куни ондин ливоафрозини наҳзат бўлуб, Дояхотун работидин ўтуб, Кетмончи отлиғ мавзеъға нузули ҳумоюн шарафидин сарбаландлиғ еткурди. Душанба куни ондин шавкати подшоҳона била ҳаракат кўргузуб сипоҳи маҳшар дастгоҳ гулгуласидин Отхўр мавзеъиға қиёмат куни энглиғ говго ва шўр еткурди. Сешанба куни ондин кавкабаи тамом била ҳаракат қилиб, сипоҳи маҳшар низом била Оқрабат марҳаласиға ворид бўлуб, маҳалли айшу нишот қилди ва чаҳоршанба куни ондин ўрдуи гиҳонпўйни кўчуруб, ул ҳазратнинг ўзи махсус муозим ва муқарриб ходимлар била ҳилол ҳайъат ва қавссурат заврақларға миниб, дарё ажойиботин тамошо қилиб, сув сатҳи била озим бўлди. Байт:

Шаҳриёримдурму, заврақда қилур Жайҳунни сайр
 Ё қуёш қавси қузақ ичра қилур гардунни сайр.

Ҳамул кун кечроқ дарёдин соҳилға чиқиб, Жигарбанд бешасин мавзеъи боргоҳи иқбол ва мазраби саропардаи ижлол қилди. Панжшанба куни Жигарбанддин мавкиби ҳумоюн ва сародиқоти саодат намунни кўчуриб, дарё соҳили била йибориб, яна кема била дарё сайрин қилиб, Даҳанишер бешасиға ворид бўлуб, файзи нузулидин беҳишт боғиға баробар, балки кавсар қироғидек назоҳатгустар қилди. Ҳамул мавзеъда жашни азим ва тўйи фахим мураттаб қилдуруб, умаройи эзом ва уманойи киром ва сархайли аскар ва акобири лашкарни боргоҳи рифъат паноҳ фазосиға ундаб, комёби анвоёи немат ва сероби бодаи шафқат қилди. Зиёфат инқизоси ва уклу шурб адосидин сўнг якрони давлатға рукуб қилиб, кавкабаи ҳайратафзо била қир устиға чиқиб, барқпо отларни ёриштуруб ва Рустамоси паҳлавонларни кураш тутдуруб, отчопар ва кураш тамошосидин фараҳи тамом ва масаррати молакалом ҳосил қилди. Оти ўтган сайс-

лар ва ҳарифин йиқгон паҳлавонларни хазина эҳсонидин маблағи фаровон бахшиши била ўз акронидин гани ва дунёдин мустағний этди. Ҳамул кун сабосайр заврақларга миниб, монанди тайр дарё ичидин озим бўлуб, Учтўпа отлиғ мавзёга чиқиб, Жайхун соҳилин мавокиби ҳумоюнга манзил қилди. Шанба кун ияғоч маркабларни сув сатҳига суруб, Яккачақир мавзёидин чиқди. Андин саманди давлатга сувора бўлуб, дабдабаи шоҳона ва тантанаи хисравона била Ҳазорасб қалъасига ворид бўлуб, файзи нузул ва шарафи вусулидин рашки бўстон, балки ғайрати жинон қилди. Якшанба кун ондин аламафроси наҳзат бўлуб, Янгиориқ ҳаволига шарафи қудумидин сарафрозлиғ еткурди. Ҳамул кун Муҳаммадамин юзбошиким, аввалроқ ўрус элчисига элчи йўсунлуқ қўшулуб, ўрус вилоятига кетиб эрди, андоқким, собиқан мазкур бўлди, андин муовадат қилиб, ўрус подшосининг арзи ихлосин даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимлариға еткурди. Душанба кун мазкур ойнинг йигирма еттисида Янгиориқдин кўчуб, кавкабаи тамом била шаҳар сори хиром кўргузди ва йўл асносида шаҳардин уламо ва кубаро истиқболға чиқиб, ул ҳазратнинг дийдори саодатосори мушоҳадасидин мақсуди дийдасин ёрутдилар. Ул ҳазрат ул жамоани навозишлаб масофаға ва маонақаси шарафидин баҳраманд қилиб, аҳволот истифсоридин сўнг аларнинг ҳаминонлиғи била доруссалтанан Хивақға духул кўргузуб, сарири салтанатға нузул этди. Бу сафарнинг имтидод ийёми олтмиш кун эрди...

Баъзи воқеот зикриким, ҳазрати зилли илоҳий **Чаҳоржўй** сафаридин қайтиб, мустақарри хилофатда оромгузин бўлгондин сўнг, вуқуъға етди. Ул жумладин, Холмуҳаммад бойнинг Бухоро тавобёиға чаповул урғони. Чун ҳазрати зилли илоҳийнинг самъи ҳумоюниға бу хабар етиб эрдиким: Бухородин кўб карвон ўрус вилоятиға бориб байъу шаро ва жамеъ савдосин бутқориб, матоъи фаровон била ганжи равон ёнглиғ ўрус қаламравидин чиқиб, Ирдор йўлидин яна Бухороға озимдурур. Ул ҳазрат мазкур сафардин келиб маснади салтанатда мутамаккин бўлгондин уч кун сўнгким, зулқарда ойнинг гурраси ва жумъа кун иерди, даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин шижоат интимой Холмуҳаммад бойни бир гуруҳ сипоҳи муборазатпаноҳ била мазкур бўлгон карвон қасди учун Ирдор йўлиға номзод қилди. Маъмурлар фармони давлат нишон мўжиби била мақсад йўлиға озим ва манозил қатъиға жозим бўлиб, Ирдор йўлиға етилар ва ул йўлнинг юқори ва ошоқин эҳтиё-

ти тамом била нигомиш қилдилар. Карвондин ному нишон-топмадилар. Охир-Оқтом отлиғ мавзеъдин ўтуб, Бухоро тавобеъидин Маъмурбой деган қазақнинг элу аҳшомига чаповул уруб, бениҳоят ўлжа ва асир дасти тасарруфиға киргуздилар. Ул оломоннинг баъзиси бул чаповулға қаноат қилмай, илғор қилиб Бухоро элотидин Вордонзий туманин чопиб усаройи фаровон ва ғанойими бекарон била солим ва ғоним мурожаат қилиб, зулҳижжа ойининг ўн бирида қурбон ийдининг ўрта куни атабаи фалакмартаба мулозама-тиға мушарраф бўлдилар. Алар келмасдин бурунроқ, зулқаъда ойининг ўн тўртида чаҳоршанба куни ул ҳазрат Хўқанд элчиси Қаробаш додхоғға Бобобекни элчилик йўсуни била қўшиб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятиға ирсол қилди.

БЕКМОНБИЙ ВА ТАҒОЙ МИРОБ ВА РАҲМАТУЛЛА ЯСОВУЛБОШИНИНГ БУХОРО МАМОЛИКИДИН ЧОРШАНБА РОМИТОНҒА ЧАПОВУЛ УРМОҒИ ВА АҲДИ ФАСОДНИНГ ХИРМАНИ ЖАМЪИЯТИН ПАРИШОНЛИҒ ҲАВОСИҒА СОВУРМОҒИ

Чун ҳазрати зилулоҳ хилофатпаҳоний номдор ва шижоат-шиор саркардалардин Бекмонбий ва Тағой мироб ва Раҳматулла ясовулбоши ва Хожаш маҳрамнинг иниси Яъқуббойни ўзлариға тафвиз навкарлари била Бухоро турктозиға буюрди. Мазкур бўлгон сарҳанглар амри олий мўжиби била от ва яроғин шайлаб, зулҳижжа ойининг ўн бирида, панжшанба куни ул ҳазратдин фотиҳа олиб, мақсад йўлиға озим бўлдилар ва Ҳазорасп тўшидин дарёдин убур қилиб, шимолия соҳилидин қатъи манозил қилиб, Кўнгирдлига ворид бўлдилар. Ондин ливоафроси наҳзат бўлуб, орада бир қўнуб, Ишмага нузул этдилар. Онда икки кеча истироҳат қилиб кўчиб, орада бир қўнуб, Шўрбулоқға тушдилар. Ул мавзеъда икки оқшомлиқ озуқ ва от еми қўюб, теваларин Ишмага қайтардилар ва ўзлари илғор қилиб, Оқрабат отлиғ ерга тушдилар. Ондин субҳ вақти отланиб, истеъжولي тамом ва суръати молакалом била илғор қилиб, офтоби жаҳонтоб самтурраъсға етканда балойи ногаҳон ёнглиғ чаҳоршанба Рамитон устидин доҳил бўлуб, бозориға қуюлдилар ва жалодат панжасин

қатлу асир, наҳбу горат умурига очиб, беш кишини мақтул этиб, уч юз кишини қайди асоратга чекиб анвоъ ганойимга мутасарриф бўлдилар. Саркардалар ҳамул ерда таваққуф аламин барпой қилиб, сипоҳи нусратнишон ул ҳаволини Хайррабоддин Қоқиштавоғача поймол, чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, бениҳоят ўлжа ва асир дастгир этиб, кечроқ саркардалар қошига жамъ бўлдилар. Намозшом ҳангоми иттифоқ била ул ердин муовадат қилиб, кечаси бирла юруб, субҳ вақти Шўрбулоқга келдилар. Онда қўйғон озук ва от емларин олиб, яна қатъи масофат этиб, намоздигар вақтида Ишмага келдилар. Ондин шабгир қилиб, Кўгирдлидин дарё лабиға чиқдилар ва ондин манзил-баманзил кўчуб Қулон, Қаробог тўшиға келиб, дарёдин ўтуб, муҳаррам ойининг йигирма олтисида, жумъа куни остони рафиъулбунён мулозаматиға етдилар ва навозишоти хисравонаға машмул ва иноёти подшоҳонаға мавсул бўлуб, хилоъи хуршидшиоъ бахшиши била сарафроз ва мумтозлик топдилар. Алар келмасдин ўн кун бурун мазкур ойнинг ўн олтисида Хўқанднинг сўнги элчисига Яхшимурод бекни элчи қилиб қўшиб йиборди.

БУХОРОДИН ЧАПОВУЛЧИ КЕЛИБ, ШЎРАХОН МУЗОФОТИГА ДАСТБУРД ЕТКУРГОНИ

Чун Бухоро подшоҳи амир Насрулло бовужудиким мусолаҳа биносиға аҳди мушайяд ва паймони муаккад била эҳтимом ва истеҳком бериб эрди. Солур ҳаромиларининг ҳазрати зилли илоҳийдин онинг олдиға бориб тазалуми истиғоса қилғони жиҳатидин мусолаҳа ваъдасин тузуб ул ҳаромиларға Бухоро черикидин кўб йиғин қўшуб, Хоразм тавобеъи турктозиға ирсол қилди. Байт:

Номард ваъдасиға, кўнгул, қилма эътиқод,
Хотун сўзиға: мард эсанг, қилма эътимод.

Чун чаповулчилар қадами суръат била қатъи масофат қилиб, зулқаъда ойининг йигирма бешида, панжшанба куни Шўрахондин доҳил бўлуб, уйшун Аваз юзбошиким, ул ҳаволида қаровул эрди, онинг устига хабарсиз қуюлуб,

асирлик қайдиға муқайяд қилдилар ва навкарларининг аксарин қатлаға еткурдилар, ул атрофдағи ўтунчи ва кўмурчини қатлу горат қилиб ва баъзи уйларни талаб, суръати тамом ва истеъжоли молокалом била жодаи ҳазиматға мурожаат маркабин сурдилар. Амири беназир сойиб тадбир Муҳаммадамин ... бу хабарни эшитиб, Ҳазорасбдин кўб отлиғ қовғунчи йиборди. Аммо қовғунчилар жаҳди тамом била аъдойи гуризпойни таоқиб қилиб ета олмай, икки кишиким, муфсидлар гуруҳидин адашиб қолмиш эрди, тутуб келтурдилар.

Абдурахмон қаронинг Бухоро тавобеъи кўмурчисига дастбурд еткурмаки. Чун ҳазрати зилли илоҳий мазкур бўлгон хабари ваҳшат асарни эшитгандин сўнг, бағоят мутаассир бўлгон бўлуб... жалодатосор ва шижоатшиор хизматкорлардин фитнаки Абдурахмон юзбошиниким, анга Қаро мерган ҳам дерлар, ўн уч таҳаввурпараст ва тажаллудпайваст баҳодир била дастбурде еткуруб, тил тутмоқ учун зулҳижжанинг авосиtida Бухоро элоти сари йрсол қилди. Маъмурлар фармони лозимул-имтинон мўжиби била қатъи баводий ва биёбон қилиб, Усти гузарига етиб, ул гузарда тожикдин уч кишини тутуб дастгир қилдилар. Аларнинг далолат ва раҳномолиғи била тожикнинг қирға чиққан кўмурчисининг устига қазойи муборамдек тўкулуб, тўққиз кишини қатлаға еткуруб, калласин олдилар ва ўн беш чоғлиқ тева ва ўзга ашё ўлжа қилиб қайтиб, мазкур ойнинг йигирма тўққизида, сешанба куни остони олий мулозаматиға етиб, инъомати подшоҳона ва навозишоти хисравонадин сарбаландлиғ ва аржумандлиғ топибдурурлар.

Ҳайдархон ва Мамишхоннинг Рафатак йўлиға бориб, тожик қаровулларин қатли ом қилғони. Чун кўклония тавойифининг ақобири номдор ва иозими ихлос шиорларидин Ҳайдархон ва Мамишхонким, шижоат умурида мустасно ва муборазат русумида ангуштнамо эрдилар, ҳазрати зилли илоҳийнинг амри олийси мўжиби била кўклония баҳодирларидан эллик отлиғ ва Оқдарбандий қуллар навкарларидин ўттуз отлиғ олиб, яна баъзи ўзбакия тойифасидин талабгор йигитлар қўшулуб, юзча отлиғ бўлуб, зулҳижжа ойининг йигирма олтисида, якшанба куни Марв ва Бухоро корвони ва ўзга матруд ва раҳгузарилар қасди учун Рафатак йўлиға озим бўлдилар. Бир неча кун тийғи масораат била қатъи масофат қилиб, Рафатак йўлиға бордилар ва иттифоқо тожикнинг ўттуз нафар қарову-

лининг устидин балойи ногаҳон ёнглиғ дохил бўлдилар. Чун қаровулар баҳодирларни кўргач, бир чуқурга қаба-либ, туфангандозлиғ била мудофаа амрига иқдом кўргуз-дилар. Баҳодирлар доғи иттифоқ била атрофидин ғавғойи ом, ҳужуми тамом била от солиб, уруша-уруша, охир зўрдастлик била олиб, тийғ қаҳри била йигирма беш ки-шисин қатлаға еткурдилар ва беш кишисин қайду усурға чекиб, барча оту яроғ ва асбобу улоғларин дасти тасар-руфлариға олиб, комёб ва шодкомлиғ била мурожаат қи-либ, муҳаррам ойининг ўн олтисида, жумъа куни остони олийшон мулозамати шарафиға мушарраф бўлуб, илтифо-ти подшоҳонадин нуқуди фаровон инъоми била шод ва ҳандонлиғ топдилар.

ТОҒОЙ МИРОБ ВА РАҲМАТУЛЛА ЯСОВУЛБОШИНING БУХОРО МУЗОФОТИДИН ЗАНДАНИ ОТЛИГ МАВЗЕЪГА ЧАПОВУЛ УРҒОНИ

Чун ҳазрати зилли илоҳий номдор ва шижоатшиор саркардалардин Тоғой мироб ва Раҳматулло ясовулбоши ва Хожам маҳрамнинг иниси Яқуббойни ақоси ўрнига қародошлу ва ямут ва ярмоли черики била мазкур ойнинг ўн тўртида, сешанба куни Бухоро мамоликининг туркто-зиға номзад қилди. Мазкур бўлгон сарҳанглар амри олий мўжиби била жидду жаҳд кўргузуб, оз чоғда навкар-ларин жамъ қилиб, Чотли бешаси тўшидин дарёни убур қилиб, Бухоро сори озим бўлдилар. Бир неча кун масофат-навардлик кўргузуб, Бухоро элотидин Зандани мавзеъи-ға дохил бўлуб, атроф-жавонибин поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ул ҳаволидағи қазоқия ул-сидин ғоятсиз тева ва ниҳоятсиз қўю ўзга ашё ва асбоб-дин кўтара олганча олиб, ўлжа қилдилар ва ҳисобдин зи-ёдароқ бош кесиб, мурожаат тариқиға азимат якронин сурдилар ва манозили мутакассира қатъидин сўнг борго-ҳи гардуништибоҳ мулозамати шарафиға истисъод топиб, навозишоти бегарона ва инъомоти хисравонадин хурсанд ва баруманд бўлдилар.

**ҲАЗРАТИ ЗИЛЛИ ИЛОҲИЙ... ЖУЛУСИНИНГ ТУРТЛОНЧИ
ЙИЛИ ВОҚЕЪОТИ. УЛ ЖУМЛАДИН АМИР...
МУҲАММАДАМИН ИНОҚ...НИНГ БУХОРО СУВБИҒА МУРУ
МАЛАХДЕК СИПОҲ ЧЕКМАГИНИНГ БАЕНИ**

Хомаи жалодатнишон саҳифа арсасида бу ёнглиғ гарм жавлон бўлурким, чун ҳазрати зилли илоҳий амир Насруллонинг суст паймонлиғи ва баъзи афъоли қабиҳаларидин бағоят ранжида хотир бўлуб, камоли ҳамиятдин чаповулчиларнинг қилғон ишлариға қонёъ бўлмай, ўзининг биродари дилбанди саодатпайванди, амири мукаррам, сипаҳсолари муаззам, ягонаи аҳли офоқ Муҳаммадомин иноқни... лашкария била Бухоро қасдиға номзод қилди. Ул жаноб фармони саодатмаоб мўжиби била сафар асбоби таҳясидин сўнг тарихи ҳижрий минг икки юз олтимиш бирда мувофиқи лув йили, муҳаррам ойнинг ўн бешидида қуёш чобуксувори далв буржидин жилвагар эрди, панжшанба куни... мақсад тариқи азиматиға майл кўргузди. Ҳазрати зилли илоҳий доғи мушойид тариқаси ва сайр иродаси била ул жанобға ҳамроҳ бўлуб, моҳи тобон била хуршиди дурахшон бир бурждин толеъ ва ё гавҳари лаъли Бадахшон бир дурждин лемеъ бўлғандек доруссултанаи Хивақ... дин кавкабаи ҳайратафзо била чиқиб, Янгиариқ ҳаволиға қудуми давлат лузумлари вусулидин сарафрозлиғ еткурдилар. Тонгласи жумъа куни ондин наҳзат ливосин жилваға киргузуб, дарё канорида Паҳлавонбекнинг отовиға нузул кўргуздилар. Шанба куни ондин кўчуб, дарёдин муз усти била убур этиб, шимолия соҳилда Тўнгузли отов отлиғ тўғойни мустақарри боргоҳи иқбол ва муаскари асокири нусратмаол қилиб нузул этдилар. Ул манзилда лашкари зафар асар ижтимоъи учун саккиз кун таваққуф воқеъ бўлди. Айёми таваққуфда аркони давлат ва аёни ҳазратнинг аксари ҳазрати зилли илоҳийдин руҳсат олиб, Иноқбек хизматида кетарга муқайё ва омада бўлдилар ва ҳамул саккиз кун муддатида вазири аъзам... Отамурод қўшбеги фармони олий мўжиби била барча лашкар аҳлин сон кўруб, ярамас отлиғни қўуб, яхши отлиғларни интиҳоб қилиб сафар азиматиға тайёр этди...

Чун айёми таваққуфнинг тўққизлончи куниким, жумъа эрди, Иноқбек барча умаро ва саркардалар била ҳазрати зилли илоҳийдин фотиҳа олиб, мазкур манзилдин

издиҳоми маҳшарнизом била кўчуб, Сориқамиш отлиғ марҳалани лашкароғ қилиб нузул этди... Иноқбек Сариқамиш тўғонида шанба куни таваққуф қилиб, якшанба куни ондин эълони нусратфаржомни жилвага киргузуб, масофат қатъида суръат кўргузуб, Бозаргон бешасиға нузул этди. Душанба куни ондин рукуб қилиб, Мишикли тўғойин сипоҳи нусратпаноҳға муаскар қилди. Сешанба куни ондин кўчуб Учўжоқнинг юқорисида Эшак работи отлиғ мавзеъни мустақарри роети зафароёт қилди. Чаҳоршанба куни ондин наҳзат қилиб Туфроққалъа отлиғ манзилга нузул қилди. Панжшанба куни ондин қадамфарсойи азиат бўлуб, Қизилработнинг ошоқиға шарафи қудуми била сарафрозлиғ еткурди. Жумъа куни ондин наҳзат якронин гарм жавлон қилиб, Кўгирдли марҳаласин сипоҳи зафарпаноҳға оромгоҳ этди.

Маълуми хотири ашраф бўлсунким, ҳамул кун Бухородин Хивақ дорусалтанасида ҳазрати зилли илоҳийнинг мулозаматиға Кўчқор мирохур отлиғ бир муътабар кишиси элчилик йўсуниди келиб, амир Насруллонинг қилгон афъоли ношойисталаридин нодим ва пушаймон бўлуб, мусолаҳа талаб қилиб эътирози тамом ва инкисори молокалом била юборган маъзиратномасин наввоби давлатинтисоб воситаси била назари ақдаси аъло мутолаасиға еткурди. Тонгласи шанба куниким, сафар ойининг ғурраси эрди, Иноқбек лашкари ферузий асари била Кўгирлидин ҳаракат кўргузуб, Ишмақўйнинг ўртасида бир баланд пушта устига тушуб, оромгузин бўлди. Якшанба куни ондин ливоафрази наҳзат бўлуб, Чашма отлиғ манзилга файзи нузулидин саршорлиғ еткурди. Душанба куни ондин азиат тавсанин масофат қатъиға суруб, Укуз илғаси деган мавзеъға тушуб, ҳамул кеча шабгир этиб, тонгласи сешанба куни чоштгоҳ Йўлойриттиға тушуб, андак истироҳат қилиб, яна наҳзат кўргузди ва кечроқ Учбош отлиғ манзилға нузул этди. Андин отланиб ҳамул тун шабгир қилиб чаҳоршанба куни чошт чоғи Қароқўл мулҳақотидин Оққалъа устига дохил бўлди. Қалъа аҳли қаболиб, тўфангандозлиғ била мудофаа умуриға иқдом кўргуздилар. Бу жиҳатдин Иноқбекнинг оташи қаҳри илтиҳоб топиб, асокири нусрат маосирға қалъаға югурмак рухсатин берди. Дарҳол сипоҳи селасар атрофу жавонибидин ҳужумовар бўлуб бовужудким милтуқ ўқи ёмғирдек ёғар эрди, анга қорамай тўшлиқ-тўшидин девор устидин ошиб, қалъа ичига кириб, асбобу ашёсин ғорату торож қилиб, барча

аодини аёлу атфоли била асирлик қайдига чекиб, бир лаҳзада қалъа ичи холи хароблигда гўристон мисоли қилдилар. Чун ҳамул қалъани фатҳ қилгондин сўнг Иноқбекнинг ижозати била сипоҳи қоҳира ва асокири мутақосира даста-даста ва фавж-фавж бўлуб, ҳар даста ўз амири ва ҳар фавж ўз саркардаси била атрофу жавонибга от суруб, Олот бозориғача поймоли чаповул ва дастфарсуди татовул қилиб, ҳар гуруҳ бир қалъани қабоб, зардастлик била олиб, қатл уср, наҳбу ғорат умрига иштиғол кўргуздилар. Аъдо гуруҳининг мутаҳассин бўлгон қалъаларидин Оққалъа ва Хожақалъаси ва Янгиқалъа ва Қумқалъа бошлиғ йигирма икки қалъасин ярим кун муддатида мусаххар қилдилар ва барча қалъа аҳлин аёлу атфоли била асорат қайдига чекиб, ул ёнглиғ ғанойими фаровон ва амволи бекаронга мутассариф бўлдиларким, таърифга содиқ ва тавсифга мувофиқ келмас эрди...

Чун яқин эрдиким, икки кун ва ё уч кун ичра жамеъи Қарокўл ва Бухоро билодининг аксари мафтўҳ ва мусаххар бўлиб, дасти тасарруфиға киргай. Аммо ҳамул кун ҳазрати зилли илоҳийнинг муборақ ёрлиғи етушти, бу мазмун билаким: «Биродари аржуманд нусрат пайвандимизга ёрлиғи олий кўргач, улким амир Насрулло ношойиста афъол ва нобойиста аъмолидин нодим ва пушаймон бўлуб, инкисори тамом ва эътирози молакалом била маъзиратнома бериб, сулҳ ва ошти талаб қилиб элчи йиборибдурур. Эмди онинг қаламравиға чаповул тундбодин еткурмак ва татовул селобасин сурмак ҳамият шартидин йироқ ва мамлакатдорлиғ қондасидин узоқ кўрунур. Ройи жаҳон оройи иқтисоси улким, мавкиби гиҳонпўй сайри қайси мавзеъга етган бўлса, ҳамул мавзеъдин илгари ўтмай, бетаваққуф ва беэҳтимом мурожаат тариқиға истеъжол маркабин сурсун.»

Чун Иноқбек ёрлиғи жаҳанматоъ мазмуни хумоюнидин иттилоъ топғач атрофу жавонибдағи чаповулчи оломонни қайтариб, ливойи нусрат ҳаво кўлагасига келтуруб, ҳамул кеча Оққалъанинғ ғарбий жонибин мухайями хайёми иқбол ва муаскари сипоҳи зафар иштимол қилиб, истироҳат кўргузди. Тонгласиким панжшанба куни эрди, барча асир ва дастгир бўлгон элтни Хоразм музофотиға кўчурди ва ўзи доғи ҳамул манзилдин кўчуб, музаффар ва мансур, солим ва ғоним муовадат қилиб, Учбош отлиғ мавзеъга нузул этди. Андин кеча шабгир этиб, жумъа куни чоштгоҳ Укуз илғасига тушди ва бир соатдин сўнг отла-

ғиб, Чашма бошиға тушуб, ҳамул оқшом оромгузин бўлди. Тонгласи шанба куни Ишмага тушуб, жалодатшиор ва садоқатосор мулозимлардин Муҳаммаднийез халифа ва Муҳаммадгул ва ямут Назарвакил ва Бердибекни солим ва ғоним мурожаат қилғон хабарининг эълони учун ҳазрати ғилли илоҳийнинг остони олийси мулозаматиға ирсол қилди. Якшанба куни Кўгирдли марҳаласиға ворид бўлди. Душанба куни андин наҳзат кўргузуб, тўрт кун қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб, панжшанба куни Тўнглукли маъбарига нузул этди ва жумъа куни дарёдин убур этиб, Ҳазорасб қалъасиға файзи нузулидин шодоблиғ еткурди. Шанба куни ондин озим бўлуб Янгиариқ ҳаволини шарафи қудумидин сарбаланд қилди ва сафар ойининг ўн олтисида якшанба куни Янгиариқдин рукуб қилиб, кавкабаи воло била масофат қатъиға юз қўйди ва йўл асносида уламои изом ва умаройи киром ва олиймакон шаҳзодалар ва гардунтавом озодалар истиқболға чиқиб ул жанобнинг мусофаҳа ва муониқа шарафига мушарраф бўлдилар...

БАЪЗИ ВОҚЕОТ ЗИКРИКИМ, АМИРИ БЕНАЗИР МУҲАММАДАМИН ИНОҚ ҚАРОКУЛ САФАРИДИН КЕЛГАНДИН СУНГ ВУҚУЪГА ЕТТИ

Ул жумладин улким ҳазрати зиллуллоҳ... сафар ойининг йигирма саккизида панжшанба куни Бухоро элчиси Қўчқорбек мирохурға остони фалак ошиён, мулозимларидин садоқат интибоҳ Раҳматулла қоракўзни элчилик тариқаси била қўшуб рухсат берди ва бу мазмун била мактуби ҳумоюн топшурдиким: «Амир Насруллонинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб бойишмоқ ва келишмак бўлса, бизнинг ҳам хоҳишимиз улдурур. Агар ғарази савош ва талош бўлса, муҳораба майдониға чиқсунким, биз ҳам ул амрга муҳайё ва омодадурумиз ва бу икки ишнинг қайсини ихтиёр қилса, ул ишга бел боғласиниким, иккиси ҳам бизнинг мақсудимиздурур.»

Бу сўз била элчиларни Бухоро вилоятиға ирсол қилди. Яна улким, рабиулаввал ойининг тўртида, сешанба куни Охал такасининг лусус ва ҳаромиларидун ўн саккиз отлиғ

иттифоқ била қароқчилай келиб, мамолики маҳрусанинг қумда юрган ўтувчи ва кўмурчиларидин уч кишини ўлтуруб, йигирма икки кишини асир қилиб ва кўб теваи дасти тасарруфлариға олиб фирори бўлдилар. Бу воқеа хабари ҳазрати зилли илоҳийнинг самъи ҳумоюниға етишгач, жалолатпаноҳ, шижоат дастгоҳ баҳодирлардин Бекмонбий ва Муҳаммадамин юзбоши ва Бегимжонбек ва Одинабой олтиш отлиғ таҳаввур нишон йигит била ҳаромилар ақабидин қовмоқға номзод қилди. Маъмур бўлгон баҳодирлар фармони давлатнишон мўъжиби била ҳамул кеча, яъни чаҳоршанба кечаси илғор қилиб суръати тамом била ўн манзиллик йўл юргандин сўнг, аксар оломоннинг оти ярамай изда қолиб, ўн беш ва йигирма чоғлиғ отлиғ ва қароқчиларнинг изидин етиб, субҳи содиқ нишон кўргузган ҳангомда ғавғойи ом била устига қуюлиб, етти кишини тийғ дамидин ўткардилар ва бировин занжири уқубат била муқайяд қилдилар. Ўзгаси жон ҳовлидин ҳар тарафга қочиб, фирор ва дастёрлиғи била оломоннинг тийғ интиқомидин қутулдилар. Баҳодирлар қароқчиларнинг саккиз от ва ўзга асбоб ва яроғларин ўлжа қилиб ва асир бўлуб тушган кўмурчиларни барча тевалари била омонэсон олиб, қайтиб мазкур ойнинг ўн иккисида сешанба куни атабаи аъло мулозаматиға етиб, сарупойи шоҳона ва навозиши хисравонадин сарафрозлиғ топдилар.

ҲАЗРАТИ ЗИЛЛИ ИЛОҲИЙНИНГ САҲРО ТАФАРРУЖИ ВА САЙР ИРОДАСИ БИЛА РУКУБ ҚИЛҒОНИ...

Чун ҳазрати зилли илоҳий... саҳро тафарружи ва шикор тамошоси баҳонаси била мазкур ойнинг, яъни рабиулаввалнинг ўн тўртида, панжшанба куни хулосаи сипоҳ била доруссалтанаи Хивақ... дин рукуб қилиб, Шоҳобод ҳаволининг зурваи ифтихорин давлати нузулидин фалаки давворға ҳамсар қилди. Жумъа куни Шоҳободдин ашҳаби гардунвашға рукуб қилиб, Тошҳовуз ҳаволиғаким, файзу назоҳатда ғайрати қусури жинон эрди, нузули шарофатнишони била таровати тоза ва назорати беандоза еткурди. Шанба куни ондин фуқаро ва ажза арзи аҳволин эшитмакдин фориг бўлгондин сўнг, отланиб шукуҳи томом била

Қиличнӣёзбой мавзеидаги работи лозимил-инбисотга ташрифи ҳузур, вофитуссурур элтиб муфаххари манозил қилди. Анда айшу ишрат асбобин муҳайё қилдуруб, барча муфарриҳот ва музҳикот тамошосидин баҳраёб ва тарабмасоб бўлди. Тонгласи якшанба кунӣ ондин дабдабаи шохона била наҳзат қилиб, Пурси мавзеидаким, боргоҳи сипеҳр-иштибоҳ барпо бўлуб, қуббаи осмонфарсоси қуммаи меҳру моҳдин ўтмиш эрди, нузули ижлол кўргузуб, аврангнишини маснади иқбол бўлди. Душанба кунӣ ондин рукуб қилиб, сайдандозлиғ иродаси била Йилон қирининг ошоқида дарё каноридаги тўғайга давлат тавсанин суруб, қуш солиб сайдафканлик умурига иштиғол кўргузди... Чун ул ҳазрат кун кечгача шикорандоғлиғ маросимиға қиём кўргузуб, ўрдуйи аъло ва боргоҳи муаллоким, ҳамул тўғой ичида дарё қирғоғида барпо ва муҳайё қилилиб эрди, музули ижлол кўргузуб, иқбол маснадида истироҳат қилди. Тонгласи сешанба кунӣ ҳамул мавзеида яна сайдандозлиғ умурига иштиғол кўргузуб, пешин чоғи шикоргоҳдин мурожаат қилиб, яна Пурси мавзеиға келиб нузул этди...

Маълуми хотири ашраф бўлсинким, рабиуссоний ойининг тўққузида чаҳоршанба кунӣ Бухоро волийси амир Насруллонинг талаби мусолаҳа қилиб, ул маъни таъкиди учун Раҳматулла қарокўзга қўшгон икки элчисиким, Порсохожаи уроқ ва Қўчқорбек амирохур эрдилар, уч юз тевалик корвон била келиб, амирнинг сулҳ ва мувосо талаби била йиборган ихлосномасин даргоҳи фалак иштибоҳ мулозимларининг воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурдилар. Ул ҳазрат доғи амирнинг қилгон илтимосин камоли софийтийнат ва сафойи тавиятдин мабзул тутуб, Хоразми эрамбазм карвониға Бухоро азимати учун рухсат берди. Жумодилаввал ойининг иккилончи куниким, панжшанба эрди, амирнинг элчилариға мусолаҳа биноси истехкомининг эҳтимомӣ ва таъкиди учун рафеъмакон Раҳмонберди охунд била садоқатнишон Раҳматулла қарокўзни масҳуб қилиб, Бухоро сари ирсол қилди.

Ҳазрати зилли илоҳийнинг қароқалпоқия лашкарин сон олмоқ учун Чотли бешаси сувбиға отланмоқи. Маълуми хотири ашраф бўлсинким, фармони важибул-изъон мўжиби била қароқалпоқия черики Чотли тўғойиға келиб, ижтимоъ топмиш эрди. Ул тойифани санаб, от яроғин тамошо қилмоқ учун ҳазрати зиллулоҳи салтанатпаноҳий жумодилаввал ойининг ўн бешиди, сешанба кунӣ доруссолтанан

Хивақ... дин умаройи изом ва сипоҳи маҳшар издиҳом би-
ла рукуб қилиб, Янгиариқ ҳаволиға нузул этди. Тонгласи
чоҳоршанба куни ондин наҳват кўргузуб, Паҳлавонбекнинг
отовиға, дарё канорида баргоҳи сипеҳриштибоҳ ва са-
родикоти вусъат дастгоҳни барпо қилдуруб, шарафи ну-
зули била сарбаландлиғ еткурди. Анда икки кун мутавақ-
қиф бўлуб, жумъа куни ондин кўчуб Чотли тўғойиға ну-
зул этди ва онда олти кун бўлуб, қароқалпоқия черикин
санаб, назари кимиёасар пешгоҳидин ўткарди. Еттилончи
куниким, панжшанба эрди, ул мавзеъдин кўчуб, мурожаат
қилиб, Шоҳобод арнасининг қочувсин боғлатмоқ учун Хо-
нақоҳ балдасининг юқорироқ тарафиғаким, қочув ҳамул
тўшда эрди, боргоҳи сипеҳр мисолни барпой қилдуруб
нузули ижлол кўргузди. Ҳар кун ҳилол суврат заврақ-
ларға аркони давлат била миниб, қочув бошиға ташри-
фи ҳузур элтиб, вирдандозлиғ тамошосиға иштиғол кўргуз-
дилар.

ЛУҒАТ¹

Абонанжадд — ота-бободан қолган, мерос.

Авд — қайтиш.

Авотиф — отифатлар — меҳрибонлик, шафқат, мурувватлар.

Автон — ватанлар

Азҳару минаншамс — офтобдан ҳам равшанроқ.

Албиса — либослар.

Алвия — ливо, байроқлар.

Али эли — туркман уруғи.

Алсина — лисон, тиллар.

«**Алохоину хонф**» — «сотқин қўрқоқ бўлади».

Аноният — худбинлик, манманлик, нафс балосига йўлиқиш.

Арз — ер, бирор нарсанинг эни, кенглиги.

Арғишчи — ўзга юртга карвон билан галла сотиб олиш учун борувчи.

Асанву афвоҳ — оқсоқол ва шуҳрат эгалари.

Ассуҳбату муассир — ёқимли, таъсирли суҳбат.

Асқол — оғирликлар, юклар.

Атабабўслиқ — остона ўпиш, шоҳ ҳузурига киритилиш.

Аташ аҳли — ташналар.

Атфи инон қилмоқ — от жиловини бурмоқ; қайтиш.

Атшон — ташналар.

Афвоҳ — оғизлар.

Афогана — афгонлар.

Афҳам — эътиборли, кибор кишилар.

Ашбоҳ — бир тонфа, тенгқурлар.

Ашжа — ўта шижоатли.

¹ Луғатни Наим Норқулов тузган (Редакция)

Аюқ, Айюқ — Сомон йўлининг ўнг тарафидаги қизғиш юлдуз, Капелла. Энг баланд мартабага киноя.

Аълам — муфтилар фатвосини тасдиқлаб берувчи диний амалдор.

Аълом — яловлар, байроқлар.

Аътоф — атфнинг кўплиги — ҳамдардлик, шафқат.

Ақба — тоғ доволари, дўнгликлар, тоғ йўллари.

Ақсо — узоқ этак, чексизлик, ниҳоят.

Бавориқ — бориқа — чақмоқли булут, чақинлар.

Бадонак — ўсимлик, шалфей.

Бадрақа — карвонбоши, йўлбошловчи.

Базла — латифа, чиройли сўз, аския, бадий ўқиш.

Байдоқ — байроқ.

Байъу шаро — олди-сотди.

Балоҳат — аблаҳлик, гўллик, соддадиллик.

Балуж — афғон уруғи.

Бароё — халқ, инсон.

Баъид — узоқ.

Баҳром-Миррих (Марс) сайёраси. Мунажжимлар уни фитнаю жанг, шумлик юлдузи деб тушунганлар.

Баҳруннажот — Эрк дарёси, Фарҳод томонидан Ширин учун қазилган ҳовуз номи.

Бедаранг — тўхтовсиз.

Бекуруҳ — ватансиз, уйсиз.

Беҳамол — мисасиз, тенгсиз.

Бирка — сардоба.

Биҳор — денгизлар, баҳрлар.

Бойир — тепалик, баландлик.

Бойрож — элат.

Бойроқ, байрақ — мукофот, соврин.

Болафшон — қанот ёзган, учаётган.

Булжор — қўшин тўпланадиган жой, ҳужумга ўтиш олдидан тўпланадиган пана жой.

Буна, бунаҳ — сафар асбобу анжومي, кўрпа-тўшаги, юки.

Буронгор — уруш вақтида қўшиннинг ўнг қаноти. Арабча: маймана.

Бухти — норта; юк ортिलाдиган катта қайиқ.

Бугз — адоват, душманлик.

Бўртоқ ер — ўнқир-чўнқир ер.

Вазий — паст табақадаги, даражадаги одам, оддий одам.

Вағо, вағо — гавго, уруш, жанг.

Вадият — бировга омонат қўйилган нарса.

Вирдандозлик — бир ишни қайта-қайта ўрнига қўйиб бажармоқ.

Газоф — бемаъни, беҳуда сўз; беҳад, беҳисоб.

Ганжи равон — ҳаракатдаги хазина. Қорун хазинаси.

Гиҳонпўй, кайҳопўй — жаҳон кезувчи, олам кезувчи.

Говмоҳи, гову моҳи — афсонавий ҳўкиз ва балиқ. Гўё замин шу ҳўкиз шохига ўрнашган; Ҳўкиз эса йирик балиқ устида, балиқ эса сувда турар эмиш.

Гулўла, гўла — тўп ва милтиқ ўқи.

Гурд — паҳлавон, баҳодир, ботир.

Дабур — ғарбдан эсувчи шамол.

Дағалай, дигалай — атрофи мўйна ёки бахмалдан қилинган айлана бош кийими.

Дайжур — қоронғилик, энг қоронғу кеча.

Дамон — эсмоқ, тез, ғалаёнли: маст, ваҳший, даҳшатли, кучли.

Даго — макр, ҳийла, фириб; айбдор, сохта.

Диноат, даноат — пасткашлик, қабоҳат.

Дорулбавор — дўзах; жаҳаннам.

Ергу — аниқ жазо.

Есқа, жасқа — кечув, дарёнинг сув олишга, молларни суғоришга осонроқ жойи; ҳалқоб жой.

Ёқиш, ёқуш — ёқимсиз.

Жабҳасой — пешонани остонага теккизиш; шоҳ ҳузурига кирмоқ.

Жаввола — жавлон қилувчи, олов ёлқини; осмонга бўй чўзган олов тили.

Жавшан — совут, симдан тўқилган жанг кийими.

Жазойир, жазойил — туя ёки отларда ортиб юриладиган енгил тўп, тўп қўндоғи.

Жаноҳ — қуш қаноти; қўшиннинг икки қаноти: боранғор ва жувонғор (ямин ва ясор).

Жибиллий — туғма, табиий.

Жидор — девор.

Жиён — ғазабли, даҳшатли ҳайвон.

Жода — тўғри йўл; саҳро йўли.

Жоруб — шипирги.

Жуби, жубун — қўрқоқлик, юраксизлик.

Жувонғор — қўшиннинг чап қаноти. Арабчада майсара, ясор.

Жуд калиди — саховатлик калиди.

Жулду, жалду — мукофот, инъом.

Жунуд (бирл. жунд) — лашкарлар.

Жулга — тоғ этаги: тоғ оралиғи; ўтлоқ.

Заврақ — қайиқ; қайиқ шаклидаги май идиши; офтоб.

Зайғам — шер.

Замҳарир — қаттиқ совуқ, буюқ.

Захор — сероб, фаровон, мавж урувчи; пурмавж.

Зиргом, заргом — шер.

Зифоф туни — никоҳнинг биринчи кечаси.

Зоиқатул-мавт — ўлим шароби, ўлим таъми.

Зубдату-соликин — тасаввуф йўлларида бирга мансуб кишилар сараси: соликларнинг саралангани.

Зухд — чаштгоҳ, офтоб чиқишидан пешингача (соат 9—11) бўлган вақт.

Ижтиноб — сақланиш, узоқланиш, чекланиш.

Изроран лилмуфсидин — душманга зарар етказиб; зарба бериб.

Иззи асдор топмоқ — эълон бўлиш, таъсис этилиш шарафига эга бўлмоқ.

Илға, илқо — бирор нарсани бировнинг фикрига ҳавола қилмоқ.

Индалақл — ақлга мувофиқ.

Индалшаръ — шариатга мувофиқ.

Иноқ — Бухоро амирлигида мансаб эгаси. У амир буйруқларини маъсабдорларга етказган.

Инсилोक, инсилох — бирор нарсдан иккинчи бир нарсанинг чиқиши. Масалан илоннинг пўстандан чиқиши; вақтнинг ўтиши.

Иртиёҳ — осойишталик, шоду-хуррамлик.

Иртиқоб — ишга киришмоқ, хунар кўрсатмоқ.

Иститоат — қувват, қудрат; бирор юмушни бажариш учун етарли имконият ва дастгоҳ.

Истимон — омонлик тиламоқ, бирор киши паноҳига ўтмоқ.

Истигоса — ёрдам сўрамоқ, дод солмоқ.

Ихвонуссафо — содиқ биродарлар.

Иштимол — ёйилмоқ, ўраб олмоқ, бирор нарсага тегишли бўлмоқ.

Иқтирэн — яқин бўлмоқ, дўстлашмоқ.

Иҳё — қайта туғилмоқ, жонланмоқ.

Кабрка, кубрка, курка — катта ноғора.

Кадхудо — хонадон бошлиғи, эр киши; оқсоқол, вазир.

Қайҳонпўй — қ. гиҳонпўй.

Камаргоҳ — бел, тоғ бели, дараси.

Каркас — камон ўқи, бургут; уруғ номи.

Кизб — ёлгон; фириб.

Кирёс, киръёс — дарбон, сарой.

Китмон — яширмоқ, пинҳон тутмоқ.

Кунд — ўтмас, хаста.

Курон, кўрин — қовун ва тарвуз ортиладиган катта сават.

Кўрунуш — шоҳ қабул маросими.

Курт — уруғ номи.

Кўклон, кўклонг — ўзбек уруғи.

Лахти кўхий — улкан гурзи.

Лубоб — сараланган; ақл, хирад.

Лув — балиқ йили.

Мавоқиб (бирл. **мавкиб**) — суворийлар гуруҳи: шоҳнинг ҳес кишилари.

- Мавоши** — уй ҳайвонлари: қўй, сигир ва ҳоказо.
- Мадрус** — эски, яроқсиз.
- Мазбуҳ** — сўйилган, нимталанган.
- Мазик** — танг жой.
- Мазраа** — экинзор.
- Маймана** — қ. буронғор.
- Майсара** — қ. жувонғор.
- Майсур** — муяссар бўлган, имконияти бўлган нарса.
- Майшум** — машъум.
- Макс** — тўхтамоқ, дам оломоқ.
- Малжо** — паноҳ, тўсиқ, мураббийлик.
- Мамдуд** — чўзилган.
- Мамлукаи хоса** — шоҳнинг ўзига қарашли мулк, ер-сув.
- Маниа** — бориб бўлмайдиган жой.
- Маноб** — ўринбосарлик.
- Манжуқ** — байроқнинг маҳчаси: байроқ чўпининг учига ўрнатилган тилло ёки кумуш нишона; байроқ.
- Манқит** — ўзбек уруғи.
- Маржилбаҳрайн** — икки дарё (сув) оралиғидаги чаманзор, ўтлоқ.
- Марсад** — кузатиш жойи.
- Матос** — мириладиган ҳайвон: от, туя.
- Матруд** — ташландик, қувғинга учраган.
- Махзул** — хору афғор бўлган.
- Маъбар** — ўтиш, кечув, жойи, дарёнинг кемада ўтиладиган жойи.
- Маъман** — омонлик жойи, паноҳ.
- Маънус** — ўрганган, дўст.
- Меҳтар** — оқсоқол; сайис.
- Мизмор**, **мизмар** — най, пойга, майдони, отчопар.
- Минассаҳ** — тахт, кўриниш жойи.
- Мирваҳа** — елпигич.
- Миррих** — Марс сайёраси.
- Мисқол** — оғирлик ўлчови: 24 қирот ёки 4,68 гр; тарози тоши.
- Митҳара** — офтоба, сув идиши; чармдан тикилган сув идиши.
- Монглай**, **манглай** — лашкарнинг олд, авангард қисми.
- Мояҳтож**, **мойўҳтож** — мўҳтож бўлинадиган, керакли нарсалар; вҳ-тиёжий буюм.
- Моҳиялзалом** — зулми йўқотувчи.
- Муаккад** — таъкидланган, мустаҳқам, қатъий.
- Мубоеъат**, **мубояат** — олди-сотди; савдо муомаласи.
- Мубтаҳиж** — шодмон, хушхол, масрур.
- Мубрам** — маҳкам; муҳим ва зарур.
- Мужовир** — яқин; ибодатгоҳда яшовчилар.
- Музоаф** — икки баравар.
- Музабзаб**, **музабзиб** — сакраб тушадиган; дудила, тараддудланувчи.

Музҳикот — хурсандчилик учун керакли нарсалар.
Мунҳаний — эгилган, эгри, ҳам бўлган.
Муиҳдий — хабар келтирувчи, огоҳ қилувчи.
Муонақа — қучоқлашиб кўрушмоқ.
Муршидул-атқиё — тақводорлар пири.
Мусофаҳа — қўл олиб кўришмоқ.
Мустақарр — қароргоҳ; пойтахт.
Мутажаннида — жанг аҳли, аскарлар.
Мутамарруд, мутамаррид — бўйсунмас, саркаш, исёнкор.
Мутаҳаттиқ — обрў тўкувчи, ёмон тилли, шаллақи.
Мутараққиб — кутиб турувчи, мунтазир.
Мутмаин — хотиржам, босиқ.
Мутрес — мўътабар, қўриқланувчи.
Муфавваз — топширилган; очилган.
Муфарриҳ, муфарреҳ — кўнгил очувчи, хурсанд этувчи.
Мухаллаъ — сарупо мукофот олган киши.
Мухаммар — хамир қилинган, йўғрилган.
Мушояат — кузатмоқ, эришмоқ; пайрав қилмоқ.
Муштаъил — шуълаланувчи, ёруғлик берувчи.
Мушъир — хабар келтирувчи, огоҳлантирувчи.
Мўътамадун-алайҳ, мўътамадунбиҳ — ишончли киши; суянса бўлади-
ган киши.
Мўҳмал — эътиборсиз, ташлаб қўйилган.
Назиҳ — пок, соф, тоза.
Найза солим ер — найза бориб тушганчалик масофа
Найман — ўзбек уруғи.
Насақ — тарз, тартиб — қоида, жазо.
Нафир — сурнай; фарёд.
Нигомиш — кузатиш, разведка.
Нишеб — пастлик жой; бадбахтлик.
Нужабо — оқил, софдил кишилар; аслзодалар.
Оймоқ — афгон элати.
Окиф — бир ишга жаҳд билан киришувчи, меҳнаткаш, бир жойда
яшовчи; ибодат қилувчи.
Осаф — Довуд пайгамбарнинг ўғли. Сулаймон пайгамбарнинг вазири.
У ўз донолиги билан машҳур бўлган.
Оталик — балоғатга етмаган ҳукмдор тарбиячиси.
Ошти — келишув, сулҳ дўстлик.
Оқ уйлик — ватанидан қувиб, кўчирилган аҳоли.
Пайк — мухбир, хабар келтирувчи; хизматкор.
Пардарубо — уятсиз.
Партол, партал — партов ер, кўп йиллар экин экилмай ётган ер.
Парчам — байроқ учига боғланадиган қора ипак латта ёки мол думи;
туғ; кокил.

- Пешкаш** — шоҳга олиб келинган совғалар. Улар шоҳ тахтда ўлтирган-да унинг назаридан бир-бир ўтказилган.
- Равофиз** (бирл. **рофизий**) — саркардасини тарк этган аскарлар гуруҳи; шиалар (Муҳаммаддан кейинги уч халифа Абубакр, Умар ва Усмонни рад этганлар).
- Рақаба** — гардан; қул; умрбод фойдаланиш учун берилган ер ёки мулк.
- Раъсулайн** — кўз-қулоқ бўлмоқ.
- Рибқа** — чилвир ҳалқаси, сиртмоқ.
- Росихдам** — сўзида турувчи, ўз фикрида турувчи.
- Роҳи уруж** — кўтарилиш, баландлашиш йўли.
- Рустохез** — ғавго, тўполон; қиёмат.
- Рўйин** — жездан ишланган, биринж, бронзали.
- Садад** — сўзда ва ишда ростлик ва тўғрилиқ; адолат.
- Сайл** — сел.
- Сайс** — отбоқар.
- Салита** — урушқоқ, тил-забонга зўр берган хотин.
- Салх** — оининг охириги куни, эртасига янги ой кўринадиган кун.
- Самадий** — абадий, эзгу.
- Самтурраъс** — одам тепасидаги осмон нуқтаси, зенит.
- Сангар** — оқон, истехком.
- Сармад** — абадий, эзгу.
- Сарнуссайр** — тез юрар.
- Саркуб** — қалъа, баланд қурилма. Бу ердан туриб душманга ўт очилган.
- Сафина** — кема; баёз.
- Саққо** — сув ташувчи; сув айирғич
- Саҳмгин, саҳмган** — қўрқинчли, хатарли.
- Сибоъ** (бирл. **сабъ**) — ёввойи ваҳший ҳайвонлар.
- Сипар** — қалқон.
- Сипаҳбуд, сипаҳбад** — лашкарбоши.
- Сиқл** — оғирлик, вазн.
- Савнмоқ** — ҳимоя қилмоқ, посбонлик қилмоқ.
- Соқа** — қўшиннинг орқа қисми, аръергард; кишан.
- Сурсот** — қўшиннинг озиқ-овқати; ўлжа.
- Суюрғол** — иқтоъ, шоҳ томонидан амалдорга берилган ер.
- Тавсан** — ўргатилмаган от; саркаш от.
- Тавотур** — пойдарпай келмоқ, тўхтовсиз келмоқ,
- Тавочи** — сардор, ҳоким; подшонинг буйруқ ва топшириқларини тегишли ерларга етказувчи ва амалга оширувчи амалдор; адъютант.
- Тавъамон** — бир турдан; эгизак, ҳамроҳ.
- Тадмир** — нобуд этмоқ, ўлим.
- Така** — туркман уруғи.
- Талоя** — лашкарни тунда қўриқловчи гуруҳ, қўшиннинг олдинги

- қисмдан бир гуруҳ.
- Тансуқот** — нодир: камёб ҳадя, туҳфа.
- Таржиҳ, таржеҳ** — афзал санамоқ, лозим кўрмоқ.
- Тархон** — хизматлари эвазига божу хирожлардан озод қилинган киши.
- Тасвия** — бир савияга келтирмоқ, тартиб бермоқ.
- Тасриҳ, тасреҳ** — баён қилмоқ, ошкор қилмоқ.
- Тафвиз** — топшириш, ишни бошқага юклаш.
- Таҳтуссаро** — ер ости (саройи).
- Таҳрис** — ҳирслантириш, ҳирсини уйғотиш, тамаъ қўзғатиш.
- Тийралар** — бахти қаролар: қора ниятли кишилар.
- Торам** — шийпон; осмон.
- Торий бўлмоқ** — рўй бермоқ, содир бўлмоқ.
- Тувл, тўл** — узунлик, давомлик.
- Тутсоқ, тутғоқ** — тунги отлиқ дозор; қўриқчи.
- Туз йўл** — тўғри йўл.
- Тумон** — Бухоро амирлигида маъмурий бирлик.
- Тундод** — тўфон, осмонни қорайтириб юборадиган кучли шамол.
- Туғма** — қулнинг қулга айланган ўғил-қизи.
- Тўқсоба** — Бухоро амирлигида ҳарбий амалдор; тўғса, тўқса — ўз туғига эга бўлган ҳарбий қисм саркардаси; тўқсабоши.
- Убур** — кечиб ўтмоқ.
- Уйшун** — ўзбек элат-уруғи.
- Уклу шурб** — егилик ва ичгулик овқатлар.
- Умқ** — чуқурлик.
- Урватулвусқо** — қўлдош; суянчиқ.
- Усрук** — маст.
- Учон** — кема; пароход.
- Фароз** — баландлик, тепалик.
- Фажр намози** — субҳдам, бомдод намози.
- Фарқадон, фарқадан** — Шимолий Қутб яқинидаги икки ёруғ юлдуз.
- Фарҳат** — шоду-хуррамлик, дилхушлик.
- Фаржом** — охир, оқибат, иш натижаси.
- Фасх** — фикр ёки раъйдан қайтмоқ; савдо муомаласини тўхтатмоқ.
- Фужжор** (бирл. **фожир**) — фосиқлар, бузуқилар, ёмон ахлоқчилар.
- Фурза** — дарёда кема тўхтайдиган жой; шаҳар ёки бирор жойда савдогарлардан бож олинадиган жой.
- Фуюз** — файзлар.
- Хабаргирлик** — разведка.
- Хадив** — ҳукмдор, султон.
- Хандақ** — шаҳар мудофааси учун атрофини ўраб қазилган чуқур зовур; жанг олдидан қазилган окоп.
- Хайётхона** — тикувчилик устахонаси, либос тикувчилик.
- Харита** — халта, чакки қатиқ солинадиган тўрва.

Хизлон — бебаҳралик, бечоралик, шикаста.
Хирожгузор — хирож тўловчи; тобеъ.
Хиссат — хасислик, бахиллик, пастлик.
Хитой — ўзбек уруғларидан.
Хокрез — ахлат ташланадиган жой; сангарнинг олд қисми, бруствер.
Хисрави зарринкулоҳ — қуёш.
Хорхор — нотинчланиш, бирор нарса орзусида тоқатсизланиш, гам; андуҳ; заҳм, яра.
Хузуъ — хоксорлик, нафсни тийишлик.
Хуллонул-вафо — вафодор дўстлар.
Хусрон — зиён, зарар.
Хушў — қ, ҳузўъ.
Чаповул, чоповул — чопар; босқин, талончилик юруши.
Чарка — чодир.
Чагдовул, Чангдовул — соқа: аръергард қўмондони; отлиқ қоровул бошлиғи.
Чунгул — кичик қудуқ.
Шабгир — саҳар пайти отланмоқ, эрта тонг.
Шабиҳун, шабохун — тунда душман устига тўсатдан ҳужум қилиш.
Шамхол — раис.
Шаст — камон тортиш учун бармоқ учига тақиладиган ҳалқа, қармоқ; ёй, чаққон.
Шинаҳ — сувда сузувчи.
Шодурвон — саропарда, шоҳона чодир.
Шужаъо — шижоатлилар.
Шуққа — байроқ учига тақиладиган мато парчаси; яктак.
Эъдом — қатл жазоси, йўқотиш.
Юми — бахт, толе, иқбол; барака, яхшилик.
Ясов — кўрик учун кўшинларни сафга тизмоқ.
Ясовулбоши — ясовулар, ҳукмдорнинг шахсий кўриқчилари бошлиғи.
Ялтоқлик — мунофиқлик, ёлгончилик.
Яъсу ҳирмон — гаму қайғу, ноумидлик.
Уба — кўчманчилар чодирлари, юрт, кўчманчилар қароргоҳи.
Укулмоқ — тўпланмоқ, йиғилмоқ.
Урду — ҳукмдор лашкаргоҳи.
Уғруқ — ҳарбий юриш пайтида ҳукмдорга қарашли анжом ва она аъзолари жойлашган ва ортда юрадиган от-аравалар.
Фирев — гулгула, дод-фарёд.
Гул — зиндонбандлар бўйни ва қўлларига солинадиган занжир.
Гурран гарро — ялтироқ пешона.
Гурунб — баланд овоз; бонг.
Ҳабли матин, ҳаблулматин — маҳкам ип.
Ҳадар — беҳуда иш, зоеъ, бефойда.

Ҳазизу хор — тубанлашиш ва хорлик.

Ҳайжо — жанг: олишув.

Ҳафр — қазмоқ, ковлаш.

Ҳамойил қилмоқ — осиб, тақиб олмоқ.

Ҳизабр — шер, ботир.

Ҳировул — қўшиннинг илғор қисми, разведкачи.

Ҳодим — нобуд ва вайрон қилувчи.

ИЗОҲЛАР

22-бет:

Ҳижрий 1241 йил, рабиуссоний ойининг 28 куни — милодий 1825 йил 10 декабрь.

26-бет:

«Шоварухум фил-амри»— Қуръон сураси: «Дунё ишларида у (саҳо-ба)лар билан маслаҳатлашгин».

39-бет:

Рамазоннинг учинчи куни — 1826 йилнинг 11 апрели.

41-бет:

Ҳижрий 1242 йил, жумодулаввал ойининг 20 куни — милодий 1826 йил 20 декабрь.

95-бет:

Ҳижрий 1244 йил, рабиулаввал оyi милодий 1828 йилнинг сентябрь — октябрь ойлари.

102-бет:

Ҳижрий 1244 йил зулқаъда ойининг еттиси — милодий 1829 йил 16 май.

116-бет:

Ҳижрий 1245 йил, шаввол ойининг еттиси — милодий 1830 йил 2 апрель.

123-бет:

Ҳижрий 1246— милодий 1830—1831 йил.

124-бет:

Ҳижрий 1212 — милодий 1797—1798 йил.

128-бет:

Ҳижрий 1248 йил, зулҳижжа ойининг 15 куни — милодий 1833 йил 5 май.

148-бет:

Ҳижрий 1250 — милодий 1834—1835 йил.

151-бет:

Жумодуссоний ойининг 4-куни — милодий 1834 йил 8 октябрь.

152-бет:

«Шаввал ойининг ўн олтисида... Яъқуббой Хонақоҳий... инглиз элчиси била келди...» Хивага 1840 йилнинг январида Британия агентлари капитан Джеймс Абботнинг, ўша йилнинг 12 июнида капитан Ричмонд Шекспирнинг келгани маълум. Улар Хива хонлигига Британия таъсирини ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Прокопий Никифоров бошчилигидаги рус элчилари Хивага 1841 йил.

нинг 9 августида келади. Унга рус савдогарларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ўзаро ишонч кайфиятини яратиш вазифаси топширилган эди. 11—13 август кунлари Оллоқулихон у билан суҳбат ўтказди. Рус-қозоқ чегара масалалари ҳам муҳокама этилади.

153-бет:

Ҳижрий 1258 йил, сафар ойининг 28 куни — милодий 1842 йил 10 апрель.

Ражаб ойининг саккизинчи куни — милодий 1842 йил 15 август.

161-бет:

Г. И. Данилевский бошчилигидаги рус элчилари 1842 йилнинг 17 сентябрида Тошовузда катта таътанга билан кутиб олинади.

Элчилар қаторида натуралист олим Ф. И. Базинер, Оренбург чегара комиссияси чиновниги В. В. Григорьевлар бор эди. Раҳимқулихон билан ўтказилган музокаралар натижасида савдо ва мол айирбошлаш тўғрисида тўққиз пунктдан иборат битим тузилади. Рус элчилари 1842 йилнинг 30 декабрида Хивадан кузатиб қўйилади.

174-бет:

Ҳижрий 1259 йил муҳаррам ойининг учинчи куни — милодий 1843 йил, 3 февраль.

179-бет:

Ҳижрий 1259 йил, шаъбон ойининг 27 куни — милодий 1843 йил, 22 сентябрь.

195-бет:

Ҳижрий 1261 йил, муҳаррам ойининг 15 куни — милодий 1845 йил, 24 январь.

Н. Норқулов.

МУНДАРИЖА

Ғ. Каримов, С. Долимов. Огаҳий-тарихчи	•
«Риёзуд-давла»дан	•
«Зубдатут-таворих»дан	•
Лугат : :	•
Изоҳлар	•

На узбекском языке

МУХАММАД РИЗО ОГАХИ

Сочинения в шести томах,

ТОМ V

ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИЧЕСКИХ СОЧИНЕНИЙ

Редакторлар *Н. Норқулов, В. Раҳмонов*

Рассом *Э. Исҳоқов*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *М. Холматова*.

ИБ №380

Босмахонага берилди 26. 04. 78. Босишга рухсат этилди 12. 09. 78. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 6,75. Шартли босма л. 11,34. Нашр л. 11,48. Тиражи 25 000. P.09656. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 168—76.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 1-қоғозга босилди. Тошкент. Навоий кўчаси, 30, 1978 йил. Заказ № 1135. Баҳоси 1 с. 30 т.